





Иброҳим Раҳим



ОРИЯТ  
ВА  
МАТОНАТ





Иброҳим Раҳим




ОРИЯТ  
ВА  
МАТОНАТ

ТОШКЕНТ  
“ЎЗБЕКИСТОН”  
2001

## МУАЛЛИФДАН

*Дунёга келиб ақл танибманки, Ватон ишқи билан яшайман,  
халқим меҳри билан тирикман, ўзимни унинг хизматига бағишлаганман. Шу боисдан ҳамisha халқ ҳаёти жўш урган қайноқ гўшалардан четда туролмайман, бинобарин, вилоятларда энг янги тарих яратётган баҳодирларнинг, мустақиллик йилларидаги бунёдкорлик жасоратию матонатини ўз кўзим билан кўриб, қувона-қувона қаламга олдим. Жойларда юз бераётган айрим нуқсонларни ҳам четлаб ўтолмадим. Қўлингиздаги ана шу китоб кузатувларимнинг бир шингил мевасидир.*

*И. Раҳим, 2001 й.*



ИФТИХОРИМСАН,  
БАТАН



## ДАРЁЛАР ЁЗНИДАН ОҚАДИ

Табиат қонунлари шундоқки, дайди дарёлар ҳам ўз ўзанидан оқади, от айланиб ўз қозигини топади, уммонларда сузган кемалар маёққа интилади, бултурги илдиэларидан қайта униб чиққан майсалар ҳам қуёшга талпинади. Табиатта хос бўлган бундай ҳодисалар кишилиқ жамиятида ҳам юз беради. Тарих тақозоси билан араблар истилосию чоризм зулм-занжири ва шўро сиртмоғида юрган қадимги ўзбек тулпори асрларни айланиб яна ўз олтин қозигини топди. Кўҳна Туркистон диёрида бир вақтлар қудратли давлат макони бўлмиш ўзбеклар элида энг янги тарих тилга кирди, дунё сиёсий харитасида “Ўзбекистон Республикаси” номи билан суверен давлат пайдо бўлди.

Мана, тўққиз йилдирки, қадимги дарёларимиз ҳам ўз ўзанидан оқмоқда. 1991 йилнинг олтин кузида бош кўтарган истиқлолимиз Ердан Қуёшга томон шаҳдам бормоқда.

Тарихан туб ўзгариш содир бўлган ўша онларда варағи очилган ўзбек истиқболининг йилномасига мана, тўққиз йилдирки, буюк истиқлол одимлари зарҳал ҳарфлар билан ёзилмоқда. Мен шу оламшумул воқелиқнинг жонли гувоҳи сифатида унинг билан изма-из юриб, ҳар нафаси ва ҳар бир қадамини ён дафтарга тушириб келмоқдаман.

Ҳар ишнинг бошловчиси бўлганидай, Ўзбекистонда Истиқлол қаҳрамони ва мустақиллик ташкилотчиси бўлиб, Самарқанднинг Даҳбеди гузари фуқароси мулла Абдугани оиласининг еттинчи ўғлони — етук иқтисодчи, истеъдодли давлат ва жамоат арбоби Ислои Каримов майдонга чиқди ва тақдир билан тарихнинг ўзи уни келажаги буюк давлатимизнинг биринчи Президенти қилиб қўйди. Халқ танилаб, сайлаб олган Президент Ислои Абдугани ўғли Каримов раҳбарлигида Ўзбекистон тўққиз

йилдан бери мустақил яшаб ва кундан-кунга юксалиб бормоқда.

Ким эдик — ким бўлдик? Қандай эдик — қайларга етдик? Таърифнинг қисқача баёни менимча бешта:

**Биринчиси.** Минг-минг йиллик маданиятимиз, таърифи кетган тарихимиз, Шарқдан Ғарбга, Шимолдан Жанубга қанот ёзган Туркий мамлакатимиз, қудратли давлатчилигимизу беҳисоб бойлигимиз — қадим маданий меросимиз бор эди. Анчайин Ғарб давлатларида аҳоли чориқ судраб, оёқларига латта боғлаб юрган кезларда бизнинг боболаримиз кимхоб кийиб, чарм этикда юрган эдилар. Тошбосма китоблар ғарбдан аввал бизда чоп этилганди. Тиббиёт Ғарбга Шарқдан, биздан таралганди. Бизнинг ипак йўлимиз туфайли Ғарб билан Шарқ қўлни-қўлга бериб, борди-келди, олди-сотди қилганди. Ирригация, деҳқончилик Мовароуннаҳримиздан тарқалганди, бизнинг деҳқонларимиз етиштирган қовунни Месопотамияга оқ туяларда олтин кўзаларда олиб борар эдилар.

Соҳибқирон Амир Темур қурган давлатимиз дунёнинг энг зўр давлати ҳисобланган эди. Соҳибқироннинг ўзи Россияни ҳам, Оврупони ҳам сақлаб қолган зот экани тарихга аён, Францияда “Европа ҳалоскори Амир Темурга” ўрнатилган ҳайкал бунинг тарихий гувоҳи эмасми! Ҳар йили Амир Темур таваллудининг шонли йиллигини биз билан бирга бутун дунёда байрам қилиниши бунинг ёрқин исботи эмасми!

Тақдиримиз шундоқ кечдики, ўша салтанатимиз парчаланди, бўлинганни бўри еди — чет эллик босқинчилар бирин-кетин юртимизни босиб олдилар, асрлар бўйи қарамликда яшадик, бошқалар учун ишладик, бойлигимиз ҳузурини ўшалар кўрди.

**Иккинчиси.** Интилганга толе ёр, дейдилар, ўзбек халқи асрлар бўйи озодликка интилди. Унинг не-не ўғлонлари озодлик учун курашда жон бердилар. Жамолиддиннинг жангу жадаллари, сарбадорларнинг “урҳо ур!”лари, беҳисоб кўзғолонларда чиниққан халқимиз қизил империя зулм-занжиридан ҳам қутула билди — 1991 йилнинг кузида истиқлолга эришди ва 1 сентябрни Муста-

қиллик қуни деб эълон қилди, халқимизнинг содиқ фарзанди Ислом Каримовни ўзининг биринчи Президенти қилиб сайлаб янглишмади. Халқимиз буюк келажак — унинг беш тамойилини танлаб ривожланишнинг даврга мос, ўзбекларга хос йўлини танлади. Шу йўл билан босқичма-босқич фаровонлик сари боряпмиз.

Ер-сув, ер ости, ер усти бойликлари ҳаммаси халқ мулки, ҳар бир фуқаро бойлиги бўлиб қолди. Олтинимиз ҳамёнимизга тушяпти. Экин-тикинимиз ўз омборимизга босияпти. Олтин қўлларимиз билан яратилган ўзбек маҳсулоғи дунё бозорини кўряпти. Дунёдаги нодир маҳсулотлар пешма-пеш келиб турибди. Жаҳон маданияти бизнинг ҳам меросимизга айланяпти. Буларнинг ҳаммаси буюк келажакимизнинг мустақкам пойдеворидир.

Мамлакатимиз энг илғор замонавий саноат маконига айланяпти. Ўзбек самолётсозлиги жаҳон бозоридан жой олди. Ўзбек автомобилсозлиги дунё бозорида рақобат қила оладиган энгил ва юк машиналари чиқара бошлади. Нефть, газ, сариқ ва оқ олтинимизнинг жаҳондаги бозори чаққон бўлиб қолди. Чунки биз шу тўққиз йил ичида ёнилғи мустақиллигига эришдик. Бу қимматбаҳо ашёни четдан сотиб олишдан кутулдик, аксинча, четта валютага сотишга қодирмиз. Юртимизда бу ишларни ўринлайдиган гигантлар қурилмоқда.

Бугунга келиб Ўзбекистонда икки улкан газ захираси топилди. Икки триллион кубометри хизматда. Бу — қанчадан-қанча энергия — қувват ва қудрат! Эндиликда машиналаримиз ҳам ўз газимизда юради. Қанчадан-қанча кимё ашёси! Эндиликда газдан кимё матолари тўқиймиз. Кўмирга ҳам жуда боймиз. Ҳозирча аниқланган захираси икки триллион тоннадан ортиқ! Нефть бойлигимиз ҳам беҳисоб! Бизда ҳозирнинг ўзида 160 дан ортиқ нефть кони мустақиллигимизга хизмат қиляпти. Уларда тўрт миллиард тоннадан ортиқ захира бор. Уларнинг умумий қиймати бир триллиондан зиёд Америка доллари билан баҳоланади.

Бугунги кунда олтин, уран ва бошқа рангли металлларга бой Ўзбекистонимизда қимматбаҳо маъдан хом ашёсининг 200 га яқин турини ўз ичига олган салкам уч минг кон топилган. Ҳозирда уларнинг 60 тасидан халқ

хўжалигида фойдаланилмоқда, холос. Яна янги конлар топилмоқда. Уларни ҳам халқ хўжалигимиз фойдасига ишлатиш энг яхши орзуларимиз бўлиб турибди. Мамлакатимиз пахта, олтин ва бошқа қимматбаҳо металллар захиралари бўйича жаҳонда еттинчи ўринда турибди.

Мустақил мамлакатимизнинг иқтисодиёти сиёсатидан устувор йўсинда ривож топмоқда. Аста-секин, босқичма-босқич бозор иқтисодиётига ўтмоқдамиз. Мамлакатимизда мулкдорлар синфи туғилмоқда, чунки хусусийлаштириш жадал суръатлар билан ривожланыпти. Ҳозир хусусий секторда хизмат қилаётганлар аҳолининг 60 фоизини ташкил этмоқда. Ялпи ички маҳсулотнинг тенг ярмини ана шу сектор етказиб берапти. Қишлоқда эса бу рақам 97 фоизга етиб қолди.

Учинчиси. Мустақил мамлакатимизнинг халқаро обрўси бениҳоя ошганида деб биламиз. Мустақиллигимизни бутун дунё тан олди. Жаҳондаги деярли барча мамлакатлар билан дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Россия, Америка Қўшма Штатлари, Олмония, Англия, Франция, Хитой, Ҳиндистон, Япония, Италия, Индонезия, Покистон, Қурия давлатлари билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилди. Улар билан қўшма корхоналар қурилди, савдо-сотик ривожланмоқда. Борди-келди кучаймоқда. Совет даврида бу ҳақда ўйлаш тақиқланган эди.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси байроғи остида мамлакатимиз мадҳиясини янграиб, давлат ташрифи билан қитъаларни кезиб чиқди. Муҳим давлат ҳужжатлари имзоланди. Уларнинг ҳаммаси ҳам муҳим, аммо муҳимларнинг муҳими бор. Президентимизнинг Италия билан АҚШга қилган давлат ташрифи ўз эътибори билан муҳимларнинг муҳими — оламшумул ташриф бўлди. Бу ташриф мустақил Ўзбекистонимизнинг энг янги тарихида янги даврни бошлаб берди.

Аввало, Италия ташрифи Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи давлатлари ҳукумат раҳбарларининг учрашувига айланди. Унда Ўзбекистон — Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди. Бу — бебаҳо ҳужжатдир. Ўзбекистон Европанинг буюк дав-

латлари қаторига кирди, улар билан шерик ва ҳамкор бўлди. Катта обрў, зўр эътибор шунчалардир.

Бу омиллар мустақил давлатимизнинг хавфсизлиги ва тинч-тотув ривожланишининг гаровларидандир.

Президентимизнинг Америка Қўшма Штатларига ташрифи иқтисодий, сиёсий баркамоллигимизнинг ўзига хос намоёниши бўлди, десак лоф эмас. Америка Қўшма Штатларидай қудратли давлатнинг раҳбари “Биз Ўзбекистонни Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлашда муҳим ҳамкоримиз деб биламиз” деди. Маълумки, Ўзбекистон НАТОнинг тинчлик йўлидаги ҳамкоридир. Ўзбекистоннинг АҚШ ва Россия билан Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги ҳамкорлиги, айниқса, давлатимизнинг хавфсизлигини кафолатлайдиган ва тинч бунёдкорлик ишларини давом эттиришга имкон берадиган муҳим воқеадир.

**Тўртинчиси.** Ўзбекистон Республикаси ўзининг мустақилликка эришганига тўққиз йил тўлиши арафасида Шарқ ва Ғарбга кенг савдо йўллари очди. Эндиликда пахтамиз, олтинимиз ва қимматбаҳо матоларимиз Туркменистон, Озарбайжон, Грузия ва Руминия, Латвия портлари орқали Европага ва ундан нарига етиб боради, дунё моллари ҳам бизга шу йўл билан тез ва арзон келиб туради.

**Бешинчиси** ва энг муҳими шундаки, Ўзбекистон ҳеч вақт ҳозиргидай жипс ва барқарор яхлит яшамаган эди деса бўлади. Шу туфайли саноат ишлаб чиқариши юксалди, деҳқончилик маҳсулоти тобора ўсаяпти. Қувонарли жойи шундаки, она ердан унумли фойдаланишни билиб олди. Экин майдонларидан йилига икки-уч ҳосил олишни бошлади. Ғалла ерига пахта, унинг ўрнига қишқи экинлар экиб, юртимизнинг ғалла мустақиллигини ҳам таъминламоқдамиз.

Умун тараққиёт жараёнида қийинчилик ва камчиликлар бўлиши табиий. Аммо умумий юксалиш қудрати бу камчиликларимизни ҳам тўлдириб юбориши ҳеч гапмас!

Хулоса қилиб айтганда, мустақиллигимизнинг тўққиз йили асрларга тенг юксалиш ва бетакрор сифат ўзгариши бўлди. Офарин!

2000 йил

## ТИЛИМИЗ ХАЛҚАРО ТИЛГА АЙЛАНМОҚДА

Тилимиз ниҳоятда бой тил экани қадимдан маълум. Ўзбек тилининг кўп маъноли, нозик ва қочирмаларга бой, сержило ва ипақдай майин тил эканини бугун жаҳон тан олган. Дунё тилшунослари ўтказган сўз бойлигини аниқлаш тадқиқотларига кўра, ўзбек адабиёти асосчиси, шеърят султони Алишер Навоий жаҳонда биринчи ўринни эгаллагани, ундан кейин Пушкин, учинчи ўрин эса Шекспирга насиб қилгани маданият дунёсига кўпдан маълум ва машхур.

Минг афсус ва надоматлар бўлсинки, ана шу бой ва бадавлат, равон ва оҳангдор тилимиз неча ўн йиллаб камситилиб келинди, ҳатто, ўзбек тилини “истикболсиз тил” деб эълон қилдилар.

Минг-минг шукроналар бўлсинки, мустақилликка эришдик ва мустақиллигимиз она тилимиздан бошланди — дастлаб ўзбек тилига “давлат тили” мақоми берилди, сал ўтмай, қўлга киритилган мустақиллик туфайли ўз Конституциямизнинг 4-моддаси “Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир” деб тасдиқлаб қўйди.

Мустақиллигимиз туфайли тилимиз яшнаб, бойиб бормоқда, ҳатто, “истикболсиз тил” деб камситилган ўзбек тили санъатимиз ва спортимиз орқали дунёда инсонлар дили ва тилига қиряпти. Бинобарин, у аста-секин жаҳон тилига айланмоқда. Холисанлилло айтиш керакки, бу ишда Юртбошимиз Ислом Каримовнинг хизмати катта бўлди. Тилимизни ривожлантиришда Ислом Каримовнинг шахсан ўзи намуна бўлмоқда. Унинг ўзбек тилидаги нутқ ва маърузаларидан бошқа раҳбарлар ўрناق олсалар арзийди. Энг муҳими, Ислом Каримов эндиликда ўзбек тилини дунё муомаласидаги расмий тилга айлантириш учун кураш бошлади. Бу кураш — ўзбекча миллий кураш атамалари жаҳон спорти атамаларига айланишидан бошланди. Ўзбек кураши дунё спортининг айрилмас қисми бўлиб қолди. Ўзбекнинг “кураш, ҳалол, фирром, ёнбош, чала, тўла, ғалаба” каби атамалари дунёдаги барча тилларда бирдай ўзбекона янграмоқда. Ку-

раш орқали ўзбекнинг миллий спорт либослари ҳам бутун дунёда ўзбекча номда модага кирди.

Ўзбек тили санъаткорларимиз, айниқса, кўшиқчиларимиз орқали ҳам дунё халқлари дилига ўрнашиб, дилдан тилига кўчмоқда. Францияда, Германияда ўзбек тилида ашула, кўшиқ айтувчи йигит-қизлар кундан-кунга кўпаймоқда. АҚШда ўзбек тилини ўрганувчи курслар бор. Уларга ўзбек тилини ўрганган америкаликларнинг ўзлари дарс бермоқдалар. Американинг Сизтл, Германиянинг Берлин шаҳарларида ўзбекчадан инглиз ва немис тилига ағдарувчи таржимонлар гуруҳи етишиб чиқди ва улар самарали ишлар қилмоқдалар. Ўзбек тилини ўрганишга дунёда қизиқиш шундай каттаки, кўплаб мутахассислар Ўзбекистонга оилалари билан кўчиб келиб, маҳаллаларда, ўзбек оилалари ичида яшаб, ишлаб, тилимизни ўрганмоқдалар. Улар ўз юртларига қайтиб бориб, бошқаларга ҳам ўргатадилар, албатта.

Мустақилликда ривожланган иқтисодийтимиз туфайли маҳсулотимизни дунё бозорида сотмоқдамиз. Четга чиқарилган маҳсулотларимизга “Маде ин Ўзбекистан”, деб ёзилаётгани, энди бу тамғалар ҳам ўзбекона тус олади — “Ўзбекистон маҳсулоти” ёки “Ўзбекистонда тўқилган” сингари ўзбекча сўзлар билан ёзилади. Бундан буён экспорт молларимиз номи, олимларимиз ихтиролари ҳам ўзбекча номланади.

Хуллас калом, 1999 йилда бир қатор ўзбек сўзлари жаҳон халқлари лексиконига кирди. 2000 йилдан бошлаб XX асрда кенг оммалашган, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг расмий тиллари бўлиб хизмат қилаётган инглиз, француз, немис, рус, араб тиллари қаторида ўзбек тили ҳам жаранглаб турса ажаб эмас. Ўзбек халқининг қудратли давлати янглиғ она тили ҳам иншооллоҳ келажакнинг буюк тилларидан бири бўлишига умидворимиз!

*1999 йил*

## ОНА ЮРТИМ, НАВРЎЗ МУБОРАК!

Наврўзни табиатнинг зардўзи, дегим келади. Чунки Наврўз ўзи билан оламжаҳон янгилик, гўзаллик, яхшилик, илиқлик, шодликни бошлаб келади. Қадим-қадимлардан бери шундоқ: Наврўз илк баҳорда, осмон булутлари сийраклашиб, оқаришиб, қуёшга йўл очган палларда келади. У келиши билан гиёҳлар униб чиқиб, чор атрофни духобага қоплайди. Дарахтлар уйғониб, куртак отади, мажнунтолар кокил ташлаб, қизалоқларга сочпопук улашади. Боғлар теваракка анвойи ҳид таратади. Киш бўйи ер остида яшириниб ётган илиқлик юзага ўрмалаб чиқади. Бир сўз билан айтганда, шу уйғониш онларида кундуз билан тун тенглашади. Куннинг 12 соати кундуз, 12 соати тун билан қолади-да!

Ана шу лаҳзадан Наврўз — Янги кун бошланади. Ана шу Янги кундан Янги йил бошланади. Бинобарин, Наврўз Янги йилнинг янги куни демакдир.

Қадимда Наврўзни, тунни кунга тенглаб, Янги йилни бошлаб келган гул баҳордир табиати, янгилашдир хосияти, деб таърифлаганлар. Табиатни уйғотиб, тўрт томонни яшнатиб келган бу кунни шаҳарларда Янги йил сифатида байрам қилганлар, қишлоқларда эса, далага кўш чиқариш, зироат уруғини сепиш, кўчат ўтқазиш маросимлари шаклида тантана қилганлар.

Дехқонларнинг бундай тантанали маросимларини ёш болалик чоғимда кўп кўрганман. Дехқон оилалари болачақалари билан қир-адирлар бағрига чиқиб, қозон осиб, таом пиширардилар. Биз — болалар, ёшлар адир, қир, жилғалардан бойчечак, чучмома, ялғиз, жағ-жағ териб келардик. Оналаримиз улардан кўк сомса, кўк чучвара пишириб берардилар. Тушлиқдан кейин дехқонлар йиғилганлардан фотиҳа олиб, ерга омоч солар эдилар. Шу билан дехқончиликнинг ҳам янги йили бошланиб кетарди.

Наврўз кунлари қишлоқ аёллари тўғланишиб, қалпа-на билан дошқозонларда тонг отгунча сумалак пиширардилар. Нима учун сумалак? Чунки сумалак ундирилган бўғдой кўкидан пиширилди. Аввало, у энг яхши дармондори бўлиб, уни тановул қилган кишини қиш вази-

ятидан баҳор вазиятига олиб кирадиган мезоний омил, қолаверса, баҳорги ёмғирни чақирувчи ният тимсолидир. Ҳар ҳолда, сумалак ҳар жиҳатдан инсонга фойдали бўлиб, Наврўзнинг ҳусни, чиройи ҳисобланади.

Қишлоқларнинг марказларида тантаналар давом этарди. Уч-тўрт киши маҳаллалардан пул йиғиб, жонлиқ сўяр, катта қозон остириб, шўрва, палов пиширардилар-да, кўпчиликка дастурхон тузардилар. Ўткинчи йўловчилар ҳам даврага чақирилиб, меҳмон қилинади эди.

Кейинчалик мен Тошкентда яшаган вақтларимда ҳам маҳаллалардаги Наврўз байрамларида ишгирок этганман. Қозон-қозон сумалак пиширилиб, катта дастурхонлар ёзилиб, патир, сомса, қатламаю турли-туман пишириқлар тортилиб, шоду хуррамлик давралари қурганларининг гувоҳи бўлганман. Бироқ совет даврида Наврўзни “дин байрами” деб эълон қилиб, уни бекор қилдилар. Бу ўта нодонлик эди. Сабаби ҳақиқатни билмас, тарихни тан олмас эдилар. Аслида Наврўз Ислом дини пайдо бўлмасдан анча замонлар аввал дунёга келган ва у табиатнинг мезони, йилнинг янги фасли бошланиши, яъни омма кўзи олдида, Янги йил бошланиши эди. Халқ бу санани — қосиблар иш режимини мутаносиблаш, деҳқонлар далага кўш чиқариш маросимлари билан боғлаб байрам қиларди. Чўрткесар большевиклар халқимизнинг бу яхши одатини қоралаб, қарғишга қолдилар.

Юртимиз мустақилликка эришуви билан мамлакатимизга Наврўз байрами яна қайтиб келди. Келганда ҳам бутун буй-бастию салоҳияти ва қадим маънавияти билан янгилашиб келди. Бу йилги Наврўз балоғатга етган, камол топган анъанавий байрам сифатида шодиёна қилинади.

Бу йилги Наврўз тамомила ўзгача бўлиб, у мустақиллик, озод ва эркинлик, миллий уйғониш кўзгусидир. Бу улуғ баҳор айёмига шаҳар ва қишлоқларда зўр тайёргарлик олиб борилмоқда. Тошкент шаҳри яшил либос ичида, кўркем бинолари жилоланган ҳолда, халқ ижодиёти гуркираган вазиятда Наврўзни кутмоқда. Ҳар уйда сумалак қайнаётти, кўчада шодлик, бирдамлик ва ҳамкорлик ҳукм сурмоқда. Наврўз муносабати билан ночорларга

иқтисодий мурувват кўрсатиш ўн кунлиги эълон қилинган. Наврўз шодиёнаси ҳеч кимни четлаб ўтмайди.

Дала-даштар дув тўкилган қордан қутулиб, яшил либосда енгил нафас олмақда. Бугдойзорларда бўлажак хирмонга, дон ва тандирларга нон берадиган ҳосил яшнаб, гуркираб ўсмоқдаки, кўзлар қувонади. Боғ-роғлар чирой очмоқда, мевали дарахтлар пардоздан бежирим товланмоқда. Кузда шудгорланган ерлар аста-секин егилиб, пушта олинишига тайёр. Далаларнинг шохариқлари, зовурлари ҳаёт сувини қабул қилишга ҳозир турипти. Замонавий улов — ҳайдов тракторлари, экиш агрегатлари атайлаб Наврўз байрамига бел болагандай хизматга шай бўлиб, саф тортиб турипти. Бу йилги Наврўзнинг чиройи ва хосияти ана шунда.

Бу йилги Наврўзнинг “Соғлом авлод йили” билан кибриб келганининг хосияти ҳам жуда бебаҳодир. Бу йилги Наврўз байрами Курбон ҳайити шодиёналарининг давомидай. Байрам байрамларга уланиб кетиши билан қадрли, салобатлидир. Бундан буён ҳар кунимиз Наврўз бўлсин, дегим келади.

*2000 йил*

## ЭЛИК ОДАМ ОИЛАСИ

Қашқадарёда пиру бадавлат оила ҳаётини воҳадаги “Кўнғир тоғ”га ўшатадилар. Бу азим тоғни халқда “Эски тоғ” ҳам дейдилар. Нима учун “Эски тоғ”? Чунки унинг Қарши чўлию Қашқадарёлари биқинида қандай пайдо бўлганини ҳеч ким билмайди, аммо унинг ҳаётини, хизматини ҳамма яхши билади. Эмиш бу пастаккина “эски тоғ” олис-олисларда милтиллаган юлдузларнинг тенгдоши бўлиб қадим замонлардан бери мудом бир хилда яшармиш — на бошқа тоғлар янглиғ кўкка бўй чўзиб кеккаймас, ҳеч жойи тошга ҳам айланмас, жисмидаги борлиқ бисоти — бўз тупроқнинг барини яйловларга, бугдойзору пахтазорларга улашиб турармиш ва бўйига эмас, пастига, оёғига ўсармиш. Ер бағирлаб ётган қорақўл

кўзичоғидай ҳусн кўрсатиб, оёқлари Ўрол тоғларида, кўнғир боши Помир этақларида кўриниш берармиш. Устки кўриниши ҳам қоракўл кўзисидай кўнғир, баҳорда яшил, ёзда замбоқи, кузда кулранг, қишда кумуш янглиғ товланиб туради. Аммо қайси йўсинда бўлмасин, қишин-ёзин эл хизматида бўлади. Шунинг учунми, уни “Сахий тоғ” ҳам дейдилар. Шундан бўлса керакки, айрим одамохун шахсларни ҳам шу тоққа қиёслаб сифатлайдилар.

Бир гуруҳ ёзувчилар уюшмамиз раҳбари, замонамизнинг улуғ шоири ҳожи Абдулла Ориповнинг марҳум падари бузруквори руҳи покини хотирлаш маросимида иштирок этдик. Тонгдан шомгача давом этган маъракада узоқ-яқиндан келди-кетди бўлиб турди. Оппоқ соқоли кўксини қоплаган нуронийлардан тортиб, воҳанинг донгдорларию дала ва яйловларнинг норғул йигитлари, ёш-яланг тиловат қуръон бажо айлаб, бир аср намунали умр кўрган, эл-юрт азизи Ориф бобо Убайдулло ўглининг ибратли ишларини ёдлаб, улуғ зотнинг шаънига ҳамду санолар айтганларининг гувоҳи бўлдик.

Даврада ўтирган нуронийлардан бири “У киши инсонлар орасидаги “кўнғир тоғ” эди”, деди. “Кўнғир тоғ”нинг хислатию хосиятини яхши билардим. Ориф бобони ўша тоққа ўхшатилиши мени қизиқтириб қўйди-да, ўша нуроний билан суҳбат қургим келди. Ҳушёр одамларнинг садағаси кетсанг арзийди, ёнимда ўтирган яна бир нуроний ниятимни сизди шекилли, “Бу киши бир юз одам оиласининг отаси Исом Жалилов бўладилар”, деб таништириб қўйди.

— Оила бошқаришни раҳматли Ориф бободан ўрганганмиз,— деб гап бошлади нуроний Исом Жалилов.— Ўзининг рўзғори катта бўлишига қарамай, ўнлаб етим-есирларни қанотига олиб, бошини силади, боқиб вояга етказди, баъзиларини уйлаб-жойлади. Ўзи бойлик орттирмади, топганини бошқаларга едириб-ичирди, кўриб турибсиз, ўшандай одам кошона ҳам яратмай, оддий кулбада яшади.

Мен ул бобони Қашқадарёга ҳам ўхшатаман. Негаки Қашқадарё тоғлардаги булоқлардан, адирлардаги ирмоқ-

лардан тиниқ сув тўплаб, экинзорларга улашади, йўл-йўлакай яна Жиннидарё, Оқарсув, Танхўздарё, Фузордар-ёларни қўшиб олади-да, чанқоқ ерларга тақсимлаб боради, манзилига етгунча эса Шўрабсой, Макридсой, Оёқчи-сой, Қалқамасой каби йиғирмата сойни қаърига тортиб, серсув дарё бўлиб тўлиб оқади ва текисликка чиққач, ҳам-масини яйловлару далаларга, боғ-роғларга беради-да, қуйи оқимида Маймоқдарё шаклига кириб, бор бисотини Қар-ши даштига ҳада қилиб, ўзи ҳам адо бўлади.

Уруш йиллари Ориф бобо бор бисотини халқига улаш-ди, ҳар куни дошқозонда суюқ овқат пишириб, бева-бе-чораларни боқди. Ориф бобонинг ҳамма болалари отаси-дай сахий ва ажойиб арбоб бўлиб етишдилар. Халқимиз-нинг ардоқли шоири Абдулла Ориповни ижод йўлига солган киши ҳам Ориф бобо эди. Чунки у кишининг ўзи мумтоз адабиёт мухлиси бўлиб, бадий фикрловчи инсон эди.

Суҳбатдошим ўздан бошқа яна бир неча ибратли оилалар хусусида гапира кетди. Мен у кишини кўпроқ бояги нуруний айтган “бир юз одам оиласи” хусусида сўзлаб беришини илтимос қилдим.

— Бир қишлоқнинг юз одами бизнинг оилага тегиш-ли эди. Авлодимиз серфарзанд бўлгани учун бора-бора Зоғза қишлоғидан нарига ҳам томир отди. Афсуски, ша-жара битмаган эканмиз, санаб саноғига етолмайман. Бир ўзимнинг тўққиз ўғлим уйланиб, бир қизим куёв кўргач, йиғирма икки киши бўлди. Улар ҳам фарзандли бўлгач, 26 неварали бўлдим. Худди буюртма қилгандай 13 ўғил, 13 қиз невараларим бор. Уларни ҳам уйлаб-жойлай бош-ладик. Улардан ҳозир икки авара кўрдим. Шу кунларда эллик жон менинг фамилиямда юради. Бизни “эллик жон-ли оила” деб атагувчилар кўп.

— Эллик жон бир ҳовлида турадими?

— Кошки эди! Афсуски, шунча жонни сиғдирадиган ҳовли-жойим йўқ. Ўшандай кошонам бўлганида ҳамма-сини қанотим остида авайлаб-асрардим. Улар ҳар ҳафта-да бир марта уйимга тўпланадилар. Якшанба кунлари уйимизда катта тўй бўлиб кетади. Қишлоғимизда яшай-диган ака-укаларим, амакиларимнинг болалари қўшил-са, бир ҳовлида бутун бир колхоз жамланиб, анжуман

ўтказаетгандай гавжум бўлади. Кўчамиздан ўтаётган йўловчилар ҳавас қилибми, қизиқсинибми, тўхталиб, нигоҳ ташлаб ўтадилар.

Исом Жалиловнинг таржиман ҳоли ҳам гўё қизиқарли дostonдай ноёб. Исом Жалилов бобоси Очил эшон уйида туғилиб катта бўлган, эсини танигач, Зоғза қишлоғидаги дурадгор, кўччакор, чармагар, холвачи ва кошиблар қаторида яшайдиган бир юз жон уларнинг оиласига тобе бўлиб, Очил эшон бошчилигида кун кечирган. Вақт ўтган сари катталар бирин-кетин оламдан ўтдилар. 1930 йилга келиб Исомжоннинг дадаси Жалил Очилов ҳам дунёдан кўз юмди. Тез орада онаси ҳам вафот этди. Фарзандлари тўнғич ўғил Исомжон қармоғида қолди.

Ёшгина Исомжон рўзғор тебратиш учун Бешкент босмахонасига бориб ҳарф терувчи бўлди, топганига озиқ-овқат олиб, етим жужуқларга ташиди. Исомжон астойдил обрў учун ишлади, кейин обрў унинг учун ишлай бошлади-да, илғор босмахона ишчисини пастдан юқорига кўтара бошлади. Дастлаб ёшлар ташкилотида, кейин райкомда бўлим мудири бўлиб ишлади.

Уша кезларда “Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун ишлайди” деган шиор бор эди. Исом ўз оиласидаги ҳамма учун югуриб-елди. Кейин оилада ҳамма бир бўлиб уни 1942 йилнинг 9 феврал куни Асалхон исмли қизга уйлантириб қўйдилар. Келин-куёв атиги 20 кун, яъни ярим чилласигача бир ёстиққа бош қўйдилар. Никоҳнинг йигирманчи куни Исом Жалилов “Ватан чақирибди, ёшим тўлибди, ёрим яхши қол!” деб фронтга жўнаб кетди.

Иккинчи жаҳон урушида у “уруш худоси” деб аталмиш гвардиячи артиллерияда тўпчи бўлиб жанг қилди, дастлаб Астраханни, кейин Сталинградни ҳимоя қилди ва 1942 йил 20 ноябр куни оёғидан яраланди, яраси тузалгач, яна сафга қўшилди, Воронежни озод қилиш учун бўлган жангларда 1943 йил июлида иккинчи бор ярадор бўлиб, госпиталларда даволанса ҳам армия сафини тарк этмади — автотехротода урушни якунлаб, 1945 йили ноябр ойида уйига қайтиб келди.



Жонажон юрти, севимли Ватани, йигирма кунлик келинчак бўзлаб қолган ота-она уйида уни ажойиб хурсандчилик кутмоқда эди. Ҳарбий кийимда хаёли ғарқ, ҳаяжонли шавқ билан дарвозани қоққан Исом тўпчи ба-ногоҳ “дада!” деган жарангдор ўғлон овозини эшитиб, боши осмонга етди. Дарвоза очилдию, тўрт йил аввал чимилдиқда бўзлаб қолган, уруш йиллари давомида вас-лига зор-зор бўлиб кутган Асалхонидан туғилиб отасиз ўсган уч яшар ўғилча “дада!” деб отасининг бўйнига таш-ланди.

— Ўғлим!— дедию, бағрига босди.

— Мени танидингизми, дадажон, мен Низомиддин-ман. Сизни дарровда танидим. Суратингизни ҳар куни кўп-кўп, лўп-лўп ўпаман!

— Вой, дадаси, эсон-омон келдингизми,— деди Асал-хон ота-болани бирга кучоқлаб.— Йўлингизга кўзлари-миз нигорон эди. Низомиддин “Дадам қачон келадилар”, деб кўчадан ўтган одамлардан, баланд учган қушлардан сўрайвериб, мана уч ёшга етди. Еткизганига шукр.

Йиғилди одам, йиғилди одам... Зағза қишлоғи одамла-ри уларнинг ҳовлисига сизмай кетди. Бу уй Асалхон ке-лин бўлиб тушган никоҳ тўйида бунчалар гавжум бўлма-ганди. Ўша қутли кундан эъгиборан бу уйдан тўй-томо-ша аримади. Чунки собиқ ҳарф терувчи ва жанговар тўпчининг бахтли оиласига уст-устига ўғлонлар қўши-либ турди. Баҳодиржон, Бахриддин, Баҳромжон, Бахти-ёр, Исломжон, Мирғулом, Меҳринисо, Миролим, Суръатжон... улар туфайли ҳар йили бешик тўйи, хатна тўйи, никоҳ тўйлари.

Исом Жалилов тинч қурилиш даврида ҳам фронтча-сига обрў учун ишлаб, эл-юртда обрў қозонди, ҳалол меҳнатидан топган обрў эса унинг бахтли ҳаёт кечири-шига хизмат қилди. Урушдан келиб журналист, муҳар-рир бўлиб матбуотда ишлаган Жалилов поғонама-поғо-на вилоят миқёсидаги масъул раҳбарлик лавозимларида ишлади. 1989 йили нафақага чиқиб, фахрийлар қаторига қўшилиб олгач, жамоат ишларининг толмас фаолига айланди. Вилоятда маҳаллаю нуронийлар жамоаларининг биронта иши унинг иштирокисиз ўтмайди.

Тўққиз ўғил, бир қиздан иборат Жалиловларнинг ҳаммаси олий маълумотли бўлиб, ишлаб чиқаришда ишлайдилар. Икки ўғил вилоятда энергетик, иккиси Қаршистрой қурувчиси, қолган фарзандлар ҳам муҳандис, шифокор, йўл сазловчи бўлиб ишлайдилар.

Тўққиз келин, бир куёв ҳам олий маълумотли бўлиб, ҳаётимизнинг муҳим соҳаларида меҳнат қилмоқдалар. Улар қаерда хизматда бўлмасин, оила юмуши, бола тарбиясидан четда эмаслар. Шунинг учунми, уларнинг фарзандлари бўлмиш йигирма олти боланинг ҳаммаси мактабда қолаётган эмас, аъло баҳоларда ўқийди, уларнинг кўплари институтларда таълим олмоқдалар.

“Эллик жонли Жалилов оиласи”нинг ҳар бир аъзоси “юз жонли Очил эшон оиласи” анъанасига содиқ бўлиб, бир оёғи ота-бобо уйдан узилмайди. Улар хизмати, ўқиши боис қаерда бўлсалар ҳам якшанба куни Исом ота уйига тўпланади. Бундан мақсад дийдор кўриш, ҳол-аҳвол сўраш, гурунглашиб, ҳордиқ чиқаришдан ташқари, оила бирлигини жипслаш, ўзаро меҳр-оқибат, қадр-қиммат ришталарини мустаҳкамлашдан иборатдир.

“Эллик жонли оила”да яна битта одат бор. Ўғил-қизлар, неваралар ота ҳовлисини гулдай тутиш ва мевазору томорқа экинини парвариш қилиш кафилини олганлар. Ҳар баҳорда экинни экиб, ёзда парвариш қилиб, кузда ҳосилини йиғиб бериш каби ишлар ўзаро тақсимлаб қўйилган. Бу ишларнинг режаси ва жадвали бор. Ҳар якшанба куни ота уйида жам бўлганларида шу режа ва жадвалнинг бажарилиши ҳам “эллик жон” орасида кўриқдан ўтади.

Ҳавасинг келади. Қани энди бундай оила ҳар жойда бўлса ва шундай меҳр-оқибат ҳамма оилада камол топса!..

1998 йил

## АНДИЖОННИНГ ДУРДОНАЛАРИ

(“Иккинчи Япония”)

Минг марта эшитгандан бир марта кўрган яхши, дейди доно халқимиз. Андижон вилоятини бир жиҳатдан Японияга, андижонликларни кўп жиҳатдан японларга ўхшатар эдилар. Андижон ва андижонликнинг табияти, этник хусусияти, иқлими, тузум ва тизимлари, тили ва урфи узоқдаги Япониядан мутлақ фарқ қилса-да, андижонликнинг қисмати ва хислати жиҳатидан у билан ўхшашлик мавжуддир.

Қисмати ўхшашлиги нимада?

Андижон вилояти ҳам Япония янглиғ оз ерда кўп ва зич аҳоли яшайдиган ўлка. Ўзбекистон халқининг ўн фоизини ташкил этган Андижон вилояти аҳолиси давлатимиз харитасидаги жами ернинг атиги бир фоизини эгаллайди, холос. Сирасини айтганда, ер-сувимизнинг ҳар бир қулочида бир андижонлик истиқомат қилади. Бу озми, кўпми? Етарлими ёки йўқми?

Инсон яшайдиган Ер юзида одам жойлашуви жиҳатидан ноёб мисоллардан биттаси бу. Уни фақат Японияга таққослаш ўринли. Андижон вилоятининг Япониядаги сингари ер ости, ер усти табиий бойликлари ҳам мўл эмас. Аммо Андижон энг буюк бойликка — ажойиб халққа эга. Бу жиҳатдан японлар билан ўхшашдир.

— Хислат ўхшашлиги нимада?

— Бу ўхшашлик — меҳнатсеварлик, изланувчанлик ва тиришқоқликдир.

Маълумки, япон халқи куруқ жойда бечораликда яшар эди. У халқ онгли ҳаёти бошланишиданоқ тирикчилик ўтказиш учун тиришди, кейин-кейин турмуш даражасини кўтариш учун фикр юритди, изланди, чора-тадбирлар қидирди. Изласанг — топасан, интилганга тангри ёр, деганларидай тиришқоқ япон халқи ниятига етди, ҳаракатда баракат топди-да, яйдоқ ва кичик ерда бадавлат ҳаёт, юксак маданият, замонавий техник қудратга эга бўлди. Ҳозир Япония кўп жиҳатдан дунёдаги энг бой Америка Қўшма Штатларидан ҳам ўзиб яшамоқда.

Япон халқи билан қисмат ва хислат ўхшашлиги бўлган Андижон халқи ҳам улардек мўъжизалар яратиб, толеида

ҳам японларга тенглашиб олса ажаб эмас. Бунинг учун япончасига интилиш, қидириш, тинмай изланиш ва тиришқоқлик зарур. Ҳар бир андижонлик бу ҳақиқатни яхши билади ва ана шунга талпинмоқда.

Азалдан эл орасида бир нақл юради: эмиш, тангри инсониятга хислат улашаётганда андижонликка қисматидаги кам ерлик ҳисобига бўлса керак, ақл-идрок ила фаросат ва жасорат, журъат ва матонатга кўшиб, суръат ҳам инъом қилибди. Шу боисдан Андижон одамлари баркамол хислатга молик бўлиб, ҳар ишда ақл-идрок, яъни, ташаббус кўрсатиб, журъат ва жасорат ила жадал суръат, ноёб матонат намойишкори бўлиб етилибди. Андижонликлар бу етукликни Мустақилликка эришган кунларимизданоқ намойиш қила бошладилар. Ҳисоблаб қарасам, Мустақиллигимизнинг шонли тўққиз йўлчилигига улар олтига антиқа совға инъом этибдилар. Буларнинг ҳар бири Мустақиллигимиз биносига қўйилган антиқа пойдевор, иморатига олтин устун!

Бу антиқа пойдевору олтин устунлар нималардан иборат? Келинг, биргалашиб санаб чиқайлик.

### **“Олтин водий” поезда**

Чиройли ном билан “Олтин водий” деб аталмиш Андижон — Тошкент ва Тошкент — Андижон орасида шиддат ила қатновчи тезюар янги пассажир поездининг пайдо бўлиши андижонлик ташаббускорларнинг истиқлолга ва Мустақиллигимизнинг илк қадамига бағишланган биринчи антиқа тухфаси эди.

Маълумки, собиқ иттифоқ чок-чокидан парчаланиб, собиқ республикалар мустақил давлат бўлиб тиклана бошлагач, марказий давлат монополияси бўлмиш “Темир йўл державаси” ҳам изидан қулади. Пўлат излардаги қатнов пароканда бўлди. Ана ўшанда андижонликлар биринчи бўлиб, мажақ вагонларни таъмирлаб, бузуқ йўлларни текислаб, пассажир транспортининг шаҳаншоҳи бўлмиш тезюар, комфортабел поездини бўяб-бежаб, юмшоқ жиҳозлаб, мустақил давлат пойтахтини гўзал музофот билан улашди.

Андижонликларнинг бу ўта савобли, антиқа ташаббусидан барча баравар наф кўрди. Ана шулар орасида мен ҳам борман. “Олтин водий”нинг антиқа “СВ”сида, яъни дид билан ўзбекона жиҳозланган махсус вагонда ёйилиб, ўзимизники бўлганидан гердайиб, ҳузур қилиб, гўзал Фарғонага бордим ва истиқлол нашъасини суриб, Мустақиллик неъматидан бениҳоя шод бўлган юртдошларимнинг гулгун чеҳраларига тўйиб, яна “Олтин водий” “СВ”сида пойтахтга қайтдим. Шодлигимни унутолмайман!

Андижонлик темирйўлчилар бошлаб берган бу ташаббус секин-аста бутун мамлакатга ёйилди. Ҳар ишнинг бошланиши қийин бўлади. Аммо андижонликлар қийинни ҳам осон қилиш йўлини топиб берганликлари билан эъзозлидирлар. Ҳозир жанубий ҳудудларимизда темир йўл қатновини йўлга қўяётган темирйўлчилар андижонлик биродарларининг тажрибаларини жорий қилаётганларидан бениҳоя мамнунлар.

### Плёнка ости пахтаси

Ҳар ишнинг бошловчиси бўлади. Мамлакатимизда плёнка остида пахта етиштиришни андижонлик деҳқонлар бошлаб бердилар. Ташқаридан қараганда ҳашаматли, серҳаракат бўлиб кўринган, кейинча деҳқонбоп бўлиб қолган бу усул, яъни плёнка остида чигит экиб, гўза ўстириш усули андижонликларнинг изланувчанлигидан дарақдир.

Ер оз — икки ярим миллион кишига 200 минг гектар холос. Кўриниб турибдики, ишчи кучи кўп, ейдиган оғиз ундан ҳам кўп. Аҳолининг асосий қисми забардаст ёшлар. Қолаверса, андижонликлар орасида худога шукр, туғилиш ҳам кўп. Айрим маълумотларга қараганда Андижон аҳолиси йилига етмиш саккиз минг кишига кўпайяпти. Ўсиш ҳам антиқа. Ҳар йили бутун бир туман аҳолиси сонига тенг ўсиш бўляпти.

Шунча аҳолини иш билан таъминлаш, едириб-ичириш, қийинтириш осонми! Андижон ери минг бор ҳосилдор бўлса ҳамки, шунча одам талабини қондира олмайди. Ёрни кенгайтириб бўлмайди — ҳар томондан тоғлар, чегаралар қисиб қўйган. Талаб катта. Аҳолини тўйдириб боқиш керак. Осмон узоқ, ер қаттиқ ва тор. Йложини то-

пиш учун доимо изланиш, қидириш ва яна, яна изланиш керак. Вилоят ҳокими Қобулжон Обидов бошчилигидаги бир гуруҳ мутахассислар чигитни плёнка остида экиш усулини топдилар. 1995 йили 71 гектар ерда плёнка остига чигит экилди.

Синамаганни сийламас, деганларидай, бу усул ҳали синовдан ўтмагани учунми, дастлаб унга шубҳа билан қарадилар.

— Шубҳага ўрин йўқ!— деди вилоят ҳокими Қобулжон Обидов ва қаттиқ туриб уни ҳимоя қилди.— Пахтачилигимиз келажаги, Андижоннинг эртаси плёнка остида турибди, чекиниш йўқ!

Шундай қилиб, ўша йилги плёнка остидаги пахта ҳаманинг кўзини очди. Сарф-харажат кўпроқ бўлса-да, меҳнати кам бўлди, кам сув ичиб, ҳосили кўп бўлиб, даромади буромадини қоплабгина қолмай, деҳқонга яна мўмай пул тушди. Унинг бундан бошқа афзалликлари ҳам анчагина. У ўз тенгдошларига нисбатан ҳашорат ва касалликларга чидамли, шамол, бўрондан кўрқмайди, қатқалоқни билмайди, энг муҳими, очиқ жойга экилган гўзалардан 15—20 кун олдин очилади. Бир-икки теримда сарамжон бўлади-да, такрорий экинга жой бўшатиб беради.

Биринчи синовдан яхши ўтган плёнка ости пахтаси 1996 йилда Андижоннинг 9409 гектар майдонини эгаллади. 1997 йили эса, вилоят пахта майдонининг 70 фоизиди барқ уриб етилди.

Балиқчи туманидамиз. Кенг пахтазор зилол денгиздай мавж урмоқда. Барглар орасидан оқариб чаноқлар кўриняпти. Санадик. Саккизтадан иккитаси, ўн биттасидан учтаси очилган, яна бошқа бир нечтаси очилишга тайёр.

— Бу дала “Чинобод” жамоа хўжалигининг тўртинчи бригадасига қарайди,— деди ҳамроҳимиз, пахтачи олим Ойбек Ёқубжонов.— Тенгдошларидан 15—20 кун олдин очилди. Йиғирманчи августда теримга тушилади. Сентябрнинг охирига қолмай йиғиштириб олинади-да, ўрни пешма-пеш ҳайдалиб, буғдой экилади.

Андижонда қаёққа бормайлик, плёнка остига экилган гўзаларнинг пахтаси очилаётганини кўрдик. Майдонлар йиғим-теримга тайёрланмоқда. Айтишларига қараган-

да, Андижон вилоятида плёнка остига экилган гўзаларнинг пахтаси сентябр ойидаёқ йиғиб-териб олинаркан. Бунинг учун ҳамма нарса шай.

Андижонликларнинг бу антиқа тажрибасини кўриб ҳавас қилган кўшнилари — Фарғона ва наманганликлар ҳам плёнка остига пахта экиб ёмон бўлмаётдилар. Фарғона вилоятининг Кува туманида плёнка остига экилган пахталар кўзни қувонтиради. “Наврўз” жамоа хўжалиги райси Деҳқонбой агроном, плёнка остига экиб етиштирилган пахтамиз жамоа хўжалигимизни бадавлат қилиб юборадиган даражада мўл бўляпти, дейди. Кува ҳокими Муҳаммаджон Носировнинг мўлжали бундан буён чигитни плёнка остида етиштириб пахтачиликни ривожлантиришидир.

Андижоннинг бу мўъжизаси мамлакатимизга кенг ёйилиб кетди. Бу усулни янада кенг ёйиш учун республикада “Чигитни плёнка остига экиш усули бошқармаси” тузилди. Мамлакатда андижон усулида пахта етиштирилган майдонлар йил сайин кенгаймоқда. Чунки бу усулнинг довуғи кенг тарқалиб, мамлакатда обрўси ошиб кетди. “Андижонга тенглашамиз!” деб бел боғлаган вилоят, туман ва хўжаликлар кўпаймоқда.

Плёнка ости экини усулига катта йўл!

### **Антиқа автомобиллар**

Мустақиллигимизнинг йилномасида Андижоннинг яна бир “антиқаси” пайдо бўлди. Асака шаҳрида, Марказий Осиёда ягона бўлмиш, дунё автомобиллари билан рақобат пойгасида енгилмайдиган антиқа, бирданига учта замонавий автомобиль туғилди.

Андижоннинг бу учинчи “антиқа”си туғилдию оламга машҳур бўлди ва шу билан бирга эндигина истиқлол байроғини кўтарган мамлакатимизни ҳам дунёга танилди. Эндиликда “Ўз ДЭУавто” номида юрса-да, Асакада чиқаётган автомобиллар хорижда “Ўзбекистон автомобиллари” деб аталмоқда.

Ихчам ва енгил, камҳарж ва тежамли, замонавий рўзгорбоп бу машиналар узоқ-яқин хорижда ҳам, юксак дидли Парижда ҳам одамларга ёқиб тушди.

Ҳаёт курашдан иборат, дейдилар файласуфлар. Ўзбек Мустақиллигининг тўнғич фарзанди бўлмиш уч оға-ини “Тико”, “Нексия” ва “Дамас”лар ҳам туғилибоқ яшашни қаттиқ курашдан бошлади. Афсуски, бу кураш яқин кўшни Россия майдонида бошланди. Ўзбек автомобилсозлиги тўнғич фарзандининг оёғи қинғир, оғзи қийшиқ, бели букри, камқувват, кўзи ожиз эмиш, мишмиш уйдирмалари тарқатган ўрис даллолларига ўзбек автомобилсозлари “Мақтовли машиналаринг майдонга чиқсин, “Тико”, “Нексия”, “Дамас”лар билан солиштирамиз!” дедилар. Ниҳоят, ана шундай солиштирама Сибирь майдонида бўлиб ўтди ва унда Ўзбекистон машиналари ўрислар мақтанган Россия енгил машиналаридан устун чиқдилар. Кўргазма иштирокчилари буни Андижон “мўъжизаси” деб баҳоладилар.

Шу йилнинг июль ойи ўрталарида Тошкентда бўлиб ўтган МДХ мамлакатлари бўйича савдо дилерлари семинари иштирокчилари бир овоздан Ўзбекистон машиналарини ёқлаб, тухмат тоши отган ғаламисларга лаънат ўқидилар. Бу ҳам Андижон “антиқа” сининг ғалабасига, андижонлик изланувчиларнинг тантанасига айланди.

Дастлабки ютуқларидан катта наф кўрган андижонлик изланувчилар “УзДЭУавто” учун бутловчи қисмларни ўз юртларида — Андижон шаҳрида ишлаб чиқаришга киришдилар. Ҳозир Андижонда ана шундай завод Асака машиналарига ўриндиқлар тайёрлаб бера бошлади. Узоқ Куриядан қимматга ташиб келтириладиган бу жиҳоз ўзимизда — ҳам яқин, ҳам арзон, ҳам қўлбола жиҳозлиги билан гўзал!

Изланувчи андижонликлар бу билан қаноатланиб қолганлари йўқ, қидирув давом этмоқда.

Саноат соҳасидан тушаётган жарақ-жарақ маблағ Андижон вилояти бюджетини ҳам қўшимча маблағ билан тўлдирмоқда. Аммо катта иштаҳага, улкан эҳтиёжга бу ҳам озлик қилади. Катта вилоят рўзгорининг эҳтиёжларини — бўш қанор қопини тўлдириш зарурати “Изла, топ!” шиорини такрор ва такрор хитоб қилишни талаб этмоқда. Шу боисдан андижонликлар ўз ихтиёрларидаги озгина ер-сувдан кўпгина даромад олиш изланишлари-

ни тўхтамай давом эттириб, деҳқончиликда озиқ-овқат экинлари хилини кўпайтиришга киришдилар.

Кексалар таомнинг подшоси — Нон десалар, “Даланинг кўрки — Дон!” дейди андижонлик деҳқонлар. Шунинг учунми, Андижонда ғаллага, дон экинига эътибор катта.

### Андижон — уруғлик дон макони

Донни кўпайтириш андижонликларнинг асосий ишларидан бўлиб қолди. Чунки андижонликлар дону нон қадрини ҳаммадан ҳам яхшироқ биладилар. Негаки, совет даврида коммунистик ҳокимият андижонликнинг дарвозаси остонасигача пахта эктирган. “Пахта — ифтихоринг” деб, “Дон — қора экин” аталиб, дон эккан айрим кишиларга “Қора экин эккан” тамғаси босилган, улар жавобгарликка тортилган вақтлар ҳам бўлган. Суғориладиган ерларда буғдой, арпа, макка, мош, ловия, умуман озиқ-овқат экинлари етиштириш тақиқланган эди.

Хайриятки, Мустақиллик бундай тақиқларни тарк этди, бундан андижонликларнинг ҳам кўли узун бўлди. Андижон далаларида қадимги буғдойзорлар тирилиб кетди-да, мамлакатнинг ғалла мустақиллигини таъминлашга ҳисса қўша бошлади. Энг муҳими, тез орада Андижон буғдойи ҳосилдорликда рекордчи, сифатда эса “уруғлик” деган ном олди.

Бунда ҳам андижонликка унинг тажрибаси қўл келди. Японлар ҳар нарсанинг асл зотига, тухумию уруғига эътибор берар эканлар. “Нима эксанг — ўшани оласан”. Андижонликлар ҳам ана шу ҳақиқатга амал қилиб, серҳосил “Юна”, “Скипянка” деган “Анжонбоп” уруғларни топиб келиб, ихлос билан экидилар, яхши парваришладилар, натижада 1996 йили ҳар гектардан 50 центнердан олтин дон янчиб олдилар. Шу ҳосил уруғидан кузда экилган буғдой аввалчи йилдагидан ўн центнер кўп дон берди. Вилоятнинг айрим хўжаликларида бу рақам янада юқори. Масалан, Балиқчи туманидаги “Чиннобод” жамоа хўжалиги 250 гектар ердан саксон ярим центнердан буғдой олди, Матёқуб бува исмли деҳқон йигирма гектарга буғ-

лой экиб, ҳар гектаридан нақд тўқсон центнердан юқори сифатли буғдой олди.

Шундай қилиб, Андижон ғаллакорлари юқори навли дон уруғини ўзлари учун ўзлари тайёрлаб олмоқдалар ва бошқалар учун ҳам иқлимбоп серҳосил ғалла уруғини етказиб бермоқдалар. Мутахассислар танлови билан 1997 йил Андижон вилояти етиштирган 200 минг тонна буғдой уруғликка ажратилиб, мамлакатимиз вилоятларида экиш учун тавсия этилди. Андижон дон уруғининг сифати четдан келтириладиган уруғлардан қолишмайди, аммо унинг “қўлбола” бўлиб, иқлимимизга мослашган сифати ҳеч бир хорижий уруғда йўқ.

Андижоннинг мамлакатда “қўлбола” дон уруғчилиги базаси бўлиб олиши унинг тўртинчи “антиқаси”дир. Андижонликлар бу ишда янада олға босмоқчилар. Бу соҳада яна изланишлар, қидиришлар, тадқиқот ва тажриба давом эттирилади. 1998 йилда дунёга машҳур бўлган юқори ҳосилли “Купава”, “Половчанка”, “Горлика” уруғлари ҳам Андижонда катта-катта майдонларга экилади ва улардан ҳам серҳосил дон уруғи етиштирилади. Мақсад аниқ, режалар катта. Катта режалардан яна бири инсонга биргина ноннинг ўзи кифоя эмас, нонни асалга ботириб еганга нима етсин. Инсонга бу ҳам оз. Дастурхон бут бўлган, қора қозон ҳам жаз-жузли бўлиши керак-да.

Аҳоли рўзғорига дон-дун билан бирга арзон ва мўл-кўл мой ҳам зарур деб билган жонқуярлар озиқ-овқат манбаи бўлган ғаллага ҳамроҳ экин қидириб, Краснодардан топдилар. Бундай экиннинг номи соя бўлиб, андижонликлар муддаосига мос тушди.

### **“Соявий сигир”**

Мамлакатда биринчи бўлиб соя экинининг экилиши Андижоннинг бешинчи “антиқаси” ҳисобланади ва бу ҳам озиқ-овқат мўл-кўлчилигига хизмат қилади.

Қандай қилиб? Нимаси билан?

Андижоннинг “Соявий сигир”ини кўрганмисиз? Антиқа сигир! Замонавий сенсация!

Андижон ёғ заводига ўрнатилган оддий бочка янглиф мосламага бир тонна соя солиб, устига етти тонна тоза

ичимлик суви қуясиз. Мослама жонли сигирга айланади-да, бир тонна емни еб, етти тонна тоза сувни қониб ичади-да, говмиш сигирлардай “ковшаниб”, бир кечакундузда Сизга саккиз тонна сут беради.

Соя сути албатта сигир сути эмас, аммо у ҳам сут, у ҳам озик-овқат. Соя сутидан кофе, какао, бринза, пишлок, қатик, конфет тайёрлайдилар. Соя сутидан беморлар учун турли-туман пархез таомлари пиширса бўлади. Краснодарликлар шуларнинг ҳаммасидан баҳраманд бўляптилар.

“Соявий сигир” ҳозирча Андижонда яккаю ягона. Уни кўргазмага қўйилган, деса ҳам бўлади. Аммо экспонатнинг келажаги катта. Андижонда соя экини камол топгач, соя маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноати ҳам кучайиши кўзланмоқда.

Энди дуккакли экинларнинг энг баракали ва қимматли озик-овқат маҳсулоти бўлмиш соя хусусида икки оғиз сўз.

Соя дони жикқа мой. Таркибида йигирма фоиз тоза ёғи бор. Поясининг 78 фоизи кунжара, чорвага қимматли ем. Қолган пояси қорамолнинг терти (озиги).

Бу ҳақда ҳурматли олим Ойбек Ёқубжоновнинг оғзидан бол томиб айтган мақтовини эшитганимдан кейин, соя майдонига бориб, соякорлар билан мириқиб гаплашгим келди. Ойбек Ёқубжонов мени ўз қадрдонлари ёнига — Балиқчи туманидаги “Чинобод” жамоа хўжалигига бошлади.

Соязорда жамоа хўжалиги раиси Шавкатбек Тошмирзаев билан учрашдик. Уни “Соя шайдоси” деганларича ҳам бор экан. У тизза бўйи шодалаган пайкал оралаб, таг-тагидан ғуж-ғуж бўлиб гуллаётган, шигил-шигил дон туғиб семираётган сояларнинг бошини силаб эркалар эди.

Унинг ҳақида вилоятда ҳам, туманда ҳам кўп яхши гаплар эшитганим. Салом-аликдан сўнг соязорнинг қоқ ўртасида у билан ажиб бир суҳбат бошланиб кетди. Айтганларича бор экан: Шавкатбек кўринишидан ёш, жусаси бикир — бакуват, алп қоматли, ўзи чаққон, чақмоқдай ҳаракатчан йигит бўлиб, мулоқотда ҳам доно ва дадил экан. Энг муҳими, у ўз халқининг гамидан ўзгани

ўйламасдан, кесакдан ҳам ўт чиқариб, жасорат ила ишлайдиган раҳбарлигига ишондим. Ҳар ишни мулоҳаза, мунозара ва муҳокамадан ўтказиб, етти ўлчаб бир кесалган раҳбар эканига ҳам ишондим.

Жуда катта муаммо гирдобиди яшаймиз,— деб сўз бошлади у.— Хўжаликдаги 18 минг одамга иш топиб бериш, 18 минг оғизга таом топиб бериш, уларни кийинтириш ҳазилакам муаммоми? Ана шулар бизни елиб, югуртирипти, ечимини изла, топ!— деяпти. Қишлоқ аҳолисини ер боқадди. 18 минг кишига бор-йўғи 790 гектар еримиз бор. Жон бошига ҳисоблаганда Японияниқидан ҳам икки баравар кам. Иложи битта: такадан ҳам сут олиб, тошдан ҳам мош ундириб, ҳар бир қарич ерни сигир қилиб соғиб бўлса ҳамки, маҳсулотни кўпайтириш зиммамизга тушган.

— Кўпайтиряпсизми?

— Ота-боболаримизни ҳам она ер боқиб келган, бизни ҳам боқмай кўрсин-чи! Ердан мўл ҳосил олишнинг ҳам чегараси бор. У резинка эмас. Чўзиб бўлмайди. Аммо ундан йилига такрор ҳосил олиш билан маҳсулотни кўпайтирса бўлади. Биз ана шу йўлни топдик: пахта+ғалла+соя алмашлаб экишни жорий қилдик.

— Даромад қандай?

— Пахтадан кўлимизга пул тушади, ғалладан уйимизга дон киради, соядан қозонимиз мой. Бу йил соядан 40 тонна ёғ оламиз. Чорвамизга 30 тонна кунжара, сигирларга 15 тонна озуқа тегади. Шукрки, еримиз соя билан опоқ-чапоқ бўпкетди. Хўжалигимиз соякорлик тажриба марказига айланыпти... Бутун бошли илмий текшириш дала институтимиз бор.

— Кўрсак бўладими?

— Гап йўқ. Марҳамат.

Кенг дала. Узоқдан қараган кўзга ер бетига духоба тўшаб кўйилгандай. Увотга бордик. Парча-парча, узун кетган эгат ленталар. Ўқариқ бошида ҳар бирининг номи битилган тахтачаси бор.

— Соя УП “Юг-30” 7 июлда экилган.

— Соя “Мейпель Донаван” 7 июлда экилган. ...

Шундай ленталардан ўн олтига санадик. Ҳар бирида турли мамлакатларда ўсадиган соя навлари уруғи экил-

ган. Улар текис униб чиққан бўлса-да, ривожни ҳар хил. Соя экилган кундан бошлаб тўқсон кунда пишади, эртагиси саксон кунда етилади. Уларнинг авжига қараганда ўсиш муддатида канда йўқ.

Синовдан ўтгач, қайси бири бизбоп бўлса ўшани кўпайтирамиз, омадимиз юришса, соя уруғчилиги база-сини шу ерда барпо қиламиз!— дейди Шавкатбек.

Унинг гапини маъқуллаган олим Ойбек Ёқубжонов эса “Келгусида шу базада соя экинлари илмий текшириш институти очилса ҳам ажаб эмас” деб қўйди.

Бу йил Андижон вилоятида экилган 1328 гектар ердаги соя қийғос гулга кирибди, бўтакўзга ўхшаш ҳаворанг гуллар аста ловияга ўхшаб донга айланмоқда. Соянинг кўкини кўриб боши кўкка етган Ойбек Ёқубжонов, унинг иқтисодий манфаатларидан ташқари бизбоп ажойиб хислатлари ҳам борлигидан қувониб гапирди.

Унинг фикрича, соя экини чарчаган ерга дармон бағишлайди,— деди у. Ҳаводан азот олиб, уни биологик маъданга айлантириб беради. Соя алмашлаб экишнинг энг яхши воситачиси бўлгани билан ҳам бебаҳодир. Бу жиҳатдан у фақат шоли билан мусобақалаша олади...

### Шоли кўчати — олтинчи антиқа

Андижонликлар азалдан ошхўр бўладилар. Ўн сўмингдан бир сўминг қолса ҳам оша, ўн кунингдан бир кунинг қолса ҳам оша, деган шиор Андижондан чиққан, дейдилар. Уни ким чиқарган? Уни девзира гуручидан битта гуруч, битта гўшт, жиққа мойли паловни чиганоғида пахта ўраб, ҳузур қилиб тайёрлайдиган паловхўрлар тўқиган. Гуруч — андижонликнинг озиқ-овқат термасига кирадиган асосий масаллиқдир.

Шу боисдан Андижон атрофида шоликорлик яхши ривожланган. Бироқ шўро даврида пахта яккахокимлиги туфайли шолига сув берилмади ва шоликорлик, айниқса, девзира гуручи шолиси экилмай, ўзган гуручининг донаси олтинга тенг бўлиб кетди.

Мустақиллик туфайли андижонликлар яна шолига юз ўтирдилар. Аммо кундан-кунга кўпайиб бораётган аҳоли-

нинг ошиб бораётган талаб-эҳтиёжини қондиришга ожиздилар. Бу соҳада ҳам чора излаш зарур бўлди. Бинобарин, оз ерда кўп ва тез, ҳатто такрор экин ҳисобига шоли етиштириш учун изланишлар бошланди. Бу изланишлар самараси ўлароқ, шоли кўчатини бошқа экиндан бўшаган ерга ўтказиш йўли билан гуруч етиштириш усули топилди.

Ҳозир шоликор бўлмаган ерларда ҳам — буғдойзорларнинг увотида шоли кўчати етиштириб, уни бошқа экинлардан бўшаган ерларга кўчат қилиб ўтказиш билан тез, осон ва арзон гуруч тайёрламоқдалар.

Избоскан, Марҳамат, Шаҳрихон сингари туманларнинг шоликорлари бу усулни обдон ўринламоқдаларки, ҳавасингиз келади.

Андижонлик изланувчилар топган бу усул ҳам мамлакатимиз бўйлаб кенг тарқалиши турган гап. Чунки бу усул деҳқончиликни саноат асосига қуриш учун катта имконият яратиб беради. Тез, соз, арзон ва осон ҳосил ундиришнинг бундан бўлак яна қандай усуллари бор, дейсиз. Бунақаси ҳозирча ҳеч ерда йўқ.

Андижонликларнинг олижаноб хислати Мустақиллик даврида очилган кўрикда қуёшга юз тутди ва у эндигина мева бера бошлади. Ана шу меванинг олтига “дурдонаси” Мустақиллигимизнинг шонли олти йилиги тўйига муносиб тўёна қилинди.

“Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ” деганларидай Андижон вилоятида пайдо бўлган бу сифат ўзгаришлари андижонлик қаламкашларнинг эътиборини тортмаётганига ҳайронман. Вилоятда йигирмадан ортиқ ёзувчи ижод қилади. Улар орасида кўзга кўринган носир, фозил, шоирлар ҳам бор. Улар мустақиллик даврида 20 дан ортиқ китоб нашр этдилар. Барчаси ўтмиш воқеаларига бағишланган, шукрки, қадриятларимизни тиклашга бағишланган. Бу яхши, аммо истиқлол инъом этган ҳуррият туйғули, Мустақиллигимиз яратган беҳад имконият туйғули янги замоннинг янги қаҳрамонлари ҳақида юзага келган дурустроқ публицистик асарлар кам яратилипти.

Андижон ёзувчилари ташаббуси билан Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Андижон вилоят бўлими халқ де-

мократик партияси ташкилоти билан биргалашиб “Наврўзи олам” номли ижтимоий-адабий газета нашр қилмоқда. Шоир Қамчибек Кенжа бош муҳаррир бўлган ва савдо-саноат ходимларига мўлжалланган, йигирма минг нусхада чоп этилиб, кенг тарқалаётган ижтимоий-оммабоп ҳафталик “Холис” газетаси ҳам вилоят ёзувчилари қўли билан чиқяпти.

Бундан ташқари вилоятда Тошкентнинг анчайин нашриётлари билан беллаша оладиган иккита нашриёт мавжуд. Куч етарли. Имконият муҳайё. Ўйлайманки, Андижон ижодкорлари Мустақиллигимиз пойдевори устунларини тиклаётган замондошларимиз ҳақида илҳом билан ажойиб асарлар битадилар.

Андижон “А”дан бошланади, кўп антиқа ташаббусларни бошлаган Андижон “Мустақиллик йилномаси”нинг ҳам бошида ёзилмоғи лозим.

1997 йил

## ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ ИШ БОШЛАДИ

Яқинда икки минг беш юз йиллик тўйи тантанасини ўтказган кўҳна Хива бугун янада чирой очиб турибди. Кулиб турган куз қуёши ҳам унинг чиройини атайлаб намоён қилаётгандай чарақлаб, осмонўпар Хива минораларининг олтин гумбазларини ҳал-ҳал ёндириб кўрсатар эди. Ана шундай ҳал ёзувлар қадим Катта қалъа ва Ичон қалъа иншоотлари устида ҳам ялтиллаб турарди. Шаҳар кезар эканмиз, баногоҳ “896 йил илгари, яъни 1002нчи йили ташкил бўлган” деган ёзувга кўзимиз тушди.

“Ўзбек давлатчилигининг асоси, фундаменти” жойлашган Хоразмда қадим тарихимиз қатламларини очган ва ҳозир кўҳна тарих қат-қатини қайта оча бошлаган ажойиб штабда бўлдик.

Бизни Хоразмнинг моҳир ўймакорлари ясаган жилвали жимжима нақшли дарвозалари ланг очилган қошно бинода қайта тикланган собиқ “Дорил ҳикма ва мао-

риф” ёки “Мажлиси уламо” деб аталмиш, кейинча, “Хоразм Маъмун академияси” номи билан машҳур бўлган академия раҳбарлари кутиб олдилар. Илик, иссиқ сўрашишлар кетидан қайноқ суҳбат бошланиб кетди.

Академия раҳбари академик Саъдуллаев “Дорил ҳикма ва маориф” ёки “Мажлиси уламо”, ҳозирги “Хоразм Маъмун академияси” номи аъмолини мароқ ила гапира кетди. У қадимги илм-фан даргоҳини қайта тикланишидан бениҳоя мамнун бўлганиданми ёки тарихимизнинг зиндондаги қатламлари юзага чиқиб, юзи қуёш кўра бошлаганидан шодланиб, тўлиб-тошиб, жўшиб гапира кетди:

— Қадимги “Дорил ҳикма ва маориф” (Мажлиси Ислому) туғилиши биланоқ Афинадаги Афлотун академияси билан Бағдоддаги “Байтул ҳикма” каби илмнинг барча соҳаларида фаолият кўрсатган. У олиб борган барча соҳадаги илмий тадқиқот ва изланишлар натижасида кўп қимматли маълумотлар тўпланган. Энг аввалдан бу илмий даргоҳ худди “Байтул ҳикма”га ўхшаб дунёнинг турли томонларидан илмий манбалар жамланган ва таржима қилинган, сўнгра ҳинд, юнон, араб олимларининг ишлари ўрганиб чиқилган. Энг муҳими, “Байтул ҳикма” раҳбарлари бўлмиш Ал-Хоразмий, Ал-Фарғонийларнинг асарлари асос қилиб олиниб, мукаммал ўрганиб чиқилган.

Хоразм Маъмун академиясининг пайдо бўлиши Хоразмшоҳлар ичида энг маърифатпарвар, илм-фан шайдоси бўлмиш Али ибн Маъмун ва подшоҳзода Абу Носирнинг фаолиятига боғлиқ экани ҳаммага аён. Унинг гуллаб-яшнаш бошлашида, илмгоҳдан академияга ўтишида эса, Абу Носирнинг шогирди Абу Райхон Беруний бошқош бўлган. Унинг бениҳоя катта ташкилотчилиги туфайли Гурганч “Дорул ҳикма ва маориф” номли муассаса, кейинча, тарихчилар томонидан ўз даврининг академияси экани исботланди ва у “Маъмун академияси” деб номланадиган бўлди.

Хоразм “Маъмун академияси” Беруний раҳбарлигида Бағдоддаги “Байтул ҳикма” академияси ишининг меросхўри, давомчиси сифатида катта ишлар қилди. Маълум-

ки, Ўрта асрлардаги “Ислом Ренесанси” деб аталмиш “Уйғониш даври” да ташкил топган ва кейинча Ал-Маъмун даврида камолотга етган “Байтул ҳикма” Муҳаммад Ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Яхъё ибн Мансур, Холид ал-Марваррудий, Саңдал ибн Али, Аббос ал-Жавҳарий, Яхъё ибн Аксам, Абу Жаъраф Хуросоний, Абул Фотих Исфаконий, Қози Ҳаммод, Аҳмад ал-Марвазий каби буюк олимларнинг машҳур асарлари билан гуллади. Кейинча улар ёнига яна бир неча ёш хоразмийлар келиб қўшилдилар. Уларнинг кўпчилиги Хоразм, Фарғона, Шош ва хуросонликлар бўлиб, “Байтул ҳикма”нинг илмий устунлари эдилар. Фақат Ал-Хоразмий ва Аҳмад Фарғоний яратган буюк дурдона асарлар “Байтул ҳикма”ни дунё илмининг баланд даргоҳига айлантирди. Ал-Хоразмийнинг ўнлик саноқ усули ва яратган математика асоси, Аҳмад Фарғонийнинг фалакиёт фани ривожига буюк ҳисса бўлиб қўшилган асарлари дунёда янги дунё яратди. Фараз қилиб кўрайлик, мабодо, бу улўғ алломаларнинг ўшал дурдона асарлари бўлмаса, ҳозирги фазогирлик, турли самолётлар парвозига чикора эди. Улар яратилмаса, денгизларда кемалар қатнови ҳам дарғумон эди. Еру осмон бизга зимистонлигича қоларди.

Ана шу келажак ҳақиқатини аста-секин тушуна бошлаган авом халқ илм қудратига тушуна бошлади, айниқса, ўша вақтнинг ҳукмдорлари саройларга илм-фан аҳлини йиға бошлади, маърифат ила маънавият давлат сиёсати даражасига кўтарила бошлади. Бу соҳада ўзбек давлатчилигининг бешиги бўлган Хоразмшоҳлар ўрناق кўрсатдилар. 998 нчи йили отаси Маъмун I ўрнига тахтга ўтирган Али ибн Маъмун ўз атрофига илм-фан аҳлини тўплай бошлайди ва Кат шаҳрида (ҳозирги Беруний) туғилиб ўсган ва зулм-заҳматга чидамай Ватанини ташлаб, Эроннинг Рай шаҳрида илм қилаётган ёш истеъдодли олимнинг ўз юртига қайтишига имкон беради. У ерда кўп олимлар, шу жумладан Абу Маҳмуд Хўжандий, Абу Саҳи Масаҳий билан танишади, Журжон вилояти амири Кобус ибн Башигир саройида ишлайди ва математика, фалакиёт илмини ўрганайди.

1004 йили Гурганчга қайтиб келган Абу Райҳон Беруний ўз даврнинг ўта билимдони, шу боис тириклигидаёқ “давр Батлимуси” деб танилган Абу Носир ибн Ироқ билан ҳамдамлашиб, Маъмун саройида ишлайдилар, Яқин ва Ўрта Шарқ олимлари билан ёзишмалар олиб борадилар. Уларнинг илтимосига кўра ҳар томондан, ҳатто, Ироқдан машҳур табиб ва файласуф Абу Али ибн Сино, Абу Саҳл Масихий, ал-Хўжандий, Абул Ҳаким Муҳаммад ибн Абдумалик ас-Саолиби каби буюк олиму фузалолар Гурганчга келадилар-да, Берунийлар сафига қўшилдилар.

Абу Райҳон Беруний Гурганчга келибоқ илмий тадқиқот ишларини бошлаб юборади ва дастлабки кунлардаёқ қизиқ бир ҳодисага дуч келади. Манбаларда айтилишича, у самовий жисмларнинг ҳолатига қараб Рамазон ойининг ўртасида кечаси Аҳмад Фарғоний жадвалидан ой тўла тугилишини аниқлайди ва уни кузатади. Ўша тунда жадвалда айтилганидай қоронғи тушиши билан Ой ернинг соясига кира бошлади. Авом халқ Ойнинг куйиб кетишидан қўрқиб, фалокатдан холис бўлиш учун чоратадбир кўра бошладилар, муллалар эса, гуноҳимиз ошиб кетганидан Аллоҳ бизни жазолаяпти, деб жар солдилар. Бундан ажабланган Беруний устози Абу Носирга йўлиқиб:

— Авом халқ ҳам, муллалар ҳам бу ҳодисанинг сабабини билмай, худонинг қаҳри деб баҳоламоқдалар. Мен эса, бу — яхшилик аломати деб билдим — деди-да устозига турли хандасавий шакллар, рақамлар билан тўлиб-тошган қоғозини кўрсатди.

Устоз қоғозни кўздан кечираркан, шогирдига юзланиб, офаринлар айтди:

— Илоё, сенга кўз тегмасин. Айтганингдек, бул ҳодиса сен учун ҳам, юрт учун ҳам яхшилик аломати бўлсин!

Гурганчликлар учун яхшилик аломати шундоқ бўлдики, ўша йили Хоразм Маъмун илм даргоҳига олимлар кела бошладилар. Улар орасида Абу Али ибн Сино ҳам бор эди. Ҳар томондан келган олимлар Беруний атрофига жипслашиб, унинг фалакиёт ва тиббиёт соҳасида олиб бораётган илмий ишларига кўмаклашиб турдилар.

Абу Райҳон Беруний ташкилий, раҳбарлик ишлари билан бир вақтда илмий ишларни ҳам баб-баравар унумли қилиб давом эттирди ва ўша вақтда фаннинг бир неча соҳаси бўйича ҳамма олимлардан кўп, яъни 152 та илмий асар ёзди: 70 таси астрономияга, 20 таси математикага оид бўлиб, уларнинг ҳаммаси ҳам бизгача етиб келгани йўқ. Бисотимизда фақат 30 таси мавжуд. Унинг физика, минерология, тарих, адабиёт, фалсафа, этнографияга оид кўп китоблари бизга етиб келгани йўқ. Берунийнинг тўла фаолиятини ўрганиш ҳали кўп йиллар давом этиши керак.

Олимнинг геодезия ва математика соҳасидаги илмий асарлари ҳозиргача ўз кучини йўқотган эмас, аксинча, фанмиз ривожига хизмат қилмоқда. Унинг ер курраси миқёсини аниқлаш услуги, Қуёш ва Ойнинг ҳажми, Ердан уларга қадар бўлган масофани аниқлашнинг жуда содда усулларини баён этди.

Унинг йирик асарлари орасида “Ҳиндистон” асари алоҳида ўринга эга. Олим бу китоби учун “Биринчи ҳиндолог” деган унвонга сазовор бўлди. Олимнинг бу китоби қадимги Ҳиндистон тарихини ўрганишнинг асосий манбаси ҳисобланади. Унда Ҳиндистоннинг ажойиб табиати, тарихи, халқининг урф-одатию дини, ақидалари, адабиёти ва фалсафий дунёси яхши тасвирланган.

Хоразм Маъмун академиясида фалакиёт, математика, геодезия, фалсафаю адабиёт соҳасида катта ишлар олиб борилади, фаннинг турли соҳаларида илмий рисолалар, китоблар чоп этилади. Хоразмда тарих ва фалакиёт илми камол топади, Хоразм олимларининг довуғи кенг тарқалади. Аммо бунга кўролмаган кучлар ҳам кўпаяди.

Хоразм академияси, унинг буюк олимлари довуғи шуҳратпараст, ҳасадчи Маҳмуд Фазнавийнинг тинчлини бузади. У ҳар хил йўллар билан Хоразм олимларини ўзига оғдириб олмоқчи бўлади ва бунинг учун Хоразмшоҳга қарши фитналар уюштириб, уруш чиқаради ва бу урушда Хоразмни забт этиб, минглаб бандилар, асирлар олиб, юртига қайтади. Асирлар орасида баҳодир зобиту аскар ва олимлар, ёш-ёш қиз-жувонлар қаторида машҳур олим, Хоразм Маъмун академияси раҳбари Абу Райҳон Беру-

ний, Абу Носир ибн Ироқ, Абдусамад каби олимлар ҳам бор эди. Туя устида қоматини тик тутиб бораётган Абу Райҳон Беруний соқчилар назоратида қажаваларда ўтириб инграб бораётган асир қизлар ҳолатига ачиниб, ғижиниб, қазабланса-да, тақдирга тан беришга мажбур эди. Соқларини қиров босган Абу Носир ибн Ироқ рўмолчага тугилган она юрт тупроғини бағрига босиб, жонажон Ватани билан бўзлаб видолашар, кўзларидан икки бетига томиб турган ёшини ютиб улгуролмас эди.

Ана шундай қилиб, атиги 15 йил яшаб улгурган Хоразм Маъмун академияси ўша 1017 йилги Ғазнавий фитнаси қурбони бўлди. Аммо яхшилик нутилмади. Ўзбекистон истиқлолга эришиб, мустақил давлат бўлганидан кейин барча яхшиликлар, қадриятларимиз қатори Хоразм Маъмун академияси ҳам роса 980 йилдан кейин 1997 йили халқимизга қайтариб берилди.

Хоразм Маъмун академияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 11 ноябрдаги “Маъмун академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисида”ги фармони билан Хива шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг минтақавий бўлими сифатида очилди. Фармон эълон қилингандан кейин тез орада тегишли чора-тадбирларни амалга оширувчи ишчи комиссия тuzилди. Хоразм Маъмун академиясининг Низоми, штатлар жадвали, смета харажатлари аниқланди ва тасдиқланди.

Вилоятда Хоразм Маъмун академияси рўйхатидан ўтказилди, муҳри ва штампн тайёрланди, Миллий банкнинг Хива бўлимида ҳисоб рақами очилди. Республика Фанлар академияси томонидан бўлимнинг илмий йўналишлари аниқланди ва бу мавзулар Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитасида тасдиқланди. Саккизта мавзу бўйича икки йилга 15350 минг сўмлик грант мўлжалланган.

1998 йил 29 январда “Халқ сўзи” рўзномасида бўлимдаги бўш ўринларда ишлаш учун танлов эълон қилинди. Бир ой давомида ҳар хил жойлардан 100 га яқин аризалар тушди. Тушган аризалар раҳбарият ва ҳокимият томонидан ўрганилиб, республика Фанлар академияси те-

матик режаси ва вилоят фан ва ишлаб чиқариш эҳтиёжларидан келиб чиқиб, бўш ўринга 32 одам ишга олинди.

Вилоят ҳокимлигининг фармойиши билан Хива шаҳридаги Ал-Хоразмий музейи биноси Маъмун академияси балансига ўтказилди. Чиройли бино янги, яхши мебеллар билан жиҳозланди, гиламлар тўшалиб, иш шaroити яратилди. Академия биноси жаҳон стандартига мос қилиб таъмирланди. Маъмун академиясининг республикамизда бош илмий марказлардан биттаси бўлиб фаолият кўрсатиши мақсад қилиб олинган. Шу мақсадда бу ерда 50 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари, 15 миллион сўмликдан кўпроқ безатиш ишлари бажарилди. Белгиланган тadbирлардан кутубxonани илмий материаллар, қўлёзмалар, китоблар билан таъминлаш, биология лабораторияларини анжомлар билан тўлдириш, мутахассисларни квартиралар билан таъминлаш ишлари олиб борилмоқда. Кутубxонага Урганч Давлат университети-дан 300 га яқин китоб, лабораторияларга анжомлар, мутахассислар учун эса, Хива шаҳридан квартиралар ажратилди.

Бундан ташқари Хива шаҳрида 16 квартирали уй қурилиши бошланди. Академияга янги “Нексия” ҳамда “Газ-24” автомобили ажратилди.

— Президент Фармони асосида машҳур Маъмун академиясининг қайта ташкил қилиниши ўзбеклар ҳаётида, Хоразмнинг бой тарихий анъаналарини ўрганиш борасида муҳим воқеа бўлди. Бу борада Республика Президенти Ислom Каримовнинг тарихчи олимлар билан учрашуви, бу ерда ўзбек давлатчилиги тарихини ҳаққоний яратиш масаласи юзасидан билдирилган танқидий фикрлар вилоятимиз олимлари, Маъмун академияси олимлари олдига улкан бир масъулият юклайди, — дейди академия раҳбари.

“Ўзбек давлатчилигининг асоси, фундаменти Хоразмда ётади”, деб бир неча марта асосли равишда таъкидлади Президентимиз. “Авесто”, миллий қаҳрамон Тўмариснинг ватани бўлган Хоразм ўзбеклар тарихида салмоқли ўринни эгаллаши табиийдир. Бу ерда асосий илмий изланишларни энг қадимги тарихимизга қаратиш зарурли-

ги ҳақида фикр билдирилди. Эндиликда мана шу ғояларнинг руҳиятини Маъмун академияси археология, тарих ва фалсафа бўлими зиммасига юклаш, академия фаолиятига сингдириш энг асосий масаладир. Ҳозир “биология муаммолари” ва “тил-адабиёт” бўлими фаолиятдан қониқиш бор, бу бўлимларнинг имконияти ҳам бор, салоҳияти ҳам етарли, тарих бўйича жуда катта ишлар қилиш зарур. Гап шундаки, Фан ва техника давлат қўмитасида тасдиқланган мавзу IX—XIII асрларни ўз ичига олган бўлиб, эндиликда академия фаолияти учун бу давр етарли эмас. Кенгроқ мавзуларни қамраб олиш учун эса йирик тарихчи олимлар ўта зарурдир. Бир сўз билан айтганда, тарих йўналишини бошқарувчи, ташкилотчи, манбашунос олимлар жуда зарур. “Академиянинг илмий кенгашини тузиш, бўлимларни манбалар билан таъминлаш керак. Академиянинг умумий фаолиятидаги катта камчиликлардан бири шуки, дастлабки бўлимлар университет лабораториялари ва факультетларида фаолият кўрсатяпти. Ҳар хил жойларда бўлганлиги туфайли илмий кенгаш тузиш, муҳим масалаларни муҳокама қилиш, иш режими тўғри ўрнатиш яхши йўлга қўйилмаган,— дейди академик Саъдуллаев.— Иккинчидан, вилоятда илм-фан, маърифат маркази сифатида академия ўз вазифасига кўра ташаббускор бўлиши зарур. Мана шу ўзбек давлатчилигининг пойдевори масаласида ташаббус ҳам биздан эмас, Президентдан чиқадиганлиги ҳам катта камчилигимиздир. Яна бир мисол: “Огаҳий — ўзбек тилшунослигини Навоидан кейинги йирик бир поғонага кўтарган олим”, деган иборани биз ёзувчиларимиздан кўп марта эшитганмиз. Лекин академия олимлари ҳалигача шу ташаббусни, яъни Огаҳийни, Навоий тўлақонли образини яратиш устида ишламаяпмиз. Бу масалаларга эътиборни кучайтирамиз, албатта”.

Биз Хивадаги энг чиройли замонавий бинога жойлашган академиянинг бўлимлари хоналарида бўлдик. Академия штатлари ҳали ходимлар билан тўлдирилмаган бўлса-да, озгинаю созгина ишлаётган илмий ходимларнинг журъатидан сездикки, бу қайта тикланган қадимий

илмий даргоҳ Ўзбекистоннинг антиқа ўтмиши ва буюк келажагига муносиб илмий хизмат қила олади.

1999 йил

## ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҒАЛАБАСИДА СОҲИБҚИРОН ИБРАТИ

Улуғ лашкарбоши, буюк Соҳибқирон бобокалонимиз Амир Темурнинг ҳарбий санъати, ғалаба қилиш маҳорати неча асрлардан бери ҳарбий академияларда ўқитилади, олий штабларда ўрганилади, унинг ҳарбий тузуклари дунёдаги қудратли армияларнинг ҳарбий низомларига йўриқлари ва қоидаларига кирган. Масалан, кўшинларнинг жанговар сафланишидаги авангард, арьергард, ўнг, сўл қанот ҳимоя тузилишлари, жанговар кўриқчилик, дозор — кузатиб туриш тузуклари, стратегик маневр, тактик ҳийла каби усуллар Соҳибқирон Амир Темур тузукларидан олинган. Булар рус, француз ва бошқа армияларда ҳозир ҳам амалда.

Французлар буюк Соҳибқиронимизни ўзининг ҳалоскори, деб биладилар ва Францияда Амир Темурга ажойиб ҳайкал ўрнатиб, унинг пештоқига: “Европанинг ҳалоскорига” деб миннатдорлик лавҳаси ёзиб қўйганлар. Буюк Соҳибқироннинг Франциядаги ҳайкали атрофи шу кунларда айниқса гавжум. Соҳибқироннинг 660 йиллиги арафасида миннатдор французлар ҳайкал пойига гулдас-талар қўймоқдалар. Ёзда бўлиб ўтажак тантаналарга ҳозирданок катта тайёргарлик кўрилмоқда.

Тузуклардан ва жангномаю замондошлари хотираномаларидан маълумки, Амир Темур урушда табиий тўсиқлар, тоғу тош, ғорлару жарлардан жуда моҳирона фойдалана олган эди. Мен 1939—1940 йилларда бир юз беш кун давом этган Финляндия урушида фин маршали Маннергеймнинг буюк Соҳибқирон тактикасини моҳирона эгаллаганини кўриб қойил қолгандим.

У Финляндиянинг 33 минг қўли, пастак ўрмонлари ичидаги ҳарсанг тошларини, қалин қорию қаттиқ со-

вуғини миллионли Сталин армиясига моҳирона қарши қўя олганди. Миллионли Қизил Армия эллик мингли фин аскарини бир юз беш кун тўхтовсиз жанг қилиб ҳам руҳан енга олмаган эди. Бу иснодли урушда қўрган-биланларимни “Бир юз беш кун тарихи” номли қиссамда ўқиниб баён қилгандим. Бизга маълум бўлмаган кўпгина аталар — ДОТ, ДЗОТ, сюрприз, мина майдонлари қабилар биринчи марта ўзбек ҳарбий адабиётига ана ўшанда кириб келганди.

Гитлер фашизми бошлаган Иккинчи жаҳон урушида, айниқса, 1941—1945 йилларда фашист босқинчиларга қарши олиб борилган урушда буюк Соҳибқирон руҳи, унинг ибрати бизга мададкор бўлди. “Улуғ Ватан уруши” деб аталмиш уруш бошланишидан то ғалабали якунигача Соҳибқирон Амир Темур руҳи ғойибона иштирок этди, унинг ибрати жанговар сафларда юргандай эди.

Урушнинг бошланишини ҳам, фронтлардаги бурилишларни ҳам, урушнинг ғалабали якунини ҳам Амир Темур руҳи-поки иштирокига боғлаб турли-туман ривоят қилмоқдалар. Бунинг сабаблари мавжуд.

“Труд” газетасида “Ўқшашликми ёки баһорат” сарлавҳали ахборот босилган. Унда Соҳибқирон қабрини очганда гўё унинг жасади ёнидан қуйидаги сўзлар ёзилган табличка топилган эмиш:

“Кимки менинг жасадимни хароб қилса, билиб қўйсин, унинг мамлакатига кучи ва ғазаби меникидан неча марта ортиқ бўлган ёв ҳужум қилади ва унинг Ватани, ҳатто мен забт этган қабилалар кўрмаган кулфатларга учрайди”.

Орадан сал ўтмай “Ватанпарвар”да ўша экспедицияда кинотасвирчи сифатида иштирок этган Малик Қаюмов “Труд”нинг бу уйдирмасини рад этди ва у қабрдан ҳеч қандай табличка, ёзув чиқмаганига гувоҳлик берди, 17 июн куни чойхонада катта китоб атрофида ўтирган оқсоқоллар унга “Шерикларингга бориб айт, Соҳибқирон жасадини безовта қилишмасин, уруш бошланиб кетади, мана шу китобда ёзилибди...” деган эканлар. Аммо экспедиция бу гапга эътибор бермади.

Қабрда ётган Соҳибқироннинг жасадини безовта қилиш ёмон оқибатга олиб келишини ўша кезде ўз онамининг оғзидан эшитгандим.

1941 йил июн ойининг бошида Соҳибқирон Амир Темур қабрини очиш экспедицияси иш бошлагани ҳақида ахборот эълон қилинди. Ўша кезде мен Фарбий Беларуссия ва Фарбий Украинани озод қилиш жанглирию “Оқ финларга қарши уруш”дан қайтиб, кейин Туркия чегарасидаги хизматимдан бўшаб қишлоққа онам уйига келган эдим. Соҳибқирон қабри очилармиш деган хабарни эшитиб, онам Тўхта отин ханг-манг бўлиб қолдилар. Куйиб-пишиб дедилар:

— Ўта қаттиқ гуноҳ-ку! Ҳадисларда, “Ҳикмат”да ай-тилган... Уруш бошланиб кетади-ку!..

Ўша вақтдаги Ўзбекистон ҳукумати раисининг муо-вини профессор Қори Ниёзов бошлиқ экспедиция - шарқшунос А.А. Семёнов, антропологлар М.М. Герасимов, Л.В. Ошанин, ёзувчи С. Айний, археологлар В.А. Шишкин, Л.И. Альбаум, суратчи Герр, рассом О. Татевосян, киночилар ва ишчилардан иборат ўн беш киши 1941 йил 21 июн куни қабрни очиб, Соҳибқирон Амир Темур, Шоҳрух, Улуғбек бош суяқларини Самарқанддан олиб кетдилар. Бутун дунё матбуоти, радиоси тинмай бу ҳақда ахборот бериб турдилар. Ёдимда, ўша куни ҳаво айниб, осмонни булут босди. Шум хабарни эшитган волидам “бошимизга қора булут келяпти” деб кўйди. Эртасига эрталаб акам мачитдан хабар топиб келди: “Кечаси немис қора отга қора кигиз ёпиб, чегарадан ўтганмиш”. Бир оздан кейин Қишлоқ Шўросининг чопари келиб, “Иброҳимжон, тезда Тошкентга борармишсиз, уруш бошланибди” деди. Бир амаллаб Тошкентга етиб келсам, ҳарбий комиссариат вакили чақирув қоғозини қўлимга тутди:

— Товар станциясида эшелон кутяпти сизни. Вагонингиз учинчи...

Ўша кетганимча 1418 кеча ва кундуз фронт гирдобида турли хизматда бўлиб, жон олиб, жон бериб, уруш те-гирмонидан бутун чиқдим. Ўйлаб қарасам, улуғ бобока-лонимиз Соҳибқирон Амир Темур ибрати ҳамиша бизга

соябон бўлган, жангларда унинг руҳи мададкор бўлган! Олий Бош Қўмондон Сталин “Биз адолатли уруш олиб боряпмиз. Биз енгамиз”, деб башорат қилганида Соҳибқироннинг “Куч — адолатда” деган доно фикрига асосланган бўлса ажаб эмас.

Фашистлар армиясига қарши олиб борилган жанглار операцияларида бир вақтлар Амир Темур амалга оширган стратегик ва тактик операцияларга ўхшаш операциялар ўтказилгани сир эмас. Албатта лашкарбошилар, катта-кичик командирлар ҳар бир жангда енгиб чиқиш учун ўзларидан аввал жамланган тажрибалардан ибрат оладилар, ҳарбий ютуқ келтирган ҳар бир эпизод сабоқларидан вазиятта қараб ўз йўлида ижобий фойдаланадилар, қўллайдилар.

Мен фронтда ҳарбий муҳандислик қўшинларида жанг қилган вақтимда танкларга қарши мина ишлатиш тарихи билан қизиққан эдим. Танкларга қарши минанинг пайдо бўлиши Амир Темурнинг ғояси ва фаолиятига боғлиқ бўлганини билиб, ўзимда йўқ қувонган эдим. Урушлар тарихида биринчи марта ҳозирги минанинг ибтидоий шаклини Ҳиндистон юришида Амир Темур ўйлаб чиқарган ва қўллаган.

Амир Темур Дашти Қипчоқ ғалабасидан кейин 92 минг отлиқ аскар жамлаб Ҳиндистонга юриш бошлаш олдидан ўтказган ҳарбий кенгашида (Ҳарбий кенгаш институти ҳам Амир Темур даврида ташкил топган) набираси саркарда Амирзода Пирмуҳаммад Жаҳонгир разведка материалларига эътиборни тортади: йўлдаги тўсиқлар, ўрмонну дарёлар, элик минг отлиқ аскар ва сипоҳ эгаллаган ҳандақда шай тургани, энг хавфлиси 120 занжирланган, кутурган, одамхўр жанговар филлар жангга ҳозир турганини айтади. Кутурган филлар Соҳибқирон эътиборини ўзига тортади ва бу носиноқта кучни даф қилиш чорасини излаб топади.

Амир Темур беҳисоб тахталар ясатиб, узун-узун арава михлари қоқтиради. Мих учи фил тўғини тешиб, суякка қадаладиган даражада нушли найза қилинади. Деҳли қалъасига ҳужум вақтида Деҳли ҳокимлари Амир Темур

қўшинига қарши жанговар филларни жангга солади. Қутурган филлар ваҳима билан бўкириб, даҳшат солиб Соҳибқирон аскарлари томон кела бошлаганида уларнинг йўлига миҳ қоқилган тахтачаларни ташлайдилар. Филлар тахтача миҳларини босиб, қопқонга илингандай юролмайд қолади. Ўзи билан ўзи овора бўлиб қолган филларни қириб ташлаш Соҳибқирон аскарларига осон бўлади.

Ана шу тажрибадан хулоса чиқарган Фарбий Оврупо армиялари дастлаб ёғоч қутидан, кейинча тунука қутидан, сўнгра чўян металл мина ясай бошлайдилар. Биз фронтда фашист танкларига қарши мина қўйган вақтларимизда, душман танклари минамиздан портлаб, ёниб ётганида баногоҳ Амир Темур сиймоси кўзим олдида тургандай бўларди. Уша дамлар, айниқса, ҳозирги кунларда кўзларимдан ўтмоқда.

1942 йили Фарбий фронтдан Ўзбекистонга вакил бўлиб келганимизда бетоб ётган Йўлдош ота Охунбобоев бизни қабул қилиб ётган жойида “Сизларга Амир Темур, Бобур Мирзо, Алпомиш руҳи мададкор бўлсин. Олинлар — олдирманглар” деб дуо қилгани ҳамон ёдимда.

Урушда қарама-қарши курашаётган ҳар икки томон ҳам, қочган ҳам худо, қувган ҳам худо деганларидай, енгаман деб, курашади. Енгиш учун эса, стратегик, тактик чора-тадбир излайди. Мудофаада ўз турган жойини мустаҳкам қўрғонга айлантиради, оз куч билан кўп сонли душманни енгиш тадбирларини излайди, душманини чалғитиш учун ҳарбий ҳийлалар ишлатади, тактикада муғомбирлик маҳорати ҳам жангда қўл келади.

Амир Темирнинг душманни чалғитиш мақсадида ишлатган ҳарбий ҳийлалари, айниқса, Хуросонни эгаллашда, Гиёсхўжанинг ниҳоятда катта қўшинини деярли осон енгишда, Йилдирим Боязидни тор-мор қилишда қўлланган ҳарбий ҳийла санъати ҳарбий академияларда чуқур ўрганилган, Соҳибқироннинг бу санъати дунё ҳарбий адабиётида, жангномаларда ёзилган, унинг кўп ҳарбий операциялари ҳарбий кенгашларда мутолаа қилинган, айниқса, фашизмга қарши олиб борилган урушда ҳам бундай ҳарбий ҳийла бизга катта иш берган.

Амир Темур Жете ва Илӛсхўжа кўшинлари лагери тепасида тўсатдан пайдо бўлиб, тунда атрофида беҳисоб гулханлар ёқиб, душманни саросимага солган, бундан безовта бўлган кўшинлар туни билан уйқусиз, бевором, васвасага тушиб, руҳан чарчаган пайтда душман қўмондонлиги ҳам Амир Темурни алдаб пастга тушириш ва пастликда уни қуршаб олиш учун кўшинларини гуруҳларга бўлиб, гўё чекиниш вазиятини ҳосил қилган. Аммо Соҳибқиронга ўзлари алданиб қолганини сезиб, унинг майдонида жанг бошлашга мажбур бўлган ва пароканда кўшинлари осонликча енгилган. Соҳибқирон Мовароуннаҳр пойтахти Самарқандга ғолиб сифатида кириб борган.

Замонамизнинг энг буюк лашкарбошиси маршал Жуков Берлинга ҳужум вақтида беҳисоб прожекторлар ёқиб, душманни шапқур қилиб, ҳолдан толдириб, сўнгра атака бошлаган, унинг бу тактикаси Амир Темурнинг душман лагери атрофида тунда беҳисоб гулхан ёқиб, ёв кучини беҳол қилиш тактикасининг ниҳоятда доно замонавий кўринишига ўхшаб кетади.

Соҳибқироннинг душманга тузоқ қўйиб, ҳийла билан унинг кучларини пистирмадан қириб ташлаш санъати Йилдиirim Боязид билан бўлган жангларда намоён бўлганди.

Мисол учун Соҳибқироннинг разведка жанги тактикасидан бир шингил айтиб ўтайлик: Амир Темур ўзи учун қулай бир жойни танлаб, атрофига пистирмалар қўяди-да, душман лагерига сараланган отлиқ аскарлар гуруҳи юборади. Бу аскарлар гўё Темур ҳужум бошлаганини намоён қилгандай бўладилар-да, қаршиликка учраб, гўё енгилгандай бўлиб, олдиндан режалаб қўйилган томонга қоча бошлайдилар. Боязид кўшинлари қарши ҳужумга ўтиб, уларнинг кетидан қувлаб бориб, пистирмалар тузоғига илинади, яъни қуршовда қолади. Тўрт томондан қуршаб турган кучлар душманнинг катта кўшинини қириб ташлайди.

Бу хил “қуршов” операциялари Иккинчи жаҳон урушида, Совет-Герман фронтда ҳар икки қарама-қарши

курашувчилар томонидан жуда кўп ишлатилади. Унинг мумтоз намунаси машҳур Сталинград қамали бўлганди. Унда Гитлернинг уч юз минг кишилик фельдмаршал фон Паулос армияси тузоқда тор-мор қилинган ва шу билан Иккинчи жаҳон урушида бурилиш бошланган эди.

Фронтларда жангчиларимиз ҳам катта-кичик тузоқлар кўйиб, душманни илинтира бошладилар. Шулардан бирининг гувоҳи ўзим бўлганман. Юхнов шаҳри яқинида Угра дарёси қирғоғида мудофаада турган эдик. Немис “тили”ни ушлаш керак эди. Чирчиқда тузилиб, фронтга борган 194-дивизия разведкачилари неча бор уриниб душман “тили”ни ушлаб кела олмади. Ўшанда дивком Сязов бир ҳарбий ҳийла — “тузоқ” операцияси ўтказди.

Ҳаваскор ҳарбий рассом Гитлернинг икки қулочлик карикатурасини ишлади-да, немислар ҳандоқларидан кўриниб турадиган дўнгликка ўрнатиб, остига “Гитлер капут” деб ёзиб кўйди. Ундан ори келган немис кўмондонлиги карикатурани ўқ отиб йўқотишни фюрерга суиқасд билан баробар, деб билди шекилли, уни кўлга киритиш учун бир ротага яқин штурмчи аскар юборди. Шундай бўлишини Сязов биларди. Пистирмалар кўйилди. Немис штурмчилари эрта тонгда дарёни кечиб ўтиб, карикатура турган тепаликка яқинлашганида пистирмалар тўрт томондан ташланиб, десантни тор-мор қилди, тирик қолганларидан ўн бир кишини асир олди. Бир йўла “ўн бир тил” кўмондонликка кўп қимматли маълумот берди. Ўшанда ҳам улуғ Соҳибқирон руҳи бизга мадад бергандай эди.

Бу ҳақда мен ўша кезларда 49-армия газетасида “Тузоқ” деган лавҳа босиб чиқардим, кейин эса, шу ном билан ҳикоя ёздим.

Ёш саркарда Соҳибқироннинг олтмиш аскар билан Ҳазораспда минг отлиқ аскарни енггани, оз куч билан катта кучларни енгич санъати ҳақидаги Темур тузуқлари кейинча ҳарбий манбаларда “Сон билан эмас, сифат билан енгич” назариясига бир асос бўлиб хизмат қилди.

Иккинчи жаҳон урушида қўлланилган “асабий атака” усули ҳам Амир Темурнинг душман тепасига тўсат-

дан жаранг-журунг, карнаю ноғора шовқин-сурони билан тикка босиб бориш билан ёвни гафлатда саросимага солиб енгиш тактикасининг янгича бир кўриниши эди.

Душманга сени кутмаган вақтда, сени кутмаган томондан тўсатдан ҳамла қилсанг, енгасан, деган Амир Темур тузуклари гоёси жаҳон ҳарбий низомлари ва жанговар йўриқларга кўчирилди ҳамда ҳарбий операцияларда синовдан ўтди. Генерал П.И. Батов ва дивизия командири Собир Раҳимов тажрибасидан бир мисол: Белоруссияни озод қилишда Батовнинг Сталинградда ном чиқарган 65-армияси қаттиқ қаршиликка учраб, қийин аҳволга тушиб қолади. Ҳамма йўллар дахлсиздай қаттиқ ҳимояда. Олға юришга мутлақо имкөн йўқдай. Ўшанда командарм душманга уни кутмаган томондан — балчиқзордан бориб ташланмоққа қарор қилади-да, ижросини Собир Раҳимовнинг ўқчи дивизиясига топширади.

Кўп хислатлари билан Амир Темурни эслатувчи Собир Раҳимов ўз аскарларига саваҷўпдан ясалган сават чориқ кийдиради, замбаракларни эса сават чаналарга кўндиради-да, пиёдаларга судратиб, душман орқасида пайдо бўлади. Сават чориқли аскарлар одамни ютадиган балчиқда қор устида чанғида юргандай сувини сузиб, лойини эзиб, балчиқзорни кечиб ўтадилар. Жанг Батовчилар — Раҳимовчилар фойдасига ҳал бўлади.

Фронтдаги 1942 йил қиши ва 1943 йил баҳоридаги бурилишлар, бизнинг кўлимиз баланд кела бошлаган омилларида ҳам буюк Соҳибқирон руҳи мадад қилгани ҳақида ривоятлар бор. Бу омилга менинг ўзим ҳам ишонаман. Урушнинг бошланиши Соҳибқирон жасади безовта қилиниши, уруш бошида мағлубиятга учрашимиз Соҳибқирон ва Улуғбеклар бош мияси қабрдан жудо қилинишида, деб тахминласалар, 1942 йил қишидан бошлаб фронтларда кўлимиз баланд келишини Соҳибқирон жасадининг ўз жойига қайтарилишида деб билувчилар кўп бўлди. Соҳибқирон, Шохруҳ, Улуғбек жасадлари 1942 йил 20 декабр куни ўз жойига қайтариб қўйилганди.

Айтишларича Олий Бош Кўмондон икки марта буюк Соҳибқиронни тушида кўрганмиш, Амир Темур дастлаб уруш бошланишини, кейин Ғалаба қозонишини унга башорат қилганмиш. Ким билсин, баъзан миш-мишларнинг ҳам асоси бўлади. Шамол бўлмаса, дарахтнинг учи кимирламайди.

Буюк Соҳибқиронимиз ҳақида ёзилиб, чоп этилган китоб, рисола, мақолаларни бир нусхадан тўпласа ҳам бир уйга сифмайди, тарихчилар, файласуфлар, тадқиқотчилар, ҳарбий мутахассислар битган илмий ишлар, давлат арбобларининг эсдаликларини замондошларнинг кундаликлари бир дунё бўлса, унинг хусусида тўқилган афсона-ривоятлар ва ажиб эртақлар оламари тарқалган. Қанча-қанча ёзувчилар буюк Соҳибқирон образини баддий сўз куймоғи қилган. И.С. Тургенев буюк лашкарбошининг ҳарбий санъатини куйлаб, салоҳиятини ниҳоятда улуғлаб, рус ва фаранг тилларида асарлар чоп эттирган. Максим Горький Амир Темурнинг ҳарбий ва давлатбоши сифатидаги салоҳиятини тан олган ҳолда унинг оқилу донолигини, одамохунлиги, она дардини қалбдан чуқур ҳис қилишини тасвирлаб “Темур ва она ҳақида эртақ” ёзди. Аслида бу эртақ эмас, Амир Темур олижаноблиги хусусида ҳақиқат ҳикоя эди. Максим Горький қаҳрамони она Италияда урушда йўқолган фарзандини қидириб Соҳибқирон Амир Темурдан нажот излаб, унинг ҳузурига келади. Соҳибқирон дарҳол онаи-зорни қабул қилади.

“Ўтир ва сўзла, мен сени тинглайман” дейди.

Она қатъий туриб дейди:

“Сенинг шиоринг “Куч — адолатда” эканлигини менга айтишди. Аммо бунга ишонмайман, бироқ сен менга нисбатан адолат қилмоғинг керак, чунки мен онаман” дейди ва Боязид билан бўлган жангларда йўқолган фарзандини топиб беришни талаб қилади.

“Шох шу даражада оқилу доно эдики, она нақадар қўпол муомала қилган бўлмасин, унинг сўзлари замиридаги холис қудратни фаҳмлаб етди ва... чуқур ҳамдардлик билдирди, ўзининг бевақт ўлим топган ўғли Жаҳонгир-

ни ҳам эслаб, кўзига ёш олди... Сўнг ҳукмрон деди: “Мен шаъри кули Темур сўзимни тингланг! Уч юз чоғли отлик сўзлар ҳозироқ менинг тасарруфимда бўлган ерларнинг ҳар бирида бурчларига йўл олсин ва онанинг ўғлини топиб қўйсинлар. Унгача аёл шу ерда яшайди ва мен ҳам у билан бирга болани кутаман. Ва ўша болани отига миндириб қайтган аскаримни хурсанд қиламан!” дейди Соҳибқирон.

Ҳикоянинг якунида онанинг севинч ёшларини ва миндириш сўзларини Амир Темур ўрнидан туриб эшитди ва онага унсиз таъзим қилади.

Амир Темурнинг адолатли ҳоқонлиги ҳақида дунё адабиётида кўп асарлар битилган, драмалар ёзилиб, дунё театрларида жуда кўп саҳналарда спектакллар яратилган. Амир Темур ҳақида Оврупо саҳналарида опералар ҳам яратилган. Соҳибқирон сиймосини улуғлашда дунё rassomлари ҳам четда қолмаганлар. Буюк Рембранд бошлиқ италян мумтоз rassomлари яратган Темур портретлари Оврупо музейлари тўрида туради. Рембранднинг XVII асрда чизилган Амир Темур сурати энг нодир мумтоз санъат асари сифатида сақланади.


Соҳибқирон бобокалонимизнинг ҳайратомуз ва оламшумул жасорати ва матонатли ишлари хусусида кўҳна ўзбек адабиётида турли асарлар, рисоалар босилиб чиққан. Аммо маълум бир давр ичида Соҳибқирон бобомизни тилга олган одамлар бадарга қилинганди.

Хайриятки, мустақиллигимиз туфайли ўзбек адаблари Соҳибқирон образини янгитдан яратмоқдалар. Атоқли олим Бўрибой Аҳмедов Соҳибқирон ҳақида яхши роман ёзди, сеvimли шоиримиз Абдулла Орипов ажойиб шеърлий драма яратди. “Темур тузуклари” қайта-қайта нашр қилинмоқда.

Маълумки, бир вақтлар мени, уч уруш кўрган, Соҳибқирон салоҳиётини жангларда чуқур ҳис қилган сипоҳ ва ёзувчини “Гулистон” журналида “Темур тузуклари”ни чоп этганим учун не куйларга солмадилар. Лекин мен асло афсусланмадим, аксинча, бундан мағруландим, уни иложи борича ҳимоя қилдим. “Темур тузуклари” “Гулистонда” босила бошлагач, журнал қўлма-қўл бўлиб кет-

ди, киоскаларда топилмай қолди. Аммо унинг душманлари ўзимизда ҳам, қўшни Тожикистонда ҳам анчагина бор эди. “Садон Шарқ” журнали танқидий мақола босиб чиқарди. Ўзимизникиларга Маркс, Энгельсларнинг “Темур тузуклари” ҳақидаги мақтовли гапларини рўқач қилдим, “Садон Шарқ” танқидига эса, Сталинободга бориб, Қосим Лохутий юбилейи тантанасида юксак минбардан жавоб қилдим. Қардош тожик жамоатчилиги ҳақишни маъқуллади. Икки халқ ўртасидаги дўстликка раҳна солувчилар мақсадига ета олмадилар. Оллоҳга ҳамду санолар бўлсин, бизни мустақилликка етишгирди, тикланган миллий давлатимизда “Темур тузуклари” ҳам қайта тикланди. Бу ноёб қомусий дастур ёш давлатимизнинг буюк келажагига, Ўзбекистон Республикаси қуролли кучларининг камол топишига хизмат қилмоқда.

*1996 йил*



ЁЗУВЧИ  
ВА  
ҲАЁТ



## ФАРҒОНА БЕНЗИНИЮ МОЙЛАРИ ДУНЁ АНДОЗАСИДА

**Нефть мустақиллиги — нақадар тотли сўз!**

Довон ошиб олтин водийга кириб келаётганимизда, муҳтарам Президентимизнинг гўзал Фарғона ҳақида айтган, “Фарғона — нафақат Ўзбекистоннинг, балки бутун Марказий Осиёнинг гавҳаридир” деган сўзлари ёдимга тушди-да, унинг гавҳарлари нималардан иборат эканини ҳаёлан йўл-йўлакай ўйлай кетдим. Президентимиз ўз таърифида, аввало, Фарғонанинг лафзи ҳалол, меҳнатсевар, меҳмондўст ва хуштабиатли одамларини, уларнинг мустақиллик давридаги ишлаб чиқариш салоҳияти, илм-фан, маданият ривожига қўшаётган муносиб ҳиссасини кўзда тутган эдилар. Ҳақиқатан ҳам шундай эканининг исботини йўл бўйи ўз кўзим билан кўришга муваффақ бўлдим.

“Ўзсаламан” фабрикаси водийдан нарига, бутун Марказий Осиёга замонавий пойафзал юбормоқда. Тошлоқ гуманидаги “ДЭУ текстайл” компанияси корхонаси, Кувасой кварц заводи, “Азот” корхонаси каби 1700 дан ортиқ катта-кичик объект ишга туширилди. Натижада мустақиллик шарофати туфайли Фарғона вилояти саноат ишлаб чиқариши бўйича республикада Тошкентдан кейин иккинчи ўринга чиқиб олди. Бу ердаги саноат корхоналарида 70 дан зиёд муҳим маҳсулот турлари ишлаб чиқарилмоқда. Уларнинг кўплари жаҳон андозаларига мослашиб бормоқда. 1999 йилнинг январь-май ойларида вилоятнинг чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналари салкам уч миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариб, истеъмолчиларга юборди. Хорижга кўплаб пахта толаси, нефть маҳсулотлари, минерал ўғитлар, газлама, консерва маҳсулотлари экспорт қилинди.

Шу даврда вилоят ташқи савдо айланмаси 200347,5 минг АҚШ долларини ташкил этди. Бунинг 142510,5 минг доллари экспорт ҳиссасига тўғри келиб, импортдан анча юқоридир. Фарғона Ўзбекистон валюта фондини бойиштида етакчи вилоятдир.

Вилоятнинг донгини чиқараётган саноат корхоналари ичида Фарғона нефтни қайта ишлаш бирлашмаси етакчилик қилади, уни чин маънода Президентимиз айтган гавҳарнинг ўзгинаси, деса бўлади.

Маълумки, ҳар бир давлат, жумладан, Ўзбекистон иқтисодий ривожланишида ёқилғи-энергетика мажмуи жуда муҳим ўринда туради. Фарғона нефтни қайта ишлаш бирлашмаси ўзининг Олтиариқ нефть заводи ва 1997 йили очилган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводини бирлаштирган бўлиб, у бу муҳим соҳанинг байроқдори ҳисобланади. Мустақиллигимиз иқтисодиётини ривожлантириш кўламлари ана шу гигант корхона олдига ҳам катта талаблар қўйди. Бутун Ўзбекистонни нефть маҳсулотлари: бензин, керосин, дизель ёнилғиси, турли-туман техника мойлари, битум, кокс, солидол билан тўла ва тўхтовсиз таъминлаш вазифаси юкланди. Корхонанинг изланувчи, ишчан, ватанпарвар жамоаси тез орада бу вазифани удалади, бинобарин, утган йили Ўзбекистон четдан валютага ёнилғи олиб келиш гавғосидан қутулди. Ватанимиз нефть мустақиллигига эришди.

Шундан кейин Фарғона нефтчилари олдида янги, янада муҳим вазифа, яъни мустақил Ўзбекистонда тайёрланаётган нефть маҳсулотлари дунё андозасида ва ундан ҳам юқори сифатда бўлиши керак, деган масъулият кўндаланг бўлди. Бу шарафли вазифадан тагинда янги муаммолар туғила бошлади ва Президентимизнинг ташаббуси билан Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини кўп тармоқли, энг замонавий қилиб реконструкциялаш — қайта қуришга киришилди.

Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши билан боғлиқ лойиҳа-қидирув ишлари илк бор 1948—1950 йилларда, ҳақиқий умри эса Мустақиллик давридан бошланди. Бу йил завод ишлаб чиқариш қуввати — нефть маҳ-

сулотлари тури бир неча баравар кўпайди, етук малакали кадрлар билан мустаҳкамланди. 1992 йилда нефть маҳсулотлари тури 45 тани ташкил этган бўлса, 1999 йилга келиб, бу кўрсаткич 53 тага етказилди. Нефть маҳсулотларининг ўн бешдан ортиқ янги турларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Илгари кичик авиация учун ҳам бензин республика-мизга четдан келтирилар эди. Республика ҳукуматининг топшириғига биноан, қисқа вақт ичида — 30 кун мобайнида завод мутахассислари ушбу танқис ёнилғини тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқдилар. Бугунги кунда республика-мизда ана шу ёнилғига бўлган эҳтиёж тўла қондирилди. Айни кунларда бирлашма бош заводида авиация бензини, турбина, мотор, тепловоз мойлари, “Ферсол” ва “Ферлита” деб номланган пластик ёғлар ишлаб чиқарилмоқда.

Республика-миз Мустақиллиги тонготаридан бери ўтган қисқа, лекин баракали ва самарали йиллар ичида нефть саноати бўйича катта муваффақиятлар қўлга киритилди. Фарғона ва Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводлари сафига замонавий технология асосида ишлайдиган Бухоро заводи ҳам қўшилди. Кўкдумалоқ, Мингбулоқ нефть конлари ишга туширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Абдуганиевич Каримовнинг Ўзбекистоннинг нефть мустақиллигини таъминлаш ҳақидаги кўрсатмаси бажарилди. Корхонага Россия ва бошқа хорижий давлатлардан хом ашё келтириш тўхтатилди. Заводда бугунги кунда республика-миз ҳудудларидан қазиб олинаётган нефть қайта ишланмоқда. Зукко мутахассисларимиз қисқа муддат ичида қайта ишлаш жараёнини ўзимизнинг нефть хом ашёсига мослаштиришга муваффақ бўлдилар.

### **Ишни тўхтатмай, янгиланиш йўлидан**

Бирлашма маъмурияти вилоят ҳокимлиги ҳамда “Ўзбекнефтгаз” миллий корпорацияси билан бамаслаҳат республика ҳукуматига бош корхонани замонавий тех-

ника ва технология асосида қайта куриш, яъни реконструкциялаш лозимлиги ҳақида таклиф киритди.

Бу таклиф шахсан Президентимиз ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан қўллаб-қувватланди. Корхонада ҳужжат ва лойиҳалар асосида дизель ёнилғисини сувсизлантириш, тузсизлантириш қурилмасини барпо этиш, хом ашё таркибидаги газ ва олтингугуртни ажратиб олиб, маҳсулот сифатини оширишга хизмат қиладиган технология мажмуини бунёд этиш кўзда тутилган эди.

Корхонада бу ишларни шартнома бўйича Япониянинг “Мицуи Энд Ко ЛТД” ва “Тоёо Инжиниринг Корпорейшн” фирмалари олиб борапти. Франциянинг “Прокатализ” фирмаси эса бензин таркибини бойитувчи катализаторларни янгилаш масалалари билан шуғулланмоқда. “Ўзбекнефтогаз” миллий корпорациясининг таклифи билан заводни қайта куриш лойиҳасини амалга оширишда Туркиянинг “Текфен” фирмаси ҳам фаол иштирок этмоқда.

Бирлашманинг 390 гектарлик ҳудуди бутун бир шаҳарни эслатади. Оламга машҳур бўлган бу завод 35 технологик ускунага эга, у, айниқса, мустақиллигимизнинг бешинчи йилида Ўзбекистонда чиқадиган ўз нефтимиз ва газ конденсатимизни қайта ишлаш корхонасига айланди.

Мустақиллик йилларидаги изланишлар, қайноқ меҳнат туфайли бу корхонада ўз хом ашёميزдан тоза бензин, керосин, сифатли техник мой ва парафин ишлаб чиқариш юқори даражага кўтарилди. Бирлашма 1998 йилдаёқ ҳамма кўзланган режаларини орттириб бажарди. 1999 йилни юқори кўрсаткичлар билан бошлаган жамоа икки жабҳада ишлаётган бўлса ҳам, маҳсулот чиқариш ҳажмини камайтиргани йўқ.

Бирлашма бош директори, Фарғона вилояти кенгашининг депутаты Шамсутдин Сайдахмедов билан бўлган суҳбатдан кўп нарсаларни билиб олдим.

Бирлашмага қарашли Фарғона, Олтиариқ ва Бухоро нефтни қайта ишлаш заводларида нефть маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, тури кўпайиб, сифати яхшиланмоқда. Бугунги кунда мазкур заводларда мамлакатимиз учун етарли миқдорда турли-туман бензин,

мой, дизель ёнилғиси ишлаб чиқарилмоқда. Бир гуруҳ ихтирочилар томонидан ёнилғи брикетларини олиш усули ишлаб чиқилди. Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводида темир йўл учун янги мой тайёрлаш йўлга қўйилди. Мазкур маҳсулотларни жорий этишдан олинган иқтисодий самара 1998 йилда 50 миллион сўмни ташкил қилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорида Фарғона нефть маҳсулотлари сифатини жаҳон андозалари даражасига кўтариш кўзда тутилган. Реконструкция бош пудратчиси Япониянинг “Мицуи” фирмасидир. Маблағ билан таъминлаш Европа тараққиёт ва тикланиш банки, Япониянинг “Эксимбанк”и томонидан амалга ошириляпти. Лойиҳа ишларини “Тойо Инжиниринг” фирмаси бажарган, объект қурилишини эса Туркиянинг “Текфен” фирмаси олиб борапти.

Реконструкция ишларини ниҳоясига етказиш — дизель ёнилғисини олтингугуртдан тозалаш қурилмаси ва бошқа қўшимча иншоотларни мустақиллигимизнинг 8 йиллиги арафасида ишга тушириш белгиланган.

— Реконструкция ниҳоясига етгач,— дейди бош директор Ш. Сайдахмедов,— республикамиз автотранспорт воситаларининг атроф муҳитни ифлослантириши, технологик печлардан зарарли моддаларнинг ҳавога чиқарилиши кескин камаяди. Олтингугуртни қадоқланган ҳолда, таблетка шаклида чиқариш имкони яратилади. Юқори октанли бензин олишга эришилади. Бирлашма-миз мутахассислари, муҳандис-техник ходимларининг диққат-эътибори келгусида жаҳон бозорида рақобатдош нефть маҳсулотлари ишлаб чиқаришга қаратилган. Ҳозирнинг ўзида бирлашма корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлардан дизель ёнилғиси ва турли хил мойлар хорижга экспорт қилинмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан “Ўзбекнефтгаз”— Нефть ва газ саноати миллий корпорацияси “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компаниясига айлантирилди. Шу муносабат билан Фарғонадаги бу бирлашма “Ўзнефтгаз” қайта ишлаш” акциядорлик компаниясига айлантирилди. Бу мамлака-

тимизда нефть ва газ қазиб чиқаришни кўпайтириш, мавжуд конларимизни ўзлаштиришни жадаллаштириш, тармоқ саноатида бозор муносабатларини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

### Япон муҳандисиянинг баҳоси

Раҳбару муҳандислар ҳамроҳлигида аввал машинада, кейин пиёда юриб, бош корхонанинг салкам тўрт юз гектар ердаги қурилишларини, ишлаётган цехларни, реконструкция қилинаётган — қайта қурилаётган замонавий иншоотларни кўздан кечирдик. 4600 нафар ишчи, техник, муҳандис меҳнат қилаётган заводнинг ҳамма жойида иш қизғин. Аммо ҳеч қандай шовқин-сурон эшитилмайди. Одамларни гапга тутсангиз, вақтни қизганганиданми, қисқа-қисқа, лўнда-лўнда сўзлайдилар-да, икки қўли ишида бўлади.

Нефтьга ишлов бериладиган ва таъмирдан чиқиб янгиланган участкада шаҳар ҳокими Алижон Мўминов билан учрашдик. Хушбичим, спортчилардек бақувват кўринган бу йигит иккита қурилманинг ишларини назорат қилиб юрган экан. Йўл-йўлакай уни гапга тутдик. У Япониядан келтирилиб, созланган, ярқироқ қурилмаларни кўрсатиб, “шуларнинг ҳаммаси механизмлар ёрдамида ишлайди. Нефть ўзимизники, бензини харидорбоп,— деди.— Корхонани янгилаб, ишлаб чиқариш қуввати салмоғини ошириб, сифатини яхшилаш орқали дунё бозорига “Ўзбекистонда ишланган”, деб ёзиб юборишга муносиб қилиб қайта ишляймиз”.

Яна бир қурилиш ёнига келганимизда, унинг хизматини бош директорнинг ўзи изоҳлади:

— Тозаланиб, тайёр бўлган ёнилғини автоматлар темир йўл вагонлари контейнерларига шу ерда қўйиб беради. Бир мисқол ҳам бензин исроф бўлмайди, теварак-атроф ҳам тоза, вагонлар ҳам бежирим, экологлар ҳам мамнун!

Сайдахмедов яна шуни қўшимча қилди:

— Бир куни, 1996 йили заводимизга Япониянинг Ўзбекистондаги элчиси келди. Ўшанда биз 9—10 хилгина нефть маҳсулоти ишлаб чиқарардик, у киши имкониятимизни кўриб, “қўлларингизни Россия нефти боғлаб турибди экан. Ўзбек нефти билан тўлиқ ишлашга ўтсангиз, маҳсулот хилини ўн баравар кўпайтира оласиз”, деди. Биз уни 53 хилга етказдик.

Технологик газлардан олтингугурт олиш станцияси-дамиз. Бундай қараганда, станцияда ҳеч қандай иш йўқдай, аммо олтингугурт ўз қопига кўз илғамас даражада, гўё яширинча йиғилиб қолмоқда.

Айниқса, иш жараёнида фойдаланиладиган сувни тозалаш механизмлари ҳам соат миллиридай ишлаганини кўриб, инсон ақлу заковатига қойил қолмай иложингиз йўқ. Ундаги олтингугурт бир фоиз миқдорига туширилди, шу кунларда бундан-да камайтириш ишлари олиб бориляпти. Янги қурилмаю мосламалар олтингугурт захарларини поездларга, ҳавога чиқармай, ўзи “ютиб” олади. Бу билан экологик тозалиги жиҳатидан дунё андозасига эришилади.

Лойиҳачию молияловчи ва қурувчи мутахассислар асосан хориждан келган бўлсалар ҳам, уни ишлатувчилар ўзимизнинг йигит-қизларимиз эканидан хўб қувондик. Чет эл мутахассислари, айниқса, реконструкция ишларига бошчилик қилаётган япон мутахассиси — “Тойо Инжиниринг” компанияси раҳбари жаноб Юджи Кавата ўзбек нефтчиларининг маҳорати ва ишчанлигига жуда катта баҳо берди.

Мен кунчиқар юртнинг оққўнгил ва ишбилармон муҳандиси билан ўз иш жойида учрашдим. Мен унга “ғўзай эмас” деб японча салом бердим, у менга табассум ила “ваалайкум ассалом”, деб ўзбекча жавоб қайтарди. Кейин суҳбатимиз тилмоч орқали давом этди.

— Аввало, меҳмондўст ўзбекларга минг раҳмат. Қолаверса, раҳбариятингизга минг раҳмат. Бизга эътибор катта бўляпти. Биз қурилишни тўхтатмасак-да, завод тинмай маҳсулот беряпти. Мутахассисларингизга офарин.

— Реконструкция ишлари қалай борапти?

— Ҳамма ишлар меъёрида. Яхши ишларни бажариш учун корхонага ҳукуматингиз томонидан катта ёрдам берилаяпти ва биз буни доимо юқори баҳолаймиз,— деди у японларга хос хушфёл, хушмуомалалик ила табассум қилиб.— Ҳозирги кунда лойиҳанинг бир қисми бўйича жадал ишлар кетяпти. Кейинги йилга барча ишларимизни тугаллаш ниятидамиз.

Шу кунларда янги ГДС қурилмасини ишга тушириш тадбирларини бизнинг мутахассисларимиз билан бирга фарғоналик ишчилар амалга оширмақдалар. Мутахассислар Япония, Германия, Италия, Голландия, Филиппин оролларида ташриф буюрган, қурилиш ишлари асосан Туркиянинг “Текфен” компанияси иштирокида амалга оширилмоқда.

Чет элдан келган 15 мутахассис ўзбек халқининг меҳмондўстлигидан миннатдор. Ўзбек миллий таомлари яхши, лекин овқатлар Япония ва Филиппин оролларида келтирилмоқда. Бизнинг одамларимиз ўзиникидан кўра ўзбекларнинг “шашлик” таомини хуш кўрадилар. Барча гамхўрлиги учун корхона раҳбари жаноб Сайдахмедовдан алоҳида миннатдормиз.

### **Дангасаю бекорчилар ишсукурлик қиладилар**

Бензин ишлаб чиқариш қурилмасида унинг бошлиғи, яъни кунчиқар юрт мутахассислари мақтаган йилитлардан бири бўлмиш Валерий Кўшоқович Шарафиддинов билан суҳбатлашдик. Унинг айтишича, 35 йил ичида “қариб қолган” бу қурилма, табиийки, экспортга яроқли маҳсулот беролмасди. Унинг маҳсулоти энди дунёда харидоргир, бундан ташқари, меҳнат жараёни хавфсизлиги таъминланган.

— “Нефтчи” футболчилари ҳам шу ердан чиққан!— дея мағрурланди “бензин қироли” деса арзийдиган бу киши.

“ЛЧ” деб аталмиш бу юқори сифатли бензин қурилмаси заводнинг ифтихори экан. Унинг бензини, айниқса, ҳаво флотига кўкка парвоз қилувчи учувчилар ора-

сида машҳур бўлиб кетибди. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” самолётларининг дунё бўйлаб беҳатар учишида ва оламда юқори рейтингга эга бўлишида Фарғона “ЛЧ” юқори сифатли бензинининг аҳамияти бениҳоя каттадир.

Бу ишларнинг ҳаммаси ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Уни амалга ошириш учун бутун дунёдан энг ривожланган мамлакатларнинг энг замонавий техникаси, ускунаси, қурилмалари нақд долларга сотиб олиниб, ҳаво йўли, сув транспорти, поездлар ва автомобилларда ташиб келинди. Комплекс бошлиғи, ўзбек ўғлони Баҳодир Низомов эндигина 30 ёшга кирса-да, жаҳонни кезиб чиқди. Унинг мамнунлик билан айтишича, дунё банкларидан олинган кредитларнинг барча фоизи тўлаб бўлинган, энди қарзнинг ўзи икки мингинчи йилдан 2008 йилгача тўланади. Бунга ишонч ҳам, имконият ҳам бор.

Заводда асосан вилоят шаҳар, қишлоқларидан келган ёшлар ишлайди. Ким билан гаплашмайлик, ҳеч бири менга ношукур гап айтмади. Бир йигитчадан “Турмушингиз қалай?” деб сўрасам, “Кўриб турибсизку, тинмай ишляпман, нолийдиган жойим йўқ!” — деди у ва менга қайрилиб қараб қўшиб қўйди: “Президентимиз “Эй, одамзод, кўзингни оч, ношукурлик қилма, бу ҳаётинг қадрига ет!” дедилар. Шу гап менга ҳам тааллуқли, деб биламан. Оладиган маошим рўзгоримга етади. Бундан ташқари, қўшимча ёрдам анчагина”.

Унинг ёнида турган ўртоғи, бошини тик қилиб, кўзини порлатиб, қатъий оҳангда деди:

— Ношукурлар ҳам йўқ эмас. Ҳаётда ўзларини қаёққа уришни билмай, санғиб юрган дангасаю беқорчилар ношукурлик қиладилар. Атрофларига синчиклаб қарасаларку, саккиз йил ичида нималар бунёд қилинганини кўрадилар. Шулар эртага ҳаммамизга тўкин-сочин турмуш беради. Бунинг қадрига етиш эса меҳнат билан ифода қилинади.

Бу ишчи йигитнинг гапида катта ҳақиқат бор. Мустақиллигимизнинг мана шу 8 йили ичида гўзал ва саховатли ўзбек халқи қўли билан қанчадан-қанча оламшумул иншоотлар барпо этилди. Эндиликда автомобиль санаотига эгамиз, ёнилғи мустақиллигига эришдик. Ҳалла мус-

тақиллигига эришув йўлида яна бир дадил қадам кўйилди. Юртимиз обод бўлаяпти. Кенг омманинг дунёқарashi, онг-тафаккури ўзгаряпти. Буни мен мустақиллик объектларига борганимда, ишчи-деҳқонлар билан учрашганимда ўз кўзим билан кўриб келдим.

Мен корхонанинг ўрта бўғин командирлари бўлмиш бошлиқлар, операторлар, кўп мутахассислар билан гаплашдим, улар Президентимизнинг ички, ташқи сиёсатини маъқуллаб гапирдилар. Раҳбарлар ҳақида сўз кетганда, 5-цех оператори Юрсинали Назиров ўз фикрини шундай изҳор қилди:

— Президентимиз ҳақ гапни айтдилар. Айрим раҳбарлар бир-икки йил яхши ишлайдилар, кейин атрофидаги хушомадгўй, лаганбардор, нопок шахслар қармоғига илиниб, ҳаромдан ҳалолни, ёмондан яхшини ажратолмайдилар, кичик лавозимдагиларни менсимайдилар, ишни эмас, кўпроқ пул, бойлик тўплаш ҳақида ўйлайдилар.

Тўпна-тўғри гап!

— Бизнинг бош директоримиз мутлақо ундай шахс эмас!— деди гапга қулоқ солиб турган операторлардан бири.— Менинг “Фарғона ҳақиқати”да босилиб чиққан мақоламни ўқимабсан-да. Беш қўл баробар эмас. Олтин зангламас, асал айнимас, деганларидай, бизнинг Шамсиддин ака қанча кўп ишлагани сари шунча пишиб етилиб, одамохун раҳбар бўлиб ишлаётганидан комбинатимиз йилдан-йилга гулламоқда.

Пульг бошқарувида ҳам, таъмирловчилар орасида ҳам, қаерда бўлмайлик, нефтчилар ўз раҳбарининг яхши фазилатлари ҳақида мамнун бўлиб, мағрурланиб гапирдилар. Ҳақиқатан ҳам, Фарғона “Ўзнефтникайтаишлаш” давлат бирлашмасининг бош директори Шамсиддин Мухтор ўғли Сайдахмедов ўз жамоасининг ишончини қозонган, тadbирли, ўз касбининг моҳир устаси, корхонасини ишчанлик билан бошқараётгани ҳар одимда кўриниб турибди. Ҳамма унинг яримта сўзидан ҳам бутун хулоса чиқариб, ўзи билиб, ташаббус кўрсатиб ишлаётганининг гувоҳи бўлдим. Бундай уюшган, бирдам, яқдил, ҳамфикр, ҳамкор жамоада барча ишлар қоқилмай-суқилмай ўз ма-

ромида боряпти. Ҳозир қирқ ёшга тўлган, тубдан янги-ланган бу корхона жамоаси мустақиллигимизнинг саккиз йиллик улуг айёмини дунё андозаси талабига мос 53 хил юқори сифатли ёнилғи ва мойлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан кутиб олмоқда. Замонавий реконструкциядан бардам, бақувват бўлиб, ойнадай ярқираб чиққан бу ажойиб гавҳархона кўзни қувонтиради.

1999 йил

## ОРИЯТЛИ ОДАМЛАР АҲДИ

### 1-МАҚОЛА

#### Гўзал Фарғона, сenga не бўлди?

Неча кунлар ва ойлар ўтмоқдаки, фарғоналиклар орасида ўзларининг шаънларига билдирилган таъна-дашномлару зиммадаги масъулият хусусида дув-дув гап тўхтагани йўқ. Икки одам чорраҳада йўлиқса ҳам, тўй-маърака, гурунглarda салом-алиқ ўрнига ҳам “Президентнинг сўзларини эшитдингми, ўқидингми, фикринг қандай? Бу доғларни нима билан ювамиз энди?” дегандай сўровга тутадиди-да, кутилмаган баҳслар бошланиб кетади.

Тўққиз йилдирки, истиқлол бошлаб берган буюк келажак биносини қуряпмиз. Унинг меъмори ҳам, бинокори ҳам Худо берган Президентимиз Ислом Каримов экани дунёга маълум.

Шу давр ичида Юртбошимиз раҳбарлигида Ўзбекистон мамлакатининг обрў-эътибори бениҳоя ортди. Президентимиз жаҳонда юқори рейтингли раҳбар деб тилга олинмоқда. Бугун мамлакатимизда қандай янгилик ва яхшилик пайдо бўлган бўлса, Йўлбошчимиз ташаббусию жонқуярлиги билан юзага келяпти. Ҳаётимизда пайдо бўлган иллатларни Президентимиз бошчилигида барҳам топдирыпмиз. Аввал Қашқадарёда, кейин Самарқанду Навоий вилоятларида, мана, кейингиси Фарғонада амалга оширилган жамиятни соғломлаштиришдай дадил тадбирлар ҳам сиёсатимизнинг собитқадамлигидандир.

Афсуски, баъзи жойларда истиқлолнинг адолат тарозисини қинғир қилиб, унинг ҳолис шайинини танбаллик томонга буриб юбуровчилар пайдо бўлди, улар жамиятимизни лойга ботира бошладилар. Бундай нопок ғаламисларнинг адабини бериб, қинғир кўлларини калта қилиб қўйиш керак эди. Президентимиз мутлақо тўғри иш тутди. Бу одилона ва ҳаққоний ҳукми халқимиз қўллаб-қувватлади, уни биз, ёзувчилар ҳам чин дилдан қувватлаймиз!

“Айрим раҳбарлар орасида шу хил кўнгилсизликлару иллатлар қандай пайдо бўлди?” деган савол туғилади.

Аввало, одамнинг хусусияти шундоқки, у, айниқса, раҳбар шахс ҳамиша ташқи ва ички назорату тафтишга муҳтож. Ташқаридан — эл-юрт назорати, ичдан — виждон кучи. Агар ташқаридан назорату тафтиш бўлмаса, у бебош бўлиб кетиши, унинг виждони ҳам ўзини назорат қилолмаса, у одамгарчиликдан чиқиши мумкин. Нарғи — жиноят!

Бица кўн амалдорлар ўзига хон, ўзига бек бўлиб, эл-юрт олдидаги бурчларини унута бошладилар. Бундай амалдорлар Амир Темур даврида ҳам бўлган. Улар вақтида шафқатсиз жазоланган. Самарқанд ҳокими адолатсизлик қилгани учун Амир Темур уни қандай жазолаганини эслайлик.

Президентимиз давлатчиликда Амир Темурчасига иш тутаётганидан бениҳоя хурсандмиз. Бу соҳада ҳамма, энг аввало, биз, ёзувчилар Юртбошимизга яқиндан ёрдам беришимиз керак.

Ёзувчи — халқнинг виждони, ёзувчининг илҳоми, ижоди эса, Тангрининг неъматиди. Шунинг учун Куръону каримда, ҳадисларда унинг ижоди беҳисоб тоат-ибодат ила ҳаж савоби билан тенглаштирилган. Бугун Аллоҳ истеъдоду илҳом берган, халқ виждони ҳисобланган ёзувчи Президентнинг хайрли ишларида яқин кўмакчи бўлиши керак, деб ўйлайман. Айрим ўзини билган ёзувчилар қўлидан келганича шундай қўлиптилар, аммо ҳаммамиз ҳам бу бурчни англаб олганимизча йўқ. Адолатсизлик, бўшанглик, ножўяликларга қарши бонг уриш бурчимиздир.

Нохушликларнинг қандай оқибатларга олиб келганини бир неча вилоятлар, шу жумладан, Фарғона вилояти

мисолида ҳам кўрдик. Бу ерда ҳам Президентимиз, иллатларни таг-томиригача очиб ташлади.

Ажаб кўнгилсиз воқеалар, танбаллик, паришонхотирлик юз бердики, Фарғона нохуш гап-сўзлар объекти бўлиб қолди. “Фарғона — нафақат Ўзбекистоннинг, балки бутун Марказий Осиёнинг гавҳаридир” — деб таърифлаган Президент Ислоҳ Каримов халқ депутатлари вилоят кенгашининг сессиясида жон куйдириб, аччиқ ҳақиқатни ошкора қилди.

— ... Аччиқ бўлса ҳам, бир ҳақиқатни айтиб ўтмоқчиман, — дейди Президент. — Менинг назаримда йил сайин Фарғонадан файз-барака кўтарилаётгандек, вилоят аввалги мавқеини, илгариги жозибасини, ҳаловатини йўқотаётгандек туюлади ва бу кўнглимни ғаш қилади.

Бу гапларни айтиш Президентнинг ўзига ҳам осон бўлмаганини биз кўриб, сезиб турдик.

Фарғоналиклар ориятли одамлар эмасми, Йўлбошчимизнинг кўнглини ғаш қилиб қўйганидан истиҳола қилдилар, вилоятда файз-барака кўтарилаётганидан ташвишга тушдилар. Аввалги мавқеини, илгариги жозибасини йўқотаётганидан афсусландилар. Хуллас, Юртбошимизнинг куйиниб, ачиниб, куйдириб, ачитиб айтган одилона сўзлари фарғоналикларга қаттиқ таъсир қилди, уларни кўзгатиб юборди. Уша нутқдан кейин баъзи раҳбарлар, айбига иқрор бўлган шахслар ерга қараб қолган бўлсалар, умр бўйи қўли меҳнатда қаварган одамлар ҳақли танқиддан тўғри хулоса чиқариб, кўзларини катта очдилар. Гуё гафлат уйқусидан уйғонгандек бўлиб, оқни қорадан ажратгандай, ғалвирни сувдан кўтаргандай, хушёр тортдилар. Биров “Шунча вақт гафлатда ётган эканмиз” деб ўйласа, бошқаси айбдорни қидирса, яна бировлар бу ҳаққоний танқидга сабаб бўлган асосларни ўзича таҳлил қилар, умуман, асосий омма бу ботқоқдан чиқиб олиш йўлларини фикран қидирар эди.

Фикр — оқар дарё. Уни ҳеч нарса тўхтата олмайди. “Ким эдик, ким бўлдик?” деган хаёл мисоли денгиз, ҳатто океан. Унинг туби чуқур, унинг тубига чўккан хаёл нималарга олиб бормайди? “Ким эдик?” деган саволнинг аниқ, ошкор, тарихий жавоби ҳам кўпчилиكنи узоқ-узоқларга элтardi. Зеро, гўзал Фарғона қадим-қадимлардан буён

ижтимоий, иқтисодий, маънавий-маърифий жиҳатдан тарихий ўлка бўлиб, ўзининг ишлаб чиқариш салоҳияти, илм-фан, санъат ва маданияти, дунё тараққиётига қўшган ҳиссаси жиҳатидан оламга машҳурдир.

Қадим-қадимдан Фарғонада ўткир дидли, нозик табиатли, хушчақчақ, яримта сўздан бутун гапни англаб олувчи, бутун гапдан эса катта маъно кашф этувчи оқил, доно одамлар яшайдилар. Фарғоналиклар бой тарихи, дунё тараққиётига катта ҳисса қўшган фуқаролари, улуғ алломалари, давлат арбобларини мард ўғлонлари ва доно, оқила қизлари билан ҳамisha мағрурланиб келган...

Фарғона фарзанди Аҳмад Фарғонийнинг ер юзи ҳаритаси бўлмаса, Колумб Американи оча олармиди? Унинг фалаҳиёт илми бўлмаса, фазогирлар фазога уча олармиди ва, умуман, ҳозирги замон компьютерлари, ҳаво ва сув қатновлари бўлармиди?

Фарғона мумтоз адабиёт ва санъат маркази бўлмиш Кўкон, унинг адабий муҳити намояндалари билан ҳам мағрурланади. Зебуннисо, Дилшод ва Анбар отин каби доно, файласуф шоирларимиз, Фурқат, Муқимий, Хувайдо, Ҳазиний сингари мумтоз шоирларнинг ижодлари нафақат ўзбек халқи, балки Марказий Осиё, қолаверса, бутун Шарқ халқларининг ифтихоридир! Шунингдек, Марғилондан чиққан санъаткорлар Юсуфжон қизиқ, Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Тамараҳоним, Юлдуз Усмонова, Богдада туғилган Ҳалима Носирова-лар билан бутун Ўзбекистон фахрланади. Улар Фарғонанинг гуруридирлар.

Не бахтки, тақдир тақозоси билан Ўзбекистон мустақилликка эришди ва бутун республика қатори Фарғона вилояти ҳам гуллаб-яшнади. Айниқса, вилоят иқтисодий-тининг асоси бўлмиш саноат ривожланди. Мустақиллик йилларида вилоятда 1700 дан ортиқ объектлар қурилиб, ишга туширишди. Буларнинг орасида Фарғонадаги “Ўзсаламан”, Тошлоқдаги “ДЭУтекстайл”, Қувасойдаги “Кварц” каби йирик корхоналар алоҳида ўрин эгаллайди. Фарғона вилояти саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми бўйича мамлакатимизда Тошкент шаҳридан кейин

иккинчи ўринда, меҳнатга лаёқатли аҳоли сони жиҳатидан биринчи ўринда туради. Саноат корхоналарида 70 дан ортиқ энг муҳим замонавий маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов Фарғона гавҳари тўғрисида гапирганида, ана шуларни эътиборда тутган эди. Юртбошимизнинг юрагини гаш қилган нарса эса, ана шундай бойликнинг қадрига етмай, катта имкониятлардан фойдаланилмаётгани, ношудлик, фаолиятсизликнинг ёмон оқибатлари эди.

Ўн иккита йирик корхонада, айниқса, фарғоналикларнинг фахри бўлган Кувасойдаги “Кварц” корхонаси, Фарғонадаги “Ўзсаламан” қўшма корхонаси, Учкўприк ва Бувайдадаги тикув-трикотаж, йигирув-тўкув ҳиссадорлик жамиятларида ўтган йили маҳсулот ишлаб чиқариш кўрсаткичлари 582 миллион сўмга камайтириб юборилди. Яна ўн бир корхонада эса 286 миллион сўмлик халқ истеъмол моллари кам ишлаб чиқарилди. Ҳозирги шароитда бундай масъулиятсизликка бефарқ қараб бўладими? Мутлақо йўқ!

Бу рақамлар айтмоққа осон, аммо эшитмоққа оғир, турмушга таъсирини айтмайсизми?! Ана шу миллион-миллион сўмлик маҳсулот бозорга чиқмади. Одатда, бозорга талаб-эҳтиёж ҳамда таклиф қилинган мол, яъни савдога чиққан маҳсулот миқдорига қараб тош қўйилади. Демак, Фарғона бозори ўтган йили аҳолига салкам бир миллиард сўмлик саноат молларини кам таклиф қилган. Тақчиллик — нарх-навонинг аждари. Бозорларда, дўконларда нарх-навонинг осмонга чиқиб кетиши аҳолининг турмуш даражасини пасайтириб, ишчи, деҳқон, зиёлилар “рўзгор тўрхалтаси”ни қуритмоқда. Ифодали қилиб айтганда, нафақат аҳолининг чўнтагини, балки унга қўшиб тинкасини ҳам қуритмоқда.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг масъуллари бу ҳақиқатни тасаввур қилармикинлар? Афтидан, Фарғона вилоятидаги бир эмас, 33 та корхонанинг бошлиқлари эл учун куйиб-ёниб, ташаббус кўрсатиб ишлашдан кўра, аччиқ таъна-тазарру эшитишни афзал кўрсалар керак-да?..

Фарғонада кейинги йилларда ёнилғи-мойлаш матери-  
аллари, маъданли ўғит, кимёвий тола, қурилиш ашёла-  
ри, кийим-кечак ва айниқса, озиқ-овқат маҳсулотлари  
ишлаб чиқариш ҳажми ҳам камайиб кетди. Бу билан ви-  
лоят иқтисодийётига катта зарар етди. Айниқса, аҳоли дас-  
турхонининг баракаси ўчди. Қуруқ қоп тик турармиди?!

Фарғоналиклар озиқ-овқат маҳсулотларини бемалол  
сотиб олиш учун қўшни Андижон, Наманган бозорла-  
рига чопадиган бўлдилар. Нега? Фарғонадан кўра, у ёқда  
емак-ичмак сероб ва арзон. Нима, қўшниларида озиқ-ов-  
қат маҳсулотлари осмондан тушадими? Нима учун Ан-  
дижонда ундоқ, Фарғонада бундоқ... Ери бир, сувни бир  
ариқдан ичадилар, сир-асрори нимада? Юртбошимиз-  
нинг бошини қотирган, кўпчилик фарғоналикларни  
доғда қолдирган бу муаммолар калавасининг учи қаерда?

Муаммолар кетидан муаммолар оқими гўё Шохимар-  
донсой шаршарасидай шариллаб кучая бошлади. Чунки  
сўнгги йилларда халқ хўжалигининг кўп соҳаларида ре-  
жаларни бажармаслик одат тусига кириб қолди. Бу ҳолат-  
га, олдинга эмас, орқага қараб тисарилишга чидаб бўла-  
дими? Муглақо йўқ — чидаб туриш гуноҳ!

Айтсам дилим, айтмасам тилим куяди. Карангки, 1996  
йилдан бошлаб тўрт йил ичида энг асосий тармоқ ҳисоб-  
ланмиш пахтачиликда сурункасига шартнома режалари  
бажарилмаяпти. Бундай шармандаликка қарши бонг  
уриш, жонбозлик қилиб, куйиб-ёниб ишлаш ўрнига ви-  
лоят раҳбарлари “борига барака” деб гўё шукроналар гир-  
добиди юришди. Танбаллик уларни тобора гафлат уйқу-  
сига фарқ қила бошлади. Натижада беш йил давомида ви-  
лоят бўйича ўртача ҳосилдорлик тўрт центнер камайиб  
кетди. Соч-соқолингни битталаб юлгинг келади. Ахир  
бутун дунёга донғи кетган, Африка меҳмони бўлмиш пах-  
та чигитини Марказий Осиёда биринчи бўлиб сувли ер-  
ларга қадаган ва тез орада ҳосилдорлик жиҳатидан Аф-  
рикадан ўзиб кетган Фарғона пахтакорлари эндиликда  
Африка тутул, қўни-қўшнилари ҳам кам ҳосил олиб,  
туямижоз сифатида орқага тисарилишининг боиси ни-  
мада?

Яқин-яқинларда ҳам юқори ҳосил олиб келган Бувай-  
да туманида ўтган йили бирданига у 8 центнер камайти-

риб юборилганига туман ҳокими қандай чидади экан? Вилоятда пахтачиликнинг мавқеини тушириб, 1999 йилда гектар ҳисобига атиги 23 центнердан пахта йиғиб олган Данғара тумани раҳбарларида ор-номус йўқмиди? Ҳаммаси бор. Фақат ишнинг кўзини билиб, ташаббус кўрсатиб, жон куйдириб ишлаш маданияти йўқ эди, холос.

Кўқон — йирик саноат шаҳри, савдо-сотик марказларидан бири. Мазкур шаҳарда қадимдан ишбилармонлар, савдогарлар, хунармандлар яшаб, водийнигина эмас, балки бутун Марказий Осиё ҳудудини кўплаб ноёб маҳсулотлар билан таъминлаб келган. Мустақиллик йилларида эса, унинг имкониятлари янада кенгайди. Аммо бу ерда мавжуд саноат корхоналари аранг ишлаб турибди, қанчадан-қанчаси умуман тўхтаб қолиш арафасида. Бундай ачинарли аҳволни гўё раҳбарлар кўрмагандай...

Нон — энг азиз таом. Ҳеч нарса — на ёғлик палов, на кабоб ва на бошқа тансиқ таомлар унинг ўрнини босолмайди. Айниқса, биз, ўзбеклар нон-чой билан тирикмиз. Чорвамизнинг ем-хашаги ҳам ғалла экинларидан олинади. Макка, буғдой ва арпанинг дони — тўйимли ем, хашаги — озуқа. Ейдиган гўшпу қаймоқ, ичадиган суг-қатиқларимиз ҳам ғалладан. Бинобарин, ҳазрати ғалла биз учун тўтиё. Уни ўстириш, кўпайтириш инсоний бурчимиздир. Ғаллакорлик — ўзбекларнинг, айниқса, Фарғона водийси аҳолисининг энг қадимги хунари. Фарғоналиклар қадимда дон экишни зироат экини, деб билганлар ва бу ерда зироатчилик қадим Зардўшт давридан одат бўлган.

Яқин-яқинларгача ҳам вилоятда ғалладан юқори ҳосил етиштириларди. Тўрт йилдирки, ғалла ҳосилдорлиги бениҳоя камайиб кетди. Қўшни Андижон вилоятининг айрим туманларидаги хўжаликлар гектарига 80—90 центнергача етказиб ғалла ҳосили олаётган бир пайтда Ёзёвон туманида бу кўрсаткич атиги 25 центнерни ташкил этаётганлиги кулгили, ҳатто аянчли эмасми? Улар, нима, товўқона учун ер ҳайдаб, экин экиб, маблағ сарфлаб, овера бўляптиларми?!

Бунинг устига Тошлоқ, Бағдод, Бувайда, Сўхда дон экиш, уни ўриб-йиғиб олиш кечиктириб юборилаётганига бу туманларнинг ҳокимлари нимани рўқач қилар эканлар?

Маълум ва машҳурки, бир вақтлар, қадим замонда жаннатмакон ҳисобланган Месопотамияга ҳам Фарғона мевалари, шакарпалак қовунлари оқ туяларда, олтин кўзаларда тантана билан олиб бориларди. Уларнинг таърифи оламга кетган эди. Ўша вақтдаги ер, сув жойида турибди. Аммо зироатчилари бошқа, лекин ўша зироатчиларнинг авлодлари-ку?! Нега ўша ерларда сабзавот етиштириш ҳам икки ярим барабар (беш йил ичида) камайиб кетди? Узум етиштириш ниҳоятда озайди. Нима, Фарғона узумларини чумчуқлар талаб кетаяптими? Ҳар ҳолда, уйдирма баҳоналар кўп. Ҳақиқат эса бошқа ёқда.

Шу сабабдан бозорда емак-ичмак тобора қимматлашиб, тирикчиликнинг кундалик харажатлари сарфи ошиб кетмоқда. Деҳқонлар ойлик маошларини вақтида ололмайдилар. Негаки, жамоа хўжаликлари, ҳиссадорлик жамиятлари насияга маҳсулот сотадилар, деҳқонларни ҳам “Ўртанга кел, индинга кел, ёзда кел, кузда кел” қабилида инсиз боғлаб, ёлғон-яшиқ гаплар билан алдаб юришдан эрикмайдилар. Қишлоқда яшаш шаҳарда кун кўришдан кўра анча оғирлашиб кетган. Яхшиямки, кўпчиликнинг томорқаси бор, ўша боқади. Кўлда берган билан қуш ҳам тўймайди-ку?

Деҳқон оиласи кўпинча баҳорги пилладан даромад қилишга ўрганган. Бироқ қишлоқликлар ипак курти уруғини боқади-ю, пилласи меҳнаткашни боқмайди. Қарс икки кўлдан чиқиши керак эмасми? Нега шундай? Бунинг сабаби ҳам ташкилотчиларга боғлиқ бўлиб турибди. Қурт боққан оила вақтида пулини ололмайдди, йиллаб пилла пулини ололмаганлар ҳам бор. Шунинг учунми, пилла етиштиришга қизиқиш йўқолиб бормоқда. Шу сабабдан ўтган йили Фарғона вилояти “кумуш тола” тайёрлашни ҳам 1600 тоннага камайтириб юборди. Грамм эмас, килограмм ёки центнер ҳам эмас, тонна-тонна ипак кам етиштирилди. Ундан қанча атлас, шойи, кийим-кечак, рўмол ёки парашют тайёрлаш мумкин эди. Афсусли..

Фарғона вилояти иқтисодиётининг негизини ташкил этган қишлоқ хўжалиги йилдан-йилга олдинга эмас, орқага қараб кетишининг сабаблари кўп, аммо асосининг асоси раҳбарга, кадрларга боғлиқ. Раҳбаринг доно ва та-

шаббускор, иш кўзини биладиган ва кадрларни фаол ишлата оладиган ҳамда ҳазрат Навоий айтганларидек, халқ гамидан бўлак гами йўқ, етук инсон бўлса, ишларинг машғал, мабодо бошлиғинг мужмал ва танбал одам бўлса — ҳамма нарса ишқал бўлади. Бу аччиқ ҳақиқат Фарғона вилоятига уч йил раҳбарлик қилган ҳоким мисолида аниқ кўринди.

Ўз лавозимига муносиб, етук ва лаёқатли раҳбар бўлганида эди, у ишни ислохотларни кучайтиришдан бошларди. Ундай қилмади, аксинча, ислохот йўлидан бораётган соҳаларни ортга қайтаришга эришди. Деҳқончиликда мулкка муносабат ўзгартирилмади. Ер эгасини тополмай, ҳақиқий деҳқоннинг, миришкорнинг қўлига ўтмай, аросатда қолди. Ҳосилдорликнинг камайиб, шартнома режаларининг муттасил бажарилмай келишининг боиси ана шундадир.

“Агар чиндан ҳам шундай бўлса, унумдор ер ҳақиқий деҳқон қўлига тушган бўлса, унинг самараси қани? Нега ҳосилдорлик йил сайин камаймоқда? Ерга ишонган, ерга суянган деҳқоннинг нега косаси оқармаяпти?” Юртбошимизнинг Фарғонада ўртага ташлаган бу ҳаққоний саволига вилоят раҳбарияти жавоб тополмади ва тополмайди ҳам. Чунки минг бор “қолва” деган билан оғиз чучимайди. Қозонда бўлса, чўмичга чиқади-да!

“Ўрик ўрикни кўриб ранг олади”, деган нақл бор. Туман ва жамоа хўжаликлари, ширкатлар вилоят бошлиғига қараб одимлайдиган бўлиб қолганлар. Унга ўхшамасинлар-чи, ундан гула кўтариб ишламасинлар-чи, ўзлари отдан ҳам, эгардан ҳам тушиб кетадилар. Кейинги уч йил ичида 106 жамоа ва ширкат хўжалиги раҳбари жиддий сабабсиз ўзгартирилди. Уларнинг орасида хизмат кўрсатган, мустақил фикрли, садоқат ила ишлайдиган арбоблар ҳам “ўрмонга тушган ўт ичида ҳўлу қуруқ баробар” тахлитида қарсақ чалиб кетавердилар. Нўноқ раҳбарлар тизгинида юрган, аслида яхши бўлган 17 та хўжалик яқинда санацияга тушиб қолди. Давлатнинг катта ёрдамига қарамай, уларнинг 14 таси пахта, 8 таси дон етиштириш шартнома режаларини бажармади. Раҳбарлик имконияти бўлганлар иложи борица улардан нари қордилар.

Муаммолар кўзиқориндай кунда эмас, ҳар соатда бодраб чиқа бошлади, аммо ечими топилмай, жумбоқлар гарамланаверди. Бундан галамисларгина фойда кўра бошладилар. Аҳолининг турмуш даражаси кундан-кунга оғирлашса оғирлашдики, енгил тортмади. Тор бўлди фуқарога Фаргона тонг отгунча, яъни ўзгаришлар бўлгунча. Шунинг учунми, одамлар ўз шоири тили билан:

Дардим сигмас дунёга,

Сигмай қолдим ўзим ҳам.

Хаёлимда бир-бирин

Алдар икки кўзим ҳам...

— деб нола этди. Вилоятнинг яна бир шоири “Одам тусига кирган шайтонлардан йироқ юр!” деб хитоб қилди.

## 2-МАҚОЛА

### Дастлабки қадам — ташланди илдам

Фаргона вилоятининг янги раҳбарияти жам бўлиб, Президент Ислом Каримовнинг “...азиз фарғоналиклар менинг куйиниб айтган сўзларимдан, танқидий мулоҳазаларимдан ўзларига тегишли хулосалар чиқарадилар ва барча соҳаларда ўзгариш ясайдилар деб қатъий ишонаман” деган умидбахш сўзлари устида бош қотириб, фикрлашиб олди. Аччиқ, лекин ҳаққоний танқид ҳаммага катта сабоқ бўлди. Катта ишонч, улкан масъулият юклади.

Жам бўлишиб, маслаҳатлашиб, фикрлашиб олгач, улар орийтли одамлар ҳаракати, ташаббуси ва жонбозлигига таяниб, тез орада қолоқликдан чиқиш режасини туздилар ва шу асосда “Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлис биринчи сессияси, халқ депутатлари Фаргона вилояти Кенгаши биринчи сессияси ва фарғоналик сайловчилар билан учрашувдаги маърузаларидан келиб чиқадиган вазифаларни бажариш чора-тадбирлари дастури”ни ишлаб чиқдилар. Қайта-қайта чиғириқдан ўтказилиб, илмий асосга қурилган ва ҳаёт тақозосидан келиб чиқилган бу ўттиз олти варақдан иборат дастур вилоят фаолларига ва улар орқали барча ишчи, деҳқон, косиб ва зиёлиларга етказилди.

Гоя омма дилидаги фикрни уйғотиб, қалблардаги ҳаракатни кўзгай олса, у моддий кучга айланади, дейди файласуфлар. Ана шундай кучни мен, вилоятда бир ҳафта юриб, Президентимиз ачиниб, куйиниб танқид қилган саноат корхоналари жамоаларида, деҳқонлар фаолиятида ўз кўзим билан кўрдим. Фарғоналикларнинг бепарволикдан тўсилиб қолган кўзларини очиб, ғайратга тўлиб, куйиб, ёниб ишлаётганлари ва бу астойдил меҳнатнинг дастлабки яхши натижаларини кўриб, сезиб кувондим.

Мамлакатимизнинг ёнилғи мустақиллигига эришувида катта хизмат қилган нефтни қайта ишлаш корхонаси ҳам танқиддан четда қолмаган эди, бу корхона жамоаси вилоятда биринчилардан бўлиб 2000 йил иқтисодий-техникавий кўрсаткичларини талаб даражасига кўтариш учун намунали иш бошлади.

Президентимиз ташаббуси билан Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини кенг кўламда реконструкция қилишга киришилди. 1999 йил давомида заводда Япониянинг “Мицуи” фирмаси билан “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компанияси ўртасида тузилган шартнома бўйича реконструкция лойиҳасининг асосий қисми ниҳоясига етказилди. Бу ерда дизел ёнилғисини жаҳон андозалари даражасига олиб чиқиш режаси амалга оширилди. Бугунги кунда ГДС, яъни дизел ёнилғисини олтингугуртдан тозалаш қурилмаси ишлаб чиқариш қувватини белгиланган даражага етказиш ишлари олиб бориляпти. Бунинг учун қўшимча қурилмаларни созлаш, ишга тушириш ишлари бажарилмоқда. ГДСга керакли бўлган хом ашё, технологик газларни етказиб бериш йўлга қўйилди.

Мазкур қурилма билан бир қаторда азот станцияси, сувнинг қаттиқлик даражасини юмшатиб беришга мўлжалланган қурилма ҳамда риформинг қурилмалари ишга туширилди.

Шу кунларда реконструкция лойиҳасига кирган АВТ-2,3 қурилмалари, нефт маҳсулотларини исроф қилмай, темир йўл цистерналарига қуйиб берувчи автоматик линиялар қурилиши ҳамда қайта таъмирлаш юмушларини ниҳоясига етказиш учун астойдил иш олиб борилмоқда.

Корхонада амалга оширилган ана шу реконструкция ишлари туфайли дизел ёнилғиси ёрдамида ҳаракатланди- ган автотранспорт воситалари умри узаядиган, атроф- муҳит мусоффолиги, экологик ҳолат яхшиланадиган, жа- ҳон андозаларига мос, экспортбоп дизел ёнилғиси иш- лаб чиқариш имконияти яратилди. Шу билан бирга, тоза бензин олишга эришилди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи яшармоқда. Мазкур бош корхонада ҳозир 49 турдаги нефт маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Кор- хонада экспорт талабларига жавоб берадиган турли мой- лар ишлаб чиқариш имконияти ҳам мавжуд. “Шелл”, “Бритиш”, “Петролиум” каби хорижий фирма ва ком- панияларнинг Фарғона мойларига бўлган қизиқиши кат- тадир.

Завод жамоаси республика халқ хўжалигининг нефт маҳсулотларидан бири — битумга бўлган эҳтиёжини қон- дирибгина қолмай, уни экспортга чиқариш устида ҳам иш олиб бормоқда. Бунинг учун қурилмалардан бирини реконструкция қилиш орқали битум ишлаб чиқаришни йилига бир ярим бараварга кўпайтириш мўлжалланган.

Заводда иқтисодий, техникавий ҳамда ташкилий иш- лар билан бир қаторда меҳнат жамоасини ижтимоий ҳимоя қилиш, ишчи ва хизматчилар ҳамда уларнинг фар- зандалари саломатликларини тиклаш, дам олишларини уюштириш борасида ҳам қатор ибратли тадбирлар амал- га оширилмоқда. Хусусан, 1999 йил — Аёллар йили му- носабати билан завод хотин-қизларига қўшимча имти- ёзлар берилди. Аёлларга туғилган кунларида энг кам иш ҳақининг 5 баравари миқдорида мукофотлар тарқатилди. Меҳнат таъғилига чиқаётган аёлларга 5 кун қўшимча ҳақ тўланадиган таътил жорий этилди. Фарзандларига ўқув қуролиларини харид қилиш учун энг кам иш ҳақининг 2 баравари миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. 2000 йил — Соғлом авлод йилида ҳам юқоридаги қўшимча им- тиёзларни давом эттириш мўлжалланган.

Республикада оғизга тушган, Марказий Осиёда ҳам қадр топган, пойабзали қўлма-қўл бўлиб олинадиган, аммо ўтган йили маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 17 фоиз камайиб

кетган “Ўзсаламан” қўшма корхонасига бордим. Корхона замонавий бежирим бинога жойлашган. Цехлари ёғ тушса ялагудай озода. “Зингер” немис дастгоҳлари билан жиҳозланган цехларда трикотаж кийим-кечак тикаётган оппоқ либосли чевар қизлар дафъатан, узоқдан менга гўё оқ капталларни эслатди. Яқинлашганим сари оқ либосли бичувчи, тикувчи сара қизлар кўринди. Гўё уларни атайлаб танлаб, саралаб йиққандай, бўй-басти бирдай, чехралари ҳам ўхшаш. Кулимсираб, табассум-ла, нур тўкиб ишлашларини айтмайсизми! Ўзларига ярашган очик чехралари, хушфейликларидан бутун цех нурга тўлгандай...

— Қўшни маҳаллаларнинг қизларидан танлаб олганмиз,— дейди қўшма корхона бош директори Қодиржон Омонов.— Тенг ярми 16-касб-хунар мактабидан келди, юз йигирма қизимиз эса пойабзалчилар мактаби таълимини олган.

Оқ кийим кийиб, оқ рўмол ўраб ишлаётган қизларни “Ҳорманг, бор бўлинг”дан кейин Наврўз билан қутладик, улар эса, байрамга меҳнат совғалари тайёрлаётганликлари хусусида гапира кетдилар. Айтишларича, ҳаммаси ҳам Президент Ислон Каримовнинг Фарғонадаги нутқларидан хабардор ва ҳар бири маърузадан ўзига тегишли хулоса чиқариб, ишлаётганликларини изҳор қилдилар.

Корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш 17 фоиз камайиб кетгани ҳақида гап борганида, “Айб бизда эмас, ком ашё йўқлигидан эди”, деди бир қиз.

— Маҳаллий хом ашё, ички имкониятлар йўқми ёки камми?

— Иложини топяпмиз,— дейди бош муҳандис.— Қўқон, Тошкент, Косонсой тери заводларидан чарм ола бошладик. Президентимизнинг нутқи қўл келди, бизга ёрдам бўлди. Ана шундан кейин ишларимиз юришиб кетди.

Мен “Ўзсаламан” корхонаси маҳсулоти бўлмиш эркаклар оёқ кийими, аскарларимиз учун пойабзал тайёрлаш конвейери билан танишдим. Конвейер чарм бичишдан бошланади. Чарм бичувчилар қадим этикдўз, махсидўз ва кавушдўзлар авлодидан бўлиб, замонавий пойабзалчилардир. Чарм бичув машиналари ҳам замона-

вий “Зингер” машиналари бўлиб, уста чармчи қўлида ҳар мақомга йўрғаламоқда.

Чарм бичувчи бир уста ҳузурда тўхталдик. У саломимизга хушвақт алик олди-ю, Нақшбанд ўғитига амал қилган инсон экан, қўли ишда, дили Аллоҳда бўлиб, бичувчи давом эттирди.

Бичув — ниҳоятда нозик иш, йўқни бор қиладиган, борни йўқ қиладиган одам ҳам шу бичувчи. Ул устага қўй терисидан, мол терисидан, ҳатто от ва туя терисидан ошланган чарм олиб келсалар ҳам, дарровда чамалаб, кўзи билан баҳолаб, етти ўлчаб, сўнгра бир кесади. Кесганда ҳам, чарм деган манаман, деб туради. Кейин у ўрмалаб тикувчилар қўлига ўтади. Тикувчи аёл йўрмадўзи тиккандай, “Зингер” да чок босади. Учинчи жойда чок қолипга тушади, сўнгра тайёр турган тагчармга қопланади, сал нарида пардоз-андоз... Яна бир жойда тайёр туфли, ботинка, аскар этиги кулиб чиқиб, мағрур сафланиб турибди.

Фарғонадаги “Ўзсаламан” пойабзал корхонасида манзара, афсуски, ҳар куни шундай эмас-да. Баъзан нохушликлар ҳам кўзга ташланади. Чарм бичувчи йигит тахминан бир квадрат метрлик қўй териси чармини тахтага ёзиб олиб, пешонаси тиришиб турибди. “Нима гап?”, “Бунга кўрмайсизми?” Чармга қарадик. Чармнинг ўртаси устанинг пешонасидан ҳам баттар тиришиб, буришиб кетган. Уни айланиб ўтиш керак. Йўқса, пойабзал тиришган, буришган, брак бўлиб чиқади. Бичувчи уста ҳам математик, ҳам танобчи бўлиши керак, шундай қилсинки, шу буришқоқ, тиришқоқ жойни умум чиройга мослаб юборсин ёки уни усталик билан четлаб ўтсинки, сиз ҳам, кабоб ҳам куймасин, йўқса, исрофгарчилик у ёқда турсин, пойабзал сифати ҳам барбод бўлади.

— Германиядан олиндим бу чарм?

— Қаёқда! Кўшнимиз Косонсой чарм заводининг маҳсули... Тошкентдаги “Ўзбекистон” заводидан олинганида ҳам шундай “хуснихат” учраб туради. Кўқондан ҳам шу хиллари келиб қолади. Уларнинг йиртиғини ямаб, эсимиз кетади, — дейди уста.

Ҳарқалай, хом ашёнинг ўзимиздан чиққани яхши. Оқин сувдай гап. Ўз пулимизга ўз вақтида оламиз. Улар

ҳам ўз молини бепардоз кўрсатмасликка ҳаракат қилсалар, умуммурод ҳосил бўлур эди. Пойабзалчиларнинг бирдан-бир истаги, умиди ана шу ўзбек чармчиларидан.

Тайёр маҳсулот цехидамиз. Омборда оммага мўлжалланган эркаклар оёқ кийимлари тахланмоқда. Бир-биридан гўзал, пухта, бежирим. Эркаклар туфлиси олти минг сўмга тайёр бўлиб чиқмоқда. Аскарлар пойабзали тўққиз минг сўм... Бу — завод нархи. Бир сўмлик маҳсулот заводда 98 тийин сарф билан битмоқда. Таннархи жаҳонда ҳавас қилгудай арзон.

“Ўзсаламан” кўшма корхона эмасми, Германия сармояси иштирок этганидай, фарғоналикларга шу мамлакатдан келган бир модельер ва бир технолог ҳам ҳаммаша ҳамроҳ. Ҳозир жаноб Харнишнинг бир ўзи ҳамма ишга улгурыпти. Чунки фарғоналик ишчи, техник муҳандислар Германияда, Рязанда хунар ўрганиб келдилар, техника ўқуви ўзларида ҳам бетўхтов ишлайди. Қолаверса, ўз ишларининг устаси фаранг бўлишга ишқибозлик жуда зўр.

Икки мингинчи йил “Ўзсаламан” кўшма корхонаси учун бурилиш йилига айланмоқда. Бунга Президент Исом Каримовнинг аччиқ, лекин ҳаққоний танқиди туртки бўлди. 2000 йилнинг январ ойидаги ўзгариш шу бўлдики, икки сменалик иш бир сменага ўтказилди. Ҳамма кундузи ишлайди. Натижа шундоқки, иш унуми ўсди. Январ ойида 15 минг жуфт ўрнига 19 минг жуфт пойабзал ишлаб чиқарилиб, ўз вақтида сотувга юборилди. Феврал ойида эса, янада ўсиш кузатилди: 20 минг жуфт пойабзал тайёрланди. Март ойида бу кўрсаткич бундан юқори бўлса бўлдики, камаймади. Фарғоналик ориятли косибларнинг аҳду паймони ана шундоқ. “Кўр ҳассасини бир марта йўқотади. Энди орқага тисарилиш йўқ ва мутлақо йўқ!” — дейишмоқда Фарғона пойабзалчилари.

\* \* \*

2000 йил ўзининг 25 йиллик тўйини нишонлаш арафасида турган Кувасой шиша идишлар заводида доврўғи узоқ-узоқларга кетган. Баъзи бир манбаларда Ўзбе-

кистон дунёда шиша туғилган мамлакат, деб аталади. Қувасой шиша идишлар корхонаси қадим ҳунарнинг оқоваси бўлса, ажаб эмас.

1975 йилда қурилган бу завод шиша идишлар чиқара бошлаши биланоқ Ўзбекистонда тақчил бўлган бундай маҳсулот муаммоси ечилди. Бир йилдан кейин эса, қурилиш ойнаси ишлаб чиқарила бошланди. Узоқ жойлардан не азобда келтириладиган қимматбаҳо маҳсулот ўзимизда ишлаб чиқарилгани учун ҳам қурилиш индустрияси тез ривожланмоқда.

Мустақилликка эришганимиздан кейин “Кварц” деган ном билан янгичасига ишлай бошлаган мазкур завод нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё давлатларини шиша идишлар ва ойнасозлик, қурилиш ва пардоз ойналари билан таъминловчи марказга айланди. Бу ерда кўпгина маҳсулотлар маҳаллий хом ашёдан тайёрланмоқда.

2000 йилнинг январ ойи шартнома режаси 109,4 фоиз этиб бажарилди. Феврал ойининг режаси ҳам ортиги билан адо этилди. 587 минг квадрат метр пардозли ойна ишлаб чиқарилиб, харидорларга етказиб берилди. Бу билан биз Президентимиз томонидан жамоамиз олдига қўйилган катта талабларга муносиб жавоб бермоқдамиз, — дейди бош муҳандис Альберт Семенович Ли. — Кейинги ойлар режалари ҳам ошириб удаланади. Шу мақсадда ишчи, техник-муҳандис ходимларимиз астойдил ишламоқдалар. Марҳамат, ўз кўзингиз билан кўринг.

“Кварц”нинг иш жараёни билан танишини яқинда таъмирланган шиша идиш цехидан бошладик. Кенг, ёруғ бинога жойлашган ишхонада усталар Оврупо техникасини бошқариб, қумни лойга, лойни оловга айлантириб, олтин ранг суюқлик ясамоқдалар. Бу суюқлик ўз йўлакларидан оқиб бориб, керакли қолипларга қуйилмоқда. Қарабсизки, конвейердан шиша, банка ўрмалаб чиқиб, йиғув жойида саflanмоқда.

Пардозли қурилиш ойналари цехида ҳам худди шундай жараённи кузатдик. Аммо манзара ўзгача. Дастгоҳлардан қулоч-қулоч оппоқ мато ёйилиб чиқади-да, ўз пўлат йўлакчасидан ўрта майдонга келгач, бири тўппа-тўғри,

иккинчиси ўннга, яна бири чапга бурилиб кетади ва сал нарида навларга ажратилиб, тўпланиб, қобикқа ўралади. Ундан нари — омборга бориб тахланади ёки бирийўла харидор машинасига жойланади. Уларнинг ҳаракатини кўриб, кўзингиз қамашади. Ҳамма жараёни ақлли техника бажармоқда. Ишчилар, муҳандис-техник ходимлар — кўмондон ва назоратчи. Шу жойдан феврал ойининг 580 мингинчи турли-туман шишасию, 230 мингинчи катта-кичик банкаси ўрмалаб чиққанининг гувоҳи бўлдик. Шишалар турли-туман шароб, шампан, коньяк, ароқ, минерал ичимликлар, узум суви ва ўсимлик мойи куйишга мўлжалланган бўлиб, бу маҳсулотларнинг нархи ҳам анча арзон, харидори кўп. Уларнинг харидорлари Марказий Осиё ва ундан наридан ҳам қаторлашиб келиб туришибди.

Харидорларнинг буюртмаси асосида заводда биноларни ёруғ қиладиган қурилиш ойналари, транспорт учун ойналар, мебел ойналари, ҳатто келинчаклар пардоз-андозига хизмат қиладиган ихчам ва кўркам ойналар ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Уларнинг харидорлари кундан-кунга кўпайиб, “Ўзбекистон, Қувасой, Мустақиллик кўчаси, 2” манзилига ўнлаб хат-хабарлар, телеграммаю буюртмалар оқиб келаяпти. Бир сўз билан айтганда, “Кварц” акциядорлик жамияти янгитдан жонланмоқда.

\* \* \*

Очиғи, вилоятда чет эл сармоялари иштирокида қўшма корхоналар ташкил этиш иши суст, тўққизта туманда бирорта ҳам қўшма корхона йўқ эди. Янги йилдан бу соҳада ҳам жиддий ўзгаришлар бошланганини Ёзёвон туманига борганимда сездим. Ҳозир бу туманда бир эмас, бирданига иккита қўшма корхона қуриляпти. Бири — Германиянинг “Зингер” компанияси билан қурилаётган корхона чўл зонасидаги одамларни бежирим кийим-кечак билан ясантурса, иккинчиси сутни қайта ишлаш билан шуғулланади, озиқ-овқат маҳсулотларининг тури кўпайишига хизмат қилади. Уларнинг яна битта афзаллиги шуки, чўлдаги кўпгина ёшлар ва аёллар иш билан таъминландилар.

Аммо бу вилоятда қилиниши керак бўлган ишга нисбатан дарёдан бир томчи, холос. Гап шундаки, миллиард-миллиард сўм халқ маблағи деворига чаглаб қўйилган 127 та объект қурилиб битказилмай, ташлаб қўйилган! Маблағ йўқлигини рўқач қиладилар. Тўғри, маблағ етишмайди. Аммо маблағ қидирмайдилар. Тадбиркорлик билан, жон куйдириб, югуриб-елиб қидирганлар уни топаяптилар ва ишни бошляптилар. Масалан, Андижон вилоятининг Шаҳрихон, Асака, Марҳамат туманларида катта-кичик корхоналарни аҳоли маблағию ҳашар йўли билан ҳам битириб ишга соляптилар-ку? Нима учун шу ишни Қува, Ёзёвон, Бувайда, Тошлоқ туманларида қилиш мумкин эмас!

Қувадек қадимги ва аҳоли кўп шаҳарда биттаю битта ҳаммом бор эди. У нафақат шаҳарликларга, балки бутун қишлоқлар аҳолисига ҳам хизмат қилар эди. Бу ерда қурилиш ишлари амалга оширилгани боис ҳаммом бузилди, Ўрнига янгиси қурилиши режаланди, ҳатто дастлабки маблағ ҳам ажратилди. Аммо ҳануз бутун шаҳар ва қишлоқлар аҳолиси ҳаммомсиз, кимга арз қилишини билмай юрибди. Шаҳар корхоналари, хўжаликлар бир бўлиб ҳаракат қилсалар, битта ҳаммом аллақачон битарди.

Халқ дарди билан яшаш катта-кичик раҳбар ходимларнинг бурчи! Президентимиз Ислон Каримов айтганларидек, бунёдкорлик, тараққиёт, одамларга ғамхўрлик бор жойда халқнинг руҳи кўтарилади, келажакка умиди ортади. Халқ дарди билан яшмаган раҳбарлар эътибордан қолади, норозиликлар гирдобияда ғарқ бўлади.

Қишлоқларда, деҳқончилик соҳасида ишлар қандай, уларнинг бошлиқлари нималар билан шуғулланиб келдилар ва ҳозирги “доғ ювиш йўли”да нималар қилмоқдалар? Бу ҳақда учинчи мақолада сўз боради.

### 3-МАҚОЛА

#### Илгорлар ибратда, қолоқлар ҳаракатда

Фарғона вилояти иқтисодиётининг асосий тармоғи бўлмиш қишлоқ хўжалигини қолоқликдан чиқариш чора-тадбирлари тўғрисида бу ҳудуддаги каттаю кичик — ҳамма бирдай ўйламоқда, куйиб, ёнмоқда десам, лоф бўлмас. Мен туманма-туман, қишлоқма-қишлоқ юриб, одамлар билан суҳбатлашиб, бунга ишонч ҳосил қилдим. Булоқнинг кўзи очилди. Фарғона деҳқонларининг ҳам иккала кўзи катта очилди. Ориятли деҳқонлар, айниқса, Фарғона деҳқончилигининг доврўғини дунёга танитган бобо-деҳқонлар тўп-тўп бўлиб, янги сайланган вилоят ҳокими Алишер Отабоев ҳузурига келиб турибдилар.

— Қачонгача таъна эшитамиз?

— Қолоқликдан қутулишнинг чора-тадбирлари борми, ўзи?

Янги раҳбариятнинг чора-тадбирлари ҳам аниқ. Улар Президентимиз айтган гапни айтяптилар. Мулкни ўз эгаларига беринглар, деҳқонга буйруқ эмас, ҳуқуқ беринглар. Деҳқон ўз меҳнатидан манфаат кўрадиган механизм яратинглар, у ўз хизматининг натижасини кўрсин, деҳқоннинг қосаси оқарса, ишлар чаққон юришиб кетади, демоқдалар.

“Фарғона вилоятида ҳосилдорлик нега камайиб кетди?” деган муаммони, айниқса, деҳқонлар қизғин муҳокама қилмоқдалар. Негаки, бунинг сабабларини улар беш бармоқдай биладилар. Бир муносабат билан уч-тўрт кишининг боши қовушган жойга мени таклиф қилдилар. Қизғин мунозара устидан чиқдим. Ўтирганларнинг ҳаммаси ёши бир жойга борган, тажрибали пахтакорлар эди. Гапларидан маълум бўлдики, улар пахтачиликдаги ҳозирги вазиятдан норози ва хижолатда.

— Ерни чарчатиб кўйдик, у мечал бўп қолди, — деди қора чопонли, марғилон дўппили, шоҳи белбоғ боғлаб, елка қирини чиқариб ўтирган деҳқон. — “Бер! Бер!” деяпмиз-у, “Ма, ол!” демаяпмиз. Десак ҳам, товўққа дон бергандай, сиқимлаб бераяпмиз, ботмонлаб эмас. Илгари экин экилган ерга ботмонлаб гўнг, минерал ўғит

берардик. Кейинги йилларда ғўзанинг бу насибасини ҳам юлиб-юлқиб, бошқа ёққа оширворяпмиз. Инсоф кетди ўзимиздан.

— Нимасини айтасиз?— деб қўшимча қилди у кишининг ёнида ўтирган мўйсафид.— Ўтган йили баҳорда ўғит келди, ўғит келди, дейишди. Очарчилаб қолган ерларга қараб, “Худо деб тур, эртага сенинг ҳам насибангни бераман”, деб ўзим ҳам севиндим, ерни ҳам қувонтирдим. Қаяқда! Ўғитнинг номи келди-ю, ўзи келмади. Йўл-йўлаккай шаҳар, қишлоқ томорқаларига тарқалиб кетибди. Бармоғимизни тишлаб қолавердик. Пахтазоримга кириб, “Тилим лол-у, ўзим гирён” ашуласини хиргойи қилишдан бўлак ишим қолмади. Ерни алдаганимиз кузда билдинди. “Сендан угина, мендан бугина” деганлари шу-да.

Ботирали исмли деҳқон, беш ўғлоннинг отаси, бошидаги дўпписини қўлига олиб, кафтига уриб-уриб, пастга қўйди-да, гўё ҳасратимни, эй дўппим, сен эшит, дегандай гап бошлади:

— Ерни қийнаворганимизни айтмайсизми! Ерининг ҳам жони бор. Уни авайлаш керак. Биз нима қиляпмиз? Уни оғир тракторлар билан эзиб, замбалаб, фишт, тошга айлантириб юборяпмиз. Фишт-тошга айланган ер қатлами нафас ололмайди — ҳаво кирмайди-да. Ер ҳам ҳаво билан тирик. Мисол керакми? Мисол кўп. Биттасини айтаман: бригадамизнинг ерини беш қўлдай биламан. Ерининг тили бўлмаса ҳам, ранг-рўйи гапириб туради. Қайси пайкалга нима зарурлигини ранг-рўйдан биламиз. Аммо раисдан тортиб, юқоридан келган ҳар бир амалдор отдан тушмай, баъзан отдан тушса ҳам, эгарда туриб, “Уни қилма, буни қил”, деяверади. Узоқ йили “хўп” дедиму, ўз билганимни қилдим, аммо балога қолдим.

— Ерларингга яхоб бер!— деди раис.

— Бу ерлар берч бўлиб қолган, яхоб эмас, ғўнг ва ўғит талаб қиляпти,— дедим.

— Ўзбошимчалик қилма!— деб ўшқирди у.

Раиснинг кўнгли учун, бир пайкалга яхоб бердим. Икки пайкални эса маҳаллий ўғит билан тўйдирдим. Табиий намлик — қор, ёмғирни шимиб, баҳорда яйраб етилди.

Учала пайкалга ҳам вақтида чигит экдик. Аммо ғўзалари икки хил бўлиб чиқди. Бўлар-бўлмасга сувга бостирилган, натижада захлаб, берч бўлиб қолган пайкалда ғўза униб чиқди-ю, лекин нимжон, ранги заъфарон, дардманд эди. Ўз билгимизча экилган пайкал ғўзасининг ниҳоли-чи, бардам-бақувват бўлиб, гуркираб турибди. Раис келиб кўргач, “Ўз билганингни қилибсан-да”, деб тишини орасида гапириб қўйди.

Кузда иккаламизнинг орамизда ундан ҳам баттар таранглик юз берди. Раис айтганча қилиб суғориб, яхоб қўйиб, чигит эккан еримизнинг ғўзаси нимжон, пахта чаноғи эса майда, толаси калта, чўғи оз бўлди. Ўзимиз билгимизча экилган ғўзалар бақувват бўлиб, таг шохларидан устки шохларигача шиғил кўсак қилди, очилиши ҳам эртарақ бўлди. Қўшни бригадаларнинг режаси тўлмади. Улар режани бажариш учун бошқа хўжаликлардан ҳам пахта териб келдилар. Аммо топшириқ удаланмади. Мен мамнуну мағрур эдим. Раисдан миннатдорчилик кутаётган эдим. Қаёқда! “Ўзбошимчасан”, деб мени бригадирликдан бўшатиб юборди.

Ботиралининг гапини бош силкитиб қувватлаган иккинчи киши буйруқбоз раҳбарнинг жазавасидан яна бир мисол келтирди:

— Деҳқонни ўз ихтиёрига қўймас эди-да. Ғўзани қачон суғориб, қанақа парвариш қилишни айтиб турарди. Бир куни катта пайкал ғўзаси чанқаб қолибди. Сув ичса, тепа шоналари кўсакка, кўсақлари чаноққа айланиши турган гап. Кўп синаганмиз. Раис бўлса “Сув қўймайсан!” деб туриб олди, сувчиларни пайкалдан ҳайдаб юборди. У койи-са ҳам, ўз билганимни қилдим. Натижа яхши бўлди. Ўша ернинг ҳар гектаридан 4—5 центнердан қўшимча ҳосил олдик. Аммо Президентимиз хўп яхши гапни айтдилар: деҳқоннинг ўзига қўйиб бериш керак!

Эсингизда бўлса, бир вақтлар Бувайда тумани республикамизда машғал эди. Унинг шу даражада қолоқлик ботқоғига ботиб қолганининг сабаби бор. Лоқайдмиз. Ер-сув ўзгаргани йўқ. Одамлар ҳам ўша, туманни машғал қилган кишилар ва уларнинг фарзандлари. Асосий са-

баб шуки, айрим катта-кичик раҳбарларда масъулият-сизлик, бепарволик, лоқайдлик ҳукмрон. Устига устак, ғўзаларимиз кам ўғит оляпти. Ер лой ва берч ҳолида ҳайдалаяпти.

— Ерга бундай муносабатда бўлиш гуноҳ,— дейди Алиқулов номли жамоа хўжалигида яшовчи бободехқон Иномжон ота Азимов.— Раҳбарлар меҳнат фахрийлари билан ҳисоблашмай, улардан маслаҳат сўрамай қўйдилар. Ёшлар эса, тажрибаси етишмаганидан, буйруқ билан ишлайдилар. Агар биз, оқсоқоллардан сўрасанглар, қўлимиздан келганича маслаҳат беришдан ташқари, шўр ювиш, чигит экиш, яганалаш ишларида ҳам кўмаклаша олардик. Бундай қилинмади. Натижада ҳамма ишлар кечикиб, ҳосилдорлик жуда пастлаб кетди.

“Янги ҳаёт” жамоа хўжалигида эса ҳосилдорликнинг пастлиги сабаблари тўғрисида гап кетганда, Саминжон ота Умрзоқов ҳам ерларни маҳаллий ўғит билан бойктиш унутиб юборилаётганини айтди:

— Қишлоқда гўнг, қўй қийи кўп, аммо уни пахта даласига ташиб, ерни семиртиришни ўйламаяптилар. Авваллари от-арава, ағдармаларда далани гўнгга тўйдирардик. Қишлоғимизда ҳамма нарса бор, аммо жонкуярлик етишмаяпти. Шу бугундан эътиборан ёшу қарини далани ўғит билан тўйғазишга сафарбар қиламиз, қани, раҳбарлар ҳам сафимизга қўшилсинлар,— мийиғида кулимсиради-да, менга юзланиб, шундай деди:— Эмишки, далага солгани туманда гўнг йўқмиш. Нега? Чорванинг ўзи камайиб кетибди. “Нима учун?” десангиз, ем-хашак йўқ, деб баҳона қиладилар. Минглаб гектар майдондаги буғдой, унинг сомони, макка дони, пояси қаёққа кетди? Ҳалоллик, поклик йўқолди. Айрим раҳбарлар аввал чўнтакка қарайдилар, кейин ишга. Файзу барака қаёқдан келади?

Бундай жонкуярлар вилоятнинг ҳамма туманларида беҳисоб, аммо Саминжон ота таъкидлаганидек, уларни стакловчи жонкуяр раҳбарлар кам. Натижада вилоятнинг фақат иккита тумани — Олтиариқ ва Фарғона режаларини бажарди, холос. Қолган ўн икки туман эса йил охирида ер чизиб қолди. Сабаби — бу туманларнинг раҳбар-

лари халқ дарди билан яшамасдан, ўз манфаатини кўзлаб, кун ўтказишга ўрганиб қолдилар. Бир хил шароит, бир хил имкониятга эга бўлган Олтиариқ туманини кўринг: у ҳар жиҳатдан вилоятда намуна бўлиб, донг чиқармоқда. Ердан нимаики ундириш мумкин бўлса, шуни ундириб, халқнинг фаровон яшашига шароит яратиб бермоқда. Сабаби аниқ. Бу туманда ижтимоий-иқтисодий ислохотлар дадил амалга оширилмоқда. Натижаси беқийёс!

Саноат ишлаб чиқаришини олиб кўрайлик. Ўтган йили Олтиариқда салкам икки миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, аввалги йилга нисбатан ўсиш суръати 106 фоизга етди. Ёки бир юз йиғирма икки миллион олти юз ўттиз икки минг сўмлик кўп маҳсулот бозорга чиқарилди.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришда ҳам Олтиариқ ўрناق бўлаётир. Бу соҳада 110 фоиз ўсишга эришилди, аҳолига режадан ортиқча 45 миллион 399 минг сўмлик маҳсулот етказиб берилди. Курилиш соҳасида пудрат асосида 180 миллион сўмлик иш бажарилди. 12-автокорхона жамоаси эса аввалги йилга нисбатан 157 фоиз кўп хизмат қилди. Савдо хизматининг ўсиши ҳам кўнгилдагидек — 176 фоиз! Кўриниб турибдики, олтиариқликларнинг даромади ҳам зўр, сарф-харажати ҳам қувонарли.

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ютуқлар ҳам салмоқли. 1999 йили 4 миллиард 944 миллион сўм даромад қилинди. Қарангки, Президентимизнинг ҳолисона танқидидан кейин олтиариқликлар бу миллиард ва миллионларни ҳам кам деб билиб, 2000 йилда одимни янада каттароқ ташлашга аҳд қилдилар. Туман ҳокими, Олий Мажлис депутати Нўъмонжон Омоновнинг айтишича, бу йилги баҳорги ишлар ўтган йилдагидан кўра олдинроқ, янада сифатлироқ бошланди. Мўлжал эса катта, бу, албатта, забт этилади. Чунки ерга чигит экиш бошлаб юборилди. 6800 гектар ердаги ғалла экини эса ер бетини духобадай қоплаб турибди. Ҳар бир квадрат метрда 450 тупдан ортиқ ниҳол ўсяпти. Уларга икки бор маъданли ўғит берилиб, суғориб қўйилди.

Олтиариқда ном чиқарган пахтакор, ғаллакор, жамоат арбоби, вилоят Кенгашининг депутаты Лолахон Муротованинг иши билан танишдик. Марказий Фарғона чўлидаги “Нуробод” жамоа жўжалигининг 3-бўлими бошқарувчиси бўлмиш бу аёл Президентимизнинг танқидий фикрларини эшитганидан бери ўзини кўярга жой тополмай кеча-кундуз далада экан.

— Президентимиз: “Фарғонада ҳам ориятли, ҳамиятли одам борми? Аҳвол қачон ўзгаради?”— дедилар. Биз бу гапдан хулоса чиқариб, ўзимиз учун уч қондани белгилаб олдик. Биринчиси — мустақкам интизом. Иккинчиси — илгор технологияни жорий қилиш, учинчиси эса моддий манфаатдорликни кучайтиришдир. Азалдан тупроқдан олтин олиб юрган биз деҳқонлар, шу уч қоида асосида иш бошладик. 333 гектар ерга кузда экилган бугдойни икки сидра ўғитладик. Суғориб ҳам қўйдик. Кўмкўк майсаларни кўрган кўзлар қувнайди...

Лолахон чўлда пахта етиштиришда ҳам миришкор деҳқон саналади. 300 гектар ерга чигит экади. Шўр ерларнинг меҳнати оғир. Қишда шўрини ювиб, баҳорда юмшатиб, силаб-сийпаб гўза ўстиради. 170 гектар ернинг шўри аллақачон икки мартадан ювилиб, 90 гектарига пушта олиниб, нам суви берилган эди. Ер тобига келиши биланоқ, пуштага чигит экишга киришилди.

### **Фермер хўжаликлари Ёзёвонни юксакликка олиб чиқади**

Ўтган йили Ёзёвон туманида 48 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатди. Улардан 43 таси шартнома режаларини ортиғи билан бажарди.

— Фермер хўжаликларининг бошқа хўжаликлардан афзаллиги борми, бўлса нимада?— сўрадим туман ҳокими Холматжон Комиловдан.

У мамнун ҳолда шуларни гапирди:

— Фермер хўжалиги ўзига-ўзи хўжайин, ерига ҳам, техникасию от-улови, топган-тутганига ҳам ўзи эга. Бундай хўжаликлар билан ишлаш ҳокимга осон. Унга “уни

қил, буни қил”, деб айтиб ўтирмайсиз, ўзи билиб қилади. Шунинг учун асосий ерларни 335 та фермерга бўлиб бердик. Улар Кува пахта тозалаш заводи билан шартнома тузишган, пахтасини ҳам тўппа-тўғри шу заводга сотади. Пулига эса ўзи хўжайин. Вақтида аванс олиб туради. Қисқаси, менга 10 та жамоа хўжалиги билан муомала қилишдан кўра, 335 та фермер хўжалиги билан иш юритиш осонроқ бўляпти.

— Жамоа хўжаликлари-чи?

— Жамоа хўжаликлари ҳамон собиқ совет давридаги боқимандалик одатидан қутула олмаяптилар. Улар билан банклар, заводлару олди-сотди ташкилотлари ҳам эскича муомала қилаётганликлари ачинарлидир.

— Фермерлар билан суҳбатлашсак бўладими?

— Марҳамат, хоҳлаганингиз билан таништириб қўяман. “Хумо”, “Ҳамал”, “Амир Темура”, “Наврўз”, “Барот”, “Омад”, “Дилшод”... Ҳаммаси ҳам ўзига ярашиқлик ном билан ва номига яраша фаолият кўрсатмоқда,— деди Холматжон Комилов.

Мен “Толқудуқ” ва “Наврўз” фермер хўжалиklarини танладим. Бу фермер хўжалиklarининг бошлиқлари билан учрашдим. Улар билан бўлиб ўтган мулоқотдан ниҳоятда мамнун бўлдим.

Навий номли жамоа хўжалиги ҳудудидаги “Толқудуқ” фермер хўжалигининг бошлиғи Иброҳимжон Шерматов узун бўйли, кенг елкали, келишган йигит бўлиб, замонавий иш юритиш механизмини яхши биладиган саводли деҳқон экан. Ўз хўжалигининг тузилиши, аъзолари, хўжалиқда иш юритиш қонун-қоидаларини жуда яхши ҳикоя қилиб берди. Ўтган йили 35 гектар ерга чигит экиб, маррани ҳаммадан олдин уддалади. 29 гектар бугдойзорнинг ҳар гектаридан салкам 40 центнердан дон йиғиштириб олиб, режани 140 фоизга етказди. Бу йил ана шу кўрсаткични бир ярим барабар оширмоқчи.

— Ҳозирги кўклам ишлари қандай борапти?

— Тез, жадал, сифатли,— деди у.— Чигит экиладиган ерларни молалаб, пушга олиб қўйганмиз. Бугун-эрта уруқ қадаймиз. Бугдойзорлар эса ўғитланиб, суғорилмоқда.

— Техника ва от-уловлар ҳам ўзингизникими?

— Ўзимизники, 2 та “МТЗ-80”, “ТХ-40”, “Т-75” ва “Т-150” тракторлари, юк машинаси, 5 бош от, 20 бош сугир, 40 бош қўйимиз бор. Қирқ йигит-қиз ишлаймиз. Ҳаммаси ўзимга қарашли одамлар.

— Даромад қандай бўлаяпти?

— 1999 йили пахтадан бир миллион сўм олдик, бир миллион сўм буғдойдан. Сугир, бузоқ, қўй-қўздан ҳам миллионлаб сўм даромад қилдик.

— Пулнинг тагида қолибсиз-да? Шунча пулни нима қилдингиз?

— Бўлиб олдик. Одамлар машина олишди, янги уйлар солишди, — деди фермер Иброҳимжон.

— “Пахтабанк” билан муносабатларингиз қандай?

— Банкирларга ҳам инсоф кириб қолди, — деди у хушҳол. — 2000 йилнинг баҳорги ишлари учун 500 минг сўм аванс олдик. Сўрасак, яна беради, аммо биз ҳам илгаригидек, “Бер! Бер!” деявермаймиз.

Азимжон Худойқулов “Наврўз” фермер хўжалигининг бошлиғи — ўзининг билимдонлиги, маданияти, айниқса, китобхонлиги билан мени қойил қолдирди. Сухбати-миз шундай ажиб тус олдики, фермер хўжалиги ишларидан олдин адабиёт тўғрисида гап бошланиб кетди. У йигит менинг асарларимни, мустақиллик ҳақидаги мақолаларимни таҳлил қилишдан гап очиб, мени ҳайрон қолдирди. Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ҳамид Гулом шеърляти ҳақида адабиётчи мунаққидлардай мулоҳаза юритди. Деҳқонлар орасида, айниқса, чўлда ишлаётганлар қаторида шундай маданиятли одамлар борлигидан қувондим.

Иброҳимжон фермернинг деҳқончилик ишлари ҳам чакки эмас. Ака-укалари, хотини ва жиянлари билан фермер хўжалиги тузиб, пахта, буғдой, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришдан ташқари, ёғочсозлик корхонаси ҳам ташкил қиляпти. Бунинг учун минг туп терак ўстиряпти.

У фермер хўжалигида рисоладагидек иш юритиш учун анча-мунча тўсиқлар мавжудлиги ҳақида қуйиниб гапирди.

— Президентимизнинг йўл-йўриқлари бўлишига қарамай, бизнинг пулимизга ҳам юқоридан хўжайинлик қилмоқдалар. Ўтган йили сотган пахтаимизнинг пулини ҳанузгача беришгани йўқ. “Пулинг ўрнига уни оласан, буни оласан”, дейдилар. Улар айтган нарсалар бизга керак эмас-да.

Иброҳимжон орзусини ҳам яширмади. Орзуси — деҳқончилик қилаётган фермерларни ихчам техника билан таъминлаш.

— Америкада фермерлар учун махсус мини “Магнум”-лар ишлаб чиқарилади. Бизда ҳам ўшандақа ихчам универсал тракторлар ишлаб чиқарилса ёки АҚШдан келтирилиб, бизга сотилса, кўп яхши бўлур эди,— деди у. Фермернинг эркин ва унумли ишлаши учун кафолат берилиши ҳам керак, уни ҳимоялаш ҳам зарур.

### Эгасини тошган ер саховати

“Аввал таом, сўнгра калом”, деган ҳикматли гап бор. Вилоятда иқтисодиётнинг пастлаб кетишига сабаб “Бер! Бер!” кўпайди-ю, “Ол! Ол!” камайиб қолди. Кўпгина хўжаликларда деҳқонлар, механизаторларнинг ойлик маошлари, иш ҳақларини ўз вақтида бермай, сарсон қилиб кўйдилар. Бўш қоп тик турмаганидек, қорни оч одам меҳнат қила олармиди? Деҳқон тўқ бўлса, эл-юрт ҳам тўқ бўлади, деган эди Президентимиз. Ана шу ҳақиқатни Қува туманидаги Шароф Рашидов номли жамоа хўжалиги мисолида кўрдик.

Бу хўжаликда иш ислоҳотдан бошланди. Мавжуд 637 гектар боғ-роғлар оилавий пудратчиларга бўлиб берилди.

— Ер ўз эгаси кўлида яйраб-яшнаб кетаркан,— дейди жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Мастурахон Сайфидинова.— Пудратчилар қишин-ёзин тиним билмай ишладилар. Мен раҳбар сифатида уларнинг ишидан мамнунман. Гап шундаки, ҳар қайсиси ўз ишини ўзи билиб қилади. “Уни бер, буни бер”, деб бизни овора қилмайди. Уларнинг олдига ўзим бориб, “Нима хизмат?” деб сўрайман, мабодо, биронтасига бирор нарса зарур бўлиб қолса, дарров етказиб бераман.

Шунинг учунми, хўжаликда ҳосилдорлик юқори. Даромад ҳам шунга яраша. Қувончлиси, оилавий пудратчилар орасида бир миллион сўмдан кам соф фойда олган деҳқон йўқ. Масалан, Мамлакатхон Тоштемирова бир ярим гектар анорзордан бир миллион олти юз минг сўм наф кўрган бўлса, Муҳаммаджон Тешабоев, Мухторжон Сайфиддиновларнинг даромади эса бир ярим миллион сўмдан ортди. Натижада жамоа хўжалиги аъзоларидан 60 киши ўтган йили енгил автомобиллар сотиб олди. Қолаверса, тақсимот даврида уларга 14 миллион сўм қўшимча иш ҳақи тарқатилди. Бу ҳол деҳқонларни янада унумли ишлашга даъват қилмоқда.

\* \* \*

Ҳа, ориятли фарғоналиклар бу йил ҳамма соҳада туб бурилиш ясаш учун фидойилик билан ишга киришдилар. Мавжуд тракторлар, механизмлар аллақачон мавсумга тахт қилиб қўйилган. Қатор хўжаликларда эса экин экиш ишлари авжида.

Эътиборлиси шуки, республика ташкилотлари ҳам жорий йилда Фарғона вилоятининг барча сўровларини ўз вақтида бажара бошладилар. Хусусан, бултур юзтача трактор олинган эди. Бу йил феврал ойида эса бир юз элликта замонавий трактор келтирилди. Муҳими, деҳқонларнинг руҳи баланд, ҳаракатлари зўр. Бу янги-янги ютуқларнинг гаровидир.

Биз уларга омад тилаймиз!

2000 йил

## **ФАЙЗИНГ ОШСИН, ФАРҒОНАМ!**

### **Мавзуга қайтиб**

“Ориятли одамлар аҳди” сарлавҳали туркум мақола-ларим Фарғона вилоятида иқтисодий ислоҳотлар суст кечаётгани, вилоятнинг ориятли одамлари бу аччиқ

ҳақиқатдан тўғри хулоса чиқариб, ҳар жабҳада бурилиш ясаш учун астойдил ишга тушганлари баён этилган эди. Орадан бир қанча вақт ўтди. Ўша пайтда берилган аҳд-паймонлар қандай амалга оширилаётганини ўз кўзим билан кўриш мақсадида яна Фарғонада бўлдим. Саноат корхоналари, бугдойзорлару пахта далалари, чорва фермаларидаги қайноқ ҳаёт билан танишдим. Фарғоналикларнинг ўз аҳдига садоқатию матонат намуналарини кўриб, қувончимни қалбимга сиғдиролмай, асалари чамандан нектар тергандай, мен ҳам вилоятда юз берган ўзгаришларни яна бирма-бир қаламга олдим.

### Сифат ўзгаришлари юз берди

Энг аввало, одамларда масъулият ҳисси, интизом кучайган. Буни меҳнатга ижодий ёндашиш, ташаббус кўрсатиб ишлаш одат тусига кираётгани исботлаб турибди. Илгари ҳар йили ёз фаслида одамлар ўзларини далага эмас, сайилгоҳларга, Шоҳимардону Водил ҳамда Арсиф оромгоҳларига урардилар-да, пахтага қарамай кўярдилар. Бу йил эса ҳатто жазирамада ҳам барчани ўз иш жойида, далаларда учратдик. Танбалликка ўрин йўқ. Буни ҳамма эътироф этмоқда.

Ишда суръат ва сифат ўзгаришлари бўлаётганини, энг аввало, саноат соҳасида кўриш мумкин.

Қувасойни дунёга танитган чинни заводида нақшон чинни, чойнак, пиёла, ликоц, косаю гулдонлар тайёрланапти. Уларни ясаётган қўли гул қиз-жувонларнинг меҳр билан кўз нуруни идишларга нафис қуймоқ қилаётганлари ҳар қандай кишини ҳайратга солади.

— Мустақил ҳур диёримизга ярашиқли чиройли идишлар яратмоқдамиз. Буларни кўрганлар гўё Ўзбекистонимизни кўргандай шодлансинлар,— дейишади чиннисозлар бир овоздан.

Мустақилликнинг тўққиз йиллик байрами шарафига ишлаб чиқарилган чинни идишлардан, рости, кўзлар қамашади. Таши садафга ўхшаса, ичидан суг бўртиб тургандай оппоқ. Сифат яхшиланди. Завод маҳсулотлари бо-

зорларда тўхтаб қолмай, тез сотилаётгани, жамоага катта даромад келтираётгани бунинг тасдиғидир.

“Кувасой чинниси” заводида ўтган ярим йилликда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва сотиш режаси 1999 йилнинг шу даврига нисбатан 138 фоизни ташкил этди. Товар маҳсулотлари ҳажми 148 фоиз кўпайиб, фойда 133,9 фоизни ташкил этди.

Нима учун бу корхона ҳақида тўлиқроқ тўхталаяпмиз? Гап шундаки, яқиндагина у қолоқлар қаторида бўлиб, қарзга ботиб қолган эди. Ҳамроҳиддин Набиев раҳбар этиб тайинлангач, ҳамма ишлар изга солинди. Натижада заводдан кетиб қолган одамлар ҳам ўз ўрнига қайтиб келдилар.

Ориятли чиннисозлар эса Фаргонани вақтинча тарк этган файз-баракани яна қайтариш учун астойдил ҳаракат қилиб, куйиб, ёниб, изланиб, янгидан-янги имкониятларни ишга солиб, узоқ-узоқлардан олиб келинадиган қимматбаҳо хом ашё ўрнига маҳаллий хом ашёлардан сопол, чинни изоляторлар тайёрлашни йўлга қўйдилар. Уларни пуллаб, ўз бойликларини кўпайтирдилар.

Аввало, Қўйтош ва Ангрен каолини ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Рангли бўёқлар ўрнига ўзларида мавжуд оқ бўёқлар ишлатилди. Иккита буғ қозони қурилди, артезиан қудуғи қавланди. Янги-янги ихтиролар яратилиб, иккита саноат намунаси бўйича 28 та патент олинди, ундан 25 миллион 950 минг сўм фойда олинди. Ишчилар томонидан жорий қилинган 8 та ихтиро эса 17 миллион 600 минг сўм иқтисодий наф келтирди. Буларнинг ҳаммаси “Кувасой чинниси” акциядорлик корхонасини “бойвачча завод”га айлантирди. Ҳозир чиннисозлар ҳар ишга қодир. Шу кунларда корхона Хитой ва Германия ишбилармонлари билан ҳамкорликда дунё андозасидаги чинни буюмлар ишлаб чиқариш, муҳими, чет эл бозорларини эгаллашга киришган.

Яна бир эътиборли далил. Кувасойдаги мавжуд корхоналарда ярим йилда 996 миллион сўм фойда олинди. Хусусан, “Кувасойцемент” ҳиссадорлик жамияти 700 миллион сўм фойдани қўлга киритди. Шу билан бирга,

маҳсулотни чет элга сотишдан 2 миллион доллар хорижий валюта ишлади. “ТЖМ Деларос” қўшма корхонаси эса 129 миллион сўм фойдага эришти. Натижада бу корхоналар ўзининг иқтисодини мустақкамлаб, ҳатто четдан замонавий ускуналар олиб келдилар. Шу йилнинг учинчи чораги охирида “ТЖМ Деларос” қўшма корхонасида электрод ишлаб чиқариш цехи ишга тушиши кутилмоқда.

Шуниси қувонарлики, умуман олганда, Фарғона вилояти бўйича ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотининг ҳажми ўтган йилнинг айни даврига нисбатан таққослама баҳоларда 10,1 фоиз ўсди. Ваҳоланки, ўтган йилни 11 корхона 402,6 миллион сўм зарар билан якунлаган эди. Статистика маълумотларига кўра, 2000 йилнинг ярим йиллиги давомида вилоятда дотация олиб ёки зарар кўриб ишлаётган битта ҳам корхона қолмади. Ҳаммаси фойда келтираяпти. Бу борадаги кўрсаткич мамлакатимиз корхоналарида юз берган ўсиш даражасидан икки баробар юқори бўлганидан фарғоналиклар мамнун.

### **Ислоҳотлар чуқурлашиб бораёпти**

Халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги танқиддан кейин бу ерда 2068 та янги корхона ташкил этилди. Шулардан 1678 таси кичик ва ўрта корхоналардир.

Янги иш жойлари тобора кўпаймоқда. Ярим йил мобайнида беш минг бир юз нафар киши иш билан таъминланди. Нодавлат корхоналар ҳам кўпайиб, ишлаб чиқариш тармоғи кенгайиб бормоқда. Ишлаб чиқарилган ялпи саноат маҳсулотида уларнинг улуши 39,9 фоизга, истеъмол молларида 62,4 фоизга етди. Якка тартибда фаолият кўрсатаётган жисмоний шахслар ҳиссаси 116,9 фоиз ортди. Уй шароитида шахсий эҳтиёжлар учун 889 миллион сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Ишсизлар сони камаймоқда. Бунга Тошлоқ тумани тажрибаси жуда яхши мисол бўла олади.

Туманда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, иш билан таъминлаш, қишлоққа янги технологияларни олиб кириш, мактаб ва уй-жойлар қуриш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш соҳасида бир қанча кўзга кўринarli ишлар амалга оширилди. ДЭУ корпорацияси 60 миллион АҚШ доллари сарфлаб, ип-йигирув корхонасини қисқа муддатда ишга туширди. Энг замонавий ип-йигирув ускуналари ўрнатилди. Буларда ишлаш учун 200 нафардан ортиқ ёшлар Жанубий Кореяга бориб, ҳунар ўрганиб, етук мутахассис бўлиб келдилар. Улар ҳам ўз навбатида бу ердаги ишчиларга ўз ҳунарларини ўргатдилар.

Ҳозир мазкур корхонада 1400 киши ишламоқда. Уларнинг кучи билан ўтган йили 16 минг 500 тонна пахта толаси қайта ишланиб, 4,8 миллиард сўмлик ип-калава тайёрланди. Ишчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 16 минг сўмдан ошмоқда. Бундан ташқари, ҳар бир ишловчига бепул уст-бош берилмоқда. Улар бепул тушлик ва бепул транспорт хизматидан ҳам фойдаланмоқдалар.

Тайёр маҳсулот — ип-калава эса Япония, Франция, Германия, Голландия, Италия каби дунёнинг 20 дан ортиқ ривожланган мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

Туманда ўн нафар фермер ўз маблағи ва кучларини бирлаштириб, Франциянинг “Тасис” дастури доирасида Голландия технологиясига асосланган пишлоқ ишлаб чиқарувчи замонавий корхонани барпо этган эди. Бу ерда 20 нафар киши янги касб эгаси бўлди. Корхонада эса бир кунда 2 тоннадан зиёд сут қайта ишланиб, ундан жаҳон андозаларига жавоб берадиган, рақобатбардош пишлоқ, қаймоқ, қатиқ ва бошқа сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Ана шу маҳсулотлар Тошкент ва Фарғона шаҳарларидаги бир қатор савдо шохобчаларида сотилиб, истеъмолчиларнинг миннатдорчилигига сабаб бўлмоқда.

Тадбиркор Б. Лукмонов раҳбарлигида қурилган нотўқима матолар корхонаси иши ҳам диққатга сазовор. Бугунги кунда унда 650 нафар киши иш билан банд. Улар томонидан ишлаб чиқарилган матоларнинг асосий қисми Россия Федерациясига экспорт қилинмоқда.

1 Корхонада ишлаб топилган маблағ ҳисобига янги замонавий ускуналар билан жиҳозланган ип-йигирув ва пайпоқ тўқиш цехлари ҳам ишга туширилмоқчи. Шунда кўшимча равишда яна 600 ишчи ўрни пайдо бўлади. 2001 йилда эса бу корхонанинг бир қатор қишлоқларда тикувчилик, мебел ишлаб чиқариш ҳамда бошқа шохобчалари қурилади. Уларда 500 нафар киши иш билан таъминланади.

### Деҳқонлар енг шимарган

Бу йил вилоят ҳўжаликларида 383647 тонна бошоқли дон, 43725 тонна картошка, 83700 тонна сабзавот, 548 тонна полиз маҳсулотлари, тирик вазнда 28162 тонна гўшт, 147291 тонна сут, 34788 минг дона тухум, 336,5 тонна жун, 2475 тонна пилла тайёрланди.

Ана шу неъматларни яратаётганлар қадоқ қўлли деҳқонлардир. Улар билан танишиш мақсадида дастлаб Аҳмад Фарғоний ватани — қадимий ва ҳамиша навқирон Қуванда бўлдим. Ким билан гаплашмайин, ислохотлар ҳаммага қўл келаётгани, деҳқонларда ерга эгалик ҳисси чуқурлашаётгани яққол сезилди. Айниқса, Шароф Рашидов номи ширкат ҳўжалиги деҳқонлари бу йил ҳар бир қарич ерни авайлаб-асраб, ҳар бир туп мевани ўз фарзандидай парваришлаб, мисли кўрилмаган даражада ҳўл мева йиғиштириб олдилар. Шартнома режалари аллақачон ортиғи билан бажарилган. Аммо бозорлар арзон мевага тўла. Четга ҳам карвон-карвон боғ неъматлари жўнатилмоқда. Шу билан бирга, улар ҳозир ҳўл меваларни қуритиб, қоқи қилмоқдалар, анорлар ҳам яхши ҳосил қилди.

Кўшни “Наврўз” жамоа ҳўжалигида эришилган дастлабки натижалар ҳам чакки эмас. Пилла, ғалла, мева, сабзавот мўл бўлди, бу борадаги шартнома режалари ошириб адо этилди. Пахтадан ҳам мўл ҳосил олинishi кутилмоқда.

Раҳматов номи ширкат ҳўжалиги бошқаруви раиси Кимсан Мамасолиев бу йилги ўзгаришлар хусусида чин дилдан ҳикоя қилади:

— Мустақилликнинг тўққиз йиллигида нималарга эришдик? Яна қандай имкониятлар бор? Хўжалик раҳбари, оддий деҳқон фарзанди сифатида шунини очиқ айтманки, деҳқонларимизда ерга муносабат, унга эгалик ҳисси, моддий манфаатдорлик тобора ортиб бормоқда. Бунда оила пудратига кенг йўл очилганлиги, жамоа хўжалиги ширкат хўжалигига айлантирилганлиги муҳим омил бўлди. Биз Қувада биринчилардан бўлиб ширкат хўжалигига ўтгандик, ўтган даврда ўқидик, ўргандик, изландик. Самарами? Жорий йилда 476 гектар ернинг ҳар гектаридан 53 центнердан, жами 2510 тонна сара дон етиштирдик. Ана шу ҳосилнинг 800 тоннаси уруғликдир. Деҳқон бир мақсадни кўзлаб, ҳалолу пок меҳнат қилса, албатта, ниятига етар экан. Халқимизнинг уйига дон кирди, ризқ кирди.

Туман ҳокими Муҳаммадjon Носировнинг айтишича, мавжуд хўжаликларда 6700 дан ортиқ ижарачилар фаолият кўрсатмоқда. Улар пахтачилик, ғаллачилик, боғдорчилик, картошқачилик ва сабзавотчилик билан шуғулланиб, ер самарадорлигини оширган ҳолда катта моддий манфаат кўраётирлар.

Айни чоғда туманда 13 та ширкат хўжалиги фаолият юритмоқда. Раҳматов номли, “Ҳақиқат”, Обидов номли, Шербўтаев номли, Абдураззоқов номли, Охунбобоев номли ширкат хўжаликлари меҳнаткашлари бу йил ғаллачилик соҳасида туман ва вилоятда юқори кўрсаткичларга эришиб, ҳосилдорликни гектар ҳисобига 50 центнердан оширдилар.

Айниқса, фермер хўжаликларига тўла эркинлик берилганлиги ислохотларнинг афзаллигини амалда исботламоқда. Бугун туманда деҳқончилик йўналишида 26 та, чорвачилик бўйича 52 та, боғдорчиликда 68 та фермер хўжалиги мавжуд. Жумладан, “Қосим карвон”, Саманов номли, “Зойиржонобод”, “Миркомил”, “Қуёшхон”, “Абдуназар” фермер хўжаликлари барчага ўрناк бўлиб, деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш ишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Кувалик пахта усталари эса 9865 гектар майдонда гўза ўстирмоқдалар. “Ҳосилдорликни 32 центнерга етказамиз!” — уларнинг аҳди шундай. Бу йил ҳосил ўтган йилга нисбатан 15—20 кун эрта пишди. Пахтакорлар истиқлолнинг 9 йиллик байрами арафасида оммавий равишда йиғим-теримни бошлади.

Кўпчилик бободехқонлар “Бу йил Фарғонада пахта йили бўлди”, дейишмоқда. Сабаби — баҳорда ёгингарчилик, дўл, сел бўлмади, гўзалар қатқалоққа учрамай эркин ўсди. Техника воситалари сон жиҳатидан кўпайди, эҳтиёт қисмлар танқислиги унча сезилмади, ёнилғи-мойлаш материаллари таъминотида камчилик бўлмади. Буларнинг ҳаммаси гўза парваришини ўз вақтида, маромида олиб боришга хизмат қилди.

Тошлоқ туманидаги “Навбаҳор” ширкат хўжалигининг Икромжон Эркабоев бошлиқ пудратчилар даласида эса пахтачилик тарихида учрамаган ажиб манзарани кузатдим.

Икромжон ўз шериклари билан эрта баҳорда 13 гектар майдонга “Армуғон” навли пахтанинг чигигини эккан экан. Уруғ бир текис униб чиқибди, унинг бир тупини ҳам нобуд этмай, парвариш қилибди. Натижани қаранг: бир туп ниҳолда 48 та кўсак, яна учта гул...

Оилавий пудратчи Икромжон Эркабоевдан гўза парваришида қандай агротехника усулларини қўллаганини сўрадим.

— Шудгор олдида ҳар гектар ерга 300 килограммдан фосфор, экиш олдида пуштага 220 килограммдан аммофос ва 100 килограммдан мочевина, ўсув даврида гектарига 450 килограммдан азот ва 240 килограммдан аммиак солдик, — деди у. — Ўғитлаш 1 июлга қолмай тугатилди. Шу билан бирга, бутун ёз давомида гўза қатор ораларига шарбат оқизилди...

Тошлоқда бундай деҳқонлар кўп. Шерматов номи ширкат хўжалигининг бригада бошлиғи Дилим Эгамова — шулардан бири. Бу пахтакор кўп кўчат ҳисобига мўл ҳосил тўплаш, уни эрта пишириб олиш усулини жорий қилиб-

ди. Ҳар гектар ерда 150 минг туздан гўза ўстирилган. Бу — мўл ҳосил дегани.

### Ёзёвонлик фермерлар

Ёзёвон — Марказий Фарғона чўлида жойлашган туманлардан бири. Бу туманда асосий ерлар 422 та фермер хўжалигига бўлиб берилган. Улар ердан оқилона фойдаланиб, экинлар ҳосилдорлигини оширишга, юқори натижаларни қўлга киритишга интилоқдалар. Шу боис ҳокимлик мазкур тизимни янада ривожлантириш, фермер хўжаликларига ажратилаётган ер майдонларини кўпайтиришга алоҳида эътибор бермоқда. Хусусан, бу йил уларнинг сони 177 тага кўпайди, ер майдонлари эса, 4008 гектарга кенгайди.

— Биз ўзимиз етиштирган маҳсулотларни шартнома асосида сотиш ҳуқуқидан тўлароқ фойдаланишга ҳаракат қиляпмиз,— дейди фермер Азимжон Худойкулов.— Шу мақсадда қайта ишловчи корхоналар билан тўғридан-тўғри шартнома тузганмиз. Техникага бўлган эҳтиёжimiz эса асосан машина-трактор парки томонидан қондирилмоқда. Умуман, бугун Ёзёвон фермерлари йўлидаги тўсиқлар йўқолди, ўғит ва ёнилғи муаммоси ҳал бўлди, биз учун алоҳида фонд ажратилди, банкларнинг муносабати ҳам ўзгарди... Топган пулимизни ўз ихтиёримиз билан сарфляпмиз.

Бу фермер уч гектар ерга дон эккан эди, гектар ҳисобига 52 центнердан ҳосил олди. Шартнома режасидан ортгани аъзоларга бўлиб берилди. Бошқача айтганда, ҳар бир ишловчига бир тоннадан бугдой улашилди. Улар 6 гектар ерда пишиб етилган пахтани ўзлари териб олишади.

Бошқа бир фермер — Усмонҳожини Абдуллаев чорвачилик билан шуғулланади. Сойбўйи қишлоғида унинг 300 бош қорамоли, 150 бош қўй-кўзиси бор. Ўтган йили 200 тонна сут ва қаймоқ, 110 тонна гўшт сотиб, 4 миллион сўм даромад қилди. Ҳозир айланма маблағи 50 миллион сўмга етган. Фермер хўжалигида Ҳожинининг беш ўғли, уч қизи, куёвию келинлари, невара-чеваралари, жами 50 киши хизмат қилади.

Усти очик ва ёпиқ биноларда соғин сигирлар ҳам, новосчаю гунажинлар ҳам, бўрдоқи қорамоллар ҳам алоҳида боқилмоқда. Уларни боқишда кундалик рационга қаттиқ риоя қилинади. Кўйлар ҳам уч гуруҳга бўлинган ҳолда парвариш қилинаётир. Эришилаётган ютуқларнинг боиси шунда.

Бундай фермерлар бор экан, нафақат Фарғона вилоятида, балки республикамизда ҳам қишлоқ хўжалиги ривожланаверади, уларнинг ўзлари ҳам, халқимиз ҳам бой, юртимиз эса обод бўлаверади.

2000 йил

## ЗАНГОРИ ОЛОВ ДЕНГИЗИ

Опоқ ва қалин қор ёпиниб ётган баланд тоғлар этагидан йўл юрсак ҳам мўл юриб, ярим кечада кекса Ўшдан ўтдик. Олтин водий бағрига кирар эканмиз, чароғон чироклар пориллаб, гўё нур денгизига келиб қолгандек бўлдик.

— Ана!— деди ҳамроҳим, — сиз кўрмоқчи бўлган зангори олов денгизи — ана шу!

Хўжаобод ер ости газ омборини андижонликлар ана шундай улуғлайдилар.

— Ҳар қанча ифтихор этсак арзийди!— деб қўшимча қилди ҳамроҳим ва менга юзланиб ифтихор боисини баён қила кетди:— Бу маҳобатли иншоот ўзбек муҳандис ва қурувчилари қўли билан барпо этилди. Шунинг учун ҳам Президентимиз Ислоҳ Каримов: “имоним комилки, ўз муҳандис ва қурувчиларимизнинг меҳнати билан барпо этилган бу иншоот Ўзбекистонимизнинг ёруғ келажаги йўлида узоқ йиллар хизмат қилади”, деб улуғлади. Бундай улуғ бахтдан қувонмай бўладими?

Тонгги манзара эса тундаги кўринишдан тамомила ўзгача эди. Бу замонавий иншоот қадди-қоматини тунда эмас, офтоб чарақлаб турганда кўринг экан. Кечаси шуъладан оқариб кўринган тепалик узоқдан яшил духоба ёпиниб олгандай эди. Кўкаламзор ичидаги оппоқ бино, кумушранг агрегатлар, янгича миноралар... Андижон —

Ўш йўлидан ўнга бурилар эканмиз, икки четида кўкка бўй чўзган ёш-ёш мирзатераклар орасида ойнадай ярқираган асфалт йўл бизни “Хўжаобод ер ости газ сақлаш иншооти” шаҳарчасига бошлади. Маъмурий бино олдида йўлимизга пешвоз чиққан газ омборининг бошлиғи Равшан Юсуфхўжаевич Иброҳимхўжаев билан салом-алиқдан кейиноқ қизғин мулоқот бошланди. Муҳандислар, айниқса, улкан қурилишларнинг бошлиқлари — ишчан одамлар ўз вақтини ва бошқаларнинг имкониятларини жуда қадрлайдилар. Шунинг учун у бизни дарров мустақиллигимиз иншоотлари сари бошлади. Йўл-йўлакай ўзи билан ҳам танишиб олдик.

1958 йили Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилган Равшанжон Андижонда ўсиб-улғайган. Москва Нефть ва химия саноати институтини битириб, Андижонга келибдида, вилоят газ хизмати соҳасида кичик-катта лавозимларда ишлабди. 1996 йилдан Хўжаобод ер ости газ сақлаш иншоотининг бошлиғи лавозимида газ омбори қурилишига бошчилик қилди. Камсуқум, камгап, аммо ўз ишининг моҳири бўлган бу одам оз вақт ичида кўп жойларни кўрсатиб, катта ишлар ҳақида лўнда гапириб беришга улгурди.

Хўжаобод ер ости газ сақлаш иншооти, яъни андижонликлар содда қилиб айтганларидай, газ омбори қуришнинг ташаббусчиси ҳам, ташкилотчиси ҳам Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислоҳ Каримов бўлади. Бу ҳақиқатни водийда яшовчи жами катта-кичик яхши билади. Андижонликлар эса бу хусусда оғизларидан бол томиб гапирадилар. Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ аҳолини газ ва ичимлик суви билан таъминлаш ҳақида муҳим фармон ва қарорлар чиқарган Президентимиз унинг ижросидан ҳам кўз-қулоқ бўлиб турди. Аммо шўро даврида газимиз Уролгача борса-да, ўз шаҳар-қишлоқларимизга берилмагани учун қишлоқда яшовчи аёлларимиз газга етолмай “ғўзапоя ўтини — аччиқ экан тутуни”, деб кун кечирар эдилар. Шу боисдан қишлоқларни газлаштириш осон кечмади, айниқса, қишлоқ саноат корхоналари ҳам газдан қийналиб яшади. Ана

шу зарурат туфайли 1996 йили Хўжаободда газ омбори куриш ҳақида ҳукумат қарори чиқди.

Мустақиллигимизни тан олган ва тинч-барқарор-лигимизга ишонган чет эл фирма ва компаниялари бу соҳада ҳам биргалашиб ишлашга тайёр эканини изҳор этдилар. Биринчи бўлиб Америка Қўшма Штатларининг “Би эс ай Индастриз Ник” компанияси дунё тажрибалари асосида Хўжаобод ер ости газ сақлаш иншооти қурилишини лойиҳалашни бўйнига олди. Америкаликлар ўз ваъдаларини тезда уддалагач, газ омбор қурилишига ускуна ва керакли жиҳозларни етказиб бериш ва сошлаш ишлари юришиб кетди. Уларнинг яна бир муҳим иши шунда бўлдики, Ўзбекистонда бу хил қурилишда ишлай оладиган миллий кадрлар тайёрлаб беришни ҳам зиммаларига олишди. “Дрессер Рент” компанияси эса, омбор қудуқларига газ ҳайдовчи 12,5 меговатт қувватга эга қудратли насосларни етказиб берди. Уларни молиялаш ишларини АҚШнинг “Чейз манхеттен” банки зиммасига олди, унга “Эксембанк” сугуртавий кўмакчи бўлди.

Қурилишнинг миқёси кенг, ҳажми катта. Унинг қўлами 106 объектдан иборат бўлиб, биринчи босқич ишларини “Бухорогазсаноатқурилиш”, “Андижоннефгазбургулаш” ҳиссадорлик жамиятлари, Энергетика ва электрлаштириш вазирлигининг 4-монтаж бошқармаси ишчи ва техник муҳандислари амалга оширдилар.

Шундай қилиб, 1999 йилнинг 26 июн куни Хўжаободда оламшумул тарихий воқеа юз берди. Яъни ер ости газ тўплаш иншооти қурилишининг биринчи навбати ишлари тугалланди. Газ омборининг асосини ташкил қилувчи компрессор станциясининг газ ҳайдаш агрегати қурилиш-монтаж ишлари ниҳоясига етиб, технологик жиҳатдан созланмоқда. 36 қудуқ синовдан ўтди.

Апрел ойидан бери қудуқларга бир кеча-кундузда 2 миллион кубометр газ ҳайдалмоқда. 26 июн куни Президентимиз Ислам Каримов Хўжаобод газ омборига ташриф буюрди. Газ ишлатишдан манфаатдор водий саноатчилари, пахтакор, ғаллакор, чорвадору боғбонлар улкан

тарихий воқеанинг гувоҳи бўлдилар. Хўжаобод тарихи бундай тантанани кўрмаган.

Равшан Иброҳимхўжаев мени марказий операторлик бошқаруви хонасига бошлаб кирди. Компютерлашган операторлик техникаси ишлаб турибди. Ранг-баранг электрон чизиқлар нималарнидир чизиб, операторларга зарур маълумотлар бермоқда.

— Хуш келибсизлар!— деди истараси иссиққина ёш бир жувон. Салом-алиқдан сўнг у иншоот бошлиғига ахборот беришга шайланган эди, бошлиқ мени кўрсатиб деди:

— Тошкентдан хурматли меҳмонимиз келдилар.

— Иброҳим акани яхши танийман, китобларини ҳам ўқиганман.

Бу жувонни қаердадир, китобхонлар билан учрашувда кўргандай бўлиб, аста сўрадим:

— Тошкент Давлат университетида ўқидингиз, шекилли...

— Тошкент Давлат Техника университетини битирганман. Сиз билан ўша жойда учрашганмиз.

Газ омбори бошлиғи табассум билан Ҳанифахонга боқдида:

— Президент Ислон Каримов билан учрашганингизни гапириб беринг, газ омборимиз билан яқиндан танишини Юртбошимиз шу марказдан бошлаган эдилар,— деди.

Ҳанифахон бирдан жонланиб кетди-да, бундан роп-на-роса бир ой илгари юз берган унутилмас воқеани гапира бошлади:— Икки кўзим компьютерда, хаёлим компрессорларда эди. Хонамиздаги операторлар орасида тўсатдан жонланиш пайдо бўлди-да, “Ассалому алайкум!”, деган ширали овоз эшитилди. Ёнимга қарасам, қадрли Президентимиз Ислон Абдуғаниевич Каримов кулиб турибдилар. Табассум ила таъзим бажо қилдим. Юртбошимиз ёнларида газ омбори қурилишида иштирок этган чет эл фирмаларининг бошлиқлари ҳам қаторлашиб турардилар. Ислон ота иш жараёни қандай бораётганини сўрадилар-да, менинг ҳаяжонли ҳикоямни тинглагач, пулт тугмасини босдилар. Қудуққа газ оқаяётганини кўриб,

Юртбошимизнинг кўзлари чарақлади. Ўзимизнинг ҳам кўзларимиздан севинч ёшлари отилиб чиқди...

Компрессорлар цехига кирганимизда унинг муҳандиси Хайрулла Боқижонов ҳам худди шундай ҳаяжонли воқеани қувонч билан сўзлаб берди:

— Президентимиз биз билан қуюқ сўрашиб, сўнгра компрессор тугмасини босдилар. Шу заҳоти компрессорлар гуриллаб ишлаб кетди. Юртбошимиз таклифи билан чет эл фирмаларининг раҳбарлари ҳам шу ишни такрорладилар...

Шу кундан бошлаб газ омбори зангори олов захирасини тўпламоқда. Компрессор станцияси, газ ҳайдаш қудуқлари, тақсимлаш шохобчалари, сув чиқариш ва тозалаш иншоотлари, юқори кучланишли электр подстанцияси, газчилар шаҳарчасидан иборат бўлган Хўжабод газ омборининг барча ишлаб чиқариш майдонлари тайёр. Ҳозир унинг иккинчи навбати ишлари олиб борилмоқда. Газчи мутахассислар учун 20 та замонавий кўркам бино қурилмоқда. Ёш оилалар ва таъмирловчилар учун шинам уй-жойлар қад кўтармоқда. Бу биноларни ўз мутахассисларимиз маҳаллий материаллардан бежирим қилиб қураётганларидан ҳамма мамнун.

Шаҳарча ҳали тамомила битмаган, қурилиш ишлари давом этаётган бўлса-да, унинг обод ва озодалигидан кўзингиз қувонади. Заррача хас-ҳашак, чанг-ғубор кўринмайди.

Бир ёғи Боғишамол, иккинчи томони Ширмонбулоқ, яна бир ёғи Булоқбоши ўртасидаги гўзал жойда миллион-миллион куб метр зангори олов захираси жамланмоқда. Унинг бебаҳо хазинасидан Фарғона водийсида истиқомат қилаётган барча аҳоли манфаат кўради.

Мустақил тараққиёт йўлидаги бундай улкан ишларга юртдошларимиз юксак баҳо бермоқдалар. Мен иқтисодчиларнинг ҳам юксак баҳосини эшитдим.

Тутунсиз тандир-ўчоқда нон ёпиб, таом пиширамиз энди,— дейди автостанцияда машина кутиб турган аёллардан бири.

— Гувалали уйларимизни ҳам газ тутунсиз иситади!— деб қўшиб қўйди бир кекса аёл.

Шундай гапларни мен Асакада ҳам, Кувада ҳам кўп эшитдим.

— Хўжаобод газ омборидан биз томонга оқадиган ёнар дарё қишлоқларимиз аҳолиси уйига зар олиб киради, қишлоқдагиларнинг оғирини енгил қилади,— деди Кува тумани Сойкелди қишлоғининг оқсоқоли Одилхўжа.— Ношукурларнинг кўзи очилляпти. Кундан-кунга гўзаллашаётган ҳаётимизнинг қадрига етмоқ керак!

Мустақиллигимизнинг тўққиз йили ичида Андижонда бундай улкан иншоотлар кўп бунёд этилди. Автомобиль саноати мустақиллик йилларида Андижон довуғини оширди. Андижонлик деҳқонларнинг мустақиллигимизни мустақкамлашга қўшган ҳиссалари ҳам бебаҳо! Чигитни плёнка остига экиб, юқори ҳосил олиш, галлачиликда ҳосилдорликни ошириш имкониятларини намойиш этиш андижонликларга хос чин тадбиркорлик бўлди. Ўзбекистон — Қирғизистон чегарасидан Хитой худудигача бўлган йўлни ҳам андижонликлар қурмоқдалар. Бир сўз билан айтганда Андижон мустақиллигимиз ҳаётининг ойнасига айланди. Офарин!

1999 йил

## **ЧўНГ ОЛОЙ ЧўҚҚИЛАРИДА**

*(Андижон — Ўш — Эргаштом йўл қурилишидан битиклар)*

### **Жаҳоншумул лойиҳа**

Чўнг Олой тоғлари чўққисидамиз. Уни “осмон билан ўпишган чўққи”, дейдилар. Дўнгликлари кўкларга туташган шу жойда чуст дўппили, оқ яктакли, йўлсоз кийимидаги одамлар тинмасдан меҳнат қиладилар. Гоҳ баландга ер тирнаб, ўрмалаб чиқаётган бульдозер, гоҳида паства шўнғиб тушаётган йўл техникаси, грейдерлар ҳайқирғи тоғлардан тоғларга урилиб, акс-садо таратади. Кўшни Қирғизистонда Буюк Ипак йўлини қайта тиклаётган, Фарбий дунёни Шарқ олами билан боғловчи буюк кела-

жак йўлини яратувчи ўзбек йўлсозлари жадал ишламоқдалар. Олдимиздан физиллаб ўтиб турган “КамАЗ”ларда Андижон рақамларини кўрамиз. Турли-туман йўл сазловчи техникада ҳам “Андижон” белгиси яққол кўринади.

Денгиз сатҳидан уч минг олти юз метр баландлик белгиси қўйилган дўнгликка чиқдим. Гўё бошингиз осмонга тегай, дейди. Чўғ бўлиб турган қуёш бошингизни қиздириб турса-да, тафти унча билинмайди, ҳавони тоза шабада мўътадиллаштириб туради. Роҳатижон!

“Тўрт томони қибла” деганлари ҳам муболаға эмас. Қибла томонга қарасангиз, гўё Самарқанду Бухоро минораларини кўраётгандай бўласиз. Тошкент шундоққина тоғ нарисиди тургандай. Жанубга разм ташласангиз, гўё бутун олам мисоли ям-яшил яйлову ўтлоқлардан иборат! Аммо ўтлаб юрган қўй-қўзи, қулуну қорамол кўринмайди... Шарқ томонга боқсангиз, гўё кумуш қопланган оқсоч Помир тоғлари тизмаси кўзингизни қамаштиради.

Ўртада Қирғизистоннинг Эргаштом шаҳарчаси бўлиб, Қашқарнинг Ўримчи шаҳрига Ипак йўли дарвозаси шу ерда очилган. Бу дарвоза Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов ташаббуси билан 1997 йилнинг 21 май куни, йўлларда қор эримаган бир пайтда очилган.

Президент Ислоҳ Каримов номидан гапирган Ўзбекистон вакили — Бош вазир Ўткир Султонов янгитдан очиладиган Буюк Ипак йўли юртимизнинг олис Олот туманидан бошланиб, Андижон — Ўш чегарасигача, ундан нари Эргаштом, яъни Хитой чегарасигача давом этишини эълон қилди. Қирғизистон ҳукуматининг илтимоси билан Ўш — Эргаштом оралиғидаги йўлни Ўзбекистон қуриб берадиган бўлди. Ундан кейинги давомини эса Хитой ўз зиммасига олди. Ўша кундан эътиборан халқаро Ипак йўли тарихи яна жонланди. Бу жаҳоншумул лойиҳанинг асосий муаллифи бизнинг Юртбошимиз эканлиги билан фахрланамиз.

Ушбу сатрларда тилга олинаётган йўлсозлар қиссаси аслида “Камчиқ” довонидан бошланади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи, Андижон “Автойўл” бирлашма-

си бошлиғи Абдуфаттоҳ Жўраев бошлиқ қурувчилар бу ерга ўша тарихий йўл қурилишида, айниқса, “Камчиқ” ва “Резак” туннеллари қурилишида катта тажриба ортириб келган мутахассислардир.

Мен уларнинг баъзилари билан денгиз сатҳидан 2228 метр баландлик белгиси қўйилган довон чўққисидан, “Камчиқ” ва “Резак” туннеллари қурилишида учрашганман. Бугун уларни ўша жойдан неча юз чақирим нарида ва Камчиқ чўққисидан 1372 метр баландликда учратдим. Бу учрашув эса мутлақо унутилмас хогира битигининг сатрбоши бўлди. Табиат ясаган “Чўнг Олой” минорасидан туриб, йўлсозлар босиб ўтган масофа изларига кўз ташлаб, ҳайратга тўлдим. Айтмоққа осон, унинг дардини шунча масофани босиб ўтганларгина билади. Уни қўл кучио пешона тери билан қурган ботир билакли, довюрак одамларгина қадрлайдилар.

Мен мустақиллигимизнинг шонли саккиз йиллиги тантанаси олдидан бунёд этилаётган мустақиллик иншоотлари бунёдкорларининг ҳаётию фаолияти билан танишиш мақсадида, минг бор эшитгандан бир бор кўрган афзал, деб сафарга чиқдим-да, Фарб ва Шарқ халқларини яқинлаштирувчи Буюк Ипак йўли қураётганлар дийдори сари йўл олдим. Манзил узоқ: Тошкент — Эргаштом. Марра: Қашқар чегараси. Мақсад: халқлар борди-келдисини бунёд қилаётган ҳамюртлар билан учрашиш.

### Андижонлик йўлсозлар — дўстлик элчилари

Шундай қилиб, мустақиллигимиз билан бирга туғилган Асака автомобиль заводининг тўнғич фарзанди “Дамас” автомобиллида Тошкентдан Хитой чегарасидаги Эргаштомга Буюк Ипак йўлидаги Камчиқ довони орқали равона бўлдим. Дунё йўл қурилишининг энг мураккаб иншоотларидан бири бўлмиш бу қурилиш катта машаққат, зўр суръат, ажиб журъат билан бунёд этилаётганини бирма-бир кўздан кечириб бордим.

Мураккаб иншоотнинг машаққатли чўққиси унинг туннеллари — тоғдан туйнук очиб, йўлни яқин, қатновни осон қиладиган “Камчиқ” ва “Резак” туннеллари

курулиши эди. Бу икки иншоотнинг довон қисмини “Андижонавтойўл” бирлашмаси йўлсозлари кураётган эдилар. Бу ерда мен бу гал эски танишларим Абдуфаттоҳ Жўраев билан Шокиржон Шералиевни учратмадим.

— Улар Қирғизистон — Хитой йўлида ишляптилар, — дейишди Андижон участкаси курувчилари.

Туннел икки йўналишда, тўрт қатор транспорт қатновини таъминлайдиган 912 метрдан иборат. Бу ерда 78 миллион куб метр ҳажмда бетон ётқизилди. “Яна 33 метрли проходка ишлари бажарилса, туннел битади”, дейди бош пудратчилардан бири.

Камчиқ довонидан Қўқонгача тоғ портлатиш, йўл текислаш, асфальт ётқизиш ишлари авжида. Қўқондан Андижонгача эса, пардозланган, чеккалари гулзор қилинган, дунё андозасига мос тушадиган равон йўлдан бордик. Ҳавасинг келади!

Андижон вилояти ҳокимиятида бўлган учрашувда ҳам Буюк Ипак йўлининг қўшни давлат ҳудудида қилинаётган ишлар хусусида сўз борди. Сафарнинг давомига бизни Ўзбекистон — Қирғизистон чегарасидан Хитой чегарасигача бўлган йўл ишларининг бош пудратчиси Абдуфаттоҳ Жўраевнинг ўзи бошлаб борди. Андижон — Ўш чегарасигача уч йўналишда тоғ, қир ёқалаб, жилғалар бўйлаб борадиган йўллар бўйича бажарилган ва қилинадиган ишлар ҳақида мароқ билан ҳикоя қилиб кетди.

Ўшга борганда бизни оқ қалпоғини бостириб кийган хушбичим, хушчақчақ қирғиз йигити — Ўш вилояти йўлдан фойдаланиш бўлими бошлиғи Келдибек Ибраев қарши олди.

— Қош келингиздер! — деди табассум ила. Кейин мени ўзбек ёзувчиси эканимни билгач, ўзбек халқи мурувватию Президентимиз Ислом Каримовнинг ақли, доно ва мард раҳбар эканидан мамнун бўлиб гапира кетди. — Ўшдан Эргаштомгача бўлган йўлни қуриш, ҳатто таъмирлашга ҳам кўрбимиз етмасди. Ислом оға мардлик қилди: бу ишларга 30 миллион доллар ажратди. Ўттиз миллион доллар оз маблағми? Бунинг устига, бизда йўқ техниканинг барисини юборди. Мутахассис йўлсозларнинг сарасини бизга жўнатди.

— Қирғиз оғайнилар ҳам бекор турганлари йўқ, — деб лукма ташлади Абдуфаттоҳ Жўраев.

— Манов Жўраев оғам кўп мададли одам экан, — деди мезбон, — раҳмет унга. Қирғизнинг бари Президентингиздан мамнун! Манов Шакиржон Шералиев кунни кун демай, ишлаб жатир. Чўнг раҳмет, миннатдормиз!

Ўшдан андижонлик йўлсозлар ишлаётган томонга равона бўлдик. Шаҳарни тарк этар эканмиз, кўкаламзор, сўлим жойлар бағрига кирдик. Кейин “Ўш — Саритош — Эргаштом” йўл қурилиши объектлари бошланди. Қурилиш ҳажми, шароити ва мураккаблигига қараб, “Моди”, “Гулча”, “Саритош”, “Эргаштом” участкаларига бўлинган.

Тоғлар қуршаб олган кенг майдонга келиб, атрофдаги хушманзара табиатга тикилиб, соф ҳаводан “оҳ! оҳ!” деб нафас ола бошлаган эдикки, Абдуфаттоҳ Жўраев ҳикоя бошлади:

— Шу йилнинг май ойи боши эди. Андижон қурувчилари энг янги замонавий йўлсозлик техникаси билан саф тортиб қирғиз элига кириб келганида, мана шу майдонга одам сизмай кетган. Оқ қалпоқли оқсоқоллар, бошига оқ дурраю оқ рўмол ўраган эналару замонавий кийинган қирғиз қиз-жувонлар бизни “Қош келингиз!” деб қийқириб кутиб олдилар. Бу учрашув икки қардош халқ дўстлигининг зўр тантанасига айланиб кетди. Оқинлар қўшиғию созандалар дўмбираси оҳанги садолари остида қизгин иш бошланиб кетди. Ўшандан бери куну тун иш тўхтагани йўқ. Аксинча, қизигани қизиган.

Ўш — Эргаштом йўли қурилиши икки босқичга бўлинган. Ҳозир биринчи босқич ишлари борапти. Бу босқичда йўл ва унинг атрофини қордан (йўл-йўлакай айтиб ўтай, бу йўлнинг кўп жойларида томгача қор тўлиб туради, айрим участкаларида август ойдан бошлаб қалин қор ёғади), тош, лойдан тозалаш, қирғоқларини текислаб, ариқларини кавлаш, кўприкларни таъмирлаш, шағал тўкиш, кейин оғир босмаларда йўл созлашдан иборат бўлиб, бу ишларнинг ҳажми минг-минг, миллион-миллион ўлчовларни ташкил этади.

Бу ишларга раҳбарлик қилаётган Шокиржон Шералиевнинг айтишича, режадаги иш ҳажмининг учдан бир қисми бажарилди, икки қисми ноябрда битади, йил охирига бориб Андижон — Эргаштом йўли соз таъмирдан чиқиб кенгаяди, катта транспорт қатнови учун тахт бўлади.

— Ҳозир ҳам транспорт қатнови тўхтагани йўқ — лукма ташлади Жўраев.— Иккинчи босқичда тўла асфальт ётқизилади. Ана ундан кейин халқаро транспорт ҳам тўхтовсиз ўта бошлайди.

### Ота изидан

Йўлимизда давом этдик. Германиядан келган грейдерларда текисланиб, қат-қат шағал бостирилган, “Либер” бульдозерларида равон қилинган йўлдан беозор борарканмиз, гоҳ илон изидай эгри-бугри, гоҳ пилапоядай баланд-паст, баъзан туя ўрқачига ўхшаган жойлардан секинлаб ўтардик. Аммо кўзимиз йўлдан кўра кўпроқ атрофдаги гўзалликка маҳлиё эди. Икки томонда мисоли духоба тўшалгандай қалин яшил майсазор ястаниб ётарди. Аҳён-аҳёнда якка-ёлғиз ўтов оқариб кўринар, атрофида отлар ўтлаб юрарди. Уларнинг атрофида шўх тойчоқлар бир-бири билан пойга қилаётгандай, думларини кўтариб, кишнаб чопқиллашар, кўзларни қувнатиб, дилларни шод қиларди. Онда-сонда меш кўтарган қирғиз қизлари учрар, меҳмондўстлик ила имо қилиб бизни қимиз ичишга таклиф этардилар.

Теварак-атроф яшил ўтовлардан яшнаб турарди, бу яшил кенгликка боққан кўзларимизга гўё бутун еру кўк яшнаган яйловдан иборатдай кўринарди.

Жилгалар ёнида пишиб ётган қовунга ўхшаб асалари уялари кўринди. Аммо бол етиштирувчи киши кўринмайди. Уларнинг эгалари ҳам, Ўшдан Эргаштомга етгунча йўл бўйида яшовчи инсоннинг жами йўл кўриқчилиги хизматидан топгани билан тирикчилик қилади. Уларнинг бозори ҳам, мозори ҳам шу йўл бўйида. Афсуски, сўнгги вақтда йўл бузилиб, қатнов камайиб кетганди. Бир қария қўл кўтариб йўлимизни тўсди:

— Оллоҳга шукурки, йўлимиз тирилди, қатновчи кўриниб қолди, ўзбек дўстларимизга минг раҳмат,— деди қирғиз оқсоқоли. У Гулчадан Саритошга машина кутиб ўтирган экан, машинамизда жой йўқ эди. “КамАЗ” шофери уни шағал юки устига чиқариб олди. Қария икки қўлини кўксига қўйиб, бизга табассум ила таъзим қилди.

Икки тоғ оралиғидан ўтаётганимизда, худди Жиззадан Самарқандга бораётганингизда қомат тўкиб турган Темур дарвозасига ўхшаш жой кўринди.

— Ие, Самарқанддаги Темур дарвозасига ўхшайди-ку!— деб юбордим.

— Бу ерни ҳам Темур дарвозаси дейдилар,— деди Абдуфаттоҳ Жўраев.— Соҳибқирон Темур қаерларда дарвоза курмаган, дейсиз!

Бобокалонимизнинг бунёдкорлик хусусиятлари тўғрисида сўзлашиб бордик.

— Чап томонда Ўзган...— деди ҳамроҳим,— олис-олисларда аранг кўринаётган қадим ўзбек масканида ўзбек халқининг замонавий баҳодири, Америка Қўшма Штатларининг “Шатл-Эндевер” космик кемасида фазога учган космонавт Солижон Шарипов туғилиб ўсган!

Унинг шодлигига қўшилиб мен ҳам қувониб кетдим. Биз орқага қайтиб, олтин водий йўлларида юрган чоғимизда, Тошкент радиосидан ўзбек ўғлони, космонавт Шарипов ўзбеклар шаъни-шуҳратини фазоларга етказгани учун “Буюк хизматлари учун” ордени билан мукофотлангани ҳақида Президентимиз Фармонини эшитиб, бизнинг бошимиз ҳам фазоларга етди.

Машинамиз ҳансираб, пишқириб Толдиқ (Ҳоридиқ) довонига кўтарила бошлади. Довон йўли арғамчи ипларига ўхшаб буралиб кетган, ҳар икки-уч метрда буралиб ўтади. Уста ҳайдовчимиз ҳам лапанглаб бораётган машинасини зўр-базўр бошқарарди. Йўловчилари бўлмиш биз эса, гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа ташланиб, баъзан бир-биримизга калла уриштириб борардик.

— Бу доводда ҳам Камчиқ ёки Резакдаги каби туннел қуриладими?

— Қурилади, аммо кейинча қурилса керак. Бу тоғ остига қуриладиган иншоот масофаси жиҳатидан ўнта Камчиқ туннелидан ҳам узун — 11600 метрли туннел бўлади, — деди Абдуфаттоҳ Жўраев. — Мабодо қуриб битказилса, у дунёда шу хилдаги ягона иншоот бўлади ўзиям...

Ҳозирча довон йўли текисланиб, қирғоқлари мустаҳкамланиб, сирқиб чиқадиган сув йўлаклари кавланиб, хавфли бурилиш-муйилишлар хатарсиз ҳолатга келтирилиб, қатновбоп қилиб қўйилганидан мамнун бўлдик. Йўллар Камчиқ довошидагидек кенг эмас, эни 15 метр, машина қатнови йўли 9 метр, аммо транспорт бемалол икки томонлама қатнамоқда.

Ниҳоят, андижонлик йўлсозлар билан учрашдик. Биринчи суҳбатдошим — грейдерчи Баротбой Ўтаев айнан мен кидирган қаҳрамон бўлиб чиқди. Меҳнатда суяги қотган, қўллари офтобу, шабадаю совуқда пишган ихчам, аммо забардаст кўринган бу одам гапга ҳам уста йигит экан. Ўттиз йилдан бери йўлсозлик қиларкан. Наманган — Поп йўлини қурган Андижон — Кўқон магистралини созлашда уста грейдерчи номини олган, Камчиқ ва Резак туннеллари ўртасидаги тоғ йўлида минг-минг ботмон тупроқ ишини бажариб, ном чиқарган Баротбой шу йилнинг май ойидан бери қардош қирғиз элига келиб, Олой тоғларини толқон қилиб, қитъалараро қатнов йўлини очишда иштирок этмоқда. Унинг ўғли Расулжон ҳам отасига шогирд тушиб, 1973 йилдан бери грейдерда ишлайди.

— Ипак йўлининг у бошида ўғлим, бу бошида мен келажакка йўл қуриямиз, — дейди табассум ила Баротбой. — Баъзан Чўнг Олойнинг чўнг жойидан туриб, мендан 1372 метр пастдаги Камчиқда грейдер ҳайдаётган Расулжон томонга қараб қўяман. Ўзини кўрмасам-да, “бўшашма, ўғлим!” деб қичқираман. Чўнг Олой шамоли гапимни Расулжонга олиб кетади, у эшитадими-йўқми, билмайман, аммо Расулжон ота ўғли эмасми, бўш келмайди. Ишонаман!

Бўйи томдай, жуссаси туядай кўринган, Германияда ясалган энг янги зичлаш машинаси олдига келдик-да, ҳайдовчиси Муҳитдин Тожибоевга салом бердик. “Ҳор-

манг-бор бўлинг”дан кейин у кишини ҳам суҳбатга тортдик. Камсухан кўринган бу йигит ўз иши у ёқда қолиб, Германиянинг зичлаш техникасини мақтай кетди:

— Люкс машина. Яримта имо-ишпорангизни тезда тушунади. Тугмачасини босиб қўйсангиз кифоя, ўзи билиб ишлайверади.

— Қаерликсиз?

— Олтинкўлданман.

— Шоир Уйғун ёзган Олтинкўлнинг созию ғози экансиз-да,— деб ҳазиллашди шеригим.

— Олтинкўлнинг созиям, ғозиям эмас, тракторчисиман. Қирғизистонга келиб, шағал тўкилган йўл юзини зичлаяпман. Ишимдан мамнунман. Қирғизистон раҳбарлари ҳам келиб, миннатдорчилик билдириб кетишди. Бошимиз осмонда.

— Кимлар келишди?

— Қирғизистон Олий Кенгаши Раиси ва бошқалар келиб, қизгин ҳангомалашиб кетишди. Ўзбек йўлсозларининг ишлари ҳақида оғзидан бол томиб гапиришди.

— Саритош маҳаллий ҳукумати бошлиғи Жонгўра Сотиболдиев тез-тез келиб туради. Нима еб, нима ичишимиздан хабардор бўлиб туради. Фамхўрликдан биз ҳам миннатдормиз.

— Оби-таомлар қалай?

— Олой ҳавоси иштаҳани карнай қилиб ташлар экан,— деб луқма ташлади Баротбой грейдерчи.— Тўрт маҳал овқатланамиз, бўлса беш-олти маҳал таом берилса ҳам, йўқ, демаймиз...

— Қимиз ҳам беришадими ёки ўглаб юрган бияларни ўзларингиз соғиб ичасизларми?— ҳазиллашдик.

— Қимизни эжелар инъом қилиб турадилар. Бир ко-саси ҳам одамни сархуш қиладиган қимизлар...

Эргаштомдан 19 чақирим берисида бульдозерчи ва “Либер” юклагичларини бошқараётган йигитларимиз билан йўлакда давра курдик. Бу ерлардан қалин қор кураб ташланганига бир ой ҳам бўлгани йўқ экан. “Август охирида кураётган йўлларимизда яна қор курашга тушамиз”,— дейди Шокиржон Шералиев.

Шокиржон Шералиев қотмадан келган, йўл қурилишларида чиниққан муҳандис, 1997 йилгача Андижонда жуда кўп йўл ва кўприк қурди, сўнгра Хўжаобод газ омбори қурилишида муҳандислик қилди, 1999 йили ташкил қилинган йўллардан мунтазам фойдаланиш бошқармасига бошчилик қилди. Шу йилнинг май ойидан бери Ўш — Саритош — Эргаштом автомобиль йўли қуриш ва қайта қуриш ишларига бош-қош. Унинг тажрибали йўлсозлари Ўшдан “Гулча”гача, ундан нари Саритош ва Эргаштомгача бўлган 259 километрлик йўлни бир қатор қатновга тайёрлаб қўйди, эндиликда уни транспорт бемалол юриши учун созламоқда ва йил охиригача бу қурилишнинг биринчи босқичи битади, яъни бутун йўл бошдан-оёқ асфальт ётқизишга тайёрланади. Асфальтни ҳам шу жойнинг ўзида тайёрлаш учун Ўшдаги эски ташландиқ асфальт заводини қайта тиклаб таъмирламоқдалар.

Шунинг учунми, андижонлик йўлсозлар ўшликлар, айниқса, олойликлар орасида бениҳоя ҳурматга сазовор бўлиб, ҳар овул, ҳар ўтовнинг кунда ва тунда кутилган меҳмони бўлмоқдалар.

### **Фотиҳа беринг, оқсоқол!**

Эргаштом (қирғизлар уни ўз тилида “Иркештом” дейдилар) бурунги замонда қирғиз-қашқар чегарасида якка томдан иборат жой бўлиб, унинг номи шу тахлитда топографик хариталарга кирган экан. Ҳозир у ерда чегарачилар маскани, божхона ва йўловчиларга хизмат кўрсатиш хоналари пайдо бўлган. У икки мингинчи йил халқаро қатнов йўлининг асосий марказий қўноқ масканларидан бирига айланади. Ўзбекистонлик йўлсозлар ана шунга интиломоқдалар. Ҳозирча бу чегара ҳар ойда ўн кун очиқ бўлади. Ҳар ойнинг 21-чи кунидан ой охиригача қатнов транспорти ўтади. Йўл битиши ҳамон дарвоза ҳар кун очиқ бўлади.

Оқсоч Помир тоғларининг ортида — Шинжон маъмурий райони томонидан Хитой йўлсозлари Эргаштом сари йўл қуриб келмоқдалар. Бу йўллар Эргаштомда ту-

ташади, ана ундан кейин қадимги Ипак йўли тикланиб, Оврупо билан Осиё борди-келдиси бошланади. Ўзбекистон бу борди-келдидан жуда-жуда манфаатдордир. Негаки, бизнинг савдо карвонларимиз хитой бандаргоҳларига бориб, денгиз ва океан орқали дунё бозорига чиқади. Дунё бозори маҳсулотлари эса, бир томондан, Қора денгиз орқали, иккинчи томондан, Хитой ва Ҳинд сув йўлларида оқиб кела бошлайди. Бундан ҳамма баробар манфаат кўрадиган ою йиллар узоқ эмас! Бу узоқни яқин қилаётган кучлару кишилар Мустақил Ўзбекистоннинг буюк келажигини шу кунларда яратаётган олтин қўлли одамлари бўлганидан бениҳоя мамнунмиз.

Бу оламшумул воқеликдан қирғиз дўстларимиз ҳам ниҳоятда мамнун бўлаётганликларининг гувоҳи бўлиб қайтдим. Эргаштомдан қайтаётганимизда бир қирғиз йигити йўлимизни тўсиб, ўз ўтовига таклиф қилди. Қош қорайиб қолган, вақт ўтяпти, манзил олис, ўзимиз ҳам чарчаганмиз. Шунга қарамай, қирғиз йигитнинг илтимосини рад қилолмадик. Ўтовга яқинлашганимизда бир кекса қирғиз — ўтов оқсоқоли қора қўчқорни ётқизиб қўйиб, қўлида пичоғи билан бизга илтижо қилди:

— Фотиҳа беринглар!

Биз яхши ниятларимизни изҳор этиб, қўлларимизни юзимизга тортдик. Ўтовга кирсак, печка ёниб турибди, ташқарида совқотган эканмиз, роҳатижон вазиятга шўнғидик. Ҳаш-паш дегунча печка устидаги қозон жизиллай бошлади. Қора уйнинг оппоқ кўрасида унинг бойи, бекаси, болалари билан гурунг бошланди.

Рўзғор боши Медербек Матқосимов йўлдан фойдаланиш бўлимининг бошлиғи бўлиб, 49 кишига етакчилик қилар экан. Ҳаммаси бола-чақа, мол, қўйлари билан йўл бўйларидаги ўтовларда яшар эканлар. Медербекнинг ўтовида олти кишилик оила, эр ва хотини Флора, Марат, Алберт, Мунора, Олимбеклар яшаса, ўтов атрофида 4 бош тойчоғи билан 5 бош бияси, 4 сигири, бузоқлари, 40 та қўй-қўзилари ўтлаб юраркан. Уларни эса “Кўкпар”, “Қорапар” номли икки ити кўриқларкан.

Медербек давра айлана чинни косаларга тўлдириб қимиз тортар экан, мамнун ҳолатда қувнаб гапга тушди.

— Президентингизга айтинг, бизга қўноқ бўлсин, маззали қимизимиз бор. Ул оқсоқол қирғиз элига кўп мурувват қилиб жатир. Қирғизлар ул зотни обдон суюдилар.

Унинг гапларини онасию болалари бош ираб қувватлаб турдилар. Навбат бизга келганида, биз Ўзбекистон Республикаси мустақиллик йиллари мобайнида қандай ютуқларга эришгани ҳақида, илгари бўлмаган кўп оламшумул ишлар амалга ошгани хусусида, айниқса, автомобилсозлик саноати яратилиб, унинг маҳсулоти чет элларда ҳам қадр топаётгани борасида гапириб бердик. Ўзбекистон иқтисодиётида ёнилғи мустақиллигига эришилгани, эндиликда ғалла мустақиллигига ҳам эришаётганимиз ҳақида ҳикоя қилганимизда қардош тингловчиларимизнинг кўзлари, юзлари нақшин бўлганини ўз кўзимиз билан кўрдик. Хуллас, қирғиз ерида тер тўкаётган йўлсозларимиз икки халқ орасида диллардан дилларга йўл очаётганига ҳам ишондик. “Алоқамиз узилмасин, дўстлигимиз бузилмасин, Медербек ака қаримасин, ўтовидан яхши дўстлари аримасин!” деб дуо айлаб, яна йўлга тушдик.

Олой осмони юлдузларга тўлиб турибди, ой ҳам чарақлаб йўлимизга нур сочмоқда, бинобарин, текислашиб шағал бостирилган баланд-паст, эгри-бугри йўлларда ҳам тебрансак-да, худди кундузидай сафаримиз беозор давом этди.

Ярим кечада Ўшни тарк этиб, Андижон чегарасини босиб ўтдик. Чегарачилар ҳам, божхоначилар ҳам Ипак йўли қурилишидан қайтаётган одамларни танибми, назорат йўлагининг кўк чироқларини пориллатиб ёндириб бизни Ўзбекистонга ўтказиб юборди.

Андижон йўлида чироқлардан порлаган нур денгизи пайдо бўлди гўё. Хўжаобод ер ости газ омборининг тунги кўриниши ана шундай гўзал эди. Мустақиллигимиз меvasи бўлмиш бу иншоот кўринишидан дилларимиз илиб, бағримиз тоғдай баланд кўтарилди.

*Тошкент — Андижон —  
Ўш — Эргаштом — Тошкент  
1999 йил*

## ҚАШҚАДАРЁ ЗАМИНИ МЎЪЖИЗАЛАРИ

Мустақиллигимиз устунлари, буюк келажакимизга хизмат қилаётган омиллар, энг муҳими, бунёдкор одамларимиз билан яқиндан танишиш мақсадида азиз Ватаним бўйлаб сафарларда юрибман. Бу гал эса юртимиз халқ хўжалигида тутган ўрни, ўзининг маданий ва маънавий салоҳияти, ориятли, мағрур ва танги инсонлари билан маълум ва машҳур Қашқадарё воҳасига йўл олдим.

Самолётимиз Зарафшон ва Амударё оралиғидаги замин узра учмоқда. Бу ерларга осмондан қаранг экан, поёни йўқ чўл, ҳисоби йўқ тоғу тошлар... Қадимда оламга донг таратган Жанубий Сўғд, Жанубий Турон деб номланган бой ва бадавлат макон, Искандар Зулқарнайн босқинию араблар истилоси, мўғуллар юришию армонийлар занжири зулмини бошидан кечирган воҳа кинотасмадек хаёлимдан ўтади. Аста-секин тоғ чўққилари, ер парчалари оқариб кўрина бошлайди. Амударё ила Зарафшон гўё илон изидай эгилиб, букилиб, чўзилиб оқмоқда. Хаёлимда яна тарих жонланади, ўтмишимиз китобининг заррин варақлари очилиб-ёпилиб тургандай гўё. Ногоҳ донғимизни бутун оламга таратган Соҳибқирон Амир Темур изларини кўргандек бўламан...

Ниҳоят, Қарши шаҳрига қўндик. Қуёш чарақлаб, ҳарорат ўттиз олти даражага кўтарилиб турибди. Одамларнинг чехралари ҳам офтоб тафтидай иссиқ, кўзлари нур сочаётгандай, кўчалар эса ораста.

Қашқадарё! Бу воҳа тарихан ва иқтисодий имконият жиҳатидан ўзига хос дунё, моҳиятан бебаҳо тўтиё! Бугунги кунда мустақил Ўзбекистон гази ва нефтининг асосий қисми, конденсат ва олтингургуртнинг деярли ҳаммаси Қашқадарёнинг ана шу ер ости ва ер усти қатламларидан қазиб олиниб, қайта ишланмоқда. Бепоён чўллариди эса, йилига ярим миллион тонна галла, тўрт юз минг тоннадан зиёд “оқ олтин” ва минг-минглаб донга бебаҳо қоракўл тери етиштирилмоқда. Бу заминдаги ёнилги булоқлари отилиб турган Муборак эндиликда Мағрибу Машриққа маълум. Таассуротларимиз битиги айни шу ердан бошланди.

## Ёнилги булоқлари

Муборақдаги нефт-газ конидан қорамой ва “зангори олов” ер устига чиқариб олинмоқда. Бу бепоён чўлнинг шундай ном олиши бежиз эмас, албатта. Бир замонлар, қадимги бобокалонларимиз унинг сир-асрорини яхши билганлар, эрамиздан авваллари ҳам шу асосда бу жойларда пўлату мис эритишни касб этганлар. Ана шу хазинаю ноёб ҳунар пайдо бўлишини кутлаб, бу ерларни “Муборақ” деб улуғлаган бўлсалар, ажаб эмас. Дарҳақиқат, Муборақ исми жисмига монанд макондир.

Бу муборақ ерни мен “Ёнилги булоғи” деб атагим келди. Негаки, ер ости уммони бу ерда ўзини ўзгача тутади, дунёнинг бошқа конларидан фарқли ўлароқ, суғуриб олувчи — механизм хизматини кутмай, сиз очган тўйнуқдан ўзи ўрмалаб чиқади. Унинг босими ниҳоятда кучлики, бу кончиларимизнинг омади — ишини анча осон қилди. Бошқача айтганда, Муборақ кончилари ер остидан “качалка”лар ёрдамида нефт қазиб олиш жараёнларини четлаб ўтиб, юқори босимли газ-нефтни қувурга оқизиб, булоқлар кўзини очдилар.

— Бу кончиларнинг асрий орзуси эди, унга мустақиллик йилларида эришганимиздан беҳад мамнунмиз, — дейди Муборақ нефт-газ конлари бошқармасининг раҳбари, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Нуриддин Зайниев.

Ҳамма иш раҳбарнинг шахсий фаолиятига боғлиқ, деган гапнинг исботини унинг тимсолида кўриб, ишондим.

Асли шахрисабзлик бўлмиш Нуриддин Зайниев 1974 йили Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини битирган. Меҳнат фаолиятини электр монтажликдан бошлаб, навбатчи муҳандис, сўнгра корхона муҳандиси вазифаларида ишлади, капитал қурилиш, техника-ишлаб чиқариш бўлимларига бошчилик қилди. Иқтисод фанлари номзоди. 1998 йилдан буён у Муборақ нефт-газ корхоналари бошқармасини бошқариб келмоқда.

Бу бошқарма меҳнат аҳли 2000 йилда нефт ва газ ишлаб чиқариш ҳажмини 32,5 миллиард тоннага, концент-

рат ишлаб чиқаришни 2 миллион 631 минг тоннага етказиш йўлида қизгин ишламоқда. Натижалар эса яхши! Муҳими, маҳсулот таннархи арзон, сифати “аъло”, соф фойда ҳам шунга яраша. Бунинг омиллари нимада? Корхонадаги барча иш жараёни замонавий техника ёрдамида амалга оширилади. Мен бу жараённи ўз кўзим билан кўрдим. Хош ашё қудуқдан чиқариб олингач, қувурлар орқали тозалаш қурилмасига юборилади, у ердан иссиқлик алмашуви аппаратиغا ўтади, ҳаво билан совутиш аппаратлари кўмагида суюқ конденсатдан тозаланган газ қурилади, яъни 125 атмосферадан 56 атмосферага келтирилади. Кейин Муборак газни қайта ишлаш завоидига жўнатилади.

Нефт олиш жараёни ҳам мукамал замонавий техника ёрдамида, янгича усулда бажарилмоқда. Айтайлик, қудуқдаги нефт қувурлар орқали махсус қурилмага оқизилади, бу ерда замонавий аппаратлар ёрдамида газ, сув, туз моддаларидан ажратилиб, давлат стандартига етказилади, сўнгра Бухоро ва Фарғона нефтини қайта ишлаш заводларига юборилади.

Корхона Муборак тумани аҳолисининг ижтимоий мадодкори бўлиб ҳам ҳисобланади. Президентимизнинг қишлоқларни газлаштириш ва аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш тўғрисидаги фармонлари ижросига бу жамоа ҳам муносиб улуш қўшмоқда. Корхона маблағи ҳисобига вилоятнинг қатор қишлоқлари газлаштирилиб, тоза ичимлик суви билан таъминлангани бунинг исботидир.

Биз Нуриддин Зайниев билан суҳбатлашиб ўтирганимизда хонага бир гуруҳ оқсоқоллар кириб келишди. Улар салом-алиқдан кейин бошқарма бошлиғига сарпо кийдириб, бир-бир қучоқладилар ва Косон туманининг Эсабой қишлоғи аҳолиси номидан миннатдорчилик билдирдилар.

Маълум бўлишича, бошқарма жамоаси ҳар йили қишлоқ мактабларида таълим-тарбия ишларини яхшилаш мақсадида уларга ўқув асбоб-анжомлари ва компьютерлар ҳадя қилар экан. 5 та мактабни таъмирлаш ишлари эса корхона маблағи ҳисобидан амалга ошириларкан. Қа-

машидаги болалар уйи ва Яккабоғдаги “Меҳр-мурувват” уйини ҳам завод оталиғига олганини айтишди.

Муборак нефт-газ конлари бошқармаси ҳудуди-ку бир обод шаҳарча! Мутахассислару ишчиларнинг ётоқхоналари кошона меҳмонхоналарни эслатади. Бошқарма биносидан чиқиб, қайси кон ва корхонага қараб юрманг, йўл четлари кета-кетгунча дарахтзор, боғ-роғлар... Ана шу йўллардан юриб, саҳрога чиқдик. Ўзгача дунё. У ёғини “Кўкдумалоқ” дейдилар.

### Кўкдумалоқ томонларда

Яна бепоён чўл. Унинг бошию охири кўринмасди. Ногаҳон узоқда, кенгликнинг ўртасида якка-ёлғиз елкандай баҳайбат, кўкиш гумбаз кўзга ташланди. Унга яқинлашганимиз сари кўрдимки, бу ерда ҳеч қанақа думалоқ гумбаз йўқ, аксинча, шу замин ҳам Муборак чўлининг ажралмас бир қисми экан, холос. Эҳтимол, қадимги Турон мулкининг ҳоқонларию карвонбошилари, йўловчилари, тўғрироғи, чўпон-чўлиқлар атамаси бўлса, ажаб эмас, бу “Кўкдумалоқ” дегани. Чунки тўрт томони яйдоқ чўлнинг бир оролдай, тахминан йигирма-ўттиз квадрат километрча келадиган қисмида кўкатлар қалин ўсиб, улар бу кичик ҳудудни яшил рангда думалоқ қилиб кўрсатади. Эҳтимол, шунинг учун унинг номи “Кўкдумалоқ” бўлиб кетгандир? Илгари бу жой фақат чўпон-чўлиқларга аён эди. Ҳозирда Кўкдумалоқ нафақат Ўзбекистонун Марказий Осиёга, ҳатто бутун дунёга маълум ва машҳур.

Гап шундаки, бу ерда нақ ўттиз олти гектар майдонда нефть олиш қурилмаси, газ қазиб чиқариш қурилмаси, газни қатламга ҳайдаш — компрессорлар қурилмасидан иборат конденсат заводи қад ростлаган. Бизни ёш муҳандис Сулаймон Бўронов кутиб олди. Чўлда ўсган йигит эмасми, офтобда пишган, меҳнатда чиниққан, шамолда қорайган эди. Қотма қоматию жўшқин ҳаракати билан бизни ўзига жалб этди. Ҳар бир сўзи доно ва пухта, фикри аниқ ва ўлчовли! Бу йигит бизни компрессор станциялари томон бошлади.

— Компрессорларимизнинг ўзи кичик, лекин ишлари катта!— изоҳ берди Сулаймон.— Мавжуд тўртта станцияда бир кеча-кундузда 20 миллион кубометр газ ишлаб чиқарилади. Айтмоққа осон бу! Шунча юмуш, биласизми, бир пультадан бошқарилади.

Мана, пульта бошқарувчиси хонасидамиз. Ёшгина йигит — Фаҳриддин Рустамов компьютер аппаратига тикилиб ўтирибди. У ҳамма машина-механизмлар бетиним, бир маромда ишлаётганини айтди. Фаҳриддиннинг гапини чет эллик мутахассислар ҳам бир овоздан тасдиқладилар.

Миср Араб Республикасидан келган мутахассис — муҳандис-механик Нодир Булос уч йилдан бери компрессор станциясида юқори технология жараёнини назорат қилар экан. У ўзбек йигитларининг юксак билими ва жонкуярлиги ҳақида қувониб гапирди. “Айниқса, Самад ва Мансур исмли йигитларнинг ишидан беҳад мамнунман”, — деди Нодир Булос.

Яна бир мутахассис В.И. Маттхейман Американинг Оклахома штатидан экан, у шундай деди:

— Кўкдумалоқда дунёдаги энг замонавий ва энг кучли қурилмалар ўрнатилган бўлиб, улар Оврупо ва Америка заводларидаги ускуналардан устун бўлса устунки, асло паст эмас. Мен Фарбда кўпгина заводларда ишлаганман. Ишонч билан айтиш мумкинки, бу корхонанинг қуввати уларникидан кучли. Устига устак, мана, бир неча йилдирки, таъмирсиз ишлаяпти. Бу ҳам ўзбек усталарининг маҳоратини кўрсатиб турибди.

Шу куни корхонанинг ишчи-техник ходимлари ва муҳандислари иштирокида учрашув бўлди. Ҳамма ёзувчилару шоирларнинг чиқишларини илиқ кутиб олди. Қизиқарли савол-жавобларни кузатиб, чўлдаги бу корхона одамлари адабиётга, шеъриятга жуда чанқоқ эканликларини англадим. Начора, вақт зик: уларни иш, бизни бошқа корхоналар кутмоқда эди.

### Шўртан газ-кимё мажмуи

Зоғ учмас чўлда қад кўтарган замонавий қўрғонга кириб боргач, гўё ўзимизни шаҳардагидек ҳис қилдик. Мак-

таб, боғча, меҳмонхона, ошхонаю чойхона, чиройли ойнаванд уй-жой бинолари, оромгоҳлар...

Маълумки, Шўртан газ-кимё мажмуи қурилиши гоёси Президентимиз Ислоҳ Каримов томонидан ишлаб чиқилган эди. У амалда ҳам Юртбошимизнинг ташаббусию сазй-ҳаракати билан барпо этилмоқда. Дунёда ноёб ҳисобланган бу мажмуа қурилиши бўйича эълон қилинган тендерда АҚШнинг “ААБ Луммус Глобал”, “Нишо Ибаи”, Япониянинг “Мицуи” консорциумлари ғолиб чиқди. “Ўзнефгаз” миллий компанияси буюртмаси асосида улар 150 гектар майдонда қурилиш ишларини бошладилар. Бу ишга вилоятдаги ўндан ортиқ бирлашмалар ҳам жалб этилди. Ҳозиргача бир миллиард 370 минг АҚШ долларлик иш бажарилди. Яъни, ноёб қурилиш корпуслари асосан тикланди. Айни чоғда жиҳозлаш юмушлари жадал олиб борилмоқда. У тўла қувват билан ишлай бошласа, йилига 125 минг тонна полиэтилен, 140 минг тонна суюлтирилган газ, 4,5 минг тонна олтингургурт ишлаб чиқарилади. Бу озми, кўп? Агар собиқ иттифоқ ҳудудида бир йилда атиги 90 тонна полиэтилен ишлаб чиқарилганини эсласак, унинг қудрати аён бўлади-қўяди.

Сирасини айтганда, Шўртан газ-кимё мажмуи Япония, Италия, Кореядаги турдош корхоналардан кейинги тўртинчи гигантдир. Комбинат майдонига яқинлашганимизда, ўрта бўйли йигит бизга пешвоз чиқди-ю, ўзини “Бош муҳандис Ўктам Эшмуродов”, деб таништирди.

— Бу улкан корхона икки заводдан иборат, — деди у. — Келгусида Ўзбекистон заводларини хом ашё билан тўла таъминлаймиз, ҳатто ортганини четга валютага сотамиз. Эътибор берган бўлсаларингиз, ҳозир мажмуада ҳам қурилиш ишлари бажарилаяпти, ҳам кўзланган маҳсулотнинг тўртдан бир қисми олинмоқда.

Полиэтилен қандай қилиб олинади? Аввало, хом ашё чиғириқлардан ўтади. Шўртандан қувурларда оқиб келган газ олтингургуртдан тозаловчи қурилмага тушади. Ундан газни айириш қурилмасида икки бор этилен олингач, омборхонада жамланади. Кейин полиэтилен заводига юборилади. Полиэтилендан эса юзлаб турдаги қимматбаҳо,

бежирим буюмлар ясаш, ҳатто мебел ва қурилиш материалари тайёрлаш мумкин. Уларнинг сифати эса “Совпласти-тал” маҳсулотларидан юқори бўлади.

Шўртан газ-кимё мажмуи директори Ўткир Ҳусенов шулар ҳақида гапирар экан, ўтган йили июн ойида комбинатга Президентимиз ташриф буюргани ишчиларнинг ғайратига-ғайрат, кучига-куч қўшиб, ҳавас билан иш-лашга руҳлантирганини мароқ билан тилга олди. Ҳақиқатан ҳам шундай, биз бунга гувоҳ бўлдик.

Бугунги кунда мажмуа қурилишида 2500 нафар чет эллик мутахассис, ўн минг нафардан зиёд маҳаллий иш-чилар иштирок этмоқдалар. Тез орада бу мажмуа биз-нинг ифтихоримизга айланади, унинг маҳсулотлари ке-лажагимизга хизмат қилади.

### Чўлдаги нуристон

Бу шаҳарни кўриб, тўғриси, оғзимиз очилди. Кенг кўча, икки бети гулзор, дарахтзор, кўп қаватли ойна-ванд оппоқ уйлар. Ана шу уйларда ўн уч мингдан зиёд нуржонлар ва нурхонлар яшайди.

Муҳташам бино ичкарасидан жажжи болаларнинг шодон овози эшитилди. Қарасак, болалар пойга-пойга ўйнашмоқда экан. Бу боғчада 320 нафар кичкинтой тарбияланаётганини айтишди. Сал нарида поликлиника, ундан кейин 1650 ўқувчи ўқиётган мактаб... Иссиқ нон ҳиди анқиди — нон комбинатида хилма-хил нон ёпилмоқда. Шинам ошхонаю гавжум чойхонадан ўтиб, Толлимар-жон ГРЭСи қурилиши майдониға кириб бордик.

Ҳар бири 800 минг меговаттдан электр қуввати иш-лаб чиқарадиган 4 та блок қурилишида иш тез суръат-ларда олиб борилмоқда. Биринчи блок аллақачон қуриб битказилган. Унинг нуридан бугун чўлнинг тенг ярми ча-роғон. Энг муҳими, унинг кучи билан қудратли насослар сув омборидан чўлга сув оқизмоқда.

— Станциямиз чўлни нуристон ва гулистон этади, — дейди касаба уюшма қўмитаси раиси Жуман Алламуро-дов. Маълум бўлишича, у бу ерда 20 йилдан буён хизмат қилаётган экан.

ГРЭС бош муҳандиси Ражаб Хўжамуродов унинг гапини олиб кетди:

— Қуш қўнмас бу чўлда нурхонамизнинг яратилиши, — деди у. — Қашқадарёнигина эмас, бутун воҳани, қўшниларни ҳам нурга чулғайди. Чунки ГРЭС қурилгач, Ўзбекистон электр ҳалқасига 3 миллион икки юз минг мегаватт электр қуввати уланади. Айтмоққа осон бу! Бу қудрат ҳар қандай мўъжизани яратишга қодир.

Мазкур нурхона ҳам Шўртаннинг “Зангори олови”дан қувват олмоқда. Темир-бетон билан қопланган пўлат қувурлар орқали бу ерга газ келтириляпти. Унинг қурилишида ўн бир миллат вакили бўлмиш 850 ишчи-хизматчи қатнашмоқда. Нурхонанинг 265 метрдан иборат минораси эса кўкка бўй чўзиб турибди. Уни Қарши чўлининг тўрт томонидан ҳам кўрса бўлади. Бу минорани “Чўл маёғи”, дейдилар. “Чўл маёғи” тепасидан қарсангиз, воҳанинг бепоён далалари, боғу роғлари, яйловлари, бугдойзорларию пахтазорларида тер тўкиб ишлаётган пахтакорлару ғаллакорлар, чўпон-чўликлар кўзга ташланади.

Улар билан учрашиш ниятида яна йўлга чиқдик.

*2000 йил*

## **ХОРАЗМ: УЙФОНАЁТТАН РУХ**

Одатда ижод аҳли — ёзувчилар, мухбирлар вилоятларга боришганида дастлабки мулоқот вилоят ёки туман раҳбарлари билан бўларди. Собиқ иттифоқ даврида бу усул қатъий бир изга тушган бўлиб, обкомбува, райкомбувалар мухбир ёки ёзувчи Тошкентда ҳали йўл паттасини олмай турибоқ, ким келаётганидан хабар топишар ва учрашувга “алоҳида” тайёргарлик кўришар эди. Аэропорт ёки вокзалда сизни кутиб олиб, тўппа-тўғри “каттакон”нинг маҳобатли қабулхонасига олиб боришар, у ерда анча-мунча сабр қилганингиздан кейин ичкарига таклиф этилар эдингиз. Раҳбар тўрдаги тахтиравон — юмшоқ креслодан вазмин кўтарилиб, келганингиздан хурсанд ёки хурсанд эмаслигини асло билдирмаган ҳолда сизга қўл чўзарди. Бироз расмий бўлса-да,

ҳол-аҳвол сўрашилганидан кейин суҳбат бошланар ва сиз ярим соатга етар-етмас вақт ичида қаерга бориш керак, ким билан учрашиш керак, нимани ёзиш керагу, нимага алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини жуда яхши англаб олардингиз. Ўзбошимчалик қилиш одобдан эмас эди, ўзингизча бошқа мавзуларга ўтиб кетсангиз, кўзда тутилмаган хўжаликлар, корхоналар томон йўрғалаб қолсангиз, бу ҳаракатларингизнинг олди силққина олинар эди.

Тошкентдан “Ўзбекистон ҳаво йўллари”нинг маҳобатли янги самолётида Аму қирғоқлари томон учар эканмиз, уч ҳамроҳ айни шу ҳақда мулоҳаза қилиб бордик. Аммо, бу гал бизни мутлақо бошқача кутиб олишди. Кутиб олувчилар бизнинг эски қадрдонларимиз — қаламкашлар эди. Шундай бўлса-да, хаёлимизда “Ҳозир тўппатўғри ҳокимнинг ҳузурига олиб боришса керак” деб ўйладик. Ҳатто “Искандар Юсупович билан қачон учрашамиз?” деб сўрадик ҳам. Ҳамроҳларимиз учрашув сафаримиз оёқлаганда бўлишлигини айтишди.

Алқисса, оқшом. Шаҳар чироқлари сон-саноксиз шода гавҳарлардай чарақлаб турибди. Машиналар текис, кенг йўлларда Амударё шамолидай тез елади. Ҳа-ху дегунча марказни кесиб ўтиб, катта йўлдан чапга бурилдик-да, сердарахт боғ дарвозасидан кириб, ошпоқ қаср зинаполари тагидаги майдончада тўхтадик.

Бу боғ ва меҳмонхона бизга эскидан таниш. Бизни сулув бир жувон ва шинам кийинган бир йигитча кутиб олдилар. Жойлашдик. Кейин ўрта хонадаги узун стол атрофида суҳбат бўлди.

Мезбонлар ҳокимнинг яқинда иш бошлаган шакар заводига кетганини айтгач, бу ноёб корхонанинг тез муддатда қурилганини ва маҳсулот бера бошлаганини, лекин ҳали чала ишлар, ечилмаган муаммолар ҳам борлигини, чунончи, Украина, Қирғизистон ва яна бошқа лавлагикор ўлкалар билан боғлиқ муаммолар ҳақида сўзлай бошладилар.

Эртасига эрталаб Гурлан ва Шовот сафарига йўл олдик. Ўша кун бу туманлардаги “Амударё” ва “Хоразм”

жамоа хўжаликлари пахта ва шоли етиштириш бўйича режаларни уддалаб байрам қилишаётган экан.

“Амударё” хўжалиги аъзолари бу йил 1025 гектар майдонга пахта экиб, бугунгача давлат омборларига 3050 тонна ҳосил тўкишибди. Ҳосилдорлик гектар бошига 30 центнердан ошибди. Жамоа шоликорларининг шоли хирмони эса 800 тоннадан ортиқ.

Хўжалик раҳбари Эрмадат Содиқов ишнинг кўзини биладиган, кимга қандай топшириқ бериш кераклигини яхши англаган раҳбарлардан экан. Қисқагина суҳбат чоғида асли касби врач бўлса-да, қишлоқ хўжалигига, деҳқончиликка оид илмларни пухта эгаллаганлиги маълум бўлди. Гапдан гап чиқиб, газета-журналларга обуна бўлиш масаласи кўтарилганида раис дадил туриб “Э, ёшулликлар, одамларимиз меҳнат қилишни ҳам, газета ўқишни ҳам яхши билишади. Сизлар газеталарни бир-биридан мазмунли қилиб чиқараверинглар, обуна бўлиш биздан” деди. Илғорларни сўраганимизда Мурод Тўраев, Гулим Кўчқоров, Мурод Бобожонов каби пахтакорларни тилга олишди.

Шовот туманидаги “Хоразм” жамоа хўжалигида ҳам катта тўй устидан чиқиб қолдик. Режалар уддаланганлиги сабабли одамлар колхоз клубига йиғилиб, бир-бирларини самимий қутлашаётган экан. Пойтахтдан адиблар келишибди, деган хабар бир зумда чор-атрофга тарқаб, тумонат одам йиғилди. Куй қўшиққа, шеър қутловга уланиб, ажойиб учрашув бўлди. Баъзан “одамлар китоб ўқимай қўйишди, газеталарни-ку мутлақо варақлашмайди” деган гаплар қулоққа чалинади. Тўғри, ўқимайдиган одам “мана бу китобда олтин топишнинг сири ёзилган экан” десангиз ҳам ўқимайди. Ўқийдиган, китобларни қадрлайдиган ўқувчи эса ҳар қандай шароитда ҳам ўзини бу маънавий озуқадан бебаҳра қилмайди. Хоразмда бўлган учрашувларда оддий қишлоқ йигитлари, пахтакор қиз-жувонлар адабиётимизнинг бугунги муаммолари, собиқ мафкура таъсирида ёзилган асарлар, улардаги қаҳрамонларга бугунги муносабат тўғрисида саволлар беришдики, бундан фақат хурсанд бўлиш керак.

Гурлан тўқимачилик хиссадорлик корхонаси чин маънода мўъжиза бўлибди. Албатта, дунёда, шу жумладан Оврупода, айниқса, Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилаётган Германия, Италия, Швейцария каби саноати ривожланган мамлакатларда бундай ва бундан ҳам улканроқ тўқимачилик корхоналари кўп. Лекин улар хом ашёни бошқа узоқ мамлакатлардан олиб келадилар. Бу ерда, Гурланда эса пахтазорлар корхонага шундоққина туташган.

Корхонани, унинг моҳир эгалари — Хоразм ёшларини кўриб улар билан Маданият саройининг кенг клубида учрашиб, қизгин мушоирада қатнашиб, ижодий баҳслар ўтказиб, ниҳоятда мамнун бўлдик.

Алқисса, ўша куни пахтакорлар, шоликорлар, боғбонлар, балиқчилар, зиёлилар билан учрашиб, суҳбатлашиб, мурод ҳосил бўлгач, тунда Урганчга, меҳмонхонамизга қайтиб келдик. Учрашувлардан олган таассуротларимиз беҳисоб, суҳбатларда кўтарилган муаммолар бир дунё.

Мезбонлар бизни тунда меҳмонхонада қолдириб кетдиларда, сахар паллада яна етиб келишди.

Бугунги дастуримиз ҳам ранг-баранг, Хивага борамиз, Ал-Маъмун академияси билан танишамиз. Шаҳар кезар эканмиз, баногоҳ замонавий бир бино пештоқидаги “1004 йили ташкил бўлган” деган ёзувга кўзимиз тушди.

Бизни Хоразмнинг моҳир ўймакорлари ясаган жилвали, жимжима нақшли, дарвозалари ранг очилган кошона бинода “Дорил ҳикма ва маориф” ёки “Мажлиси уламо” деб аталмиш, кейинчалик “Хоразм Маъмун академияси” номи билан машҳур бўлган академия раҳбарлари кутиб олдилар. Илиқ сўрашишлар кетидан қайноқ суҳбат бошланиб кетди.

Академия раҳбари Азимбой Саъдуллаев “Дорул ҳикма ва маориф” ёки “Мажлиси уламо”— ҳозирги “Хоразм Маъмун академияси” номи аъмолини мароқ ила гапира кетди.

Хоразм Маъмун академиясининг пайдо бўлиши Хоразмшоҳлар ичида энг маърифатпарвар, илм-фан шайдоси бўлмиш Али ибн Маъмун ва подшоҳзода Абу На-

срнинг фаолияти билан боғлиқ экани ҳаммага аён. Унинг гуллаб-яшнаш бошлашида, илмгоҳдан академия мақомига ўтишида эса Абу Насрнинг шогирди Абу Райҳон Беруний бош-қош бўлган.

Хоразм Маъмун академияси ал-Беруний раҳбарлигида “Байтул Ҳикма” академияси ишининг меросхўри, давомчиси сифатида катта ишлар қилди. Маълумки, Ўрта асрлардаги “Уйғониш даври”да ташкил топган ва кейинчалик Ал-Маъмун даврида камолотга етган “Байтул Ҳикма” Муҳаммад Ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Яхё ибн Мансур, Холид ал-Марваррудий, Санда ал-Али, Аббос ал-Жавҳарий, Яхё ибн Аксам, Абу Жаъфар Хуросоний, Абул Фотиҳ Исфажоний, Қози Ҳаммод, Аҳмад ал-Марвазий каби буюк олимларнинг машҳур асарлари билан гуллади... Аммо буни кўролмаган кучлар ҳам кўпайди.

Академия ва унинг буюк олимлари довуғи шуҳрат-параст, ҳасадчи Маҳмуд Ғазнавийнинг тинчлини бузади. У ҳар хил йўллар билан Хоразм олимларини ўзига оғдириб олмақчи бўлади ва бунинг учун Хоразмшоҳга қарши фитналар уюштириб, уруш чиқаради ва бу урушда Хоразмни забт этиб, минглаб бандилар, асирлар олиб юртига қайтади...

Шундай қилиб, атиги 15 йил яшаб улгурган Хоразм Маъмун академияси Ғазнавий фитнаси қурбони бўлди. Аммо яхшилик унутилмайди.

Ўзбекистон истиқлолга эришиб, мустақил давлат бўлганидан кейин барча яхшиликлар, қадриятларимиз қатори Хоразм Маъмун академияси ҳам халқимизга қайтариб берилди.

— Президентимиз Фармони асосида машҳур Маъмун академиясининг қайта ташкил қилиниши ўзбеклар ҳаётида Хоразмнинг бой тарихий аъёнларини ўрганиш борасида муҳим воқеа бўлди, — дейди академия раҳбари. — Юртбошимизнинг тарихчи олимлар билан учрашуви, ўзбек давлатчилиги тарихини ҳаққоний яратиш масаласи юзасидан билдирган фикрлари академия олимлари олдида катта масъулият юзлайди.

Ислом Каримов “Ўзбек давлатчилигининг асоси, фундаменти Хоразмда ётади” деб бир неча марта асосли ра-

вишда таъжидлади. “Авесто”нинг миллий қаҳрамони Тўмариснинг ватани бўлган Хоразм халқи тарихида салмоқли ўринни эгаллаши табиийдир. Демак, бу ерда илмий изланишларнинг йўналиши энг қадимги тарихимизга қаратилиши зарур.

Маъмур академиясидан кейин Хиванинг муқаддас масжид-мадрасаларини, бетакрор ёдгорликларини зиёрат қилдик, Паҳлавон Маҳмуд қутлуғ даргоҳида улуғ аллома тарихини бутун тафсилотлари билан эладик, рубойларини ёддан ўқидик, уларни форсийдан ўзбек тилига таржима қилган Тўхтасин Жалолов, Шоислом Шомухамедов каби аллома шоирларимиз меҳнатига таҳсинлар айтдик. Шундан кейингина Хоразм вилояти ҳокими Искандар Юсупов билан учрашувга йўл олдик.

Шаҳарнинг чеккароғида, йўл бўйида оддийгина бир қаватли уй. Ярим очиқ пастгина дарвоза. Шу ерда тўхтаган машинадан чиқиб, дарвоза томон юришимиз билан ҳовлидан Искандар Юсупов ва яна икки киши — ҳоким ўринбосари, ёрдамчиси чиқиб келдилар.

Разм соламыз: ўша-ўша, Тошкентда кўрганамиз Искандар Юсупов, фақат бир оз озган, кўзларидан кам ухлагани, чарчагани шундайгина сезилиб турибди. Лекин сирни бой бермади. Лабида табассум, ҳорғин кўзлари тийрак.

Иссиқ қўл олишув, “ҳорма-бор бўл!” дан кейин ҳоким бизларни меҳмонхонага таклиф қилди.

Судбатимиз бизга яқин мавзудан бошланди. Яқинда Хоразмга Эркин Воҳидов, Омон Муҳтор келибдилар. Қизгин адабий учрашувлар, бахслар бўлибди.

— Халқимиз шоир, ёзувчиларни орзиқиб кутади, шеър, дoston, ҳикоя, қиссаларингизни севиб ўқийди, — деди ҳоким. — Адабиёт бизнинг маънавий мадаккоримиз, руҳий чанқоғимизни қондирувчи чашма.

Бизнинг ҳокимга берадиган саволимиз битта:

— Машғал Хоразмга нима бўлди?

Албатта, бу савол тагида асосан пахтачилик назарда тутилади. Ахир, Хоразм ҳаминша машғал бўлиб келган-ку! Агар, масала фақат об-ҳавога бориб тақаладиган бўлса, октябрь бошларида тўсатдан келган совуқдан нега хоразмликлар гафлатда қолдилар? Ахир, тажрибали деҳ-

қонларнинг бундай тасодифий офатларга қарши чоралари бор-ку?

Бу саволни юмшатиброқ, одоб билан бердик.

Ҳоким чуқур ўйга толди. Унинг чехрасидан анча ташвиш тортгани, ҳоригани янада яққолроқ сезилди.

— Ҳа, об-ҳаво бу йил бизни сийламади, қаттиқ имтиҳон қилди — дейди ҳоким. — Ҳосил учун кураш ҳамон давом этмоқда. Йўлда кўргандирсизлар, ҳосил йиғиштириб олинган далалар тозаланиб, шудгор қилинаётир...

Йўлларда одамларни кўп учратдик. Келгусида ҳосилдорликни ошириш учун кузги ишлар авжида. Ҳамма бир иш билан банд.

Кейинги йиллар ичида Хоразмда ҳосилдор боғлар янада кўпайибди. Боғлар ичига экилган кузги буғдой ниш уриб турибди. Бу тажриба бизни анча қизиқтириб қолди. Айниқса, янги барпо этилган боғларда бу усулни қўллаб, қўшимча ҳосил олиш мумкин экан.

Сафаримиз чоғида бизга ҳамроҳлик қилган Халқ демократик партияси вилоят кенгашининг биринчи котиби Файрат Машарипов, Гурлан тумани ҳокими Рембой Кўчқоров, партиянинг фаол ташкилотчиларидан Уғилжон Аллабергенова, вилоят мусиқали театри бош директори Қурбон Муҳаммадризо, таниқли журналист Рустам Искандаров ва бошқалар (бу рўйхатда Ошиқ Эркиннинг йўқлигига ажабланманг, у киши биз бўлмаган туманларда пахтакорларни “ҳорма — бор бўл!” қилиб юрган эканлар) бизга вилоятда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, одамларнинг эртанги истиқбол кунларига ишончи, баланд кайфияти тўғрисида батафсил сўзлаб бердилар.

Вилоят миқёсида амалга оширилаётган ишлар ва уларнинг амалдаги натижаларини қуйидаги рақамларда ҳам кўриш мумкин. 1998 йилнинг дастлабки тўққиз ойи ичида 14,6 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди ёки 1997 йилнинг шу даврига нисбатан 25 фоиз ўсишга эришилди. Меҳнат унумдорлиги 29 фоиз ўсди. Зарар кўриб ишлаётган корхоналар сони камайди. Йил бошидан бери 627 минг квадрат метр тураржой, 6132 ўқувчига мўлжалланган мактаблар қурилди, 136



ТУРМУШ  
ЧОРРАҲАЛАРИДА



километр узунликда сув, 130 километр узунликда газ қувурлари ётқизилди. Гўшт, суг, тухум, картошка, бугдой, сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштириш кўпайди. Аҳолига маданий-маиший, савдо, транспорт хизмати кўрсатиш соҳаларида ҳам сезиларли ижобий ўзгаришлар юз берди...

— Хоразм халқининг қўли гул, — дейди Искавдар Юсупов, — ҳунари йўқ, қўлидан бир иш келмайдиган бирор кишини учратмайсиз бу ерда. Ўйин тушишни ҳам, меҳнат қилишни ҳам қойиллатишади. Ҳозир вилоятда янги, қўшимча ишчи ўринлари яратиш йўлида кўп ишлар қилинмоқда. Бизнинг моҳир усталаримизга харидор кўп. Имкониятдан тўғри ва тўла фойдаланишимиз керак.

Бу фикр бизнинг ҳам фикримиз эди.

*1998 йил*

## АРМОН

Элкангга ҳаёт хуржуни тушмагунча гўё кўзинг кўру кулоғинг кардай парвойи фалак экансан. Ҳаёт жумбоқлардан иборат, десалар чўпчак айтяптилар, дер эдим. Ҳаёт ўргимчак тўқимасидай боши, учи йўқ калава, деб таърифладилар, ишонмадим. Менга эртакни эслатарди-да бу гаплар. “Бу дунё бевафо дунё” десалар ҳам “афсона” деб кўя қолардим. Ёш эдим-да. “Ёшлик-бебошлик” деганларича бор экан. Ота-она қанотида еганинг олдингда, емаганинг кетингда, ўйин-кулги ҳамроҳинг, оёғинг ерга тегмай юрганингга денгиз суви ҳам тўпигингга келмас экан.

Вақт бебаҳо ҳакам эканми, балоғат ёшига етиб, рўзгор тутгач, кўз очиб қарайманки, ўзимдан катталарнинг ҳамма гапларида ҳикмат кўп экан.

Фарзандсизлик доғида ҳасрат-надоматдан телбаланиб, бола орзусида куйиб-ёнганим боис ногирон болаларнинг “меҳрибонлик уйи”га ишга кирдим. Мени танийдиган собиқ курсдошларим бўлмиш олималар менинг инсоний ҳис-туйғуларимни тушунмадиларми, “нега?”, “нима учун?” деб мени сўроққа тутдилар. Мен диссертация ёқлашим олдида аспирантурадан кетиб қолган эдим-да. Бунинг сабаби битта ўзимга, қолаверса, Оллоҳга маълум эди. Эрим билан қайнонам ҳам бундан ҳанг-манг эдилар.

Қуларнинг бирида шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимининг йўлланмаси билан “Меҳрибонлик уйи”га бош тарбиячи бўлиб борар эканман, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, сизга ёлғон, менга чин, бутунлай бошқа дунёга кириб қолгандай бўлдим. Ҳаёт жумбоқларию мураккаб-лиги ва дунё бевафолигининг жонли гувоҳларини кўриб ёқа ушладим. Ўз кўзим билан кўриб, бедаво ноаларни

иккала қулоғим билан эшитиб, аввалги инкоримни инкор қилдим...

Доимо ўринликда ётадиган беморлар хонаси, биринчи ўринликдаги қизалоқ ҳузурига кирдим. Оппоқ паркувга чўкиб ётган қизалоқнинг юмалоқ юзли кенг пешонасини босиб тушган сочлари ўнг кўзини хиёл тўсиб турса-да, чаросдай тим қора кўзлари ёниб, учқунлаб менга боқаркан, лаби очилиб, садаф тишлари орасидан “Ассалом, опагон!” — деган майин сўзлар отилиб чиқди. “Ваалайкум ассалом!” дедим-да, юзларидан чўпиллатиб ўпдим. Икки бетим ҳўл бўлиб кетди. Унинг кўз ёшлари оқиб тушмоқда эди. “Йиғлама, қизим!”, дейишимни биламан, у овозининг борича ҳўнграб юборди.

Қизалоқнинг онаси йўқ шекилли, балки ҳеч ким уни “қизим” деб эркаламагандир. Афтидан қизалоқ саккиз-тўққиз ёшларда эди. Уни бағримга босгим келди-да, кўрпасини очиб, қаддини қучмоқчи бўлган эдим, қизалоқ додлаб юборди:

— Қоч! Тегма!.. Қоч! Тегма!!!

Унинг шовқинига палата шифокори югуриб келди-да, мени четга тортиб, қулоғимга шивирлади:

— Бодомхоннинг қўл-оёғи йўқ, боши билан танаси бор, холос. Ана шу бахтсизлигини ҳеч кимга кўрсатгиси йўқ, кечиринг, у қизалоқни...

Қизалоқдан узр сўрагани яна ҳузурига бордим. Бу гал у мендан юзини ҳам яшириб олди. Аста бошини силадим. Ялиниб-ёлворгандай майин, меҳрибон оҳангда узр сўрадим:

— Кечиринг, оппоқ қизим, кечиринг, жон қизим...

Майин, мулойим гапни соғинган эканми, қизалоқ аста менга юзланди. Кўзларида жиққа ёш, юзи тўла армон, ич-ичида ҳасрат, надомат, аммо ташига чиқара олмай дим... Сочларини тараб, юзларини силадим.

— Сизга нима бўлди, Бодомхон? Ёки мендан хафа бўлдингизми?

— Сиздан эмас, онамдан хафаман...

— Нега?

— Мени туққанига хафаман. Нега шундоқ қилиб туғди?.. Мазахгами, азобгами?!

Ўзимни тута олмадим-да, аста нарилаб кетдим. Номаи-амолини, ҳаётнинг бу жумбоғини билгим келди. Бодомхоннинг “Касаллик варақаси” билан танишдим. Отаси наркоман бўлиб, ўзининг яқин қариндоши қизига уйланган экан. Шу иккала номутаносибликдан туғма ногирон фарзанд туғилибди. Наркоман эр “Сен менга ногирон қиз туғдинг” деб хотинини савалайвериб, жонидан жудо қилибди, хотинига суиқасд қилган эрни суд қилиб, авахтага ташлабдилар. Бечора болакай бу фожиялардан беҳабар ўз туққан онасини қарғаб ётибди. Мен унинг марҳума онаси ўрнига она бўлгим келди, аммо уни менга бола қилиб бермадилар. “Бундай ногироннинг жойи фақат шу ерда” дедилар. Афсус...

“Меҳрибонлик уйи” ногирон болалари билан танишишда давом этдим. Очиқ майдончада бир тўп ногирон ўғил болалар ҳар хил ўйинчоқлар ўйнамоқда эдилар. Четроқда ҳеч кимга қўшилмай ногиронлар аравачасида ўтириб, ўзича қотириб сўкинаётган ўн ёшлардаги болакай олдида тўхтадим.

— Кимни сўқаяпсиз, ўғлим, тарбиячи опаними?

— Тарбиячи опам яхшилар. Сўкмайман опамни,— деди у бола менга юзланиб.

— Кимни сўқаяпсиз бўлмаса?

— Онамни сўқаяпман.

— Онангиз нима қилиб қўйдилар Сизга?

— Мени туққанидан бери кўргани йўқ...

Ўша ер юткур манжалақи кўзимга кўринса, сочларини битталаб юлгим, юзларини тирнаб қора қонга бўягим келади.

— Ташландиқ эмишман... деди бола.

Узоқдан кўрмаган эканман, яқинлашиб, аравачадаги болакайга разм ташласам, икки қулоғи чиноқ, бурни яримта, оёқлари чўлоқ. Раҳмим келиб, нима деяримни билмадим. Тўғриси, бирор ножўя гап айтиб қўйиб, кўнгли ярим болакайнинг дилига озор беришдан кўрқдим. Аммо унинг сир-асрорини билгим келди. Сир-асрори жуда-жуда ачинарли бўлиб чиқди.

Милиция патруллари шаҳар кезган вақтида хиёбон дарахти тагида биғиллаган бола овозини эшитадилар-да,

олдига борадилар. Уларни кўргач, бир мушук тирақайлаб қочади. Икки қулоғи чайналган, бир қўли ва бир оёғи ғажилган чақалоқни кўрадилар-да, “Тез ёрдам” машина-сига солиб юборадилар. Ногирон “Болалар уйида” ётганига етти йил бўлса ҳамки, унинг ота, онасидан дарак йўқ. “Бевафо дунё” деганлари шумикин?..

Бу болакайни кўрган ҳар бир кишининг раҳми келади, унга оналик қилгиси келади. Аммо ким туғиб, ташлаб кетди, қандай бераҳм она ўз фарзандини ит-мушукка ем қилиб ташлаб кетади? Гўдак уволидан кўрқмайдиган беҳаё бадбахт ким ўзи, бегуноҳ зурриёд кимга тегишли? Бу жумбоқни ечишга мен ҳам ожизман. Жумбоқ устига жумбоқлар мени ўз гирдобига торта бошлади.

“Ногирон рассом болаларнинг кўргазмаси”ни кўрганлар борми? Мен уни ўз кўзим билан кўрдим. Ана меҳр, ана илинж, ана хасрату надомат, ана армон...

Бир ногирон боланинг кўппортретли бир расми диққатимни тортди. Бир полотнода етти аёл портрети... Бири биридан гўзал, бири биридан нуруний, аммо ҳеч бирининг номи ёзилмаган. Уларнинг остига ногирон рассом боланинг қуйидагича саволи битилган:

“Мен онамни қидиряпман. Билганлару кўрганлар, айтинглар, бу аёлларнинг қайси бири менинг онам?”

Расмнинг атрофини одамлар ўраб олганди. Ҳар ким ўз билганича тахмин қиларди. Бири унисини, иккинчиси бунисини онаси шу бўлса керак, дер эди. Кўпчиликнинг тахмини битта: “Биринчи портрет меҳр билан чизилибди, онаси шу”. Баҳс қизиқ турган вақтда бир оқсоқол билан бир онахонни бошлаб келдилар. Улар портретларга синчиклаб боқдилар-да:

— Талъатжоннинг ўзи қани?— деб сўрадилар.

Аравачасини ғириллатиб Талъатжоннинг ўзи етиб келди. Кўринишидан соппа-соғ, аммо иккала оёғи туғма шол бўлгани учун ишламайди. Чап қўли ҳам енгининг ичида осилиб турибди. Ҳамма ишни ўнг қўлида қилади, портрет, расмларни ҳам бир қўлда чизади. Маҳалладан келган оқсоқол уни кўриб-оқ онасига ўхшатди-да, деди:

— Бўтам, Меҳринисо онамни кўрмаган эдинг-ку, қаёқдан худди ўзини қилиб портретини чиздинг?

— Онамни танирмидингиз?— деди бола.— Шуларнинг ичида қайси бири менинг онам?

— Энг биринчи расм худди Меҳринисонинг ўзгинаси! Онанг сени тукқан куни туғруқхонада ўлган эди...

Отахоннинг гапини Онахон ҳам тасдиқлади.

— Қуйиб қўйгандай ўзи, ҳатто ўзидан ҳам гўзал расм қилибсан, болам. Она меҳри кўз қорачиғингда қолган экан-да...

Талъатжон ўзини тўхтатолмай йиғлаб юборди.

— Тушимда кўрганимни чизувдим,— деди Талъат.— Ҳар куни кўраман. Бабзан ўзгача кўринади. Тушимда аён бўлган сиймоларини кундузи эскизга соламан. Булар ўша эскизлар ичидан хаёлан танлаб олганларимнинг бир қисми, холос...

Она меҳри шундай улуғ кучмики, орадан ўн уч йил ўтса ҳам, унинг сиймоси бола кўзидан нари кетмабди...

Эй, тошбағир оналар, буни билиб қўйинглар, уларнинг оху кўзлари кўзларингизни ўйиб, нолаю фиғонлари қалбингизни тешгусидир”— дегим келди.

Мен фарзанд тирноғига зор, она бўлиш шарафига хумор аёл яхши ният билан “Меҳрибонлик уйи”даги ҳар бир болага она бўлиш орзусида гарангман, не қилайки, ҳеч бирининг ўз онаси ўрнини босолмай доғдаман. Ишгимда тиним, уйимда ҳаловатим, уйқуда ҳам оромим йўқ, фарзандсиз ўтягман, оҳ, десам жигаримдан парча-парча қон отилиб чиқаётгандай бўлади. “Бир кам дунё” деганлари шумикин?

Иложим қанча, қандай оғир кечса-да, тишимни тишга қўйиб ишлайвердим. Оҳим худога етса, ногирон болаларнинг дуоси ижобат бўлса, кошки, мен ҳам она бўлсам, она қандай бўлиши шаръий эканини мана мендан кўрсинлар, дегим келади.

Ногирон ва етим болакайларнинг пинжига кириб, дилларидан жой топиб, атрофларида гирдикапалак бўлиб кун ўтказаман. Шунинг учунми, ҳамма бола мен билан сирдош. Ҳатто ҳеч кимга тишининг оқини кўрсатмаган Ҳамдамқайсар ҳам ичидаги дардини мендан яширмайдиган бўлди.

“Ҳамдамқайсар” деб ном чиқарган ногирон бола бу уйга келганидан буён ҳеч ким билан очилиб гаплашмас, бировга тишининг оқини ҳам кўрсатмас, болаларга ўхшаб яйраб ўйнамас экан. Айтишларига қараганда, бор гапини қоғозга солармишда, нима ёзганини ҳам ҳеч кимга кўрсатмас эмиш. “Ҳамма дарди-армони ичида ва у қўлтиғида олиб ётадиган дафтарида” дедилар. Яхши гап, хушмуома-ла билан мен унинг юрагига йўл қидирдим.

Яхши гапга нима етсин. Яхши гап билан илон ҳам инидан чиққусидир. У бола хоҳласа ва хоҳламаса ҳам ундан хизматимни, яхши гапимни аямадим.

— Ҳамдамжон, нима керак Сизга?

— Ҳеч нарса!

Нима сўрасам “Ҳеч нарса” деявергач, бир куни кўнглидаги гапини топдим шекилли, қоғоз керак бўлса, уялмай менга айтаверинг, уйимда кўп, келтириб бераман” дедим. Бола мийиғида кулиб қўйди. Чехрасидан сездим-ки, унинг қоғози тугаб қолган. Эртасига эрталаб янги бир катак дафтар совға қилдим. Дафтарни бағрига босди, мийиғидаги кулги чехрасида табассум бўлиб кўринди. Мунгли бола бечоранинг юрагига йўл топаётганимдан ўзим қувондим.

— Қаламингиз борми ёки ручка келтириб берайми?— деб сўрадим ундан бириси куни.

Бола бечора ўзи айтолмай турган гапни топдим шекилли, юзи, кўзи кулиб, ийманибгина деди:

— Қаламимнинг ёзадигани тутади...

Бир эмас, иккита қалам узатдим.

— Бири қора, бири зангори рангда ёзади. Иккови ҳам Сизга,— дедим.

“Раҳмат!”— деди Ҳамдамжон қалам тутамлаган қўлини елкамга ташлаб. Мен унга меҳрибон боқдим-да, ўз онасидай илиққина ўпиб қўйдим. Аста қарасам, бола бечоранинг мижжасида марвариддай тиниқ кўз ёши кўринди.

— Ёзаверинг, лозим топсангиз шеърингизни менга ҳам ўқиб берасиз,— дедим-да, узоқлаб кетдим.

Кунларнинг бирида у палата тарбиячиси орқали мени йўқлабди. Ўзим ҳам уни кўргим бор эди. Палатасига кирсам, ўша мен берган катак дафтарни тиззасига қўйиб ўтирибди. Мени кўриб ўрнидан турмоққа уринди. Елка-

сидан босиб, ўтказиб қўйдим. Ҳол-аҳвол сўраган эдим, жавоб ўрнига, тиззасидаги дафтарни қўлимга берди.

— Ҳеч кимга айтмай юрган гапларимнинг ҳаммаси мана шунинг ичида,— деди у мендан кўзларини яшириб.

Дафтарни очдим. Биринчи варағида катта ҳарфлар билан қора ва зангори рангда “Армон” деб ёзиб қўйибди. Дафтарни варақлаб ўқий бошладим. Унда бола бечоранинг дард-алами тўкиб-сочилган эди. Бефарқ ўқиёлмайсиз. Унинг дарди, аламига сиз ҳам шерикдайсиз. Ишонмасангиз, мана. Сиз ҳам бу сатрларни ўқиб кўринг:

— Онажон! Нима учун мени туғишга шошилдингиз? Мана энди... Мана энди туғсангиз бўлмасмиди. Ўша вақтларни эслаганим сари Сизга раҳмим келиб, кўп, кўп йиғлаялман. Сахар туриб апил-тапил нон-чой қилиб, бир қўлингизда мен, бошингизда беланчак, тугун, далага чопардингиз. Далада белингизни букиб кетмон чопиб, кучоқ-кучоқ хашак кўтариб, тонна-тонна пахта ташиб, кучсиз, беҳол яна уйга қайтардингиз. Тўйиб овқат емагансиз. Ҳозиргидай дори-дармон қайда, дейсиз. Оч-наҳор юриб, мени чала тукқан экансиз. Сизни ҳам, ўзимни ҳам ҳолимга ачиниб йиғлаялман. “Соғлом авлод йили” оналари билан болаларига ҳавасим келяпти. Ундай она атрофида ҳамма гирдикапалак бўляпти. Шу кунларда туғилган болаларга ҳамма нарса муҳайё! Мени шу кунларда туғсангиз бўларкан, ойижон!”

Бутун бошли бир дафтар ана шундай армон надоматлари билан тўлиб ётибди. Ҳаммасини ўқишга бардошим етмади. Бировлар жигарпораларининг орзусига етолмай қаро ерга кирдилар, баъзилар ўз фарзандларини тирик етим қилиб юрибдилар, яшшамагур кимлардир чақалоқларини илон-чаёнга ем қилиб чакалакзорларга ташлаб қочмоқдалар, кимлардир менга ўхшаб тирноққа зор...

Менинг Хайри Саховатева деб аталувчи номим тилга олинмаса-да, боласиз аёл — сувсиз анҳор, дейдилар. Бир учи менга келиб тегади: “Туғмас аёл бахил бўлади”, дедилар, бағримни тешди. Дунёда ҳомиладор аёлнинг ўғилми, қизми, нима туғишини билиб бўлмайди, дердилар. Ҳозир Тошкент Диагностика марказига борсин, замонавий компьютерлар буни дарров айтиб берадилар. Аёлнинг қорнидаги ҳомила — ўғилми, қизми, ойнасида аниқ кўринади.

Яна бир армоним бор: компьютерлар туғмас аёлнинг нима қилса фарзанд кўришини ҳам айтиб берсайди... Э, воҳ, ёшим бир жойга етиб қолди, кўзим олди қуюқ тутун, бу дунёда бормикан армони йўқ бағри бутуни?..

1998 йил

## АЁЛЛАРГА ИХЛОС ҚЎЙИНИГ, ЭРКАКЛАР!

Куни кеча “Оила йили”ни яқунлаб, бугун тонгда “Аёллар йили”га кириб келдик. Мустақиллигимиз ихтиро этган “Оила йили” эса, Истиқлол инъоми бўлмиш “Инсон манфаатлари йили”дан шарафли туғ олган бўлса, буюк келажак марраси сари катта йўл босган “Инсон манфаатлари” инсоният саҳобалари бўлмиш фаришта аёлларимизга шу субҳидамда саодат байроғини икки қўллаб топширди. Ўша онда мустақиллигимиз яна бир ёшга улғайди, у меҳрибон қўлларда буюк келажак томон янада баланд кўтарилади. Энг янги тарихимизнинг энг муҳим йўналиш довони бўлмиш 1999 йил бизни йигирманчи асрни яқунловчи икки мингинчи — момо меҳридай пок, она сутидай ҳалол, қизлар ишқидай беғубор йилга олиб киришига умидвормиз. Чунки, Одам Ато меҳр қўйган момолар, пайғамбарлар улуғлаган оналар, шеърият султонлари Фаришта деб билган опа-сингилу қизлар яхшилик ила гўзаллик, меҳр-муҳаббат рамзидирлар. Ўйлаймизки, “Аёллар йили” мустақиллигимизнинг ярашуглик солномаси бўлиб қолади, ардоқли ўтмишимизни қадрлаб, нурли келажакимизга яхши асос солади.

Аёллар ўз зебу зийнати, нозик ва гўзал табияти, меҳрли фазилати, ёқимли хосиятию майин ва мўмин хусусияти билан жамиятимизнинг кўрки-жамолидир. Одамзод ақлли ҳаёт бошлаган замонлардан бери инсоният аёлларга ихлос қўйиб, аёлни севиб, асраб, ардоқлаб келади. Аёллар ҳам бундай эъзозга муносиб ишқию оламшумул ишлари билан азиздурлар. Мозийга кўз ташлаб, тарихимизга назар солайлик, момоларимиз ибратини эслайлик.

Тўмарис билан Қурбонжондодхоқ тарихимизда жанговар тарих яратган аёлларимиздан бўлиб, унутилмас сиймолардир. Уларнинг тарихдаги жасорату матонатла-

рини кўп жиҳатдан баҳодир туркий ўғуллар, бобокалонларимиз Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди ва Мирзо Бобурларнинг инсоният тарихига кирган жасорату матонатларига баробардир.

Маълум ва машҳурки, Амударё соҳилларида бугун бошли туркий мамлакатга раҳбарлик қилган, туркий халқлар тарихида ўчмас из қолдирган малика Тўмариснинг жасорати қайси эркак лашкарбошилардан кам бўлибди. Қудратли Эрон шоҳи Кир унинг юртига бостириб кирганида малика Тўмарис ёв устига қўшин тортиб, тенгсиз жангларда йигирма йил шоҳлик қилган Кир қўшинларини тор-мор қилади ва босқинчининг ўзини ҳам қонга бўяйди. Ақл-заковатли, мард ва донолик билан дунёга донг таратган Тўмарис ҳақон адабиёти қаҳрамонига айланган. Унинг жасорати ҳақида Юнон, Рим ва бутун Оврупо адабиётчилари, тарихчилари қойил қолиб асарлар ёздилар. Буюк Алигери Данте “Илоҳий комедияси”нинг “Аъроф” қисмини асосан унинг жасоратига бағишлади ва туркий аёлни шоҳ Кирдан, ҳатто христиан дини пешволарию Рим папаси, Кардинал, Епископ ва Қироллардан устун қўйди. Уларни дўзахи деб эълон қилган ҳолда, адолат, озошлик, мустақиллик учун курашган маъжусий Тўмарисни жаннатий, деб улуғлайди.

Буюк драматург Уильям Шекспир ҳам Тўмарис образини Оврупо аёлларига намуна қилиб ёзган эди. Масалан, унинг Хенрих VI га бағишланган драмасида инглиз тажовузчиларига қарши кураш қаҳрамони графиня Овериска “Менинг режам тайёр, агар ўнгидан келса, Кирни ҳалок қилиш билан ном чиқарган скиф Тўмарисдан кам бўлмаган қаҳрамонлигим ила ном чиқараман” деб аҳд қилади. “Кирнинг вафоти” трагедиясининг муаллифи француз драматурги Ф. Кино эса Тўмарис момомизни француз халқининг миллий қаҳрамони бўлмиш Жанна Д’Арк даражасида — Ватан, озошлик, эркинлик учун кураш тимсоли даражасида улуғлайди.

Туркий халқлар аёлларининг, яъни бизнинг момола-римизнинг донолигию мардлиги, қаҳрамонона жасоратлари беҳисобдир. Юртимиз тарихини юзлаб, минглаб тўмарисчилар безаб турибди. Мисоллар кўп. Аммо биз иккитасини, яъни Норин дарёси соҳилини ёвдан ҳимоя

қилишда нукул аёллардан иборат лашкар душманни тор-мор этиб, юртни ёвдан сақлаб қолганини ёки ўшлик Қурбонжон додхоқ жасоратини эслайлик. Ўрис империяси Туркистонни босиб олиш учун қонли юриш бошлаганида “Олой маликаси” деб ном олган Қурбонжон ўзи сардорлик қилаётган элни чор Россияси армиясидан мардлик билан, бениҳоя жасорат кўрсатиб ҳимоя қилади. Уни енгилга илож тополмаган ўрис генераллари, шахсан машҳур генерал Скобелев “аёл генерал” билан сулҳ тузишга ва кўплаб асирларини озод қилишга мажбур бўлади. Олойдан четга қочган фуқароларини ўз юртига қайтаради ва Кўқон хонлигига қарашли аҳолининг бир қисмини ўлпонлардан озод қилади. Кўҳна Турон тарихида бундай мисоллар кўп.

Президентимиз мустақиллигимизнинг 8-йилини “Аёллар йили” деб эълон қилишда жаҳон аёллари учун намуна бўлиб келган ана шу жасоратли аёлларимиз қадриятини эслаш ва эъозлашни кўзда тутгани аниқ ва равшандир.

Қадим замонларда ҳам Марказий Осиёда, хусусан Ўзбекистонда, илм-фан, маданият, тиббиёт ва адабиёт ривожига хизмат қилган онахонларимиз талайгина. Улар бебаҳо бадний-эстетик шеърӣ асарлар, ижтимоӣ-сиёсий, юксак фалсафӣ рисоалар яратиб, инсоният тараққийига катта ҳисса қўшдилар. Биргина Анбар отиннинг “Қоралар фалсафаси” номли чуқур илмӣ-фалсафӣ рисоласини эслайлик. Унда файласуф шоира зулмулмат чангалидан қутулиш йўларини излайди. “...зулмат ва зулматлик қаю тарафдин ва не сабабдин келди ва қанча ҳукм сурмоғи мумкин ва нечук тадбири тадориклар ила бу зулматни зойил этиб, унинг шаръидан нажот топмоқ мумкин эрур” деб хитоб қилади шоира.

Ҳамиша яхшилик ва эзгуликка интилган ўзбек аёллари азалдан онанинг жаҳоншумул қадру қимматини, унинг умуминсоний мазмунини аниқлашда ва юксак баҳолашда бизнинг доно момоларимиз дунё олимларидан юқори турганлари маълум.

Инсон онасини, — деб ёзади шоира Анбар отин, — ҳар нечук донишманд энагаси деб билурман, ул она шундоғ онадур ва моҳир донодурки, Афлотун, Дони-

ёлни, Ҳизр ва Илёсни, Искандару Дорони, Луқмон ва Сулаймонни, Ибн Сино ва Улуғбекни, Жомий ва Саъдийни, Навоийни, Фирдавсийни, Бедил ва Ҳайёмни, Нодира ва Увайсийни, мени ва сени ўз қорнида ўн ой кўтариб, турли офатлардан сақлаб, еган физосидан расамат бериб, тўқсон тўққиз дардни тортиб, туғиб... кўзимизни очиб, оламни кўриш қобилиятига даввору моҳир қилибдур”.

Оналар мумтоз бобо ва момоларимиз айтиб ўтганларидай азиз ва муътабардирлар. Шу боисдан “Аёллар йили” авваламбор, оналар йили, демакдир. Табиат ва жамиятдаги энг улуғ борлиқни она номи билан “Она юрт”, “Она Ватан”, “Она ер”, “Она тили”, “Она меҳри” деб бежиз атамаймиз. Чунки ҳаёт боши — онадир. Онани пайғамбарлар ҳам улуғлаб “жаннат оналар оёғи остидадур” деганлар.

“Оналар оиланинг ойнаси” ҳам дейдурлар. Ҳақ гап! Оиланинг аҳиллигию жипслиги, тинч-тотув яшаши, рўзгорнинг саранжом-сарипталиги, келажак иқболи онанинг кўлида. Оқилаю доно, ифбатли ва иродали онадан ҳеч қачон ярамасу ноқобил фарзанд етишиб чиқмаган ва чиқмайди ҳам. Она қалбидаги эзгулик нурлари мурғак қалбига қуюлади ва ундай қалбда ота-она, эл-юрт, Ватанга муҳаббат, халқига садоқат, барча муқаддас эҳтирослар илдиз отади. Унинг сезги илдизлари эса, она сути ва муборак аллалари орқали унинг ҳиссиётида улғайиб, инсонийлик, эзгулик хислатлари аста-секин гўдакнинг қон-қонига сингади. Буни яхши англаган француз мумтоз ёзувчиси Бальзак “Миллатнинг келажаги оналар кўлидадир” деб башорат қилган эди. Ҳақ гап. Дили пок оналар туғиб, парваришлаган фарзандлардан жамият ҳосил бўлади, бундай жамиятдан унинг улуғ йўлбошчиларию асил донолари етишиб чиқади.

Улуғ саркарда бобокалонимиз Соҳибқирон Амир Темурдай давлатпаноҳ покиза туйғулару буюк ниятта тўлиқ қалб эгаси бўлмиш онаси Тегинабегим жисмида дунёга келди. Эл-юрт, қавм-қариндош, табаррук замин, Ватанга муҳаббату садоқат, тенгсиз қудрату салоҳият, жасорату матонат, ақл-идрок ва тафаккур Соҳибқирон Амир Темурга нуроний она Тегинабегимнинг юрак нуридан

қуйилди. Буюк шоир ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг улуғлиги ҳам онаси Қутлуғнигор бегимнинг яхши ниятларию меҳр-оқибатли парваришларидандир.

Демакки, жамиятни оналар обод қиларкан, жамият ҳам оналарга ёруғ юз ўгириши ва уларга холис хизмат қилиши, муносиб меҳр-мурувват кўрсатиши жоиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизда 1999 йилни “Аёллар йили” деб эълон қилиши энг аввал муҳтарам оналарга мустақил давлатимиз ва жамиятимиз эҳтироми ва ҳурматида, деб биламиз.

Юртимизда қанчадан-қанча муҳтарам оналар бор. Улар тарбиялаган неча-неча йигит-қизларимиз эл-юрт хизматида жасорату матонат кўрсатиб, Ватан қаҳрамонларию юрт паҳлавонлари бўлиб етишдилар. Дунёга донг таратган олиму фузалоларимиз жаҳонга номи кетган полвону паҳлавонларимиз ҳам оналар дуосяю оқ сутидан мадад олгандилар. Оналарнинг давлат ва жамият олдидаги ана шу бебаҳо хизматлари “Аёллар йили”да ўз эътибори, ҳурмати ва эъзозини топиши турган гап. Она ва болаликни муҳофаза қилиш давлат дастури бу йилда беками кўст бажарилиши учун ҳамма имкониятлар сафарбар қилинади.

Бу йил “Оналарга эътибор — жамиятга ва унинг келажига эътибор” деган шиор остида ўтгусидир. Оналарга ихлос қўйинг, фарзандлар, жаннат уларнинг оёқлари остидадир.

Қолаверса, Аёллар йили — меҳрибон опа-сингилларимизнинг оила ва жамоадаги хизматларини тақдирлаш, уларни давлат ва жамият юмушларига кўплаб жалб этиш, раҳбарлик лавозимларига бемалол ва дадил кўтариш йили бўлади.

Оиланинг тўнғич фарзанди бўлмиш оналар онаизорлари билан бирга рўзғор эплаб, ука ва сингилларини кўтариб катта қилиб, оилани саранжом-сарипта этиш билан бирга жамият учун қанчадан-қанча фойдали ишлар қилганини яхши биламиз. Опаларни эъзозланг, укалар, улар сизларни оқ тараб, оқ ювиб, опичлаб юриб оёққа турғизишида озмунча жабр кўрдиларми?

“Аёллар йили” қизларимизга бахт-саодат келтирувчи йил бўлади, деган умиддамиз. Жамиятимизда ўғил болалардан кўра кўпроқ қиз бола туғилмоқда. Аҳоли орасида аёллар

нуфузи кўпроқ бўлишининг сабаби шундадир. Мактабда, олий ўқув юртларида, ёшлар ташкилотларида, жамоатчилик ишларида қизларимизнинг ўта фаоллиги ҳар жабҳада кўзга ташланиб турибди. Демак, қизлар оиладагина эмас, балки, жамоаю жамиятда ўз ўрнини топиши аниқ. Бу ҳаққоний уринишларида улар катталарнинг, айниқса, ота, ака ва тоғаларнинг кўмагига муҳтождирлар. Қизларни авайлаб, асраб, эъозлаб ўстириб, лойиқ-қобилларини топиб, турмуш қуришларида ҳам сизларнинг мададларингиз керак, сира-сира мададингизни аямангиз, катталар!

Кейинги пайтда қизларни турмушга узатиш анча мушкуллашиб қолганини унутмайлик. Йигитлар бой қизларга уйланишни ҳавас қилса, ўз навбатида, қизлар ҳам машинаси бор, пулдор йигитларни қидира бошладилар. Қолаверса, кўпчилик бўйига етган қизлар импорт мебели, ярақлаган стенка олиб бермасанг, эрга тегмайман, дейдиган қилиқ ҳам чиқардилар. Бундай талабларга қурби етмаган ота-она қарзга ботиб, қиз чиқариб, хонавайрону хунибийрон бўлдилар. Кўплаб оилалар эса беҳад катта тўй харажатидан кўрқиб, кўплаб совчиларни қайтариб юборадиган бўлдилар. Оқибатда қизларнинг ёши ўтиб, совчи келмай қўйди. Қари қиз бўлиб қолганлар ноиложликдан неча бор хотин қўйган, хотини ўлган ёки хотини турмайдиган шахсларга тегиб, атанглаб ўтганлар озми. Кимга фойдаю кимга зарар? Албатта, бу оилага ҳам, жамиятга ҳам зарар!

Шукрки, 1998 — оила йилида бу иллатга чек қўйилди. Инсонпарвар Президентимиз тўй-ҳашамларни рисоладагидай қилиб тартибга солиш, бу соҳада дабдабозлик, исрофгарчиликка барҳам берадиган одилона фармон чиқарди. Бу фармон куёвга узатилаётган қизларимизнинг мушкулини осон қилди. Эндиликда юракдан-юракка йўл топганлар учун ортиқча олди-берди ашёвий тўсиқлар ўртадан олиб ташланди. Биродарлар, севишганлар қадрига етинг, янги оила қурувчилар йўлидаги говларни олиб ташлаб, жами қизлар, йигитлар бахт-саодатига йўл очиб беринг! Бу билан Сиз соғлом оилаю соғлом авлод яралишига хизмат қилиб, савобга қолгайсиз.

Ниҳоят, “Аёллар йили” турмуш йўлдошингиз йили ҳамдир. Демакки, унда сизнинг-да манфаатингиз бор: аёлингиз ўтирган гиламнинг бир ёғида сиз ҳам ўтирасиз.

Аёлингиз Сизга ҳамиша ҳамдам, доимо ҳамнафас, ҳамдард бўлиб, оғирингизни енгил қилади, кўчадан хориб кирсангиз, табассумда кутади, устингиздан тўнингизни олади, оёғингиздан этингизни ечади, қўлингизга сув қуйиб, оппоқ сочиқ тутади, хузурингизга дастурхон ёзиб, обитаом қўяди. Эртасига яна хуш такаллуф билан сизни ишга кузатади.

Аёлингизнинг хизмати бу билан тугамайди. Ҳовли-жойни озода тутишдан ташқари, мол-ҳолга қараш, сизгир соғиш, ҳамир қилиб, нон ёлиш, таом пишириб, кир ювиш, болаларни оқ ювиб, оқ тараш, эрга хизмат қилиб бўлгач, ўзи ҳам ишига жўнаши кабилар фақат аёлингизнинг қўлидан келади.

Баъзан эркаклар ўз аёлларининг бу хил юмушларини тан олсалар-да, баъзан беписанд қарайдилар. Мен қишлоқда туғилиб, қишлоқда ўсганман, кўпдан Тошкентда яшасам-да, ҳозир ҳам бир оёғим қишлоқда. Қишлоқ аёли эркаклардан уч-тўрт баравар кўп юриб, кўп ишласалар-да, сира нолиганларини эшитмаганман. Бир вақтлар бир ажиб воқеанинг гувоҳи бўлганман ва уни “Ҳилола” номли қиссамда айнан ёзганман, ўшандай воқеа ҳозирда ҳам мавжуд. Масалан, бригадир эр билан кетмончи хотини ўртасида ким кўп юриб ишлайди, деган баҳс кетади. Иккиси оёқларига “шагомер” деган ўлчағич асбоб боғлаб олиб, тонгда кўрпадан турганидан то тунда яна кўрпага ётгунларича “шагомер”— қадам ўлчағичда юрадилар. Натижа қандоқ бўлибди, денг? Эрнинг тонгдан тунгача далада юрганию идорама-идора қатнагани, пахта пунктига бориб келгани хотинининг юришидан уч марта кам чиқибди. Хотинининг рўзғор юмушидаги ҳаракатининг ўзи эрининг дала юмушларидаги борди-келдисидан кўп экан. Ўшанда бригадир эр кетмончи хотини кунига ундан уч марта кўп иш қилишига қойил қолиб, хотинига ҳайитлик учун атлас қўйлак билан атлас лозим олиб берганди.

Аёлингиз хизматини сира камситманг, билингни, эрни эр қиладиган ҳам, эрни ер қиладиган ҳам аёллардир, бинобарин, ҳалолангизни севинг, эркалаб ардоқланг, вафодор эрлар! Аёлингиздан фақат боқий назокат, ибоя иффат, сабру қаноат, соф севги, муҳаббат усадоқат из-

ланг, фарзандларингизнинг меҳрибон мураббийси бўлишини кутинг.

Умуман олганда, аёллар жамиятда катта куч. Буни биз кўхна тарихдан ҳам яхши биламиз. Аёлларимиз ҳақида гап борганда биз беихтиёр Тўмарису Курбонжон додхоҳ, Моҳларойим, Жаҳонотину Зебунисо, Нурхону Лутфихоним, Мукаррамаю Сорахонимларни эслаймиз. Ўзбек аёллари деганда Тожихон Шодиева, Зебо Ғаниева, Башорат Мирбобоева, Азиза Қаландароваларни ёдлаймиз. Уларнинг ҳар бири ўзига хос шахс, ҳар бири ўзгача тарих. Уларни қадрласа арзийди!

Ўзбек аёллари қўл урмаган соҳа йўқ. Аёллар кам бўлсалар-да, давлат, жамоат, саноат ва деҳқончилик соҳасида кўзга кўринарли ишларни бажармоқдалар. Давлат арбобларию халқ депутатлари, шифокору муаллимлик касбини улуғлаётган фидойи аёлларимиз, номдор деҳқонлар билан фахрланамиз.

Мустақиллик нашъасини суриб, уни мадҳ этувчи аёл шоираларимиз бугунги Зебуннисоларимиздир.

Ўзбекистон булбули ҳисобланган Ҳалимахону Саодатхонлар қаторига Кумушхону Гулбаҳорлар қўшилмоқда. Аёллардан янги замон бастакору композиторлари етишиб чиқмоқдалар.

Уй-рўзгор, бола тарбияси ва бошқа хизмат ва жамоатчилик соҳасидаги ишларни ҳисоблаганда аёлларнинг энг кўп вақти меҳнатда ўтади. Саноатда ишловчи аёлларнинг ярми, деҳқончиликда ишловчи аёлларнинг 90 фоизи оғир меҳнат қилишига қарамай, уларнинг бўш вақти эркакларнинг бўш вақтига қараганда 7—8 марта камдир. Пардоз-андозга, ўзига қарашга ҳам вақт тополмайди. “Аёллар йили” қиз-жувонларнинг ана шу эҳтиёжларига ҳам эътибор берадиган йил бўлгусидир.

Маълумки, “Ойла йили” бўлмиш 1998 йил яхши якунланди. Саноат ишлаб чиқаришида юксалиш юз берди. Ёқилғи мустақиллигига эришдик. Аҳоли даромади ошди, давлатимиз камқувват аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасида, айниқса, она ва болаликни ҳимоялаш, она бўлажак аёллар турмушини яхшилаш, соғлиқ-саломатлигини сақлаш учун катта имкониятлар яратмоқда. Янги-янги соғломлаштириш уйлари, поликлиникаю касалхоналар очил-

моқда. Кўпдан-кўп оилалар ўз рўзгорларини бутлаб, турмушларини изга солиб олдилар. Бироқ қишлоқ муаммолари бағамом ечилганича йўқ. Деҳқончилик соҳасида ечимини кутаётган масалалар кўп. Бу эса янада унумли ишлашни талаб қилади.

Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш учун, юртимиз иқтисодиётини кўтариш борасида эркаклар билан баб-баравар хизмат қилаётган муҳандису чилангар, ишчи-хизматчи аёллар, “Аёллар йили” бўлмиш 1999 йилга ғайрат ва шижоат, янада унумли ишлаш иштиёқи билан кириб келдилар.

Ўзбек аёллари серфарзанд бўлсалар-да, “ҳар гулнинг ҳиди бўлакча” деганларидай, сира-сира фарзанддан юз ўгирмайди, ўзи емай фарзандини боқали, ҳатто ўзбек аёллари урушда етим қолган бегона юрт болаларини ҳам бағрига олиб, ўз фарзандларидай меҳр билан парвариш қилдилар.

Мустақил мамлакатимизда йилига бир миллион икки юз мингдан ортиқ бола туғилади. Азалдан болажон бўлган аёлларимизнинг орасида ўн ва ундан кўп болаларини вояга етказётган онахонлар жуда кўп. Уларнинг иқтисодий, ижтимоий ва оилавий аҳволи алоҳида эътиборга муҳтождир. “Аёллар йили дастури” кўп болали оналарнинг ҳамма эҳтиёжларини қондиришга қаратилгани турган гап. Келажаги буюк давлатимиз ҳозирданоқ ана шу буюк келажак эгалари бўлмиш болалар, ёшлар тақдирига зўр эътибор бермоқда. Президентимиз “Оила йили” якунига бағишланган анжуманда “Аёллар йили” шиорини ўртага ташлади. Бу шиор фарзандларимизнинг биздан кўра бахтли, ақли, илмли ва тадбирли бўлиб етишишига қаратилгандир. Давлатимиз бу ғояни амалий чора-тадбирлар билан мустаҳкамлайди, албатта. Бу ишда оналарнинг, жами аёлларнинг роли катта, аёлларни асранг, эркаклар!

*1999 йил*

## **КИТОБ ҚАДРИ, КИТОБХОН БУРЧИ**

Бугунни яхшироқ англамоқ учун кечаги кунни эсламоқ фойдали. Назаримда, ўша ўтган кунлар сабоқлари ҳозирги кун ривожига туртки бўла олади. Шу асосда ки-

тоб ва китобхон хусусидаги ўй-фикрларимни яқин ўтмишдан, болалагимда кўрган-билганларимдан бошлагим келади. Маълумки, болалар ўта синчков бўладилар, болаликда илк бор кўрганию дастлаб эшитганини беихтиёр кўзига муҳраб, қулоғига қуйиб олади. Менинг ҳаётимда ҳам ана шундай бўлган: уйимда кўз очиб кўрган — нон билан китоб. Қулоғимга илк бор қуйилиб қолгани ҳам ўша икки сўз: Нон. Китоб.

Волидам нима иш қилса ҳам мени гўдакликда қўлидан туширмай бағрига босиб юарди. Унинг кўп одати, айниқса, китобга муҳаббати, китобхонлиги таҳсинга сазовор. Уйимизнинг энг тўридаги токчада иккита қутича ёнма-ён турарди, бирида нон, иккинчисида китоб сақланарди. Қутичадан нон олса, кўзига суртиб, дастурхонга қўярди. Китоб олса, — уни бағрига босиб, уч марта ўпиб қўярди. Ўша вақтдаги тош босма ёки хаттотлар қўлидан чиққан китоб, рисолаю баёзларнинг муқовасида юқоридан-пастга учта тўрт қиррали катта-кичик белгиси бўлиб, биз болаларга уқтиришларича, улар бу дунёю у дунёни эслатиб турармиш.

Китобни волидам, олпоқ дока рўмолга ўраб, чанг юқтирмай, авайлаб сақларди. Ўқиб бўлганидан кейин, авайлаб яна қутига солар эди. Қушларнинг бирида волидамнинг менга китоб ўқиб бергани ҳамон ёдимда: Волидам қути ичидан оқ докага ўроғлик бир китобни олдида, дока рўмолни тахлаб, қути устига қўйди, китобни уч марта ўпиб, бағрига босди, мени ҳам ўз бағрига босиб ўтириб, китобни шариллатиб ўқиди, нималарни ўқигани ёдимда йўқ, аммо сен ҳам Алпомишдай паҳлавон бўл, деб юзларимдан ўпди. Китобнинг ўртасига ипак хатчўп солиб, “давомини кейин ўқиб бераман” деди. Китобни яхши сақлаш, вароғи букланмасин учун ана шундай ипак ўралган хатчўп тутарди. Кечқурун катталар тўпланганида уларга мос китобни ўқирди. Уйимиз қўни-қушни, ёшу кексаларга тўлиб кетарди. Волидам уларга баланд овоз билан гоҳ “Алфуллаило”, гоҳ “Гўрўғли Султон”, гоҳида шоирларнинг баёзларидан ўқиб берарди.

Назаримда ўша кезларда ҳозиргидан кўра китобхон кўпроқ эди. Негаки, жон бошига китоб чиқариш ҳозир-

ги вақтдагига қараганда жуда кам бўлиб, тафовути ер билан осмонча бўлса ҳамки, барча саводли ҳам, саводсиз ҳам, болалару кексалар ҳам — эркак-аёл китобхон эди. Чунки, қишлоқда битта китоб бўлса бас, уни ўша яккаю ягона саводли кишига ўқитиб, ҳамма баробар тингларди. Эркаклар гузарда, чойхонада, меҳмонхонаю тўқмахоналарда китобхонлик қилардилар. Мулла ўқир эди, жамоа жим ўтириб тингларди. Китоб ўқиладиган жойда пашша учса ҳам билинарди. Аёллар ўзларича китобхонлик қилардилар. Отинча ёки отин қироатини ўрнига қўйиб, баланд овозда ўқирди, аёллар жим бўлиб эътибор билан тинглардилар. Ўзига ёққан сўзларни бош чайқаб маъқуллаб, таъсирланган жойларида хўнграб йиғлардилар. Кейин тингловчи китобхонлар, бугунги даврада иштирок эта олмаган кишиларга унинг, китобдан эшитганларининг мазмунини айтиб берардилар. Шундай қилиб, бир китоб маъноси турли-тарафда шаклда, турли савияда бўлса-да, бутун қишлоқ аҳолисига етиб борарди. Бошқа қишлоқларни билмайман-ку, бизнинг қишлоқда, айниқса, маҳалламизда ана шундай эди...

Шунинг учунми, айниқса, шариат қонун-қоидаларини билмаган каттаю кичик қолмасди. Ҳозир-чи? Киши бошига фалончи газета-журнал чиқарсак ҳам, Қонунларни камдан-кам одам билади.

Ўша уйғониш даврида газеталар, журналлар қишлоққа жуда кам келарди. Аммо бир газета етиб келса ҳам, мазмуни аҳолига етказиларди. Аввало, афандилар қизил чойхоналарда муҳим мақолаларни баланд овоз билан ўқиб берардилар. Кейин далада ишлаётган деҳқонларга ўқиб эшиттириларди.

Баъзан қўшни қишлоқлардан китоб сўраб келардилар. Аммо волидам ўз китобини еру кўкка ишонмасди. Китобни ўзининг жони деб биларди.

Қийинчилик, тўғриси, очарчилик йиллар эди. Бир бурда нон анқога шаъфи. Сотадиган ортиқча ҳеч нарса йўқ. Шу пайт бир додхоҳ уйимизга келди. “Ўша китобингизни берсангиз, бой отадан бир қоп ун, ярим қоп оқшоқ оласиз” деди. Бир қоп ун ўша вақтда гўё бир хазина, катта бойлик эди. Ун билан оқшоқ дарагини эшитиб, биз бола-

лар ҳам типирчилаб турдик. Волидамнинг дами ичига тушиб кетди. Додхоҳ онамнинг оғзини пойлади, биз болалар ҳам пойладик. Хўп деса, уйимизда байрам — қорнимиз тўйиб атала ичамиз, чавати, ҳатто тандир нон еймиз.

Волидам оғзига толқон солиб олгандай эди. Додхоҳ тушундики, Тўхтабиби бу ноёб бисотидан — маслаҳатгўйи, ҳамроҳи бўлмиш китобдан айрилгиси йўқ, ундан айрилиш — ўлимдан бадтардай. Додхоҳ, “китобингиз ўзингизга буюрсин”, деб ташқарига чиқа бошлади.

— Ўша ундан чакса, ҳеч бўлмаса уч қалоқ қарзга бериб турмасмикин бой ота, ёзда бошоқ териб узамиз, — деди унинг кетидан волидам.

Додхоҳ бир қайрилиб қаради-ю, ё “ҳа”, ё “йўқ” демади. Афтидан, бундай ишга унинг ҳуқуқи йўқ эди. Афсуски, ўша китоб қандай китоб эканини билмайман. Онам вафотидан кейин, мен урушда эдим. Китобларни талаб кетишибди...

Мақтабларда адабиёт ўқитишга оз вақт ажратилган, қолаверса, адабиёт ўқитувчиларининг ўзлари кўпда чала муллалардир. Энг ачинарлиси шундаки, дала ишларига жалб қилиш кўпинча тил ва адабиёт дарси соатлари ҳисобига бўлади. Халқимизнинг маданий, илмий савиясининг тубанлиги ҳам, иқтисодиётимизнинг ночорлиги ҳам ана шу ибтидодан, деб билмоқ керак!

Ўрта мактабларни битирган йигит-қизлар, ҳатто олий мактабни тамомлаган анча киши билан суҳбатда бўлдим ва уларнинг ўз халқи тарихини билмаганликларидан ранжидим. У бечораларда айб йўқ. Собиқ СССР тарихи дарслиқларида, тарих китобларида ўзбеклар тарихига, Ўзбекистон, умуман, Ўрта Осиё тарихига зигирдай жой берилган эди. Бинобарин, энг бой ва қадимий тарихимиз йўққа чиқарилган. “Ўзбекистон ССР тарихи” китоби шу кунларда кўзимизга ўз тарихимизга тухмат китобидай бўлиб кўринмоқда. Негаки, унинг уқдиришича, ўзбек халқининг тарихи гўё 1924 йилдан кейин бошланган эмиш. Тарихимизни кўрсатиб турувчи давлат музейимиз ҳам йўқ деса бўлади: Ойбек номидаги тарих музейи чала туғилган рахит боладай ногиронлигича бефойда ётди. Биноси бузуқ, қуролиари камбағал, ундан ўзбек халқидай

улуғ халқ тимсолио рамзи кўринмади. Ўзбек халқи тарихини яратишни унинг тарихий музейини яратишдан бошламоқ керак эди. Ўзбек халқи, Ўзбекистон халқлари тарихи китобини яратиш вақти келди. Бунга зарурат катта, имконият ҳам етарли, миллий тарихчиларимиз ҳам енг шимариб турибди.

Тарихий манбаларимиз, маънавий бисотимиз ўзбекларнинг ўзлари янглиғ ҳар ёқларда сочилиб ётибди. Ҳозирги кунда ўн беш миллион ўзбек жумҳуриятимиздан четда яшаётганидай, Навоий дастхатию Амир Темур тузукларига ўхшаш ноёб ҳужжатларимиз — тарихий, маданий, маънавий меросимиз Ҳиндистон, Туркия, Эрон, Афғонистон, Англия, Франция ва Миср бисот-сандиқларида ётибди. Уларга оддий ўзбек китобхони тугул олиму уламоларимизнинг ҳам қўли етмайди. Ана шуларни ўз юртига қайтармоқ керак.

Ўз юртида сақланиб қолган меросимиз — ноёб китобларнинг ҳоли не кечди? Аввало, “маданий инқилоб” деб аталмиш, аслида “маданий аксилинқилоб” даврида барча маънавий бойликларимиз, ноёб китобларимиз зиндонга ташланди. Улар реакцион, руҳоний деб, таъқиб қилинди. Ёшларимизни, халқни ундан бенасиб қилиш учун эски ўзбек ёзувини, алифбосини бекор қилиб, ўрнига лотин алифбоси ўқитила бошланди. Одамларимиз эндигина ўқиш, ёзишни ўрганганида, русча ёзувга кўчирдилар. Бу талбирлар фақат туркий халқлар ва тожик халқи учунгина ўйлаб чиқарилган сиёсат эди. Бу халқларни омиликда сақлаб, ўз тарихини, ўзлигини билишдан маҳрум этиш мақсадида қилинган эди.

Ўзбеклар учун ўз тилида, эски алифбода ёзилган китобларни ўқиш тақиқланган, ўқиганлар қўлга тушса, қаттиқ жазоланарди. Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романининг араб ёзувидаги босма нусхасини ўқидиган бир кишининг ўн йил авахтада ётиб чиққанини биламиз. Водийда бир райком котибининг кутубхонасида арабча чоп этилган бир рисола топилгани учун ишдан бўшатиб, партиядан ўчирган эдилар. Масала марказгача борганида, бу рисола “Коммунистик манифест”нинг арабча ёзувдаги нусхаси эканлиги аниқланди, барибир “Нега “Ма-

нифест”ни араб ёзувида ўқийсан?” деб, жазосини камайтирмадилар.

Зуғум шунчалар зўр бўлдики, одамлар энг ноёб китобларни, ҳатто араб алифбосида ёзилган рисоаларни сақлашдан кўрқиб қолдилар. Ўша қора кунларда не-не китоблар куйдириб юборилди.

Қишлоқдан келиб “Ёш Ленинчи” газетасида ишлаб юрган пайтимда Карим Ғайбулла, Йўлдош Шамшаров, Хусан Ғоибий, Насрулло Охундий, Холбек Ёдгоровлар билан дам олиш кунлари маърифатпатвар Шарофқорининг Даламачитдаги ҳовлисида тўпланиб, бир қозон ҳарпана палов, бир пиёла кўк чой баҳона гурунг қураддик. Шарофқорининг кутубхонаси қадимги кўлёмалар, тошбосма китоблар билан тўла эди. Лутфий ва Насимий, Ясавий ва Фарғоний, Фирдавсий ва Фузулий, Жомий ва Навоий асарларининг турли босмалари, безак жилдли нодир китоблар жуда кўп эди. Уларни Шарофқори зўр ихлос билан кўлга олиб, ажиб мамнуният билан бизга ўқиб берарди. Айниқса, Бедил фалсафаси, Навоий афоризмларию Ясавий ҳикматларини алоҳида урғу билан ўқирди.

1937 йили эрта баҳорда бу қадрдон ҳовлига кириб, ҳайрон бўлдим. Ҳамиша кулиб турадиган ва китоб хазинаси билан мағрурланадиган “Қориака”ни маънос учратдим. Меҳмонхонасининг таҳмонларида, тоқчаларида терилиб турадиган китоблар ҳам кўринмасди.

— Китобларни нима қилдингиз?

Қориака теварак-атрофига қараб олгач, аста, ярим овозда шивирлади:

— Яшириб қўйдим.

— Нега?

— Замон шунақа бўп қолди.

Кузда ҳарбий хизматга кетаётиб, нон-тузли уйга хайрлашгани кирдим. Шарофқори — бўлажак қайнотам азада ўтирибди.

— Не ҳодиса юз берди?

— Китобларимдан айрилдим...

— Сотиб юбордингизми?

— Куйдириб юборишди. Кулинигина сақляпман.

— Анча вақтгача иккаламиз ҳам жимгина сўзсиз ер чи-  
зиб ўтирдик.

Эски мактабда китобни ниҳоятда эъзоз қилиб, кадр-  
лар эдилар. Болалар “Ҳафтияк”, “Чор китоб” сингари  
ўқув китобларини сувқоғозга ўраб, уйдан то мактаби-  
гача кўксига босиб борарди. Ўқувчи қизлар эса, ўқув ки-  
тобларини оқ докага ўраб, бошида кўтариб борардилар.  
Мактабда ҳар куни икки марта китоб текшириш ўткази-  
ларди. Бирини эрталаб мударрис ўтказса, дарс охирида  
эса, мактаб халифаси китоб кўриги ўтказарди. Кимнинг  
“Ҳафтияги”, “Чор китоби”да заррача чанг топилса, та-  
лабанинг шўри эди. Мободо, Каломулло (Куръон) сақ-  
лашда бирор нуқсон топилгудай бўлса, ундай талаба па-  
лакка осиларди. Шунинг учун талабалар ўқув китоблари-  
ни кўз қорачиғидай сақлардилар, варақлари букланмасин  
учун хатчўп тутилар, қизлар хатчўпини ипақда безар,  
айримлари ўқилган варақларга атиргул солиб қўярдилар.  
Мактабда ҳам “Чанг юқади” деб китобини ерга қўймас,  
ўқиш дарси чоғида алоҳида ясалган тахталарда турарди.

Менинг “Ҳафтиягим” энг қадимги китоб бўлиб, бо-  
бомнинг бобосидан мерос эди. Унда неча авлод савод  
чиқарган экан. Волидам Тўхтабиби шу “Ҳафтияк” билан  
отинойи мактабига қатнаган, унда опам Сурмахон савод  
чиқарган. Шу китобни қўлимга тутқазаетиб волидам уни  
“кўз қорачиғидай сақлаш”ни насиҳат қилганди. Ҳарқа-  
лай китоб тутишни текширганлар ундан тариқча ҳам кам-  
чилик тополмасдилар.

— Китоб камёб нарса — олтинга ҳам топилмайди. У  
келажак авлодга — бола-чақанг, набираю эвара-чевара-  
ларгача етсин, — дер эди мударрис домла.

Ҳақиқатан ҳам шундай эди, ўқиш китоби авлоддан-  
авлодга мерос бўлиб ўтарди, бир ўқиш китоби неча-неча  
авлод боласига хизмат қиларди. Ҳозир-чи? Ҳар йили ўқув  
китоблари чоп этилади. Бир йилга етмай йиртилиб, тўки-  
либ, чочилади. Янаги йили ўқишга борадиган укасига сақ-  
ланмайди, укасига ҳам ота-онаси янги ўқув китоби со-  
тиб олиши керак. Дарсликлар чиқарувчи нашриётлар бир  
йил китобни ҳар йили тақрор-тақрор чоп қилишга маж-  
бур. Қоғоз, маблағ, ортиқча меҳнат ҳеч кимни ташвишга

солмайди. Афсуски, ўқув китоблари бир йилда ишдан чиқиб, макулатурага айланмоқда ёки бозор-ўчарда ма-саллиқлар ўраб, исроф қилмоқдалар. Ўқув китобларини сақлаш, ямаб, дазмоллаб, қайта ишга солиш керак. Қоғоз қаҳатчилиги, китоб танқислиги, китоб қимматчили-ги шунга тақозо қилади. Бунинг учун тутилган китоблар-ни ташкилий равишда сотиб олишни уюштириш лозим. Тутилган китобларни ямаб тарайдиган, муқоваларини янгилаб яна мактабларга юборадиган босмахона цехла-ри, нашриёт устахоналарини ташкил қилиш жуда-жуда муҳим бўлиб қолди. Авваллари шундай қилинган эди. Шарқ мамлакатларида ҳозир шундай қилинмоқда. Нима учун бизда ўқув китоблари шу даражада қадрсиз бўлиб кетди? Ким айбдор?

Турли кутубхоналарда китобга ҳар хил муносабатлар-ни кўрдим. Бир қишлоқ кутубхонасида янги бадиий ада-биёт китоблари кўп ўқилмагани учун қоронги уйда ту-риб, чанглаб, қоғозлари сарғайиб кетган. Бошқа жойда, бир маҳалла кутубхонасида 5—10 йил аввал чоп этил-ган, муқоваси титилиб, саҳифалари йиртилиб кетган ки-тобларни кўрдим. Нега шундай? Одамлар кўп ўқир эмиш.

Баъзи бир кутубхоналардаги айрим ноёб китобларда керакли варақлар йўқ. Кимдир, кимлардир ўша варақла-рини йиртиб олган. Кимлигини кутубхона маъмурлари билмайдилар. Бир вақтлар ана шундай маданий ваҳший-ларнинг бири ҳақида Фафур Фулом “Кизил Ўзбекистон” газетасида “Китобйиртар” сарлавҳали фельетон босиб чи-қарган эди. “Китобйиртар” деб бадном бўлган йигит ас-пирантурадан ҳайдалганди.

Кейинги вақтларда анча кўпайиб қолган маданий ваҳ-шийларнинг қайси бирлари жамоатчилик олдиди шар-манда қилинди? Афсуски, бирорта мисол келтира ол-маймиз.

Китобни қандай тутиш ҳар кимнинг ўз иши, унинг виждонига ҳавола, деб бўлмайди! Бу жамоатчилик иши. Зеро, китоб халқ мулкидир.

1992 йил

## ЎСИМЛИК МОЙИ НЕГА ТАНҚИС?

*(Муаммонинг ечими оёғимиз остида)*

Рўзгорга ҳамма нарса керак, аммо ёғ-мойсиз қора қозон қайнамайди. Ҳамма таом мой билан маззали. Аммо аҳолини ўсимлик мойи билан таъминлашда тез-тез узиллишлар бўлиб турибди, нархи эса осмонда. Бундан ўзига хос муаммолару айрим норозиликлар содир бўлмоқда. Пахта мойи етишмайди, зиғир ёғи мутлақо! Шу боисдан миллион-миллион долларга четдан ҳар қадамда бож тўлаб, не азобда ўсимлик мойи келтирилмоқда. Унинг жабрику азобини истеъмолчи тортмоқда? “Нега шундоқ?”, деган таъна гапларни ҳамма жойда эшитасиз.

Қишлоқларга борганимда ўсимлик мойи шаҳардагидан ҳам камчили эканини кўрдим. Ёғ-мой савдоси чайқовчилар қўлига ўтиб кетибди. Нархи осмонда. Маҳаллий жувозлар, ёғ-мой заводлари беиш. Мой бозорини Оврупо эгаллаган.

Ҳаққоний таъна! Ўша Оврупою Амриқо ва Африка мамлакатларидан не машаққатлар билан миллион-миллион валютага келтириляётган мойнинг ўсимлиги ўзимизда мавжуд-ку, мой заводлари ҳам муҳайё-ку, нега энди бир ишни икки қилиб, бирни ўнга олиб, овораку сарсон бўламиз! “Нима учун шундай? Унинг сабаблари қаерда?”, деган савол туғилади. Бунинг сабабларини ўзимизнинг ношудлигимизу ҳафсаласизлигимиздан қидириш керак. Чунки ўша бошқа ёқларда ўсган, уруғи мой бўладиган экинлар бизда ҳам ўсади ва ўсганда ҳам мағизи жиққа мой бўлиб етилади. Экинш учун ер, сув етарли. Ҳатто уларнинг кўпини оралиқ экинлари сифатида такрорий экин қилиб ҳам экинш мумкин. Кунгабоқарга ўхшаганлари полиз четида ҳам ўсади. Бу — ўз тажрибамизда кўп синовлардан ўтган.

Ҳар ишнинг жонкуяри бўлсин экан. Ёғ-мой етиштиришнинг бир жонкуяри билан кўп мулоқотда бўлганман ва ҳар гал учрашганимизда ўсимлик мойи муаммолари тўғрисида, қандай қилса ёғ-мой кўпайиши хусусида куюниб, баъзан хуноби чиқиб гапиреди. У кишининг исми шарифлари жуда кўп одамларга яхши таниш. Исми Юсуф-

жон, фамилияси Ёқубов. Бу жонкуяр одам Қўқон ёғ-мой комбинатининг директори бўлиб ишлаб турган вақтида биргина чигитга сиғиниб ўтирмай, озуқа мойи берадиган жами мева уруғи — ўрик, шафтоли данакларидан яхши, сифатли мой ишлаб чиқаришни ташкил қилгани ҳамманинг ёдида. Ўшанда Қўқон атрофидаги жами мактаб ва боғча болалари тонна-тонналаб данак йиғиб топширганини ким билмайди, дейсиз. Қолаверса, консерва заводлари, вино заводлари ҳам комбинатга йилига юз тонналаб узум уруғи йиғиб берарди. Бундан 30—35 тонна мой олинарди. Ҳозир бу ишлар тўхтаб қолди, ўша даврда Қўқонни мойга сероб қилган машҳур ёғ-мой комбинати ҳам “хом ашё йўқлигидан” кўп вақт бекор туради.

Нима бўлди — мевалар данак бермай қўйдими? Қаёқда! Жонкуяр тадбиркорнинг айтишича, табиат бир маромда ўз вазифасини бажаряпти, фақат ундан унумли фойдаланиш учун одамларда ҳафсала йўқ, холос. Ҳафсаласизлигимиз туфайли қанчадан-қанча моддий бойлигимиз исроф бўляпти, мойга айланиб, қора қозонга жаз бўладиган данаклар, уруғларни исроф қиляпмиз. Истиқлол имкониятларидан фойдаланиш туфайли мамлакатимиз ёнилғи мустақиллигига эришилди, эндиликда ғалла мустақиллигига ҳам эриша бошладик. Беш миллионлик маррага яқинлашмоқдамиз. Ёғ-мой мустақиллигига эришиш учун ҳам ўз юртимизда имконият катта. Серкуёш еримизда ёғ-мой берадиган барча ўсимлик унади, уруғи жиққа мойли ҳосил беради.

Бу ҳақда суҳбатдошим Юсуфбек Ёқубов жиғибийрон бўлиб, куюниб, ёниб гапирди. Юсуфжон Ёқубов ўз касбига ихлос қўйган одам. У Қўқон ёғ-мой заводида оддий ишчиликдан комбинат бош директори даражасигача кўтарилиб, 36 йил фаолият кўрсатди. Шу жойда техника фанлари номзоди илмий даражасига эришди. У ишлаб чиқаришда ёғ-мой етиштириш соҳасида тинмай изланишда бўлиб, ёғ-мой саноати учун зарур бўлган 12 хил ўсимликдан мой ишлаб чиқариш технологиясини жорий этди. Унинг 18 хил ихтироси саноатга катта наф келтиргани учун “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи” унвонига сазовор бўлди. Ўз ихтироларини ўз қўли билан амалга

ошириш учун жонбозлик кўрсатиб, Кўқонда турли хил мева данаги уруғларидан ёғ ишлаб чиқариш заводи қурди. Уша кезларда данак ва уруғ мойи энг ёқимли мой бўлиб донг қозонди.

Ёқубов уруғи ёғ-мой берадиган ўсимликлар орасида перко ўсимлигига ихлос қўйди-да, уни Болгариядан келтириб, Ўзбекистон шароитига мослаштириш устида кўп тажриба олиб борди. Ўз юртида чорвачилик учун ем-хашак, гули асалари озуқаси сифатида хизмат қилган бу ўсимлик устида тажриба ўтказди, натижада уруғидан 35 фоиз мой олиш мумкинлиги исботланди.

Ёқубов ўзининг бу хулосасини текшириб кўриш мақсадида перко ўсимлиги бўйича хориж тажрибаси билан танишиш мақсадида Болгария, Голландия, Белгия, Туркия, Ҳиндистон мамлакатларига бориб перко экинни хусусиятларини ўрганди ва ундан нималар ҳосил қилинаётгани билан қизиқди. Ҳамма жойда перко чорва учун тенгсиз озуқа сифатида фойдаланилар, аммо унинг уруғи жиққа мой эканидан беҳабар эканлар. Ёқубов унинг уруғида ўттиз беш фоиз ёғ борлигини исботлаб берди ва дунёда биринчи бўлиб Ўзбекистонда перко уруғидан мой ола бошлади.

Перко мойи сифат жиҳатидан ҳамма талабларга жавоб беради, таъми хуш мазали. Аммо Ёқубов яратган перко мойининг кушандалари пайдо бўлиб, уни ҳатто зарарли мой деб эълон қилдилар. Ёқубов ўз “фарзанди”ни ҳимоя қилиш учун тиниб-тинчимади. Фармакология, онкология институтлари, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги санитария-эпидемиология станцияларининг текширишларидан ўтказиб олди. Улар ҳам перко мойи фойдали мой эканини исботлаб бердилар.

— Перко энг юқори ҳосилли экин бўлиб, ҳар гектар ердан чигитга нисбатан ярим бараварча кўп — 35 центнергача ва ундан ортиқ мойли уруғ олиш мумкин, — дейди Ёқубов, — 1994 йили республикада 57 минг гектар ерга перко экилиб, унинг 228 минг тонна уруғидан 90 минг тонна ёғ, 100 минг тонна кунжара, 20 минг тонна совун олиш тахминланган эди. Бироқ шошқалоқ раҳбарлар перко уруғлаши ҳамон уни ўриб, чорвага едириб юборди-

лар. Аммо Ёқубов бу ўсимликнинг қиммати — унинг мойидагина эмас, кунжараси чорвага ем, чиқиндиси совун, пояси мол, қўйга озуқалилигида эканини тинмай тарғиб қилиб чарчамади. Перко экилган ер юмшаб, тупроқ таркибини яхшилайдди ва худди бедапоядай азот тўғшайди. Унинг ўрнига экилган пахта серҳосил бўлади, деб амалда ишонч ҳосил қилиш учун изланишлар қилмоқда.

Ўз касбининг ихлосманди бўлмиш Ёқубов перко экиннинг бошқа афзалликлари устида ҳам тинмай тажриба олиб борди. 1998 йили икки гектар ерга перко экиб, май ойида йиғиштириб олди ва ўрнига “Тошкент-6” чигитини экиб, кузда яхши ҳосил олиш билан унинг оралиқ экини, такрор экин эканлигини ҳам исботлади. Шу билан жонкуяр олим перко экинни бутун республикада жорий қилиб, ёғ-мой муаммосини ҳал қилиш мумкин, деган хулосага келди. Унинг бу хулосасини 1999 йили Жиззах туманидаги айрим жамоа хўжаликлари ҳам перко экиб, юқори ҳосил олиб, ёғ-мой ишлаб чиқариб, қатта даромад олиш билан исботладилар. Перко экинни асаларичиликни ривожлантириш, чорвани ем-хашак билан таъминлаш учун ҳам қўл келадиган экин эканлиги яққол кўринди.

Тиним билмас, ўз касбига ихлосманд олим Ўзбекистонда кўз илғамас ёғ-мой хом ашёси базаси мавжуд эканини исботламоқда. Ана шундай база қовун-тарвуз, ошқовоқ уруғи, мева данаклари, анор, узум, зигир, кунжут, исирик уруғларидан иборат бўлиб, улар жувозда, заводда мой бўлиб, халқни тўйдириш ўрнига оёқ ости — ташландиқ ҳолда исроф бўлиб ётибди. “Уларни халқ манфаатига ишлатиш вақти келди!”, дейди Ёқубов.— Менимча, у минг бор ҳақли!

Республикада ёғ-мой танқислиги муаммосини ҳал қилиш учун нималар қилмоқ керак? Аввало ёғ-мой ишлаб чиқарадиган мавжуд 20 га яқин мой корхоналарини турли-туман хом ашёдан мой ишлаб чиқаришга мослаб, созлаш керак. Уларнинг технологиясини янгिलाш зарур. Қолаверса, ҳамма қишлоқларда, жамоа хўжалиқларидаги аввалги жувозларни тиклаш лозим ва йирик жамоа хўжалиқларида данак ва мева уруғларидан мой ишлаб чиқарадиган кичик-кичик ва ихчам цехларни кўпайтириш


керак бўлади. Қолаверса, “Акрамприбор” ишлаб чиқариш бирлашмаси ихтиро қилган кичик ёғ заводини кўпайтириб, уларда перко, рапс, соя, қовун-тарвуз ва бошқа уруғлардан ёғ ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқ лозим. Бу заводлар суткасига беш тоннагача хом ашёни қайта ишлаб, ёғ, кунжара ва чиқиндисидан совун тайёрлайди. Сирдарёда барпо этилган “мини ёғ заводи” ер ён-ғоқдан жуда яхши мой ишлаб чиқаради. Бундай мини заводларни ҳар бир туманда барпо қилса бўлади.

Ана шундай катта-кичик корхона, цех ва жувозларни хом ашё билан таъминлаш учун ташкилий жиҳатдан нималар қилмоқ керак. Аввало, мамлакатимиздаги оёқ остида ётган бой маҳаллий ресурслардан моҳирона фойдаланиш зарур. Оддий ишлардан бошлайдиган бўлсак, ҳар бир боғча, мактаб болалари ўрик, шафтоли, қовун-тарвуз уруғини йиғиб, қуритиб, завод, корхоналарга сотиш ташкил қилинса, минг-минг тонналаб хом ашё йиғилади. Боғча, мактабга ҳам, заводларга ҳам, умуман халққа ҳам фойдаси катта бўлади.

Консерва заводлари ҳам ўзларининг хом ашёларини қайта ишлаш даврида “чиқиндига чиққан” данак ва ҳар хил уруғларни ташлаб юбормай, махсус мой заводлари-га пулласалар, ҳар икки томон ҳам катта фойда кўради.

Юсуфбекнинг айтишича, данакларнинг мағизи ёғ бўлса, пўчоғи бебаҳо дори-дармон бўлармиш. Яқиндагина юртимизда данаклардан ёғ-мой ишлаб чиқарган заводларнинг ускунасида ўрик, шафтоли данаги пўчоқлари, қовун-тарвуз уруғи пўчоқларидан 33 хил дардга даво бўладиган “Энтрогемосалбин” деб аталмиш дори тайёрланган экан. “Катта маблағ ҳисобига четдан олиб келинган ўша бебаҳо ускуналар ҳам ишлатилмай занглаб ётибди, — дейди Юсуфбек ачиниб, қуюниб. — Уни тезда ишга солмоқ лозим”.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, мамлакатимиз аҳолисини ёғ-мой билан тўла таъминлаш учун ўзимизда имконият етарди. Ана шу имкониятлардан ҳафсала билан фойдаланилса, юртимиз арзон ва сифатли ўсимлик мойига сероб бўлади, ҳатто хорижга ҳам экспорт қилишга етиб ортади. Ўзбекистон ёғ-мой мустақиллигига ҳам эришади!



ИНСОН  
ХОТИРАСИ  
ВА ҚАДРИ  
АЗИЗ



## БАҲОДИРЛАР ХОТИРАСИ — ҚАЛБЛАР ТУМОРИ

Жамият ва халқ тақдирига дахлдор кечмиш инсон хотирасига омил бўлади, маънавий мулкка айланади. Бун муқаддас ва мутлақ ҳақиқат, дейдилар. Улуғ Ғалабанинг шонли санаси — 9 Май ана шундай унутилмас, мутлақ ҳақиқат ва инсон хотирасининг муқаддас мулки бўлиб қолган! Ўша шонли сана, вақт эътибори билан биздан қанча узоқлашса, тоғ чўққилари каби шунча баланд, маёқлар янглиғ ёрқин, тиниқ бўлиб кўринаверади.

Бун кўҳна тарих тан олган.

... Инсоният ўзининг беш минг йиллик ҳаётида ўн тўрт минг марта қирғин урушларни кўрди. Ўша урушлар оловида неча-неча шаҳарлар ёниб битди, унинг зарбидан не-не давлатлар йўқолиб кетди. Ўша урушларда қирилган одамларнинг сони ҳозир ер юзиде яшаб турганларнинг сонидан бир неча бор ортиқ.

Бу урушларнинг бирортаси кўлами, унда иштирок этган кучию қурол-яроғи, ғояси ва оқибат-натижаси жиҳатидан фашизмга қарши олиб борилган урушга тенг келолмайди!

Ғалаба йўли нақадар қийин, оғир йўл бўлганини, ҳар минутда жон олиб, жон берганимизни ким унутибди?! Ахир, биз Буюк Ғалабага бир минг тўрт юз ўн саккиз кеча-кундуз гоҳ чекиниб, гоҳ ҳужум қилиб, оловли сўқмоқлардан ўтиб бордик. Ажал ўқи ёғилиб турган ДЗОТни ўз танаси билан тўсган ва жанговар ротасига йўл очиб берган аскарлар жасоратини унутиб бўладими! Фашист самолётига гупчак уриб, таран қилган ва шу билан муҳим объектни фашист бомбаларидан асраб қолган учувчиларимизнинг номи унут бўлармиди! Арт-

батареяда бир ўзи қолиб, фашист танклари билан ёлғиз жанг қилган, охири снарядини ҳам отиб бўлгач, бир бойлам граната билан ўзини танк остига ташлаган ва уни ҳам портлатиб, фашистлар йўлини тўсган баҳодир юртдошимиз, тошкентлик Шаладинни ким ёдламайди! Фашист дзотидаги пулемётчининг кўзига уриб, бутун полкига ҳужум йўли очиб берган Кўчқор Турдиев жасорати кимни қувонтирмапти.

Бу онгли зарурат жасорати урушнинг ҳар бир дақиқасида такрорланиб турганини қайси биримиз унута оламиз.

Кўпинча, “Урушда нималар хотирангизда қолган?”, деб сўрайдилар. Урушнинг ўзи хотира, унинг ҳар бир дақиқаси хотира, негаки жанглarda ҳар секундда улкан воқеа содир бўлиши мумкин. Шунинг учун уруш минут ва секундлар жадвали билан иш юритади. Иккинчи жаҳон урушининг ҳар бир минутада ўрта ҳисобда биттадан ортиқ одам йўқотдик, ҳар минутда неча-неча янги жасорат намён бўлди. Ёдимда: Смоленск йўлида капитан Флоровнинг “катюша”лар батареяси бир залп билан фашистларнинг бутун бошли полкини ярим минутда куйдириб ташлаган эди. Иккинчи жаҳон урушидаги мудҳиш воқеа — Нагасаки ва Хиросима фожияси ҳам минут ва секундларнинг “иши” эди. Иккинчи жаҳон уруши олтмиш миллион одамнинг ёстиғини қуритди. Озмунчами бу!

Иккинчи жаҳон урушининг энг оғир “арава”сини биз тортдик: кўп қурбон бердик. Ҳалок бўлганларнинг ўрни ҳамон билиниб турибди. Бу — ўша, фронтларда қурбон бўлган баҳодирнинг туғилмай қолган ўғил-қизи, неварасининг ўрни. Уларнинг ўрни ҳамиша билинади, зеро, бундай тарихий камомадни унутиб бўлармиди!

Урушдан ғалаба билан қайтганлар тинчлик фронтининг меҳнат жабҳаларида жонбозлик кўрсатдилар. Эндиликда ана шу — уйда “бобо” деб аталувчи, кўчада ҳурматли фахрий, корхонада ардоқли устоз ҳисобланган собиқ фронтчиларнинг ўндан бир қисмигина орамизда. Ўзбек халқининг кўплаб фарзандлари гитлеризмга қарши жанглarda шаҳид бўлди. Қайтмагanning уйларига келган “қора хат”лар эса унутилганича йўқ, улар ота-она,

вафодор ёр, бола-чақа ва қариндош-уруғлар қалбида яра бўлиб турибди. Шу билан бирга уларнинг оламшумул жасоратлари ҳам умрбод хотирамиздадир.

Фашистларнинг бутун дунёни эгаллаб, халқларни қул қилиш ниятини барбод этган баҳодирларнинг жасорати, ўз юрти, ота-она, қавм-қариндоши учун жон берганларни ҳамма жойда, шу жумладан, Ўзбекистонда азизлаб хотирламоқдалар. Президентимиз Ислон Каримовнинг Фармони билан 9 Май “Хотира ва қадрлаш куни”, деб эълон қилинди. Пойтахтимиз Тошкентда “Хотира майдони” — оламшумул зиёратгоҳ бунёд этилди. Ўз юрти, эл-эллати ва жонажон халқи учун жон бериб, узоқ юртларда тош қабрлар остида ётган баҳодирларнинг номлари абадий ўчмас ва дунё тургунча порлаб турадиган қилиб ёзиб қўйилди. Улар ҳаммаша жасоратга чорлаб турадилар. Уларнинг унутилмас номлари яна бир ёзма каломда — Ўзбекистон Республикасининг кўп жылдли “Хотира китоби”да зарҳал билан муҳрлаб қўйилгандир. Шу кунларда беҳисоб қуролдошларимнинг азиз ва мўътабар номларию баҳодирлик жасоратлари кино тасмаларидай кўзим олдидан ўтиб турибди. Қайси бирларини айтай?

“Биринчи” деган улуғ номларнигина тилга олдим. “Биринчи ўзбек Совет Иттифоқи Қаҳрамони”, “Биринчи генерал”, “Биринчи қирувчи баҳодир”, “Ўн бир ўзбек қаҳрамони кўрғони”. Буларнинг ҳар бири ўзи бир олам, ўзи жасорат тарихининг бир бўлаги!..

Фашизмга қарши урушда ўзбекистонлик 71 ўзбек паҳлавони кўксига олий олтин юлдуз нишони тақилди. 53 баҳодир солдат шуҳрати нишонининг тўла эгаси бўлди. Бу ҳам собиқ иттифоқ қаҳрамонига тенг олий унвондир.

Кўчқор Турдиев Совет Иттифоқи Қаҳрамони бўлган биринчи ўзбек ўғлони эди. Унинг қандай жасорат кўрсатганини ҳеч ким аниқ билмайди. Ваҳоланки, у Совет армияси илк бор қарши ҳужум бошлаганида тарихий жасорат кўрсатиб, бутун фронтда машҳур бўлган баҳодир эди.

Хўш, биринчи ўзбек қаҳрамонининг жасорати нимадан иборат?

Ҳамма нарса оддий инсоний фаолиятдан бошланади. Оддий деҳқон боласи Андижон вилояти, Ойим тумани

Дардоқ қишлоқлик Кўчқор Турдиевнинг жасорати ҳам оддий инсоний фаолият мевасидир. 1941 йил қаҳратон қишда қўшинларимиз немис-фашист қўшинларининг ҳужумларини тўхтатиб, фашистларга қарши ўзи ҳужумга ўтган пайт Кўчқор Турдиев хизмат қилаётган полк қарши ҳужум бошлаган дивизиянинг авангарди бўлиб борарди. Бироқ кутилмаганда полк қаттиқ қаршилиқка учрайди. Уларнинг қаршисида “дзот” пайдо бўлади-да, ундан отилаётган пулемёт ўқи олдинги батальонни қорга ётқизиб қўяди.

“Дзот”ни тинчитмасдан олға силжиш қийин. Аммо олға силжиш шарт! Буни вазият эҳтиёжи, яъни “дзот”ни йўқотиш зарурати пайдо бўлади. Шунда оддий аскар, дардоқли деҳқон боласи отилиб чиқади:

— Ўртоқ командир, рухсат беринг, мен тинчिताман.

— Қандай қилиб?

— Ишонаверинг. Отам овчи мерган бўлган. Мен ҳам мерганман. Учиб кетаётган қушнинг кўзига урардим.

Бир амаллаб рухсат олгач, Кўчқор Турдиев дарахтларни паналаб, эмаклаб бориб, ўқи етадиган жойга ўрнашади ва “дзот”нинг тили чиқиб турган тешиқни — амбразурани мўлжалга олади. Бир ўқдан кейин пулемёт тўхтайдди, пулемётчи ўлган эди. Бир оздан кейин пулемёт яна тириллаб қолади. Бошқа пулемётчи ишга тушганди. Кўчқор Турдиев пулемётнинг оғзини мўлжалга олди-да, бир-икки ўқ узиб, уни ҳам тинчитади. Шундан кейин авангард батальон немисларни тепалиқдан қувиб чиқаради.

Вазият эҳтиёжини қондириб, онгли зарурат жасорати кўрсатган Кўчқор Турдиев фашизмга қарши урушда ўзбек жангчилари орасида биринчи Уруш Қаҳрамони бўлади, уни халқимиз бошига кўтариб кутиб олади. Бироқ унинг ҳеч ерда абадийлаштирилмаган номи эндиликда Хотира ва қадрлаш куниди муносиб даражада улугланиши керак.

“Қанотли ботир” деб ном олган биринчи штурмчи-учувчи Абдусаттор Эшонқулов баланд бўйли, елкадор, бақувват ва хушчақчақ авиакомандир эди. Уни авиаполкка қабул қилдилар ва жанговар учувчилар уни тез орада севиб қолдилар. Чаққон, хушчақчақ, ботир, баҳодир командир тез орада оғизга тушди.

Абдусаттор Эшонкуловнинг жанговар ҳаракати Смоленск атрофида бошланди. Унинг звеносини энг янги типдаги “Ил-2” деган штурмчи самолётлар билан қуроллантирдилар. Бу “Ил”лар тез орада фронтларнинг сеvimлиги, душманнинг даҳшати бўлиб ном қозонди. Уни биз севиб “Ҳаво пиёдаси” дер эдик. Кейин обрўси ошиб, “Учувчи танк” дейдиган бўлдик. Унинг зарбини татиб кўрган немислар эса бу машинамизни “қора вабо” дер эдилар. Дунё ҳарбий авиация мутахассислари уни энг яхши штурмчи авиация, деб баҳолаганди. У самолётлар айниқса Абдусаттор Эшонкуловдай баҳодирлар қўлида жуда катта жанговар ҳарбий машина бўлиб хизмат кўрсатди.

Эшонкулов тўсатдан пайдо бўлиб, шўнғиб тушиб, пастлаб ҳужум қилишнинг устаси бўлиб қолган эди. Бу гал ҳам шундай қилди. Автоколонна тепасида штурмчи самолёт пайдо бўлганини немислар сезмай қолдилар. Додвойлардан кейин колоннада ёнғин чиқиб, портлашлар авж олганидан кейин ҳушига келган фашистлар нима қиларини ҳам билмай қолдилар. Эшонкулов ўз ишини қилиб улгурган эди. Фашистлар унинг самолётига битта ҳам ўқ узолмай қолдилар.

Эшонкулов етти жанговар орденнинг энг биринчисини ана ўшанда олган эди. Кейинги штурм немисларнинг танклар колоннасига қарши қаратилганди. Бу ҳам Смоленск яқинида бўлиб ўтди. Ўтган галги “сабоқ”дан “мулла” бўлиб қолган немислар бу гал Абдусатторни пулемёт ва зенит тўплар ёмғири билан кутиб олдилар. Эшонкулов ўз звеносини гўё бошқа ёққа олиб кетаётгандай қилиб йўлдан қайириб кетди — немислар алданиб қолдилар. Буни сезган лочинларимиз зудлик билан орқага қайрилиб, пастлаб келиб, қора хочли танкларнинг миёсида “ёнғоқ чақа” бошладилар. Штурм жуда тезликда, катта колоннани яксон қилиш билан якунланди.

Капитан Эшонкулов бора-бора катта операцияларда ҳам самарали жанглар олиб борди. Иккинчи Белоруссия fronti штурмчи авиациясининг тарихида зарҳал билан ёзилган жуда кўп антиқа воқеалар менинг ҳам хотирамда қолган. Чунки бу ажойиб ҳаво жанглари операцияси камдан-кам бўлиб ўтган. Айниқса, фашист танклар колонна-

сини ер билан яксон қилиш, Польшадаги немис танклар-ри заводини вайрон қилиш Эшонқуловнинг қўлини ба-ланд қилди. Унинг кўксидаги орденлари кўпайди. Унга Уруш Қаҳрамони унвони берилди.

Биринчи ўзбек генерали Собир Раҳимов билан 1937 йили Самарқанддаги ўзбек дивизиясида хизмат қилган эдим. Тез-тез учрашиб турардик. Ўша йили кузида мил-лий қўшинлар тугатилди. Миршаропов бошлиқ ўзбек ко-мандирлари Сибирга “сургун” қилиб жўнатилди. Кейин маълум бўлишича, Собир Раҳимов “сургунда” юрган Ге-оргий Жуков ва Константин Рокосовскийлар билан бир лагерда экан. Уруш бошлангач, олдинма-кейин фронтга чақирилган бу “сургунчилар” топишиб оладилар. Собир Раҳимов уларнинг қўл остида жанг қилиб, 37-ўқчи гвар-диячи дивизия командири даражасига кўтарилди. Неча бор олий мукофотлару юқори орденлар олди, гвардиячи генерал-майор, Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонла-рига сазовор бўлди. Мен бу моҳир лашкарбоши билан Гданск яқинида янги катта жанглар олдида учрашдим. Ўзбек халқи ўз жамғармасига сотиб олиб бизга юборган танкларнинг бирида унинг ҳузурига бордим-да, етти қават тўсин билан бостирилган ертўла штабига кирдим. У штаб бошлиғи билан бўлажак жангларни муҳокама қилиб ўтирган экан.

— Ўртоқ гвардиячи генерал-майор, ўзбек халқи юбор-ган танкларнинг бирини Сизга кўрсатгани олиб келдим!— дедим.

Мен билан кучоқлашиб кўришаркан, “Қани? Қаер-да? Кўрсатинг менга гвардиячи майор Раҳимов!”, деб таш-қари чиқа бошлади. “Т-34” танкининг гумбазига оқ бўёқда ёзилган “Совет Ўзбекистони 20 йиллиғи” ёзувини кучоқ-лаб ўпди.

— Азамат, мард халқим бор-да!— деб қувонди.

Ертўла олдидаги дарахт тагида қуюқ суҳбатлашдик-да, Данцигда кўришгунча хайр-хўшлашиб кетдим. Не бахт-сизликки, уч кундан кейин фашистлар Линкорни тўпи-дан комдив ертўласи вайрон бўлиб, генерал Собир Ра-ҳимов ҳалок бўлгани ҳақида рация ахбороти келди. Командирим рухсати билан етиб борсам, генерални

Польшанинг Цоплоти яқинидаги Никитовка қишлоғига дафн қилиб қайтишибди. 65-армия қўмондони генерал-полковник Павел Иванович Батовни учратиб, ундан кадрдон Собир Раҳимов ҳақидаги хотираларини ёзиб олдим. Жанглardan бўш вақтда уни “Ўзбек халқининг содиқ фарзанди” номли рисола қилиб Ўзбекистонга жўнатдим. Рус лашкарбошисининг биринчи ўзбек генерали ҳақидаги хотиралари тез орада “Шарқ юлдузи”, “Звезда Востока” журналларида босилиб чиқди ва Ўздавнашр уни икки тилда рисола қилиб чоп этди. Бугун ўша рисолани қайта ўқиб, ажойиб генералимиз хотирасига тиловат бажо қилдим.

1945 йили Рейхстагга байроқ ўрнатганлар орасида ўзбек йигитлари ҳам бор эканини камдан-кам киши билса керак. Хогира ва қадрлаш кунида уларни эслаб ўтсак савоб иш бўлур эди. 1945 йил апрелнинг охири, май ойининг бошида генерал Шатилов дивизияси Рейхстагга ҳужум бошлади. Ҳужумчилар орасида грузин Кантария билан ўзбек лейтенанти Каримжон Исҳоқов, оддий аскар Г. Пўлатовлар Рейхстаг пештоқига қизил байроқ тикдилар. Каримжон Исҳоқов яқинларда ҳам Наманган ҳарбий комиссариатида ишлар эди, сўнгги вақтларда унинг фаолиятдан беҳабарман. Иккинчи байроқдор Г. Пўлатовнинг номи генерал В.М. Шатиловнинг “Рейхстаг устида байроқ” номли хотиралар китобида тилга олинган, аммо унинг ҳам кейинги тақдири ҳақида маълумот йўқ. Биз уларнинг тарихий жасоратини эслаб, ўзларини қадрлаймиз.

Сталинград (ҳозирги Волгоград) қибласида, Тинч оқар Доннинг ўнг соҳилида “Ўн бир ўзбек паҳлавони кўрғони”, кейинги вақтда шу вилоят аҳолисининг зиёратгоҳи бўлмиш баланд чўққида ҳамиша янги-янги гулдаста турари, унда кечаси машғала порлаб, кундузи мусиқа янграйди. Бунинг боиси нима?

Фарбдан Сталинградга чекинаётган ўқчи полк, ўнг қирғоқда арьбергارد рота қолдириб, Дон дарёсини шошилинч кечиб ўтди. Харьков атрофидаги, Донецкдаги жанглardan кейин Сталинградга ҳужум бошлаган фашистлар бизнинг арьбергари ротамиз тепасига бостириб келдию, тақа-тақ

тўхтади. Айниқса, “1152” белгили чўққи фашистларнинг кўзини очирмади. Бу тепаликни сержант Эрдонов бошлиқ ўн бир жангчидан иборат бўлинма ҳимоя қиларди. Ўн бир ўзбек паҳлавони мудофаа ҳалқасига айлантириб, етти кечаю етти кундуз немисларни Дон кўпригига яқинлаштирмади. Донни икки томондан кечиб ўтган немислар “1152” дўнглигини тўрт томондан тўп отиб, ҳаводан бомба ташлаб, тинимсиз ўққа тутди, аммо ўн бир баҳодир битта қолмай қирилиб кетса ҳамки, фашистларга таслим бўлишмади. Жанглар Дондан узоқлашгач, Старая Клецкая қишлоғи аҳолиси уларнинг жасадини ўша дўнгликка дафн қилди ва уни “Ўн бир ўзбек паҳлавони кўрғони” деб атади. Урушдан кейин бу ҳақда “Комсомольская правда” газетасида катта материал босилди. Республика раҳбари Шароф Рашидовнинг илтимоси билан мен воқеа жойига бордим, кўрдим, аниқладим-да, “Мангулик кўшиғи” номи қисса ёздим. Бу жанговарликни мадҳ этувчи қисса кўп тилларда босилиб чиқди.

Қиссанинг Эрдонов бошлиқ қаҳрамонлари асосан қашқадарёлик йигитлар эди. Бир гал Қашқадарё сафарига бўлганимда юртдошлари бўлмиш ана шу паҳлавонлар ҳақида суришгирсам, ҳеч ким уларни эслаш олмади. Ачиндим. Наҳотки Эрдоновлардай баҳодирларнинг афсонавий қаҳрамонликларини шунчалар тез унутиб қўйсақ! Афсус!

Минг шукрки, Президентимиз Ислам Каримовнинг Фармони билан “Хотира ва қадрлаш куни” эълон қилиниши ва пойтахтда Хотира майдони бунёд этилиши жанговар меросимизга лоқайд, бефарқ бўлишдай инсоний гуноҳга барҳам берди. Эндиликда халқимиз удумларидан бирига айланадиган “Хотира ва қадрлаш” маросими бебаҳо қадриятларимизни абадийликка дахлдор қилиб қўйиши турган гап!

## ЎЗБЕКЛАР СОВФАСИ

1943 йилнинг ёз ва кузида Москва бўсағасида офицерларнинг малакасини ошириш курсида ўқидим. Биз бу ерда янги ҳарбий техника билан танишдик. Курсни аъло баҳо билан тамомлаганимдан кейин, 5-гвардия танк армияси таркибидаги 21-гвардиячи моторлаштирилган-инженерлик бригадаси хизматига бордим. Бу ерда мен олти ойча штаб бўлимига бошчилик қилдим. Сўнгра танк армияси инженерлик қўшинларида штаб бошлигининг инженерлик разведкаси бўйича ёрдамчиси бўлиб хизмат қилдим.

Штабчилик иши анча қизик эди. Немисларнинг турлича ҳарбий инженерлик техникаси, янги хил миналар, иншоотларни ўрганиб, бу ҳақда армия командирлари учун қўлланмалар тайёрланарди. Бу орада Белоруссия немислардан тозаланиб, Болтиқбўйи районларини озод қилишга киришдик.

Литванинг Шауляй шаҳрида қизик бир воқеага дуч келганимиз эсимда: шаҳарнинг ўрта кўчасидан пиво кўпиклаб оқмоқда эди! Танклар сув кечгандай ҳар ёққа пиво сачратиб борарди. Билсак, немислар Шауляйни ташлаб чиқаётиб пиво омборларини тешиб кетишибди, заводдаги бор пиво кўчага оқиб чиқмоқда экан. Сапёрлар кучи билан цистерналар тешиги беркитилди.

Болтиқнинг муҳим порт шаҳри бўлмиш Клайпедани ҳам бир ҳамла билан эгалладик, аммо шаҳарга кириб портни қўлга олганимиздан кейин немислар бизни денгиздан тўлга тутиб, кўзимизни очирмади. Линкорларнинг ҳужуми айниқса даҳшатли бўлди, немисларнинг денгиз флоти қирғоқдаги танкларимизни гўё гугурт чўпидай чақиб ёндира бошлади. Клайпедани вақтинча ташлаб чиқишга мажбур бўлдик.

Иккинчи Болтиқ fronti қўшинлари таркибидаги танк бирикмаларимиз учун бу жанглар айниқса жуда оғир бўлди. Чунки танклар ботқоқликка чўкиб кетарди. Литва ботқоқликларида кўплаб талофат кўра бошладик. Болтиқбўйидан Белоруссияга, сўнг ундан Польшага қараб йўл олдик.

Бизнинг учинчи гвардиячи танк корпусимиз Польшанинг Млава шаҳрида сафларини ростламоқда эди. Шундай кунларнинг бирида халқимиз юборган совғаларни олдик. Улар ичида “фильм-концерт” ленталарию, ёзувчиларимиздан Ҳамид Олимжоннинг “Саккиз ботир” рисоласи ва Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор, Темур Фаттоҳ, Ойдин ёзган очерклар бор эди. Фронтга шу аснода етиб келган халқимизнинг яна бир улкан тухфаси Ўзбекистон меҳнаткашларининг жамғармасига сотиб олиниб, фронтга юборилган танклар колоннаси бўлди. Унда уч юз танк, ўзи юрар тўплар бор эди. Ўзбекистон меҳнаткашлари юборган танклар қабул қилиб олинган кун танк бригадамиз жангчи-офицерлари махсус қасамёд қабул қилишди.

Ўзбекистон халқига бир овоздан мактуб йўлланди.

Млава гарнизонининг бошқа қисмларида ҳам ўзбек халқининг бу нодир ёрдамига бағишланган митинглар бўлиб ўтди. Млава госпиталидаги митингда асосий сўзни мен айтган эдим. Кейин билсак, менинг акам — пулемётчи Умурзоқ Раҳимов ҳам шу госпиталда оғир ярадор бўлиб ётган экан. Орадан бир ҳафта ўтгач, ярадор акамнинг менга мактубини дала почтаси келтириб берди. Юз кўришолмаганим учун афсусландим. Илож қанча, фронтда бундай тасодиф-ҳодисалар кўп бўлган.

Ўзбек халқи юборган танкларнинг биринчиси старшина С. Тимофеевга, биринчи ўзи юрар тўп эса ўзбек халқининг фарзанди лейтенант К. Умаровга берилганди. Жангга кириш олдида менинг олдимга Тимофеев келиб:

— Танк тўпининг сумбасидан мана шу хатни топдим, ўқиб тушунолмадим,— деб менга сарғайиб кетган қоғозни берди.

Мен хатни ўқидим. У ўзбекча сўзлар билан катак дафтарчанинг бир варағига ёзилган экан.

“Ассалому алайкум, ўртоқ танкчи!— деб бошланар эди хат.— Мен бу танкни сизга, нотаниш танкчига юборяман. Фашистни янчинг, мажақланг! Менинг танким жуда ажойиб танк! Бу танк учун биз, ўзбек деҳқонлари пешона тери билан пул тўпладик. Буни ўз пулимизга Ўрол ишчилари ясаб беришди. Бу танк узоқ умрли, пишиқ ва

қудратли бўлсин! Менинг танким қандай жанг қилаётгани ҳақида менга хат ёзинг! Ўзингизни муваффақиятингиз ҳақида ҳам ёзиб туринг...

*Карим Нурматовларга*

## БИРИНЧИ УСТОЗИМ

Киши хотираси ўчмас муҳр бўларкан. Ўзимдан қиёс. Болаликда хотирлаб қолганларим ҳануз аниқ ва равшан ёдимда. Ана шулардан бири Исмоилхўжа Отахўжаев сиймосию зиёкорлик ишларидир.

Йигирманчи йиллар эди. Мен қишлоғимиздаги Саломат отиннинг эски мактабида “Мирзо Бедил” босқичини тугатиб, энди қаерда ўқиш, нима қилишимни билмай турган тўққиз-ўн яшар бола эдим. “Исмоил домлага бормайсанми?” дейишди. Қишлоқларимизда Исмоил домланинг номи жуда машҳур бўлгани учун уйимиздан уч-тўрт чақирим узоқда бўлган “ТОМ” тўрт йиллик мактабга бордим.

ТОМ дарвозаси олдида ўрта бўйли, хушбичим озода кийинган йигит мени кутиб олди:

— Келинг, ўғлон!— деди у хушфеъл, хуштабассум билан.— Ўқишга келдингизми?

— Исмоилхўжа домла Сиз бўласизми?

— Адашмадингиз, ўғлон. Қани, ичкарига кирайлик.

ТОМ бир бойнинг уйида жойлашган эди. Сирли, ойнаванд хонада ул зотнинг синовидан ўтдим. ТОМга қабул қилиндим. Домла жуда хушфеъл, хушчақчақ бўлиши билан бирга, нозик табиатли, хуснихат устаси эди. Ислоҳ қилинган араб алифбосида қуймоқ қилиб ёзарди. Кейин лотин алифбосига кўчганимизда ҳам ҳар бир ҳарфни қолипда қуйилгандай чиройли ёзар ва бизни ҳам эринмай ана шундай гўзал ёзишга ўргатарди. Биз, болалар ҳам устозимизга ўхшатиб ёзишга уринардик.

Кунларнинг бирида Исмоил домла мени хузурига чақириб “Энди ўзингиз муаллим бўласиз” деди. Ҳайрон бўлганимни сезиб, “Ростдан айтаяпман. Эртадан ўз қишлоғингизда бир синф аёлларга ўқиш, ёзишни ўргатасиз”, деди.

Ўша кезларда аҳолини ўқитишга ўқитувчи кам эди. Шунинг учун ўқиш, ёзишни биладиган мактаб болалари ҳам муаллимлик қилдилар. Ҳар кунги дарсни Исмоилхў-

жа домла ўргатиб юборар ва эртасига ҳисобот олиб яна янги методик сабоқлар бериб турарди.

Исмоилхўжа Отахўжаев тез орада бутун Кува туманида атоқли зиё тарқатувчи сифатида машҳур бўлди.

Унинг шогирдлари кундан-кунга кўпайиб отахўжаевчи муаллимлар авлоди пайдо бўлди. Отахўжаев зиёкорларнинг марказини ташкил қилиб, қадимги Кувадаги катта мактабга директорлик қилди, ҳам болаларни, ҳам ўқитувчиларни ўқитди. У жуда фаол жамоатчи ҳам эди. Теварак-атрофда юз берадиган барча жамоатчилик ишларида у бошқош эди. Тўйларда тўрда, йиғинларда сўз боши бўлиб, халқ меҳрини қозонган устозни ҳам уруш четлаб ўтмади.

Урушдан орден ва медаллар билан қайтиб келган атоқли педагог яна муаллимлик, директорлик ишларини моҳирона давом эттирди. Миллатпарвар жадидлар анъанасига содиқ бўлган маърифатпарвар Исмоилхўжа Отахўжаев қирқ йиллик фаолияти даврида юзлаб яхши ўқитувчи кадрлар тайёрлади. Бугун ул зот орамизда йўқ. Унинг шогирдлари бўлмиш олимлар, давлат-жамоат арбоблари, ёзувчилар, журналистлар, санъаткорлар ўзларининг бу ажойиб устозларини муносиб хотирламоқдалар.

Исмоилхўжа Отахўжаев каби миллатпарвар, маърифатпарвар инсонларни унутиб бўлмайти!

*1999 йил*

## ТўРТ УМР

Инсоният ўзининг беш минг йиллик ҳаётида ўн тўрт минг марта уруш кўрган. Лекин уларнинг бирортаси ҳам кўлами, жангларда қатнашган ҳарбий кучлари, қурол-яроғи, ғояси ва оқибат-натижаси жиҳатидан Иккинчи жаҳон урушига тенг келолмайди. Бу уруш 1418 кеча-кундуз давом этди. Ҳар дақиқада юзлаб, минглаб одамлар, ҳаттоки йўргакдаги гўдаклар ҳам беомон қирилди.

Урушда ўзбек халқининг бир миллион етти юз мингдан ортиқ йигит ва қизи иштирок этди. Улардан кўпи шаҳид кетди, 760 минг қаҳрамонимиз эса ғозий бўлиб юртимизга қайтди, ҳозир салкам юз минг ғозий Мустақил Ўзбекистонда яшамокда. Уларни биз тўрт ҳаётда яшаб,

тўрт умр кўраётганлар деб улуғлаймиз. Аллоҳга минг шукрки, улар қаторида мен ҳам мустақиллик нашъасини сураётганимдан, тўрт ҳаётда яшаб, тўрт умр кўраётганимдан бахтиёрман.

**Биринчи ҳаёт** — урушгача бўлган давр: болалик, ўсмирлик, ўқиш ва тирикчилик. Менинг болалигим етимликда оғир машаққат билан, бир бурда нон топиш гамида, айни чоғда орзу-умидлар сари интилиш руҳида ўтган. Умрининг энг навқирон чоғларини Ватан ҳимоясига бағишлаганман. Жангу жадал ва ҳамниша жанговар ишларда ўтган шарафли йилларимнинг ҳар дақиқаси бир умрга тенг воқеаларга бой бўлган. Шу боис ижодимнинг салмоқли бўлагини ўша кунлар қаҳрамонларига бағишладим.

**Иккинчи ҳаётим ва иккинчи умрим** ҳарбий хизмат билан бошланди, урушда ўтди.

Ҳарбий хизматга энг зарур буюмлар қатори иккита қалин катак дафтар билан бешта учи нишланган кимёвий қалам олиб борган эдим. Ўша дафтар-қаламларимни бешотарим ва жанговар ўқларим қаторида кўз қорачигимдай сақлардим. Имкони топилган дақиқаларда шеър машқ қилардим. Дафтаримнинг биттасини шеърларга тўлатдим. Аммо бирортасини ҳам бостиришга журъат қилолмадим. Ўша дафтар ҳамон сандиқда ётибди, яқинда варақлаб кўриб, ўзимдан ўзим уялдим. Аммо иккинчи дафтаримдаги сатрларни ўқигач, ёшлик гурури ёдимга тушди. Бу дафтаримда “Баҳодир” деб аталган поэманинг илк қораламаси бор эди.

Тажрибали командирлар раҳбарлигида ҳарбий инженерлик илми ва билимини ўргандим. Халқаро аҳвол кескинлашиб, чегарага хавф яқинлашиб келаётган вақтда 1939 йили ҳаракатдаги армия сафида эдим.

“Чегарадан ўтган думсиз ит”, “Шовлани ковлаганда”, “Фалакнинг гардиши” сингари ҳикояларим ўша вақтда ёзилган эди. Улар ўз вақтида Ўзбекистон ва ҳарбий округ газеталарида босилиб чиқиб, ўқувчилар эътиборини тортди. Кейинчалик мен ҳам ҳикояларни қандай ёзилган бўлса, шу ҳолича уч томлик танланган асарларимга киритдим.

Боя эслаганим — “Баҳодир” дostonим республика Ёзувчилар уюшмаси томонидан эълон қилинган мудофаа мав-

зусидаги бадий асарлар конкурсида иштирок этди. Достон иккинчи мукофотга сазовор бўлди (Биринчи мукофот ҳеч кимга берилмаган). Тошкентдан бу ҳақда хушхабар келгач, сапёрлар орасида тўй бўлиб кетди. Кейин асар “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” (ҳозирги “Шарқ юлдузи”) журналида босилиб чиқди. Шоир Ҳасан Пўлатнинг сўз бошиси билан Ўзбек Давлат нашриётида чоп этилаётган вақтда эса мен уни янги боблар билан тўлдириб, қўшимчалар киритаман, деб нашрдан тўхтатиб қўйдим, ammo вазият ўзгариб, янги уруш бошланиб кетди.

Финларга қарши бошланган лаънати урушида ҳам бошидан охиригача иштирок этдим. Бу уруш жуда оғир, жуда қийин бўлган эди. Аввало 50 даражали совуқ қишда, қалин қорли чакалакзор ўрмонлар ичида, уч ярим минг кўл ва кўлчалар оралиғида жанг қилишга тўғри келди. Бундан ташқари, финлар у жойларни жуда мустаҳкам қалъага айлантиришган, йўл-йўлақларга мина, фугаслар ўрнатиб, харсанг тошлардан тўсиқлар тиклаб, ораларига миналар қўйишган экан. Буларнинг бари “Маннергейм линияси” деб аталар, у турли мудофаа иншоотларига тўлдириб ташланган эди. Шунинг учун асосий оғирлик биз — сапёрларга тушди.

1939 йилнинг кеч кузида бошланган бу уруш бир юз беш кун давом этди. Мен уни акс эттирувчи хужжатли асар ёзиб, собиқ “Ёш ленинчи” (ҳозирги “Туркистон”) газетасида чоп этдим. “Юз беш кун тарихи” деб аталмиш ушбу очерклар туркуми Карелиянинг пастак ўрмонларида, эллик-олтмиш даражали совуқда қоғозга тушганди. “ДОТ” ва “ДЗОТ” деган ҳарбий инженерлик атамалари ўзбек адабиётига биринчи марта ана шу вақтда кирган. Кейинчалик ўзбек ҳарбий адабиёти ҳам пайдо бўлди, шу адабиёт орқали ўзбек китобхони мураккаб мудофаа ва ҳужум воситалари ҳамда қуроллари, уруш тактикаси ва стратегияси билан ошно бўлди...

1941 йил 22 июн куни мен туғилиб ўсган қишлоғимга бориб онамни Тошкентга кўчириб келиш учун тайёрланаётган эдим. Финляндия урушидан кейин армия сафидан озод бўлиб Тошкентга қайтгандим ва собиқ “Қизил Ўзбекистон” (ҳозирги “Ўзбекистон овози”) газетасида

иш бошлагандим. Уруш бошлангач, юк поездларига осилиб, Тошкентга етиб келдим. Мени кўчада ҳарбий комиссарлик одамлари чақирिқ қоғози билан кутиб турган эканлар, эргалаб йўлга чиқасан, дейишди.

Тунда газетада фашист босқинчиларига қарши бир саҳифа материал тайёрлаб, 23 июн сонидан бир нухасини кўлтиқлаб, эшелонда фронтга кетдим. Мени ҳеч ким кузатиб қўйишга улгурмади, бир ўзим “Адабиёт ва санъат” журналида босилган “Ёрим, яхши қол!” деган шеъримни хиргойи қилиб жангга жўнадим!..

“Урушда эсда қоладиган эпизод нима?” деб мендан тез-тез сўрайдилар. Бу саволга жавоб бериш жуда қийин. Урушдаги дақиқаларнинг қадр-қимматини ҳарбийлар, айниқса, сапёрлар жуда яхши биладилар. Урушнинг ҳар бир лаҳзасида олам-олам воқеа содир бўлиши мумкин. Мана шундай дақиқалардан бири менинг ҳарбий ҳаётимда ўчмас из қолдирди. У 1941 йилнинг кеч кузида юз берди. Мен 194-ўқчи дивизия инженерлик батальонининг сапёрлар ротасида эдим. Душман Москвага бостириб келаётганди. Немис танклари Протва сойи кўпригига келиб қолди. Мен бир гуруҳ сапёрлар билан Протва кўпригига мина қўймоқда эдим.

Фашист танклари кўприқдан ўта бошлаган пайтда уни портлатиб юбордик. Бу воқеа бир дақиқа ичида юз берди. Кейин Протва бўйида йиғилиб қолган фашистларни ўққа тутдик... Фашистларнинг шашти қайтди. Улар эртасига ҳам олға силжиёлмадилар. Бу ҳудудда бизнинг дивизия душман юришини тақа-тақ тўхтатиб қўйди. Ана шу бир дақиқалик ишнинг оқибати зўр бўлгани учун мен ва Василий Зотов медаль билан мукофотландик.

Мен хотирамда қолган уруш воқеаларини ҳарбий мавзудаги очеркларимда, “Чин муҳаббат”, “Фидойилар”, “Мангулик кўшиғи” каби насрий асарларимда, “Чақмоқ”, “Жоним фидо” пьесаларимда, “Фарҳоднинг жасорати”, “Қалбимда куёш” бадиий фильмларида тасвирлаганман.

... Ниҳоят, орзиқиб қутилган кунлар келди. 1945 йил май ойининг тўққизинчи куни фашист қўшинлари тамомла енгилди. Бу тарихий кун ғалаба байрами санасига айланди.

Ватанимиз мустақиллигининг Бош меъмори Олий Бош қўмондонимиз Президент Ислам Каримов 9 Майни Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилдилар. Бу Фармон Иккинчи жаҳон урушида фашизмга қарши курашиб ҳалок бўлганларнинг, мамлакатимиз озодлиги ва мустақиллиги учун жон берган Ўзбекистоннинг барча ўғлонлари хотирасини абадийлаштириш муҳимлигини назарда тутган ҳолда, бугун ҳам сафларимизда туриб Ватан обрў-эътиборини юксалтиришга, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга ҳисса қўшаётган барча кишиларнинг ҳурматини жойига қўйишда муҳим ҳужжатдир.

Собиқ фронтчиларга ўн минг сўмдан пул мукофоти бериладиган бўлди. Бу жуда савобли иш учун Президентимиздан миннатдормиз.

Менинг учинчи ҳаётим урушдан кейинги тинч қурилиш жараёнида ўтди. Умримнинг бу даврини уруш ва тинчлик қаҳрамонларини куйлашга бағишладим.

Мен бугунги ўзбек адабиёти ва санъатининг кўзга кўринган вакиллари орасида собиқ жангчи-ижодкорлар борлигидан фахрланаман. Уруш Қаҳрамони, халқ рассоми Самиф Абдуллаевнинг, атоқли ёзувчи Шухратнинг, жанговар адиб Вали Фафуровнинг, адабиёт ва меҳнат фаришлари Мумтоз Муҳамедов, Жуманиёз Шарипов, Шоислом Шомуҳамедов, тиним билмас фронтчи-шоир Назармат ва фронтчи-танқидчи Матёқуб Қўшжоновларнинг номини ифтихор билан тилга оламан.

Оҳангаронлик Жаббор Эргашев уруш йиллари окопларда қўшиқларини куйлаб юрарди. Урушдан кейин ҳам қўшиқ, мусиқа унинг ҳамроҳи бўлиб қолди. Неча йилдирки, у Оҳангаронда маданият уйи қошидаги “Оҳантрабо” халқ чолғу ансамблига бадий раҳбарлик қилди. Тўққиз фарзанднинг отаси, қўша-қўша набираларнинг бобоси. Аммо битта катта армони бор. У ҳам бўлса, ўзбекча ҳарбий-ватанпарварлик қўшиқларининг жуда камлигидир. “Бу соҳада шоирларимиз, композиторларимиз ижрочилар, тингловчилар олдида ҳамон қарздор бўлиб қолмоқдалар”, — дейди Ж. Эргашев. — Шу боис ўзим сапёрлар ҳақида қўшиқ яратганман. Донгдор сапёр, уруш қаҳрамони Самиф Абдуллаевни эса ҳаммамиз яхши таниймиз. У ҳар дақиқа жонини ўлимга тикиб, ажал комида жанг қилган бениҳоя

моҳир, баҳодир сапёрлик жасорати туфайли қаҳрамон бўлган одам. Урушдан кейин бир сафар Самиф Абдуллаевни ўз устахонасида Собир Раҳимовнинг портретини яратётганда учратдим. Уруш Қаҳрамони, генерал Собир Раҳимов унинг учун энг қадрли одам эди.

1943 йил сентябрида қўшинлар ҳужумга тайёрланарди. Сержант Самиф Абдуллаевни уч сапёр ҳамроҳлигида ҳужумга йўл очиш учун юбордилар. Абдуллаев гуруҳи фашистлар истеҳкоми остонасида тўрт соат ер бағирлаб ётди, вазиятни аниқлагач, киши билмас, кўз илгамас даражада моҳирона ҳаракат қилиб, душман миналаштирган майдонда танкларимиз учун тўрт жойдан йўл очди ва ҳужумга ўтган танкчиларимизни шу йўллардан душман теласига ўтказиб юборди.

Абдуллаев бошлиқ сапёрлар аланга ичида юриб ҳозиргача учрамаган механизмли нотаниш миналарнинг “тишини” суғуриб, ҳужумга ўтган қисмларга кенг йўл очиб бердилар.

Урушда кўрсатган жасоратлари учун Самиф Абдуллаев 1944 йил 16 майда Қаҳрамон унвонига сазовор бўлди. Мана, эллик йилдирки, кўкси орден ва медалларга тўла rassom ўзбек тасвирий санъатига хизмат қилляпти.

Жасоратли ёзувчи Вали Фафуров ҳам жанларда ватанпарварлик ва жасорат намуналарини кўрсатди. 1943 йил октябрида икки кўзидан айрилиб, уйига қайтди. Ожизлик унинг қўл-оёғини боғлаб қўйганди. Бу тақдирга қўнмади, ожизлар учун чиқарилган бўртма нуқтали ҳарфларни ўрганди, шу соҳада ўқитувчилик қилди, шу ҳарфлар билан китоблар ёзди. У Шухрат Аббосов иккимиз яратган “Қалбимда куёш” кинофильмининг қаҳрамонидир. Кейинчалик Вали Фафуровнинг “Вафодор” романи, бир неча қисса ва ҳикоялари босилиб чиқди. Унинг асарлари мустақил давлатимиз ёшларини Ватанга садоқат руҳида тарбияламоқда.

Уруш йиллари фронт орқасида яшаб, фронтчасига ишлаган, қўшинларимизга қурол-яроғ, кийим-кечак, озиқ-овқат етказиб берган ватанпарварлар ҳам ўзига хос матонат кўрсатдилар. Шу боис фронтга кетган ўзбекистонлик бир миллиондан ортиқ йигитнинг ўрни бўш қолмади, уларнинг иш жойини кекса ота-оналари, укалари эгалладилар. Бундан ташқари, Ўзбекистон аҳолиси Ўрол заводларига ҳам ишчи батальонлари юборди. Ўн минглаб

Ўзбек ишчи ва деҳқонлари Россия қишининг оғир шароитида фронт учун қурол-яроғ тайёрладилар.

Ўзбекистон фронтдан анча олисда бўлса ҳам фронтча ҳаёт кечирди.

Меҳнаткаш халқ ҳеч нарсасини, бор бисотини фронтдан аямади. Ўзи емай-ичмай, кийинмай, топганини ғалаба учун ҳадя қилди. Маҳаллаларда, қишлоқларда ярадор жангчилар учун қон бериб турдилар. Мудофаа фронтига ихтиёрий пул бериш, жангчилар учун иссиқ кийимлар йиғиш, “Фашистларни аёвсиз қираётган жангчига” совға халталари юбориш, фронтчиларнинг оилаларига ёрдам кўрсатиш оммавий тус олди.

Меҳмондўст ўзбекларнинг уйлари фронт ётоқхоналаридай ҳаммани — кўчирилган заводлар ишчиларини ҳам, эвакуация қилинган оилаларни ҳам, етим қолган болаларни ҳам бағрига олди. Тошкентлик темирчи Шоаҳмад Шоаҳмудов урушда етим қолган, кўчириб келинган 14 болани ўз тарбиясига олди. Унинг рафиқаси Баҳри опа бу болаларга туққан онасидай меҳрибонлик қилди.

Мана, ниҳоят янги ҳаётимиз — Истиқлол ва Мустақиллик даври бошланди. Бу мен учун *тўртинчи умр* деб ҳисоблайман. Бу ҳаёт биз кексаларни ҳам яшартириб юборди. Истиқлолга эришгач, қайта туғилгандай, умримизга умр қўшилгандай бўлди! Биз қолган умримизни Ўзбекистон давлати мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида сарфлаймиз!

1995 йил

## УНИНГ СИЙМОСИ КЎЗИМ ОЛДИДА

(Шуҳратни эслаб)

Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳеч ким ғалабага ҳисса қўшмай четда тургани йўқ. Кўпчилик қатори ёзувчилар ҳам бир қўлида қурол, бир қўлида қалам билан жанг қилган эдилар. Уларнинг кўплари — Султон Жўра, Оқилхон Шарофиддинов кабилар жанг майдонларида қурбон бўлдилар, кўплари ярадор бўлиб қайтдилар. Уларнинг кўкраклари орден ва медаллардан ёниб турибди.

Анчагина ёзувчиларимиз фронтларда кўрган-кечирганлари, сафдош қаҳрамонлари ҳақида китоблар ёзиб келди-

лар ва ҳозир ҳам баракали ижод қилмоқдалар. Ана шундай фронтчи ёзувчилардан бири Шухратдир. Таниқли шоир, кўзга кўринган романчи, драматург Шухрат (Ғуломжон Аминжон ўғли Олимов) Армиямиз сафида садоқат ила хизмат қилиб, Ватан ҳимоячиси сафларида ном чиқарди.

Эндигина шеър машқ қилаётган Шухрат 1940 йилда Қизил Армия сафига чақирилди ва кўшинларда аскарый хизмат қилиб турган пайтда фашизмга қарши урушда иштирок этди. Гитлерчи босқинчиларга қарши курашда чиниққан Шухрат солдатликдан капитан унвонигача ўсди, жангчиликдан ўқчи батальон командири даражасига етди. Жангларда уч марта яраланди, яраси биттач, яна фронтларга, жангларга кирди.

Мен бу оташин қалб эгаси, жангчи шоир билан урушдан кейин ёзувчиларнинг Тошкент шаҳар Биринчи май кўчасидаги маҳкамасида учрашгандим. Мен урушдан кейин Германиядан эндигина қайтиб келгандим, Шухрат эса, мендан аввалроқ қайтиб келиб, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг “Шарқ юлдузи” журналида ишлаётган экан. Иккаламиз ҳам бир-бировимизни аввалдан китоблар орқали билардик, асарларимизни ўқиб ғойибдан таниш эдик. Мен аскарликда юрган чоғларимда унинг оҳанграбо, дилрабо шеърларини кўпинча “Ёш ленинчи” газетаси саҳифаларида ўқиб турардим.

Биринчи учрашувимиз икки қуролдош қадрдон қаламкашларнинг учрашувидай илиқ бўлди. Нимагадир гапимиз фронт ҳаёти ҳақида бошланиб кетди. Фронт ҳаёти тўғрисидаги гапимиз уруш қаҳрамонлари тўғрисида ёзилган ва ёзилажак асарлар мавзусига уланиб кетди. Шухрат ҳам, мен ҳам бир жабҳада — уруш ва тинчлик мавзусида ижод қилаётган эканмиз. Дўстлигимиз ана шу онлардан бошланиб, қадрдон бўлиб қолдик.

Шухратнинг ёшлиги қатағонлик йилларида нотинч ўтганини билардим. Мен ҳарбий хизматда юрган вақтларда бир неча илғор фикрли зиёлиларимиз қатори зукко шоиримиз Шухрат ҳам тутқун бўлганди. Унинг ҳақида газеталарда туҳматлар ёзилиб турди, ёзувчилар қаторидан ўчиришди, ҳатто “Сибир қилиб юборилди” деган гапларни эшитиб ачиндим. Чунки унинг айби йўқ экан, келиб чиқиши савдогар, уйдаги турмуши ўзбекона, ёзган шеърлари миллий руҳда, ўқийдиган китоблари орасида

Қодирий, Чўлпон асарлари бор эмиш. Ана шулар уни айбсиз айбдор қилган эди.

Иродали Шухрат бўҳтонларга ҳам, беш йиллик қамоқ азобига ҳам мардона чидаб, қаддини букмай, ижодини тўхтатмай ҳаёт билан ҳамнафас эканини кўриб, ўшанда унга бўлган муҳаббатим ошганди. Ўшандан кейин Шухрат билан ҳамкорлик қила бошладик.

Замонанинг зайли билан “Тулистон” журнали қайтадан тиклангач, мен муҳаррир бўлиб қолдим-да, унда ишгирок этишга Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ҳамда Шухратни таклиф қилдим. Улар жон деб ижодий ҳамкорлик қилдилар. Эркин Воҳидовнинг “Ўзбегим” шеъри қанчалик машҳур бўлиб, журналхон эътиборини қозонган бўлса, Шухратнинг Абдулла Қаҳҳор ўлими тўғрисида ёзган одаси шунча шов-шувга сазовор бўлди. Аммо бу шов-шув шоир Шухратни оқибатда хаста қилиб қўйди. Шухрат тенглошларига нисбатан ноҳақ камситилди.

Шоирнинг 50 йиллик юбилеи ана шундай шароитга тўғри келди. “Юбилей комиссиясини мана мен бошқарман” дедим-да, шоирни водий шаҳар, қишлоқларига бошлаб бордим. Учрашувлар юқори савияда ўтди. Тошкент матбуоти орқа-олдига қараб бўлса-да, шоир ҳақида мақолалар чиқарди, аммо водий газеталари зукко шоирни бўй-басти билан кўрсатиб мақолалар босди.

Комиссия номидан жангчи шоир, носир, драматург Шухратга халқ шоири фахрий унвони берилишини сўраб тавсияномалар бердик. Буни К. Яшин бошлиқ уюшмамиз қўллаб-қувватлади, аммо материал қаерлардадир йўқ бўлиб кетди.

Кейин ғалаба кунларининг бирида уюшма раиси марҳум Сарвар Азимов раислигида ўтган мажлисда бу масалани яна кўтардим. “Шинелли йиллар”, “Олтин зангламас”; “Жаннат қидирганлар” каби машҳур романлар муаллифи, қатор шеърий китоблар, “Беш кунлик куёв”, “Кўша қаринлар” каби комедияларни яратган, бетоб, ногирон ҳолида ҳам тинмай Ватан ишқида ёниб ижод қилаётган инсонни муносиб тақдирлашни қаттиқ талаб этдим, ҳатто эътиборсизлик учун уларни танқид қилдим.

Камсухан, камтарин шоир Шухрат Луначарскийдаги шифохонада даволаниб ётган жойида менинг ачиниб,

куйинганим учун раҳмат айтди-да, “Иброҳим ака, кўйинг, куйинаверманг, халқ билади, худо билса, бас...” деди.

Шоирнинг олтмиш йиллигида ҳам мен юбилей комиссиясини бошқардим. Буниси яхши кайфиятда ўтди. Шоирга Республика халқ ёзувчиси деган унвон берилди. Шаҳардаги тантаналардан ташқари Шухратнинг ўз ҳовлисида ҳам катта тантанали зиёфат берилди. Ҳамма шоирнинг вафодори Турсунойга, фарзандларига бениҳоя миннатдорчилик изҳор қилдилар.

Бугун умрини заҳматда, ижодий меҳнатда ўтказган ва меҳнатсиз туролмайдиган ижодкор Шухрат касалхоналарда бетоб ётган пайтларида ҳам қўлидан қаламини туширмади. Хасталик туфайли тили зўрга айланаётган пайтларда ҳам лирик шеърларни куйлаб, янги-янги асарлар ёзди. Шоирнинг бевақт ўлимидан сал аввал Ҳамид Фулом билан уни кўргани борганимизда бемор адиб кўрпада ҳам ёзиб ётганини кўрдик. Шухрат умрининг охирида янги роман ёзаётганини билдик. Унинг кўзлари нурсизланиб қолган бўлса ҳам, узоқ-узоқларга боқиб тургандай эди. Унинг гўзал сиймоси ҳамон кўз олдимда.

Зукко шоир Шухрат дўстларига садоқатли, оиласига содиқ, фарзандларига ниҳоятда меҳрибонлиги билан бошқалардан ажралиб турарди. Ҳатто сочининг “оқини ўзига олиб қолиб, қорасини фарзандларига берар”ди. Биз буни ҳар ишда, ҳар қаламда сезиб турардик. Оиласи ҳам уни ўн ҳисса меҳр-муҳаббат билан эъзозлаганининг гувоҳиман. Узоқ йиллар бетоб бўлиб ётган Шухратни ҳалоласи Турсуной янги куёвлардай оппоқ қилиб эъзозлаганидан ҳамма мамнун. Фарзандлари эса падари бузрукворини ҳеч нарсадан камситмай бошларига кўтариб ардоқлаганларидан ота рози кетганининг ҳам гувоҳимиз. Барака топишсин!

Шухрат орамиздан бевақт кетди. Ёши — авжи ижодий кучга тўлган чоғида кетди. Унинг кўпгина ижодий режалари, умид-армонлари рўёбга чиқмай ичида кетди. Афсус. Аммо ўзидан яхши ном қолдирди. Унинг номи ўчмайди, фарзандлари идрокида, асарлари саҳифаларида, китобхонлари дилида ҳамиша яшайди. У жўшқин, лирик ижоди билан орамизда юрибди!

1998 йил

## ЎЗ ДАВРИНИНГ ФАРЗАНДИ ЭДИ

Зимистон уйдан чиққан одам, ёруғликка кўниккунча кўзи қамашиб ҳеч вақони кўра олмайди. Худди шунга ўхшаб, Мустақилликка чиққач, бир муддат шошиб қолдик. Мана, энди яқин ўтмиш, шўро тузумининг исканжаси, ўша сиёсат, унинг асорат ва йўқотишлари ҳақида бир қадар муфассал фикр юритиш имкони туғилмоқда.

Инсон ҳаётида ҳар бир лаҳзанинг изи қолади. Шўро тузумику бутун бошли бир давр. Мана шу давр ичида туғилиб, униб-ўсган, шўро ғояларига садоқат билан яшаб, бу фожиянинг моҳиятини англамай ўтганлар бор. Уларнинг ҳаётини даврдан юлиб олиб ўрганиб бўлмайди.

Уларнинг ҳаёти ўз даври учун хос бўлган, шунинг учун ҳам ўша тузумнинг ҳукмрон сиёсати таъсирида фикр юритган, хулоса чиқарган, қилаётган ишини ҳам тўғри деб билган. Бугуннинг талаби бошқача — тарихга ва яқин ўтмишга миллат манфаати нуқтаи назаридан баҳо берилади.

Мен бугун ажойиб инсон, давлат арбоби, атоқли журналист, ёзувчи, ўз даврининг фарзанди ва унинг фожиялари қурбони бўлган Шароф Рашидов ҳақида сўз айтмоқчиман.

Шароф Рашидов Жиззахнинг Совунгарлик қишлоғида 1917 йилнинг 6 ноябрида туғилди. Кўз очиб, октябрь тўнтаришини кўрди, ақлини танигач, шўро мактабида таълим олди, Самарқанд университетини тамомлагач, фашизмга қарши урушга бориб, қирғинбарот жангларда ярадор бўлди, юртига қайтиб келгач, фронт ортидаги қайноқ ҳаётда фаолият кўрсатди.

Шароф Рашидов шахсида ёшлигидаёқ ҳушёрлик, сезгирлик, самимият, юксак ички маданият, эпчиллигу ишчанлик, талабчанлик сезилиб турарди. Шунинг учун у қайси лавозимда ишlamасин, тезда кўзга ташлана бошлади. Унинг фикрлаш қобилияти ва тафаккур дунёси кенг бўлиб, ҳар ишга ижодий ёндашар, дўстларга содиқ, одил ва кечирувчан эди.

Шароф Рашидовнинг “Қизил Ўзбекистон” газетаси муҳаррири, Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси бошқарувининг раиси сифатидаги фаолиятини яхши биламиз. Адиб раҳбарлигида чиққан газета ўша кезларда тили

Ўткир, диди юксак, энг ўқишли нашр эди. Унинг жонкуярлиги туфайли адабиёт ривож топди. Кўнгина қаламкаш ёшлар катта ижодга кириб келдилар. Шароф Рашидовнинг ўзи ҳам давр билан ҳамнафас руҳда замондошлари ҳаётидан шеърлар, қиссаю романлар ёзишга киришди ва бу соҳада ҳам чарчоқ билмади.

Шароф Рашидов нафақат ижодкор, балки мураккаб шароитда чорак асрча республикаимизга раҳбарлик қилган давлат арбоби, мураккаб тақдир эгасидир.

Йил бўйи тер тўкиб ишлаб, ҳар битта эгатга эгилиб, қорли-қировли кунларда сўнгги чаноқдаги бир чигитгача йиғиб-териб олиб, йиққан беҳисоб пахтаимизнинг момиги юқорига жўнатилиб, ғўзапояси ўзимизда қолгани ҳаммага аён. Бу даврда оғир саноатимиз ҳам тез ривожланди. Қимматбаҳо газ саноати пайдо бўлди. Газлида қазиб чиқарилган “зангори олов” сўнгги томчисигача Ўролга оқизилди. Мурунговда олтин кони очилди. “99.99” пробаги ботмон-ботмон бебаҳо олтинимиз пешма-пеш Москва хазинасига жўнатиб турилди, унинг чангидан бошқа хемираси ҳам ўзимизда қолгани йўқ.

Албатта, бундан халқимизнинг турмушига моддий ва маънавий таъсир деярли сезилган эмас. Ўролга газ юбориб, таппи ёққан ўзбегим, деган гаплар ўша даврдан қолган. Пахта яккаҳоқимлиги ҳам ўша йилларда юзага келган. Бунга, биринчидан, Марказ зуғуми сабаб бўлган бўлса, иккинчидан бу — республика раҳбарининг мавжуд имкониятларни инobatга олмай, Компартияга, Москва юлдузига садоқатини намойиш этиш учун бўлган интилиши оқибати эди. Негаки, юқорининг кўрсатмасини бажариш шараф ҳисобланар эди.

Шу вазиятда зилзилада вайрон бўлган Тошкентни қайта тиклаш, кўп миллионли харажат эвазига Марказий Осиёда биринчи Тошкент ер ости поезди йўлини қуриш, Халқлар дўстлиги саройидай, тарих музейидай кошоналарни барпо этиш осон эмас эди, албатта.

Қадриятларимизни йўқотиб қўймаслик, сўниб бо-раётган она тилимизга жон киритиш ҳақида ҳам Шароф Рашидов кўп ўйлар эди. Кунларнинг бирида у киши мени хузурига чақириб, “Ёпиб қўйилган “Тулистон” журналинни қайта тикламоқчимиз. Шу журнални

сизга топширсак, нима дейсиз?” деб сўраб қолди. Таклифга рози бўлдим. “Гулистон” журналини бутун жамоа бир ёқадан бош чиқариб тамомила оҳорли, соф ўзбекча, яхши қоғоз, венгер бўёғида чиқардик. Биринчи сонидаяқ қадриятларимизни қадрлаб, улуғ бобокалонимиз Амир Темури, Улуғбек, Беҳзод каби ўлмас сиймолар ҳақида ҳикоя қилдик. Чўлпон, Абдулла Қодирий, Беҳбудийлар ижодидан намуналар бердик. Эркин Воҳидовнинг “Ўзбегим”, Абдулла Ориповнинг “Юзма-юз”, Расул Ҳамзатовнинг ўта миллий “Менинг Доғистоним” асарларини эълон қилдик. Халқ орасида умид пайдо бўлди. “Темур тузуклари” чоп этилганда эса журнални одамлар кўзларига суртдилар. Аммо бу тонгги қуёшга тош отувчилар ўзимизда ҳам, ташқарида ҳам кўпайиб кетди. Тожикистонда чиқадиган “Садои Шарқ” журнали икки халқ орасини бузувчи мақола чоп этгач, Шароф Рашидов мени Тожикистон раҳбарлари билан учрашиш учун Сталинобод (ҳозирги Душанбе)га юборди. Аввал республика раҳбари Расулов ҳамда шоир Мирзо Турсунзода билан учрашдим, кейин Абулқосим Лоҳутийнинг юбилей кечасида сўзга чиқдим-да, ўзбек-тожик икки тилли, бир дилли, туғишган халқ эканини, ўзбек шоири Фафур Фуломнинг номи ўзбекча, фамилияси тожикча, тожик шоири Мирзо Турсунзоданинг исми тожикча, отасининг номи эса ўзбекча эканини мисол келтирдим. “Ўзбек-тожик ана шундай чатишиб кетган. Помир тоғини қўлтиқлаб, океандан ҳатлаб олиб ўтиб бўлмаганидай, икки халқнинг бу азалий дўстлигини ҳам бузиб бўлмайди!” дедим. Ҳамма, шу жумладан, Тожикистон раҳбарлари ҳам бу гапларни очиқ чеҳра билан қабул қилдилар. Аммо давр нозик эди. “Тиниб-тинчимас”лар “миллатни уйғотадиган бош муҳаррир”ни “пастдан юқори” кўтариб, “Литературная газета” мухбирлигига ўтказиб юбориш билан тинчландилар.

Давлат, партия ва жамоат ишлари билан беҳад банд бўлишига қарамай, шоир қалби, ёзувчи идроки уни тинч қўймасди, у тинмай ижод қилар, бадиий ижодни салмоқли давлат ишлари билан бир вақтда ва баб-баравар

олиб бора биларди. Ана шу ўзига хос хислатлари билангина у ўз замондошлари ҳақида, ўзи кўрган, ўзи билган ва бевосита иштирок этган воқеаю ҳодисалар ҳақида “Ғолиблар”, “Кашмир кўшиғи”, “Бўрондан кучли”, “Қудратли тўлқин”, “Дўстлик байроғи” каби шеърӣй китоблар, қисса ва романлар ёзди. Албатта, бу асарларнинг аксарияти ўз умрини коммунистик мафкура ва унинг одамни оқ-қорага ажратувчи синфий ғоялари билан боғлаган эди. Яъни, уларда ўша давр кишилари, ўша давр ҳаёти ифода этилган.

Шароф Рашидов ҳаёти ва фаолиятини ўша замона, ўша давр жараёнидан ажратиб олиб тасвирлаб бўлмайдди. Негаки ўша вақтдаги кўп миллатли давлат “совет иттифоқи” деб аталса-да, унинг ўзагида иттифоқ йўқ эди. Бутун ҳокимият Комфирқа Марказий Қўмитаси қўлида бўлиб, иттифоқдош республикалар ўртасида ҳам тенглик йўқ эди, унда “катта оға” деб ном олган хўжайин бўлиб, барча бойлик уларнинг хазинасига — Москвага оқиб борарди. Бунга зиғирча эътироз билдирган, салгина мустақил иш қилган республикалар раҳбарлари дарҳол “Чет эл агенти” ҳисобланиб, ўз “республикасини СССРдан чиқариб, четга сотмоқчи” дейилиб, ҳибсга олинар, суд қилиб-қилинмай отиб ташланарди. Акмал Икромов, Файзулла Хўжаевларнинг сабабсиз отиб ташланиши фикримизга далилдир. Умуман, шўро тузуми раҳбарларининг биронтаси яхшиликча ишдан кетган эмас. Ким қулоғини қимирлатган бўлса, “урилди”, турли хил усулларда бадном этилди. Ким ўзини бу ишлардан тийса, садоқат кўрсатса, мансаб, мартаба, унвонлар билан сийланди, умргузаронлик қилди. Бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир.



Шароф Рашидов ўша тузумга садоқат билан хизмат қилганлиги ҳеч кимга сир эмас, у сиёсий бюро аъзолигига номзод, икки марта “олтин юлдуз” билан тақдирланган эди. Аммо империяпараст мустамлакачилик раҳнамолари ва унинг маддоҳлари на буни, на Рашидовнинг садоқатини қадрига етгани йўқ. Шароф Рашидов ҳаётдан кўз юмгач, кўп ўтмай, унинг ўзига ҳам, гўрига ҳам тош отдилар, Москванинг буйруғи билан республи-

ка Компартияси Марказқўмининг машғум XVI пленуми чақирилди, Рашидовнинг юзига лой чаплаб, ўзбек халқининг мисқоллаб йиққан обрўйини тўқдилар, минг йиллик тарихини қора бўёққа бўяб қўйдилар. Собиқ биринчи котибнинг кечаги дўстлари бирдан душманга айланиб, оқни “қора” деб туриб олдилар. Ўша кезлар Зоҳиджон Обидовнинг “Муштум”да чиққан “Арслоннинг ўлими” масали ана шуларга халқ ғазаби ўтининг бир учкуни эди.

Республиканинг ўша пайтдаги раҳбарлари масал “қаҳрамон”ларини ўзлари деб билиб, мени Рига соҳилидаги ижод уйидан лўкиллашиб чақириб олишди, бюро исканжасида сўроққа тутиб, “Нега бизни қашқир деддинг?” дея дардаға қилишди. Охир-оқибат, ариза ёзиб “Муштум”нинг бош муҳаррирлигини топширдим.

Яқин ўтмишимизга хос фожианинг бир кўриниши ана шундай. Негаки, шўро давлатининг ўзи октябрь фожиаси билан бошланиб, зулм-зўравонлик, қатагонлик асосига қурилган эди. Улар “синфсиз жамият қурамыз” деб ишчилар синфидан бошқасини бирин-кетин йўқотишга киришган. Дехқонларнинг энг илғор қисми “қулоқ” қилиниб, синф сифатида тугатилди. Ўрта ҳолларни “саботажчи”ликда айблаб, қўлини қирқди. Зиёлилар “миллатчи”лик кишанида авахталарга ташланди, “учлик” ҳукми билан сўроқсиз отиб ташланди. Донишмандлар руҳонийлик, ишбошилар “халқ душмани” ниқоби остида йўқ қилинди. Донолар “космополитизм” занжирида кишанланди. Она тилимиз таҳқирланди, таъқибга учради. Собиқ СССРдаги барча миллатларни бир қолипга солиб, “совет халқи” деб юрита бошладилар.

Не тонгки, халқимиз бошига бахт куши қўниб, мустақилликка эришдик. Мустабидлик замонида яшаб фаолият кўрсатган халқимизнинг таниқли фарзандларига, уларнинг ютуқ ва камчиликларига холис баҳо бериш имконияти яратилди. Улар орасида давлат ва жамоат арбоби, ёзувчи ва журналист Шароф Рашидов ҳам бор.



ОГОҲЛИККА  
ДАЪВАТ



## ФАФЛАТ БИЗГА ЁТ

Машъум февраль воқеалари қонли калавасининг сирли, жумбоқли учлари кўринмоқда. Буни биз Президентимиз Ислом Каримовнинг чет эл ваколатхоналари ва журналистлари билан ўтказган суҳбатидан ҳамда “Халқ сўзи” газетасида босилган “Огоҳликка даъват” қилувчи “Февраль воқеалари” сарлавҳали мақола хулосаларидан кўриб турибмиз. Калаванинг чигал тугуни хорижда ўзини “исломий қалоскорлар” ва “демократлар” деб билган ганимлар ҳамда “Хезби таҳрири исломия”чилар қўлида бўлса, бир учи орамизга суқилиб кирган ва ичдан хуфия ҳамла қилувчи ижрочилар қўлида экани кўзимизни катта очиб, ҳаммамизни хушёр қилиб қўйди.

“Ёғочнинг юмшоғини қурт ейди”, дейдилар. Ўзбекистонни “юмшоқ ёғоч” деб билган ганимлар устунимизни бир тишлаб кўрдилар ва юмшоқ ёғоч эмас, метин қайрағочу пўлат чинорни тишлагандай бўлдилар. Портлашлар йўли билан ваҳимаю саросима тугдириб, халқни қўрқита олмадилар. Халқ севган юртбошига суиқасд қилиб, давлатни қўлга олиш нияти ҳам барбод бўлди. Ўзбек халқи ўз севимли йўлбошчиси атрофига метиндай жипслашиб олиш билан ёвузлар тажовузига мардона жавоб қилди.

Калаванинг хориждаги тугуни кимларнинг қўлида? Учасини биламиз.

Биринчиси. Гоҳ Афғонистон, гоҳида Чеченистону Покистонда илқиб юрган, Тожикистонда ўзбек батальони тузиб, Ўзбекистонни “озод” қилмоққа қасамёд этган ақидапарастдир. Унинг қўллари қон. Нияти ҳам қонхўрлик. У бундан уч ойча бурун Би-Би-Си радиосининг ўзбек тилида эшиттириш бўлими мухбирига интервью бериб,

“кези келса Ўзбекистонни қурол билан озод қилишга кучимиз етади” деган эди.

Тошкентда юз берган қонли феврал воқеаларида унинг қўли йўқ деб ўйлайсизми? “Кези келса Ўзбекистонни қурол кучи билан озод қилишга кучимиз етади” деган жаллод қайсидир пинҳоний кучларга ишонган экан-да.

Иккинчиси. Гоҳ Қора денгизнинг нариги соҳилида, гоҳ Оврупо шаҳарларида изғиб-хориб, Ўзбекистонни демократик давлат қилмоқчи ва унга ўзи давлатпаноҳ бўлмоқчи орзу қилиб, орзусига етолмай юрган аламзада кимсадир. Мен бу амалпарастни яхши биламан. У Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасида масъул котиб сифатида маош олиб, давлат машинасида куну тун талабаларни ўз атрофига “уюштиришдан” бўлак иш қилмас эди. Мен уни бир неча бор ёзувчилар жамоатчилигида муҳокама қилдирган эдим. Бир кун кузда у пахтакорларни пахта теримига чиқмасликка даъват қилди. Шу йўл билан пахта яккаҳоқимлигига қарши курашмоқчи бўлди. Деҳқонлар йил бўйи пешона тери билан ўстирган пахтасини, ўзининг ризку рўзини нима учун ва қандай қилиб териб, сотмас экан? Турган-битгани зарарку. Биз деҳқонларни уларга қулоқ солмасликка чақирдик.

Президент сайловларида у муқобил сифатида ўз номзодини қўйди. Биз ёзувчилар уни қўллаб-қувватламадик. У сайловда шарманда бўлиб, чет элга қочди. Четда ҳам бекор юрмади. Қашқадарёдан йигирма кишини ўқитаман, деб авраб, чақириб, ҳарбий тайёргарлик лагерида машқ қилдирди ва Чеченистон жанглирида пиштириб олиб, Ўзбекистонга кўпоровчиликка юбормоқчи бўлди. Хайриятки, улар унинг ёмон ниятларини билиб қолиб, ўз юртига қайтиб келдилар.

У яқинда “Би-Би-Си” радиостанцияси мухбирига берган интервьюсида сурбелларча “Тошкентдаги февраль воқеаларига менинг алоқам йўқ” дебди. Нега алоқаси йўқ бўлар экан, ахир у ўзини “халқларвар”, демократман деб даъво қиляпти-ку. Ўз халқининг бошига кулфат тушган экан, нега бекфарқ бўлади? Нега уни қоралаб гапирмади? Демак, унинг “демократ”лиги ҳам, ўз халқини севиши ҳам сохта.

Учинчиси. “Хезби таҳрири исломия” дир. Унга кўмакчи диний ақидапарастлар ҳам бор.

Улар Ислом динини сиёсийлаштириб, мусулмонларни космополитик оломонга айлантириб, мусулмон давлатлари чегараларини йўқ қилиб, бир замонлар араб истилочилари ўрнатган халифатни тиклаш хаёлида.

Халқимиз Ислом Каримовни яратганнинг ўзи бизга давлатланоҳ ато этди, деб билади ва у худо берган зўр қобилияти, қаттиққўл, мустақкам ирода, ўзбекона донолик билан халқимизга суянган ҳолда мислсиз куч-ғайрат, нозик дид-фаросат билан ўтмиши улуғ, келажаги буюк давлатга моҳирона раҳбарлик қилмоқда.

Ислом Каримовнинг аввалги асарлари янглиғ “Ўз келажагимизни ўз кўлимиз билан қураимиз” янги мумтоз асари бизнинг ўтқир куралимиз ва дастуриламалимиз бўлиб қолди. Миллатни асраш тўғрисидаги фикрларини ҳамма қўллаб-қувватламоқда.

Президентимизнинг инсонни улуғлаш ва улуғлар ибрати тимсолида ёшларни тарбиялаш, келажак авлодни ватанпарвар қилиб камол топтириш соҳасидаги буюк мақсади ҳаммамизга, айниқса, маҳалла оқсоқоллари зиммасига катта масъулият юклайди. Ҳар бир болакай, ўспирин, йигит-қиз отахонлар, онахонлар қанотида, меҳрибонлигию назоратида, эли, юртига муносиб бўлиб камол топмоғи муҳимдан муҳим!

Февраль воқеалари ёшу қари — ҳаммамизни хушёр торгитириб қўйди. Ҳеч қандай ганим хоҳ куралини қўйнида олиб, хоҳ диний ақидапарастнинг салласига яшириниб келсин, бизни ғафлатда қолдиролмайди. Кўр ҳам ҳассасини бир марта йўқотади. Биз ўзбеклар ўтқир кўзли Амир Темур, Мангуберди авлодларимиз!

1999 йил

## ШОҲИМАРДОН БАҲОДИРЛАРИ

Ардоқли оромгоҳга даҳшатли офат хуруж қилган ўша ташвишли тундан беҳабар бўлганим боис эрта тонгдан Водил оромгоҳига йўл олгандим. Фарғонадан чиқишдаги чорраҳада бир гуруҳ милиция пости йўлимизни тўсди.

— Орқага қайтинглар, кўприкларни сув олган, машина туғул пиёдага ҳам йўл йўқ!

Иложини топиб йўлга равона бўлдик. Шоҳимардан тобе бўлган Фарғона тумани маркази бўлмиш Водилга етганимиз сари воқеа ойдинлаша, фожиа гавдалана бошлади. Туман ҳокимлиги маҳкамаси, унинг ҳовлисию кўчаси югуриб-елаётган ташвишли одамларга тўла, телефонлар бир-бирига навбат бермай жиринглайди. Трубкаларда бақирӣқ-чақирӣқ, рациялардаги шовқиндан эфир чирсиллайди. Гўё осмонда қиёмат! Туман томлари устида вертолётлар бири бировини қувлаб ўтапти — гўё штурмчилар атакаси бошлангандай вазият.

Кўп уринишлардан сўнг дастлабки вазият билан ошно бўлдим. Тоғлар қўйнидаги Ойдинкўл музлигининг қуртлари саратон жазирамасига бардош беролмай, жойидан кўзғалиб, сув бўлиб пастга тушибди-да, ирмоқларни ҳамроҳ қилиб, дайди дарё бўлиб, кутилмаганда даҳшатли тўлқин ҳосил қилиб, тоғ харсангларини думалатиб, дуч келганни қўпориб, Шоҳимардонга ҳужум бошлабди. Кейин Оқсув, Кўксув дарёлари билан бирлашиб, уч юз кубометр сув қудрати тўсиқларни синдириб, дов-дарахтни кўчириб, 30 дан зиёд дам олиш уйи, чойхона, савдо дўконларини оқизиб кетибди.

— Одамлар, болалар тақдири... қурбонлар сони?..

— Мудҳиш хабарлар келяпти, аммо аниқ маълумот йўқ.

Маълумот тўпловчи штабчилар орасида оптимист ва пессимистлар ҳам бор эди. Мен дуч келган штабчи оптимист экан, менга “қутқарилди... қутқарилди...”лардан гапириб, даҳшат билан девдай олишиб, болаларни қутқариб қолган жасоратли одамлар ҳақида гапирди:

— Анваржон Тешабаев! Ана сизга қаҳрамон!— деди-да, мамнун ҳолда қўшиб қўйди,— жасорати нақд бир дoston!

“Ёш алоқачи” болалар оромгоҳининг бошлиғи Анваржон Тешабоев ўша ҳалокат кунда ҳақиқий журъат, шижоат ва жасорат кўрсатибди. Бунинг тафсилотини унинг ўз оғзидан эшитинг:

— Ярим кеча, аниқроғи, тунги соат 23.30... Шоҳимардоннинг Ёрдон қишлоғида жойлашган “Ёш алоқачи” болалар оромгоҳида осойишталик. Осмон мусаффо, юлдузлар чарақлаб кулиб боқмоқда. Оймома ҳам чехрасини очиб, тўрт томонга шўъла сочиб турибди. Не бўлдики, тўсатдан ойнинг юзи нақобланди, юлдузлар зимистон ортида қолди, йилт этган учқун кўринмайди. “Дарахтлар остида ҳанг-манг туриб эдим, оёқларим остида муздек илон гимирлагандай бўлди. Эгилиб қарасам илон эмас, муздек сув... ўзимни ўнглагунимча оёғим остидаги ер силкина бошлади. Нима бўляпти ўзи? Тепамга девлар келаятгандай. Нима у?— дедим ўзимга ўзим. Болалар жойлашган юқори томондан гўё баҳайбат алвастилар келаятгандай бўлди-да юрагимни ваҳима босди. Бейхтиёр “Тошқин-ку!” деб қичқириб юбордим. Овозимни ҳеч ким эшитмади. Болалар ухлаётган уйлар ҳалокат ёқасида эди...

Анваржоннинг ҳикояси шу жойга келганда тўхтаб қолди, ҳаяжондан нафаси ичига тушиб кетгандай бўлди. Тўшундимки, Анваржон бу воқеа тафсилотини тўла-тўқис айтишга ожиз эди. Буни ўзим аниқлаб олдим. Унинг ҳалокат ёқасидаги шижоати, матонати ҳақиқий жасорат эди.

Анваржон Тешабоев дарҳол ухлаб ётган болалар ётоқхоналарига ташланди, эшикларни катта очиб, “қочинглар, қочинглар! Сув босяпти...” деб қичқирди. Ширин уйкудаги болалар хавф-хатарни сезмай баъзилари хуррак отиб, айримлари пишиллаб нафас олиб ухламоқда эди. Анваржон калтак олиб каравотларга ура бошлади. Калтак учи теккан болалар сапчиб туриб хоналарига сув кираётганини кўргачгина турсикда, яп-яланғоч ҳолда эшикка югурдилар. Эшиклардан кираётган сув уларнинг йўлини тўсди.

Анваржон таёқ билан уйларнинг тепа томондаги орқа деразаларини синдира бошлади. Ҳаял ўтмай, оромгоҳнинг хизматчилари, тарбиячи, ошпаз ва бошқалар унга ёрдамга келдилар-да, сувда қолган болаларни орқа дера-

залардан ташқарига иргита бошладилар. Анваржоннинг бир ўзи тўққиз болани кучоқлаб деразадан улоқтирди. Бир зумда уйлар сувга тўлди, эшик-деразалар, ҳатто электр симёғочлари сув остида қолди. Анваржон билдики, ҳалокат даҳшатидан шунча болани қутқариб қолиш анойи эмас, аммо улар қутқаришлари керак эди ва қутқариб олдилар. Кийим-кечаклари лойга ботган Анваржон ва унинг ходимлари яланғоч болаларни тепаликка чиқариб олдилар.

— Шеригим йўқ!.. ўртоғим йўқ!..— деб қичқирди бир бола.

— А?!

Сув шовқинида ҳеч нарсани эшитиб бўлмасди. Анваржон болаларни бирма бир санаб чиққач икки бола камлигини билиб сув босган хоналарга югурди. Икки бола деразага ёпишганича сув босимига бардош бериб додлаб турарди, аммо уларнинг товуши ўзидан нарига етмасди. Анваржон уларни икки биқинига қисганича сувдан сузиб тепаликка аранг чиқиб олди.

— Қаёққа борамиз?

— Тепаликка! Фақат тепаликка!

Тепалаб бориб улар Ҳамза Ҳакимзода номли жамоа хўжалиги мол фермасининг молхоналарига дуч келдилар. Уйқудаги молбоқарлар яланғоч саратонда ҳам совуқдан дийдираган бола бечораларни ўз ўриндиқларига, очик ва ёпиқ ферма хоналарига жойладилар.

Ана шундай қилиб, “Ёш алоқачи” болалар оромгоҳида дам олаётган жами болалар қутқариб қолинди.

Ўша куни Фарғона туманининг жами аҳолиси қутқарувчи бўлиб ҳалокат майдонига чиқди. Тез орада зудлик билан Тошкентдан келган ҳукумат комиссиясининг наърасига жавобан теварак-атрофдан танкчи, автомобилчи, ҳарбийлар, сапёрлар, сув ости қидирувчилари кела бошладилар.

Шоҳимардонсой дарёсининг соҳилида ҳалокатдан сақланиб қолган чойхонанинг баланд сўрисида дам олиб ўтирган эдик, бир неча олачипор форма кийган юзлари ҳорғин, аммо кўзлари қатъий аскар йигитлар кириб келдилар. Кўлларида турли-туман қурол. Отув қуроллар эмас,

сапер аслаҳаларига ҳам ўхшамайди. Билсам, сув ости қидирувчиларининг аслаҳалари... Бирида санчқич, иккинчисида қисқич, учинчисида тўр тутилган қопқон, бошқаларида сувга чўкмас қолқонлар. Тушундим: улар сув остида чўкканларни қидириб топувчилар, сувда оқаётганларни кутқарувчи ва ўликларни қирғоққа тортиб олувчи аскарлар эдилар. Уларнинг руҳияти таранг, юзлари ҳорғин, кўзлари ғамгин эди. Улардаги бундай руҳиятни мен дастлаб Финляндия чакалакзорларида, Орша балчиқзорларида, Шарқий Пруссия чангалзорларида оғир ва ҳалокатли тенгсиз жанглардан кейин аламзада жангчилар юзида кўрган эдим. Билдимки, уларнинг оғир меҳнати устига мусибат алами юк бўлиб тушган. Ҳар қанча жисмоний юкни ҳам кўтариб, тоғни талқон қила олувчи қудратли йигитлар мусибат юкидан вазмин тортиб, ичдан бениҳоя қайғуда эдилар. Бунинг устига кечадан бери туз тотмагандай кўринар эдилар.

Аскар дардини аскар билади деганларидай, мен уларнинг ҳолатини тушундим-да, бизга келтирган бир лаган паловни уларнинг олдига элтиб қўйдим. Шерикларим ҳам буни тўғри тушундилар. Аскарларнинг кўзлари ёниб, чеҳраси кулиб, ниҳоятда роҳат қилиб палов ошаётганларини кўриб, ичдан мамнун бўлдик.

Бир оздан кейин уларни қидира-қидира зўрға топган карам шўрва етиб келди. Ҳимматдан миннатдор аскар йигитлар бизга ҳам қўшни тавоқ қайтардилар. Аскарлар пивасидан биз ҳам баҳраманд бўлдик.

1998 йил

## ҲАЛОКАТ ВА ЖАСОРАТ

*(Тошқинни тўсмоқчи бўлган Тўхтаҳон ҳикояси)*

— Ҳаётим Шоҳимардон билан боғлиқ,— дейди Тўхтаҳон.— Ота-онам мени Шоҳимардондан тилаб олган эканлар. Никоҳига ўн бир йил ўтса ҳамки, фарзанд кўрмаган эканлар-да, ўшанда. Отамнинг тоқати тоқ бўлиб, нолаи

фигон қилиб юрган кунлари тушида оқ либосли оқсоқол учраб, “фарзандингни қидираётган бўлсанг, Ҳайдар, Шоҳимардонга бор, болакайингни ўша жойдан топурсан,— дебди. Тирноққа зор падари бузрукворим башоратга бош эгиб, етти йил Шоҳимардон зиёратгоҳларига қатнабди. Ноласи осмонга, оҳи Худога етиб, Тангрининг илтифоти билан ота-онам уст-устига фарзанд кўра бошлабдилар. Аммо ниманинг аломатидирки, тилаб олган фарзандлари нобуд бўла бошлабди. Менга ҳомиладор онаизор тўлғоқда Шоҳимардонга бориб кўзи ёрибди-да, зиёратгоҳнинг оқ сув билан кўк сув сойлари туташган жойда кулоғимга азон чақиртириб, катта умидлар билан Тўхта-хон деб ном бериб, энди шуниси тўхтасин, деб Аллоҳга нола қилибдилар. Уларнинг ноласи вожиб бўлиб, мenden кейинги фарзандлари ҳам яшай бошлабдилар.

Бу воқеа қиссаси йўрғакдаёқ менинг дилимга жо бўлиб қолганди — Шоҳимардон мен учун муққалдас даргоҳ!

Эсимни таниганимдан буён мен бу азиз даргоҳнинг тошларига бош эгиб, Шоҳимардонни тавоблар, шифобахш кўк сув, оқ сувларида юзимни ювиб, оромижон сабосидан роҳатланиб ўсдим, улғайдим. Шоҳимардон — менинг оромижоним! Ростини айтай, биргина менинг эмас, тумонатнинг оромижони!

Жами жонзот сув ила ҳаво билан тирик, шу жумладан, табиатнинг улуғ маҳсули бўлмиш инсон ҳам обихаёт қулидир. Бу ҳақиқат таърифини Шоҳимардон оромгоҳларида такрор-такрор эшитгандим. Тоғлар бағридаги Шоҳимардон ажойиб табиати, мусаффо ҳавосию тезоқар кўк сув, оқ сувларининг шўх жилолари билан одамларни шайдо қилган маскан. У ёнинга қарасанг, осмонўпар тоғлар, бу ёнинга қарасанг, духоба янглиғ ястанган боғлар кўз қамаштиради, сени қуршаган оқ сув ила кўк сув дарёлари кулоғинга ажиб ва дилрабо кўшиқ шивирлайди. Сувга жўр бўлиб эсаётган майин ва нозик сабодан беихтиёр юзу кўзинг кулади. Турган-битгани оромижон даргоҳ!

Дейдиларки, одам ато замонидан бери қадамжо бўлган Шоҳимардонга не-не улуғ зотларнинг пойи қадами етган. Айтурларки, Сулаймон пайғамбар ҳам Ўшга борур чоғида тўхтаб ором олган.

Ёз бўлса, айниқса, саратонда бу жой одамларга лиқ тўлади. Гуруҳ-гуруҳ йигитлар, тўда-тўда аёллар, оилалар бола-чақалари билан дастурхон тузиб, гурунғ қиладилар. Топган жонлиқ сўяди, ҳар одимда қозон қайнаб, ош дамланади, ўйин-кулги авж олади.

Бу йилги ёзда Шоҳимардон, айниқса, гавжум бўлди. Инжиқ баҳор кетидан бирданига жазирама ёз бошланди. Икки сой соҳили болалар сайлгоҳига — лагерга айланди. Соя-салқин дала-ҳовлиларга бутун-бутун жамоалар кўчиб келди, чодир текиб, қапа қўндирганлар ҳам беҳисоб. Ҳар қадамда чойхонаю ошхона. Бозорчалар раста-раста, савдо-сотик авжида. “Кеп қолинг, оп қолинг, олмаганлар армонда, харид қилган дармонда”, дегувчиларнинг саноғи йўқ. Ана шундай кунларнинг бирида, еттинчидан саккизинчи июлга ўтар кечаси Ойдинкўл музхонасининг муз қуртлари кутурди...

— Оқ сув дарёси бўйида сайр қилиб юрганимда баногоҳ сув юзида ажиб маҳлуқотни кўриб қолдим. Не бўлди, нима экан, бу нотаниш маҳлуқот? Ўзим англаёлмадим, аммо қариялардан эшитганим ёдимга тушдида, “Муз қурти эмасмикан?”, деб ўйладим. Майда-майда, жонсиз. “Жонивор”лар ўша ёшликда эшитганларимни эслатди. “Сув қурти-ку!”, деб юбордим. Ҳеч ким эшитмади. Бу гапимни ҳеч ким эшитмаганидан ва уни ҳеч кимга айтмаганимдан афсусдаман, минг пушаймонман!

“Кейинги пушаймон — ўзингга душман” деганлари рост бўлиб чиқди. Ахир, аввалдан маълум эди-ку, — сув юзида кўз илғамас маҳлуқ кўринса, муз қурти пайдо бўлгани. Демак, муз қурти пайдо бўлгани, муз эриб, беҳад сув кўпайиши ва тошқин юз беришининг нишон бериши дегани эди. Ахир, 1912 йилдаги даҳшатли тошқин ана шундай юз бергани тарихдан маълум эди-ку! Ўшанда ҳеч ким унга бефарқ қарамаган ва катта ҳалокат хавф солаётганидан омма огоҳ қилинган эди.

Бу хавф-хатарни оммага ошкор қилиб, барчани ҳалокатга қарши курашга чорлаган Жалол Аминнинг номи ҳанузгача тилларда дoston, дилларда макон эди-ку. Нега унинг ишени сен қила билмадинг? Ўшанда Жалол Амин саратонда муз эриб, сув бўлиб пастга оқаётгани — эл

бошига ҳалокат хавф солаётгани ҳақида от чоптириб Шоҳимардон бағрида наъра тортгани ва ҳар томонга чопар юборгани маълум эди-ку. Эл-элатлар, чўпон-чўлиқ, бозорчилар ва сайёҳу саёҳатчилар жами бир бўлиб офатга қарши отланиб, ҳалокатдан кам қурбон билан кутулиб қолганликлари эсимиздан чиқдими? Бу гал ҳам шундай қилса бўлмасмиди? Бўларди! Сен лапашанг, калтабинлик қилдинг, ўз вақтида наъра торта билмадинг, эй, ношуд заифа! Мана энди тавбангга таян, гуноҳингни юв! Аммо нима билан ва қандай қилиб ювсан, қандай бўлмасин, ювишинг керак! Ювмасанг, охиратинг пуч. Сув балосидан кўра даҳшатлироқ ўт балосига дуч бўласан — унинг номи дўзах!.. Сувда оққан, лойга чўкиб, қумга ботиб, тошлар остида эзилган норасталар, бобо-момолар арвоҳи қулоғингда чириллаб, сени тинч қўярмикин? Гуноҳингни юв! Нима билан? У ёғини изла, ўйла, топ!

Кутилмаган, тасаввур этилмаган фалокат юз берди. Назаримда, ўша куни гўё осмон қулаб тушиб, ер-кўкка сапчиб чиққандай, Шоҳимардон мисоли денгиз булоққа айланиб қолгандай бўлди. Лоф эмас, бу даҳшатни кўрмаган кимса инсон таърифига ишонмайди, унинг ваҳшатини кўз олдига келтиролмайди. Не бадбахт қисматки, мен бу даҳшатни кўрдим, не касофатки, Шоҳимардон қиёматининг бегуноҳ гувоҳи бўлдим, деб билдим-да, ҳалокатга қарши югурдим.

Тахта уйлар оқяпти...

...Йўғон-йўғон харсанг тошлар бир-бирига қарсиллаб урилиб, дўқиллаб дума лаяпти...

...Одам... Лойқа ёвуз сел бир аёлни оқизиб, қўғирчоқдай ўйнатиб, гоҳ ётқизиб, гоҳ турғазиб, ўйнатиб бораяпти. Бирортасини ушлаб олишга ожизман. Сел шамоли мени сира яқин йўлатмайди. Гўё қутурган девлар, бадбашара жинлар йўлимга тўғон... Шу чоқ бир вақтлар мактаб болаларимни Ёрдон оромгоҳида дам олдирган эдим. У шундоққина кўл ёқасидаю дарё бўйидаги сўлим жойда эди. Бу йилги тошқин ўша жойдан ўтганини англаб, юрагимни ҳовучладим-да, югурдим. Ахир мен 73 ёшга кириб, қирқ йилдан кўп умримни

мактаб-маориф ишига, болалар тарбиясига бағишладим. Ҳамма бола — менинг ҳам болам! Тела томондан қараб етиб бордим у ақлдан озаёздим. Не бахтсизликки, оромгоҳнинг бинолари фарқ бўлиб, ўрнида лойқа кўл ва ҳовузлар билқилларди.

— Болалар қани? Ҳеч бир шарпа йўқ... Ҳо, ким бор?— Акс садо қайтиб келди. Кимсадан ном-нишон йўқ!

Додладим:

— Ҳо-ҳо-ҳо... Ким бор!..

Бир оздан кейин кимдир югуриб келди.

— Кимсиз? Ие, Тўхта опа, нима қилиб юрибсиз?

— Ҳамма бола фарқ бўлдими?

— Ҳаммаси эмас, бир қисми. Бошқаларини қутқариб қолдик,— деди оромгоҳ директори Мадалиев.

— Тезроқ гапиринг, юрагим ўйнаб кетяпти...

— Хушёрлик қўл келди,— деди-да, воқеа тафсилотини ҳикоя қилди. Кечқурун болалар дискотека уйидан чиқиб, ўз гуруҳларида уйкуга ётдилар. Мен телевизорда футбол кўриб, ушланиб қолдим. Ташқарига чиқсам, ҳавода қўзғалон, теvarак-атроф чироклари ўчган, зимзиё. Тўсатдан қандайдир нотаниш шовқин билан бадбўй қўланса ҳид димоққа уриб, ўқчитмоқда. Сел келяпти, сув балосидан сақлан, дегандай нидо эшитилди. Югуриб учта гуруҳ жойлашган гуруҳларга кириб “тревога” шовқини кўтардим-да, “Баландга қоч! Баландга”, деявердим. Уйғонмаганларни шапатилаб уйғотдим. Ходимлар ҳам ёнимга келди. Баъзи болаларни кучоқлаб, опичлаб ташидик. Болаларнинг жонларинигина сақлаб қолдик. “Ёрдон” оромгоҳининг ўрни энди “сассиқ ҳовуз” деса ҳам бўлади...

Бечоранинг кўнгли йиғлайдию кўзида нам йўқ. Овози бўғиқ, кулфат тафсилотларини тўлароқ гапирмоқчи бўлайдию, товуши томоғининг ичидаю тишларининг орасида қолади. Фақат “Қутқариб қолдик” деган сўзни такрорлайди.

“Қутқариб қолдик” деган икки сўз менга сен кимни, нимани қутқариб қолдинг, деган таънадек эшитилди. “Тўғри-да, мен нимани қутқариб қолдим. Бир вақтлар ўн олти яшар ўз ўғлимни сувга чўкиб ўлгани кўз олдимга келди. Ўз сеvimли ўғлингни ҳам қутқариб қололмаган но-

шуд нимани томоша қилиб турибсан, дедим-да, яна паст-ликка югурдим, дод солдим. Менинг номим Тўхта... Мени қутурган сувга босинглар... Номим Тўхта. Ахир авваллари ҳам Тўхтасин ёки Тўхтахон исмли одамларни балоғардон қилиб, сув қурбони қилганлар-ку. Ана... ана... Тошқин ҳам қурбонлиқ талаб қилиб қонсираб чириллаяпти. Йўлига мени ташланглар!..

Ҳеч ким қулоқ солмайди. Милиция ҳайдайди. Ҳамма мени сув бўйидан қувлайди. Ўзимни ташлайми? Гуноҳ! Ўз жонига ўзи қасд қилган бўламан. Мени одамлар ташласин. Ювиниб, тараниб, охори тўкилмаган либосларимни кийиб, бомдод намозини ўқидим-да, Фарғона тумани ҳокими Ҳамиджон ҳожининг ҳузурига кирдим. У бечора икки қулоғида иккита телефон, бирига “ҳа” деса, бирига “йўқ” дейди. Унинг олдига кирмоқчилар сон мингта. Телефон трубкаларини қўлидан туширмай туриб сўради:

— Сизникини ҳам сув босдимиз? Кимингиз оқди?

— Бу ҳалокатни тўхтатаман десангиз, мана мени сувга босинг. Исминим Тўхта! Сувга боссангиз тошқин тўхтайдди. Илгарилари ҳам бўлган-ку. Етмиш учга кирдим. Бола-чақадан тинчиганман. Ёшимни яшаб, ошимни ошаб бўлганман. Норастилар оқяпти. Бошқалар оқмасин. Менинг исминим Тўхта. Мени ташланг, сув тошқини тўхтайдди.

Ҳоким, бу қария эс-ҳушини йўқотди, деб ўйлади шекилли, доктор чақиртирди. Мен эса, соппа-соғман, дейман. “Тирик онахонни сувга ташлаб жинни бўлманми”, дейди. “Ишонинг, мен ҳам жинни бўлганим йўқ, гапим рост. Қарорим қатъий, ниятим астойдил!” дедим. Раҳбар эса “йўқ”дан бошқа гапни айтмайди.

Доктор келди. Қўярда-қўймай томиримни кўриб, қон босимимни ўлчади кетди. Мен ўз талабимдан қайтмадим. “Сувга босишдан кўрқсангиз, доктор, икки билагимдан борлиқ қонимни суғуриб олсин-да, тошқин гирдобига тўксин, ҳалокатни қоним тўхтатади, дедим ва билакларимнинг қон томирларини бўрттириб, докторга тутдим. Доктор ҳам мендан қочиб қутулди. Олдимда бир чойнак чой билан котибасини қолдириб, ҳоким ҳам ғойиб бўлди. Мени уйингизда турунг, деб элтиб қўйди.

Шоҳимардонга ҳукумат комиссияси келиб кетибди, орқасидан Президентимиз ҳам келди. Эл бошига тушган кулфатга қайғу изҳор қилиб, ҳалок бўлганларга дуои фотиҳа айлаб, бизга ҳамдардлик билдирдилар, зарар кўрганларга ёрдам берилди. Булар ҳам менинг яраланган юрагим азобини тўхтатолмади. Мен яна ҳокимга йўлиқдим.

— Биттаю битта тилагимни амалга оширинг, “аҳдим аҳд!”

Ҳоким ҳокимлигини қилди, менинг аҳдимни фойдасиз, деб топди, ўзимга раҳмат айтиб, ўша қурбонларнинг руҳи-покига қуръон тиловат айлаб яшасангиз ҳам савобга қоласиз, дедилар-да, уйимга элтиб қўйдилар. Ҳозир қўлимда тасбеҳ, дилимда тиловату хаёлим Аллоҳ мададида.

Тошқин оқибатларини битириш учун хайри-эҳсон кўтариб келиб, харобаларни тиклаб, ўпиришларни ямаб, жонфидо бўлиб ишлаётган, эл бошига кулфат тушганида ҳозир у нозир бўлиб астойдил ишлаётган ватанпарвар дўстларни ҳам барака топинглар, деб дуо қилишдан чарчаганим йўқ.

“Дўст билан обод уйинг, гар бўлса ул вайрона ҳам” деган эди шоир. Бу ҳақиқат тошқин вайрон қилган Шоҳимардонда, Кўк сув ва Оқ сув дарёлари соҳилларидаги харобаларни тиклашда намоён бўлмоқда. Инсонни йиқилганда таянчи, суянгани суянчи бўлиши керак-да.

Кўчалардаги автокарвонларни кўриб, Шоҳимардонга, Водилга ташилаётган юкларни, минг-минг ҳашарчиларни кўриб, юрагим яраси андак шифо топаётгандай бўладию, ҳалок бўлганларни эслаб, ўртанади.

Қарс икки қўлдан чиқади, деганларидек, биз ҳам яқиндагина Қува тумани Қақир қишлоғида селдан вайрон бўлган 15 та уйни тиклаб берган эдик. Ҳатто ҳокимимиз Ҳамидҳожӣ ўз маблағидан икки юз элик минг сўм сарфлаб, қувалик бева Муҳаррам онага олди айвон икки хоналик уй қуриб берди. Жабрдийда аёл сел вайрон қилган жойдаги янги уйига ўн тўрт кун ичида кўчиб кириб, яшамоқда. Шоҳимардондаги ҳалокатни эшитгани ҳамон у ҳам ҳамдардлик билдириб, баҳоли қудрат ёрдамга келди. Бутун вилоят, мамлакат кўмакка келди. Дўстларнинг

ҳимматини сўз билан тасвирлашга ожизман. Улар жасорату матонат кўрсатдилар.

Шоҳимардоннинг сув ювган масканларию дарёлари соҳилларида турли соҳаларнинг мутахассисларини, мамлакатимизнинг барча вилоятлари маркази билан келган кучли техника ва транспорт воситалари ишлаётганини кўриб кўнглим бир оз таскин топгандай бўлади, аммо йўқотиш миқдорию кўламини эслаб қалблар қайишади.

Не бахтки, мустақил юртимизнинг ватанпарварлари кўп экан. Беминнат ҳиммат ила мурувват кўрсатаётган одамларни кўриб ҳам қувонасан, ҳам ачинасан. Қувончим шундаки, бошингга кулфат тушганда мададга келган дўстларинг беҳисоб эканидан, дунёда яхши одамлар кўп эканидан бағринг бутун бўлади, беихтиёр қалбинг юмшаб, кўзинг қувонч ёшига тўлади. Зиёратгоҳ тикланиб, макон янада обод бўлишидан кўнглинг таскин топади. Аммо... сарфланаётган шунча маблағ, материал ва куч мамлакатнинг буюк келажаги учун, бунёдкорлик ишларига эмас, ҳалокат вайронасини ямашга сарфланаётганини кўриб, юрагинг ачишади.

Буни биргина мен эмас, кўпчилик ўзбек англаётганидан мамнун бўлмай иложим йўқ. Биргина мисол: Водил марказига “Мерседес-Бенц” юк машинаси, ағдарма машина тезлаб келиб, тақиллаб тўхтади. Кабина ичидан чиққан нуроний одам:

— Шоҳимардонга боряпмиз. Мана бу қоғозда ёзилган нарсани штабга бериб қўйинглар,— деди-да, йўлида давом этди. Қоғозда қуйидагилар ёзилган экан. “Табиий офат — кучли тошқиндан зарар кўрган ҳамюртларимизга Аллоҳ йўлида олтиариқлик Собиржонҳожи Мирзажонов, рафиқаси Тожинисо ҳожи она, ўғиллари Солижонҳожи, Абдуваҳоб, Абдувоҳид, Муҳаммадхалил ва Обиджонлар номидан табиий офат натижасида ўз яқинларидан айрилган ҳамюртларимизга чуқур ҳамдардлик билдириб, уларга Аллоҳдан сабру қаноат тилаб, ҳақларига дуои фотиҳалар қиламиз. Шу билан бирга, 3 минг 375 килограмм ун, 300 килограмм гуруч, 200 килограмм шакар, 150 шиша мой, шунингдек, кўп миқдорда нон, макарон, картошкаю сабзи-пиёз, қовун-тарвуз олиб

келдик. Шунингдек, техника билан ҳам кўмаклашгимиз келиб, рефрежератор, Мерседес-Бенц юк машинаси, КамАЗ автокрани, МАЗ самосвали инъом қиламиз. Оила номидан Собиржонхожи Мирзажонов имзо чекди.

Бундай саҳоватпеша, чин инсон, ҳақиқий дўстлардан мен қувонмай, ким қувонсин. Шу қувончлар кучиданми ёки Аллоҳнинг иродасими, мен тошқин гирдобига босилмай қолдим. Умримнинг охиригача, сўнгги қатра қоним қолгунча Шохимардон қурбонларига тиловат ила дуои фотиҳа айлаб, Шохимардонни қайта тиклаётган беминнат ҳимматли, саҳоватли кишиларни улуғлашга хизмат қиламан, омин!..

*1998 йил*

## МУНДАРИЖА

<b>Ифтихоримсан, Ватан!</b> .....	3
Дарёлар ўзанидан оқади .....	5
Тилимиз халқаро тилга айланмоқда .....	10
Она юртим, Наврўз муборак! .....	12
Элик одам оиласи .....	14
Андижоннинг дурдоналари .....	20
Хоразм Маъмур академияси иш бошлади .....	32
Иккинчи жаҳон уруши галабасида Соҳибқирон ибрати .....	40
<b>Ўзгич ва ҳаёт</b> .....	51
Фарғона бензинмо мойлари дунё андозасида .....	53
Ориятли одамлар аҳди (1, 2, 3-мақола) .....	63
Файзинг ошсин, Фарғонам! .....	90
Зангори олов денгизи .....	99
Чўнг олой чўққиларида .....	104
Қашқадарё замини мўъжизалари .....	116
Хоразм: уйғонаётган руҳ .....	123
<b>Турмуш чорраҳаларида</b> .....	131
Армон .....	133
Аёлларга ихлос қўйинг, эркаклар! .....	140
Китоб қадри, китобхон бурчи .....	148
Ўсимлик мойи нега танқис? .....	156
<b>Инсон хотираси ва қадри азиз</b> .....	161
Баҳодирлар хотираси — қалблар тумори .....	163
Ўзбеклар совғаси .....	171

Биринчи устозим .....	173
Тўрт умр .....	174
Унинг сиймоси кўзим олдида .....	180
Ўз даврининг фарзанди эди .....	184
<b>Огоҳликка даъват .....</b>	<b>189</b>
Фафлат бизга ёт .....	191
Шоҳимардон баҳодирлари .....	194
Ҳалокат ва жасорат .....	197

**Раҳим, Иброҳим.**  
P 33 **Орият ва матонат: (Публицистик мақолалар тўплами).**— Т.: “Ўзбекистон”, 2001.—208 б.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳимнинг мазкур китобидан адибнинг турли йилларда матбуотда эълон қилган публицистик асарлари жой олган. Уларда мустақилликка эришганимиздан сўнг мамлакатимизнинг турли вилоятларида халқ, юрт манфаати йўлида ўз бурчини ҳалол адо этаётган, моҳиятига кўра қаҳрамонлик дейишга арзигulik ишларни амалга ошираётган фидойи кишиларнинг ҳаёти ва меҳнати акс этган, аynи пайтда турмушда содир бўлаётган айрим камчиликлар ҳам қаламга олиниб, уларни баргараф этишга жазм қилинган.

Кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

С (Ўз)2

**Иброҳим Раҳим**

## **ОРИЯТ ВА МАТОНАТ**

*(Публицистик мақолалар тўплами)*

Тошкент — “Ўзбекистон” — 2001

*Муҳаррир Г. Каримова*  
*Бадий муҳаррир У. Солиҳов*  
*Техник муҳаррир У. Ким*  
*Мусаҳҳиҳлар Ш. Орипова, М. Раҳимбекова*

Теришга берилди 26.10.2000. Босишга руҳсат этилди 17.04.2001.  
Бичими 84x108/32. Шартли босма тобоғи 10,92. Нашр тобоғи 10,45.  
3000 нусха. Буюртма 71 Баҳоси шартнома асосида

“Ўзбекистон” нашриёти, 2001. 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.  
Шартнома № 124-2000.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси Тошкент  
китоб-журнал фабрикасида босилди.  
700197, Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1.

Узбекистон  
P.330



“ЎЗБЕКИСТОН”

